

МУНДАРИЖА

МОЗИЙГА БИР НАЗАР

- **Н.Муҳамедов.** Шоир Хаёлийнинг Занги ота фаолиятига оид шеър таҳлили 3
- **Н.Абдуллаев.** О некоторых тенденциях в эволюции Арабского общества..... 7
- **A.Ganiyev.** The government system of the Selangor state under the British empire 11
- **Ш.Тоҳтиев.** XX асрнинг охирида Эрон ислом республикасининг Форс кўрфази мамлакатлари билан муносабатлари..... 16
- **И.Турсунов.** Халқ оғзаки ижодидаги диний мотивларни ўрганиш масалалари..... 20
- **Ж.Бўриев.** Амир Темурнинг яқин Шарқ мамлакатларидаги ҳарбий сиёсати 25
- **Ch.Kurbanov.** XIX аср охирида Туркистон - Хитой чегараларида бож масалалари ҳақида..... 30

ҚУРЪОНШУНОСЛИК ВА ҲАДИСШУНОСЛИК

- **С.Абдуллаев.** Қуръон ва тафаккур 35
- **Н.Мусаева.** Ҳадисларда инсон ҳуқуқлари тафсили..... 40
- **Ф.Худайназаров.** Ҳадис ровийлари исмларини ўрганиш ҳақидаги китоблар 46

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

- **Г.Наврўзова.** Баҳоруддин Нақшбанд – ҳалоллик ва поклик тимсоли сифатида..... 49
- **Н.Туйчиева.** Увайс Қараний ва увайсийлик 55
- **Л.Хаитов.** Ҳаким Термизий – нафс илмининг назариётчиси..... 59
- **Н.Турабоев.** Имом Абулхусайн Қудурий – Ҳанафий фикҳи ривожига улкан ҳисса қўшган аллома..... 65

ДИНШУНОСЛИК

- **Ҳ.Ахмедов.** Жамият маънавий муҳитини соғломлаштиришда диний маърифатнинг ўрни..... 70
- **Р.Уразова.** Гендер ва зардуштийлик..... 75
- **D.Kalandarova.** Виртуал маконда дин ва ижтимоий идентиклик таҳлили..... 80



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Бош муҳаррир:

Рустам ҚОСИМОВ

Нашр учун масъул:

Иродахон ГАФУРОВА

Таҳрир ҳайъати:

Шухрат ЁВҚОЧЕВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Зоҳидуллох МУНАВВАРОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Усмонхон АЛИМОВ
Абдуғофур АҲМЕДОВ
Дилшод ЭШНАЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:

Мўминжон ХЎЖАЕВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:

Разия МАТИБАЕВА

Бадий муҳаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Чоп этиш учун масъул:

Илҳом АШУРМАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:

Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iia.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг
02.12.2020 йилдаги 6058-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ислом тафаккури»дан олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари, Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилаётгани сабабли уни ножоиз жойларга ташламанг.

Босишга 15.04.2020 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. 0фсет усулида босилди.
Шартли 10,2 б.т. Буюртма:
Адади 100 дон.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

- **М.Абдупаттаев.** Абу Райҳон
Берунийнинг христианлик
тўғрисидаги қарашлари..... 85

ТИЛШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

- **R.Matibaeva.** Абу Ҳанифа сиймосининг
маноқибларда ёритилиши 89
- **Ф.Низамова.** Форсий шеърятда
қасида ва татаббу санъати 93
- **А.Эгамов.** Тасаввуфий тафсирилар
тарихи 97
- **М.Агзамова.** Тарихий
асарларнинг қиёсий таҳлилига доир
мулоҳазалар 100
- **Z.Arifdjanov.** Fors tilida qo'shma
fe'llarning ma'no guruhlari va
funktional ekvivalentlari 105
- **А.Абушаев.** Гуманистическая педагогика
в стихотворении Юсуфа Баласагуни
«Кудатгу Билиг» 110

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

- **Х.Алимов.** Сўфийликда билиш
жараёнларининг ўзига хослиги 114
- **G.Fuzailova.** Ўқитувчиларда педагогик
қобилиятни ривожлантириш 118
- **T.Sattarov.** Психологические условия
и механизмы духовно-нравственного
развития личности студентов..... 123
- **Д.Каттахонова.** Давлат бошқарувида
хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш
- мамлакат ижтимоий-иқтисодий
барқарорлигининг муҳим омили..... 128

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

- **Р.Джураева.** Дастурий восита
асосида талабалар билимини
психологик диагностика қилиш 133
- **Э.Хаитов.** Инновацион жараёнларни
самарали бошқариш – жамиятнинг янги
қиёфасини шакллантириш омили..... 138
- **А.Дадамухамедов.** Ахборот
хуружлари ва мафкуравий
таҳдидлар..... 143
- **Т.Жумаев, А.Маҳкамов.** Шахсни
таниб олишда тасвирдаги объект
белгилари самарадорлигини
ошириш 149

ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ

- **A.Ravshanov.** Исломолиясида
салам тижорат шартномасининг
қўлланилиши 154
- **А.Муминов.** Рецензия на книгу..... 159

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA”
кафедраси мудири, тарих фанлари
доктори, доцент.
e-mail: nematulloh@mail.ru

ШОИР ХАЁЛИЙНИНГ ЗАНГИ ОТА ФАОЛИЯТИГА ОИД ШЕЪРИ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ СТИХОТВОРЕНИЯ ПОЭТА ХАЙАЛИ ПО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЗАНГИ АТА

ANALYSIS OF THE POETRY OF HAYALI ON THE ACTIVITIES OF ZANGI ATA

Аннотация: Ушбу мақолада Яссавия тариқати машҳур намояндаси Занги ота (Ойхожа ибн Тошхожа, XIII аср) фаолияти ўрта аср манбалари асосида тадқиқ этилган. Шоир Хаёлий қаламига мансуб шеър ва қўлғизмаси таҳлил қилинган. Ушбу қўлғизма Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқишунослик институти Қўлғизмалар фондида сақланади.

Таянч сўз ва иборалар: Занги ота, занжи, занги, Хаёлий, Шош, қўлғизма, зиёратгоҳ, чўпон, мазор.

Аннотация: В данной статье на основе средневековых источников изучена деятельность известного представителя Яссавитского тариката Айхаджы ибн Ташхаджа, известный в народе как Занги Ата (XIII век). В частности анализированы рукописи и стихи поэта Хайали храняемые в фонде рукописей Института востоковедения имени Абу Райхана Бируни Академии наук Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Занги Ата, занджи, занги, Хайали, Шах, рукопись, святыня, пастух, могила.

Abstract: In this article, based on medieval sources studied activity of well-known representative of Yassawi Tariqah Ayhadzha ibn

Tashhadzha, popularly known as Zangi Ata (XIII century). Specifically analyzed manuscripts and poems of poet Hayaliy based on the manuscripts kept in the fund of manuscripts of the Institute of Oriental Studies named after Abu Raikhan Biruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Key words: Zangi Ata, zandzhi, zang, Hayaliy, Shash, manuscript, shrines, shepherd, grave.

Занги ота зиёратгоҳи Марказий Осиёдаги ноёб тарихий обидалардан бири бўлиб, у XII–XIII асрда яшаб фаолият юритган, ислом оламидаги мутасаввиф донишмандлардан бири – Ойхожа ибн Тожхожа номи боғлиқ. Занги отанинг асл исмлари Ойхожа ибн Тошхожа (ваф.1258 й.) бўлиб, яссавия тариқатининг машҳур намояндаларидан биридир. У Арслонбобнинг авлодидан (эвараси) бўлган. Бу зот қора танли бўлгани учун занги, ҳурмат юзасидан ва олий ҳимматлиги учун Занги бобо Ҳимматий деб аташган.

Занги отанинг халклар олдидаги улуг ифтихорий хизматлари, инсонларга кўрсатган юксак ва олиҳиммати, ул бузруквор шайхнинг тахаллуси (Ҳимматий) билан уйғун ва мутаносиб равишда тилга олинган [10:31-38].

Занги отанинг асл туғилган ва яшаган маскани Шош (Тошкент) вилояти бўлиб, Тошкент билан Қовунчи оралиғидаги Зангиота номли қишлоқдир (Занги ота Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги Зангиота маҳалласида туғилиб, ўсган деган тахминлар ҳам бор). Занги ибораси билан нисбат берилиши, у кишининг қора ранг бўлишининг рамзий ифодасидир [10:7].

Халқ орасидаги ривоятларга кўра, Занги ота номи улуг Шайх Хожа Аҳмад Яссавий томонидан берилган. Хусусан, адиб ва ношир Асрор Самад келтирган ривоятга қараганда, Тожхожа отанинг оиласида ўғил фарзанд туғилгач, у чақалоқнинг чилласи чиқиши билан Қовунчи яқинидаги қишлоқдан Ясси қишлоғига от отлаб, туя қўмлаб, қанча йўллар босиб келиб, гўдакни Яссавийнинг этагига солди. Яссавий чақалоқнинг оғзига туфлар экан, уни шундай дуо қилди: “Илоҳим, шу гўдаккинага илму маърифат ато қилгин, солих амалларни қилишида ўзинг қўллагин, токи келажакда улуг пир бўлиб етишгай. Модомики, бу гўдаккинани бизга назр қилибдилар, бизга бахшида

килинадиган барча хайрларнинг аввалини шу гўдакка бағишлаймиз”. Яссавий дуо ўқиб болани отасига қайтарар экан, ўғлинг занжи туғилибдур, ўзининг араб аждодига тортибдур, деб қўйган. Шу бўлибми ёки кейинроқми, боланинг исми Аҳмад Яссавий марҳамати билан Ойхожа деб аталган бўлса ҳам, уни эркалаб Занжи ёки Занги деб атайдиган бўлдилар [1:10].

Айрим қўлёзма ва тошбосма асарларда қайд этилишича, Шош вилоятидан чиққан йирик машойих – Занги отани маҳаллий аҳоли эҳтиром билан Занги бобо (Занги бува), дер эканлар [4:7].

Занги ота “подачилар пири” сифатида машҳур бўлганлари сабабли у кишини кўпинча Чўпон ота деб ҳам атаганлар [9:5-8].

Бу ҳақда тарихчи Фахриддин Али Сафий “Рашахот айн ал-ҳаёт” («Оби ҳаёт томчилари») асарида таъкидлаган: “Занги ота лаби қалин, қоп-қора киши бўлиб, олдиниға чўпон бўлиб, саҳрода Тошкент аҳлининг сигирларини боқиб (чўпонлик) подачилик қилар эдилар” [11:19].

Ривоятларга қараганда, Занги ота умр бўйи подачилик билан машғул бўлган ва жамоанинг мол-ҳолини ёз мавсумида Ғарбий Тяньшань тоғи қир-адирларига томон ҳайдаса, куз-қиш ойларида Сирдарё, Чирчиқ ва Салор дарёлари қирғоқларидаги тўқаю қамишзорларда боққан.

Айтиш жоизки, подачилик у пайтларда энг эъзозли касб-кор ҳисобланган. Айрим манба ва адабиётларга кўра [8:55, 7:279] “авлиёлар ва дарвешлар одатда қишлоқларда истиқомат қилишган ва табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлишган. Шу боис ер, ўсимликлар ва ҳайвонлар уларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутган. Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳаётини кузатганимиз-да, аксариятининг подачилик билан машғул бўлгани диққатни тортади” [8:55, 2:107].

Занги ота фақир ва дарвешсифат бўлиб, одамларнинг сигирларини боқиб, подачилик қилиб, ғарибона ҳаёт кечирган. Занги отанинг кундалик умри доимо саҳрода, подачилик билан ўтган. Намоз ва зикрни қанда қилмаган. Занги отанинг қароматлари ва фазилатларини Хожа Аҳрор, шоирлар Бобораҳим Машраб, Махтумқули, Камий Тошкандий ва бошқалар тилга олиб, шеър ва хотиралар ёзиб қолдирганлар, халқ ўртасида эса турли ривоятлар тўқилган.

Ана шундай шеърлардан бири шоир Хаёлий қаламига мансуб қўлёзма бўлиб, Шарқ

қўлёзмалари маркази фондида 4035/2-инвентар рақам остида сақланади. Ушбу шеър 7 саҳифадан иборат. Шоир Хаёлий (Имом қори) марҳум Абдулла Носиров таъкидига кўра [5:327-328] шеър ва адабиётда XIX асрда яшаган Ахтарийга шогирд бўлган. Ахтарийнинг исми –Афандихон Ортиқхўжа Эшон ўғли 1870 йил эшонлар оиласида туғилган. У Себзор даҳа Ҳовузбўйи маҳалласидан бўлиб, маҳалла мактабида Исматуллоҳ қорида ўқиб, саводини чиқарган, ҳам қори бўлган. Бекларбеги мадрасасида Домла Шомахмуд Охунда, Қўқон ва Бухоро мадрасаларида ўқиб хатми китоб килди. Шеър ва адабиётда устози Пирмуҳаммад Аълам (тахаллуси Котиб) домла бўлиб, форсий ва арабий шеърларга моҳир эди. “Ал-Изоҳ”, “Ислоҳ” каби диний журналларга ва “Садон Туркистон” газеталарига шеър ёзиб турган.

Занги ота фаолиятига оид ушбу шеър [13:82-88] шундай мисралар билан бошланади:

*Аё Занги Ота бул кун зиёрат қилгани
келдим, 82 б.*

*Муборак остонанга юзумни сургани
келдим.*

*Келиб ман кўп умид бирла мани ноумид
қилмангиз,*

*Идрокдин ман бориб чарчаб мадад сиздин
тилаб.*

*Манинг додимга эй шоҳим Худога
еткуринг оҳим,*

*Фидо бўлсун сенда жоним бугун дод
этгани келдим.*

*Тилаб ҳақни жамолин сизлардин
истионатни,*

*Қабул айланг зиёратни бугун арз этгани
келдим.*

*Юрубман зор саргардон тополмай
дардима дармон,*

*Юракда кўп эрур армон бу кун айтгани
келдим.*

*Яратган ул Худо ҳаққи, пайғамбарлари
ҳаққи,*

*Тамоми анбиё ҳаққи бу кун дод этгани
келдим. 83 а.*

*Умид кўндир ман осийни қабул айланг
дуосини,*

*Қилинг сиз дуосини бир муддао бу кун дод
этгани келдим.*

Бул ғазални ўқудилар ғазал собод девона,

*Қилгали бечора келдим қабрингиздан
ўргулай.*

*Бенаво ҳолимга боқиб амрингиздин
ўргулай,*

*Ул Худовандо қилибдур сизни табарруки
жаҳон.*

Кўриниб турибдики, Занги ота зиёратгоҳига кўплаб зиёратчилар келиб, ўз мушкулини осон қилишни ҳамда турли яхши ниятларини Яратгандан сўрашган. Фахриддин Али Сафий “Рашахот” асарида шундай ёзади: «Аларни Занги бобо ҳам деб айтулар. Ҳаким Атонинг асҳоби хулафоларининг аъзами ва ақдами эрдилар. Мавлид ва масканлари Шош вилоятида ва қабри мубораклари ҳам ул жойда турур. Халқ зиёрат учун ул ерга борурлар ва муродларига восил бўлурлар» [12:25].

*Қабр ичинда барқ уради ой ё офтоб,
Ой кунлар раишқ этди нурингиздан
ўргулай.*

*Бир гадо бенаво келди эшикка дод этиб,
Бир мадад айланг дуойи хайрингиздан
ўргулай.*

*Ман ётиб остонангизда йиғлаюрман субҳ
шом,*

*Бош урубон йиғлайин остонангиздан
ўргулай. 83 б.*

*Йиғласам қилгаймукин ёрдам мадад
Анбар она,*

*Бир мадад айланг дуойи хайрингиздин
ўргулай.*

*Ишқ ўти тушти юракка куйди жоним
йиғлайин,*

*Додима танг мазор дохингиздан ўргулай.
Пайғамбар элчисидир ул ҳазрат Жаброил,
Махлуқот ризқиға муаллақдир Микоил.*

*Маҳшар куни бўлганда сурун тортар
Исрофил,*

*Жонин олур барчани аввал ҳазрати
Азроил.*

*Қарор сабр йўқ манда нетай фазл карам
сенда,*

*Умидлар кўп эрур анда сени ҳар кунда
изларман.*

*Шароб ишқидин ичган бу дунё мулкидин
кечган,*

*Бу дунёдин чироқ ўчган сени ҳар кун
изларман.*

*Ўзим кўрган эранларни берибдур сени
коҳларни, 84 а.*

*Олибдурман жавҳарни сени ҳар кунда
изларман.*

*Илоҳо раҳматинг кўндур мани ноумид
эта кўрма,*

*Хаёлий йиғлабон этур сени ҳар кунда
изларман.*

Шоир Хаёлий ўз шеърини Занги ота зиёратгоҳи остонасига бош уриб келгани ҳақидаги мисралар билан бошлайди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Занги ота омма наздида зоҳид ва Аллоҳ азиз қилган авлиё сифатида улуғланган. Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Занги отани ҳурмат қилар, қабрини зиёрат қиларди. Зиёрат вақтида қабридан “Аллоҳ, Аллоҳ” овозини эшитганини Хожа Аҳрор сўзлар эдилар (“Илк мутасаввифлар” асари. 193-бет) [6:343].

“Рашахот” да “Ҳазрати Мавлоно Қози алайҳир раҳма Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)дин нақл қилибдурким, ойдилар: “Ҳар вақт Занги Отонинг зиёратларига келсам, қабри муборакларидин ҳама (вақт) “Аллоҳ, Аллоҳ” деган овоз эшитурман”[12:25].

Шоир Хаёлий шеърдан зоҳиднинг олам ва борликда тутган ўрни, инсон тақдири, Яратган олдида истиффор айтиш каби ахлоқий-маиший масалалар ўрин олган. Бироқ шеърнинг охириги икки саҳифасида эса Бобораҳим Машраб мисраларидан фойдаланганини кўришимиз мумкин:

*Аё эй ёр-ёронлар бўлубман зори
саргардон, 87 б.*

*Гаҳи хандон гаҳи гирён қаландар
бўлгоним бўлгон.*

*Чиқарман дашту саҳро кезарман тоғ ила
дарё,*

*Кийикларга бўлиб ҳамроҳ қаландар
бўлгоним бўлгон.*

*Мухаббат шарбатин ичдим ва олам
меҳридин кечдим,*

*Гоҳи ўтдек ёниб ўчдим қаландар
бўлгоним бўлгон.*

*На мулломан, на обидман, на ошиқ, на
зоҳид,*

*Кириб майхона ичра қаландар бўлгоним
бўлгон.*

*Ҳиндистондин шошиб келган ғариби
бенаволик,*

*Кийиб энига оқ пўстин ўлим мард
навоилик.*

*Дарёлар бўйини бўйлаб мазоратларни кўп
кўзлаб,*

*Бефарзанд сўзини сўзлаб ўлим мард
наволик.*

Гўдаклар улгайсин ҳар дам худо деб, 88 а.

Илоҳий юртимиз сойишта бўлсин.

Илоҳимни изларман изин излаб кетарман,

Доим муни айтарман Ла Илаҳа Иллаллоҳ.

Жоним борин беройин, бериб боқиб

турайин,

Жоним бирла айтайин Ла Илаҳа

Иллаллоҳ.

*Азалдин то абад дўстлар билински аҳд
деб билдим.*

*Тилимда рабби илоҳ(ғалаён) дийдор деб
келдим,*

*Ўзинг авлоди пайғамбар отингдур
Ҳазрати Офоқ.*

*Ки ноумид қилмагай сен деб улуг даргоҳ
деб билдим,*

*Қиёмат барғаҳийни тузар ул кун (қилар
неклар).*

*Золиминно раббоно ё воҳид ал-қаҳҳор деб
келдим,*

*Отангдур Ҳайдаргузор, бобонгдур Аҳмади
мурсал.*

*Сени кўрган кишидин ўргулай деб дод
этиб келдим,*

*Кел, эй Машираб ошиқ сен умид даргоҳи
афв эт. 88 б.*

Занги отанинг бутун онгли ҳаёти Мовароуннаҳр халқларининг энг оғир ва даҳшатли даври мўғуллар истилосига тўғри келган. Ана шундай оғир вазиятда Занги ота ва унинг 10 ортиқ шогирдлари халқ оммасини қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, адл-инсоф, поклик, яхшилик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат каби олий умуминсоний ғоялар билан озиқлантириб, уларни руҳан ва маънан қўллаб-қувватлашган. Бу борада қатор тарихий манбаларда қимматли маълумотлар келтирилган [10:25-27].

Хулоса қилиб айтганда, Занги ота зиёратгоҳи асрлар давомида кишилар қалбини поклайдиган, уларни яхшиликка чорлайдиган

улуғ диний-маънавий маскан вазифасини ўтаб келмоқда. Бу ҳақда омма орасида ҳар хил ривоятлар мавжуд. Ўз навбатида турли даврларда Занги ота фаолиятига атаб шеърлар битилганки, улар ёрдамида биз тарихий ҳақиқатни аниқлаш имконига эга бўламиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Асрор Самад. Занги ота маркади. - Т.: "Минҳож", 2004. 10-б.
2. Aynur Kocak. Zengi Ata'nin menkebleri, turbesl ve bayrami uzerine // Turk Kulturu ve Hacy Bectas veli Aiastyima Dergisi, sy 25, Ankara, 2003. – S. 107.
3. Муҳаммад С. Тарихи жадидаи Тошканд (Тошкентнинг янги тарихи). Икки жилд. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлғезмалар фонди. Инв.№ 7791.
4. Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламахот мин нафхотул-қудс / Таржима, тадқиқот, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари К.Каттаев ва А.Нарзуллаев. - Самарқанд: «Зарафшон», 2007.
5. Носиров А. Афандихон (Ахтарий) / Тошкент олимлари ва шоирлари. Шарқ қўлғезмалари фонди қўлғезма № 13407, 3-жилд. 327-328-саҳифа.
6. Носиров А. Занги ота / Тошкент олимлари ва шоирлари. Шарқ қўлғезмалари фонди қўлғезма № 13407, 3-жилд. 343-саҳифа.
7. Ömer Lütfi Barkan. Estila Devirlerinin Kolonizator Türk Dervihleri ve Zaviyeler // Vakəflar Dergisi. s. II, Ankara, 1942, sf. 279–304.
8. Саидов А. Ҳазрат Занги ота. – Т.: Шарқ, 2015. 55-бет.
9. Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. - Т.: «Фан», 1983.
10. Файзиев Т. Зангиота Химматий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2001. 8-бет;
11. Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. ЎЗР ФА . Қўлғезмалар фонди. Инв.№ 1382. 19-саҳифа.
12. Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. 25-бет.
13. Хаёлий. Занги ота ҳақида шеър. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлғезмалар фонди, қўлғезма № 4035/2. 82-88-саҳифалар

Нодир Абдулхаевич АБДУЛЛАЕВ,
 Ташкентский государственный
 университет востоковедения
 кандидат политических наук, проректор
zulfizar11@mail.ru.

О НЕКОТОРЫХ ТЕНДЕНЦИЯХ В ЭВОЛЮЦИИ АРАБСКОГО ОБЩЕСТВА

АРАБ ЖАМИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИДАГИ АЙРИМ ТЕНДЕНЦИЯЛАР БОРАСИДА

SOME TRENDS IN THE EVOLUTION OF ARAB SOCIETY

Аннотация. В статье рассматриваются особенности развития демократических элементов в арабском обществе, становление и укрепление демократии, анализируется роль и место Египта в международной жизни, его внешнеполитическая деятельность с позиций демократического общества. Исследованы позиции и подходы радикальных религиозных организаций в отношении демократических преобразований в стране. В статье освещается позиция Египта относительно построения демократического общества.

Ключевые слова: Египет, внутренняя политика, политические процессы, демократизация, трансформация, реформы, политическая культура.

Аннотация. Мисрдаги демократиянинг хусусиятлари кўриб чиқилган, сиёсий тенденциялар демократик жамият қадриятлари нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Миср жамиятининг эволюцияси ва трансформацияси, сиёсий бошқарувининг ўзига хосликлари, очиб берилган. Демократик ўзгаришларга нисбатан муҳолиф кучларнинг ёндашувлари тадқиқ этилган. Мисрда жамиятнинг либераллашуви ва модернизацияси, давлат аппаратида ёш раҳбар ходимларни тайинлаш сиёсати баён этилган.

Калит сўзлар: Миср, ички сиёсат, сиёсий жараёнлар, демократия, сиёсий тизим, трансформация, ислохотлар, сиёсий маданият.

Abstract. The article examines the features of the development of democratic elements in Egyptian society, the formation and strengthening of democracy, analyzes the role and place of Egypt in international life, its foreign policy activities from the standpoint of a democratic society. The positions and approaches of radical religious parties and organizations in relation to democratic reforms in the country are investigated.

Key words: Egypt, domestic politics, political processes, democratization, transformation, reforms, political culture

Изучение эволюции государственно-политической системы арабских стран в целом и общедемократических тенденций в частности в Египте, представляет большой интерес в контексте понимания тех процессов, которые протекают в стратегически важном для Узбекистана регионе. В данном случае изучение политических процессов в Египте, рассмотренных в их историческом и современном аспекте, способно послужить в качестве модели для определения специфики непростого пути движения страны к демократическим образцам государственного правления. Важное значение имеет фактор самобытности политической истории Египта как страны с характерными особенностями в сфере социально-политических традиций.

Факторы внутривнутриполитического развития Египта продолжают оставаться не исследованными. Анализ тенденций в эволюции египетского общества, сложный процесс его приближения к демократическим основам правления могут внести ясность в понимание источников и причин событий, происходящих сегодня в арабском мире. Процесс развития демократии в Египте сложен и неоднозначен. Это можно понять, анализируя политическую историю государственного правления, демонстрирующей незначительный уровень демократического сознания в политической сфере.

Востоковеды-политологи обращают особое внимание исследованию различных аспектов становления демократии в Египте. Сравнительно-политический анализ развития демократии в Египте и участия политических партий и движений в общественной жизни

страны, позволяет выяснить основные тенденции изучаемого процесса. В основу исследования положен историко-аналитический метод с элементами компаративистского подхода. Проводятся историко-сравнительные параллели, исходя из которых делаются обобщенные выводы. Теоретико-методологическую основу исследования составили концептуальные положения теорий развития политических процессов в арабских странах.

В начале XXI века, во время президентства Х.Мубарака, процесс демократизации египетского общества являлся одним из важных элементов во внешней политике ведущих западных стран в отношении Египта. Так как от его результатов во многом обуславливалась дальнейшее развитие социально-политической ситуации на Ближнем Востоке и в арабском мире в целом. Египетское руководство исходило из того, что инициативы западных государств по реформированию и либерализации арабского общества приведут к негативным последствиям и дестабилизируют внутривластическую обстановку в стране. В связи с этим Египет демонстрировал западному сообществу свою позицию о построении демократического общества с учетом внутренней ситуации. Общественно-политическое устройство, существующее в Египте, можно охарактеризовать как своеобразный синтез западной системы демократических институтов с восточными традициями государственного управления и ментальностью мышления, которое учитывает практику собственного государственного строительства и международный опыт.

Нежелание вступать в открытую полемику с влиятельными западными правозащитными институтами и стремление улучшить правовой имидж страны, обуславливал перед египетским руководством необходимость принятия ряда конкретных мер демонстративного характера, призванных снять напряженность вокруг вопроса о правах человека в АРЕ. Так, на основании инициативы парламентской фракции Народно-демократической партии АРЕ в 2004 году в Египте был создан первый в истории страны Национальный совет по правам человека Египта, который возглавил бывший генеральный секретарь ООН и министр иностранных дел АРЕ Бутрос Гали.

В первой половине 2006 г. высокий уровень активности проявляла запрещенная религиозно-экстремистская организация «Братья мусульмане». Так, в мае 2006г. несколько сотен студентов, близких к данной организации, принимали участие в манифестации, прошедшей в Александрии. Акция проходила под лозунгами в поддержку политических реформ и за отмену чрезвычайного положения в стране. Вместе с тем к требованиям оппозиции отмены чрезвычайного положения, установленного с 1981 г., присоединился Национальный совет по правам человека.

В эпоху правления Х.Мубарака режим «О чрезвычайном положении» предоставлял широкие полномочия, в частности, право содержать в тюрьме любое лицо, признанное в представлении «опасности для общественной безопасности». Также данный закон запрещал организацию и проведение массовых антиправительственных выступлений. Египетское руководство оправдывало осуществление чрезвычайного законодательства ссылками на американские законы о борьбе с терроризмом, принятые после событий 11 сентября 2001г. в Нью-Йорке.

Вслед за волной антиправительственных выступлений в Египте наблюдались признаки ужесточения позиции официальных властей по отношению к активности оппозиции. Представители правоохранительных органов АРЕ резко заявили, что власти будут четко следить за соблюдением режима «О чрезвычайном положении». Серьезность намерений египетского руководства предупредить неконтролируемый рост оппозиционной активности внутри страны продемонстрировали жесткие меры, предпринятые против ведущей египетской экстремистской группировки «Братья мусульмане» из-за несанкционированного проведения 25 мая 2006г. митинга ее сторонников в центре столицы.

Правящая элита для того, чтобы не допустить участие членов запрещенных группировок на политической арене страны, которые принимали участие в качестве независимых кандидатов на всеобщих выборах, отложила на 2 года, намеченные на весну 2006 г. выборы в местные законодательные советы,

одновременно заключив под стражу более 30 активистов организации «Братья мусульмане». В мае 2006г. по инициативе президента Х.Мубарака парламент продлил на 2 года действующий в стране закон о чрезвычайном положении.

Очередной мерой стало принятие в парламенте АРЕ закона об обеспечении прозрачности финансовых переводов в пользу различных гуманитарных и иных общественных и неправительственных организаций. Согласно указанному положению, все организации, функционирующие на территории Египта, стали обязаны иметь соответствующее разрешение министерства социального обеспечения на получение материальной помощи, а сами денежные переводы распределяться непосредственно по решению данного ведомства.

Существовавший в начале XXI века Египте стиль руководства страной сочетался с избирательной системой в выборные органы власти, наличием легитимного парламента и президента, некоторой активностью оппозиции и другими атрибутами «демократического государства». При этом следует отметить, что Каир своевременно сделал нужные выводы из опыта Алжира и Судана, пример которых продемонстрировал опасность заигрывания с исламским фактором. Действовавшая до 2011 г. в АРЕ нормативно-законодательная база изначально препятствовало процессу политизации ислама, в частности, путем запрета создания исламистских партий и движений, равно как и участия их сторонников в избирательных кампаниях.

Существовавшая до 2011г. бескомпромиссная позиция президента АРЕ в отношении любых проявлений религиозного радикализма доказала свою эффективность в условиях Египта. Одним из ее главных результатов можно рассматривать фактический пересмотр деструктивных элементов своей «концепции деятельности», преимущественно ориентированный на подрыв общественно-политической стабильности в стране. Вместе с тем, изменение стратегии «Братьев мусульман» привело к тому, что вопреки противодействия со стороны правительства им удалось провести в состав Народного собрания (парламент) АРЕ

88 своих сторонников в качестве независимых депутатов.

Президент Х.Мубарак негативно относился к навязываемым западными странами т.н. демократическим реформам. По его мнению, «принципы демократии не могут насаждаться без учета традиций и истории страны, демократия не может идти на экспорт, и она должна развиваться только параллельно с внутренним развитием общества». Египетский опыт демократического строительства подтверждает правоту тезиса о том, что определение критериев и приоритетов процесса демократизации и либерализации внутривнутриполитической жизни каждого государства должно осуществляться исходя, в первую очередь, из национальных и историко-культурных традиций этой страны.

Игнорирование данного обстоятельства, навязывание стереотипных и шаблонных моделей демократического развития и строительства правового общества без учета отмеченных факторов чреваты нарушением гражданского, межнационального и межконфессионального согласия в обществе и, как следствие, подрывом безопасности и стабильности в государстве. Однако, властям Египта не в полной мере удалось удержать религиозное равновесие, в связи с чем в стране периодически отмечаются конфликты на межрелигиозной почве.

Президент Х.Мубарак, сохраняя свойственный ему стиль управления государством, все же был вынужден считаться с ростом оппозиционных настроений, проецируемых на фоне экономической ситуации в стране. В этих условиях Х.Мубарак, демонстрируя признаки объективного восприятия складывающейся ситуации в стране, инициировал различные реформаторские идеи. В то же время, оппозиционные партии и движения, рассматривали подобные инициативы не более чем, как декоративные меры. Тревожным с точки зрения президента Египта обстоятельством являлось тенденция к активизации антиправительственных выступлений в виде различных пикетов и манифестаций при увеличении количества участников таких акций протеста, что в целом не свойственно египетскому обществу.

Власти Египта пытались снизить отрицательный эффект от акции протеста оппозиции путем проведения параллельного митинга в поддержку руководства страны и его политического курса, организованных сторонниками правящей Национально-демократической партии АРЕ.

В этой связи можно констатировать, что президенту Х.Мубарак удалось на практике демонстрировать эффективность разработанной им «египетской модели демократии» – наличие выборных институтов власти, политическая активность конструктивной оппозиции, проведение либеральных реформ в экономике под контролем государства в сочетании с жесткой внутренней политикой. Такая модель позволяло обеспечивать устойчивость правящей элиты, сохранять политическую стабильность в Египте и, как следствие, создавать необходимые предпосылки для успеха осуществляемых в стране социально-экономических преобразований. Египетский опыт показал, что руководство страны должно находится в постоянной готовности применить адекватную стратегию на попытки внешних сил оказать давление на процесс демократизации извне.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Ёкубов С. “Араб бахори”ми ёки араб лабиринти? // Жаҳон адабиёти, 2013, №7
2. Арабский кризис и его международные последствия / Под. общ. ред. А.Васильева. -М., 2014 г., 250 с.
3. Долгов Б.В. Причины подъема протестных движений в арабских странах // Протестные движения в арабских странах: предпосылки, особенности, перспективы. Материалы конференции «круглого стола» / отв. Ред. И.В.Следзевский, А.Д.Саватеев. -М., 2012г., 272 с.
4. Долгов Б.В. Демократия и исламизм в арабских странах (Алжир, Тунис, Египет) // Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03_04/978-5-02-025251-6/
5. Егорин А.З. Арабский восток в борьбе за обновление (Ливия, Египет, Сирия) хроника событий 2012-2013 гг. –Казань, 2015г., 352 с.
6. Ланда Р.Г. Международный форум востоковедов и африканистов в СПб// Восток(Oriens). 2006. №4. С. 157–162.
7. Корольков Л. Меняющаяся геометрия ближневосточных раскладов // Международные процессы. 2015. Т. 13. №1. <http://www.intertrends.ru/fortieth/Korol%27kov.pdf>
8. Шохди Мубарак Абдулфадл. Становление демократии в Египте как проявление основных социальных и политических тенденций современного мирового развития: II-я половина XX в. - начало XXI в. // Автореферат диссертации кандидата политических наук, 23.00.04-Политические проблемы международных отношений и глобального развития; Санкт-Петербург, 2002г., 190 с.
9. Ражбадинов М.З. Анатомия египетской революции-2011. Египет накануне и после политического кризиса в январе-феврале 2011 года. –М., Институт востоковедения РАН, 2013, 424 с.
10. Сапронова М. Становление новой государственности на Арабском Востоке. Международные процессы, Том 13, № 3, сс. 26-39DOI 10.17994/IT.2015.13.2.42.2
11. Yovkochev, S. (2020). The influence of a religious factor on the political system of Egypt before “Arab spring”. The Light of Islam, 2020(2), 4-12.
12. Fuller G. The Middle East in US - Soviet Relations. // Middle East Journal. Vol. 44, No.3, Summer 1990, - P.417.
13. Ahram Online, 6.12.2010. <arel=»nofollow» class=»externalfree»href=»<http://english.ahram.org.eg/NewsContent/1/5/1321/Egypt/Egypt-Elections-/Official-results---opposition,--NDP,--independents.aspx>><http://english.ahram.org.eg/NewsContent/1/5/1321/Egypt/Egypt-Elections-/Official-results---opposition,--NDP,--independents.aspx>

Avazbek GANIYEV
 INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
 UZBEKISTAN,
 doctor of philosophy PhD, senior lecturer at the
 department of IRCICA-chair for the study of Islamic
 History and Source Studies.
A.ganiyev@iiau.uz, avazganiyev@gmail.com

THE GOVERNMENT SYSTEM OF THE SELANGOR STATE UNDER THE BRITISH EMPIRE

BRITANIYA IMPERIYASI TASARRUFIDAGI SELANGOR SHTATINING HUKUMAT TIZIMI

ПРАВИТЕЛЬСТВЕННАЯ СИСТЕМА ШТАТА СЕЛАНГОР В БРИТАНСКОЙ ИМПЕРИИ

Abstract: *This article strives to find reasons behind the British Empire's intervention into the Malaysian peninsula. This research finds that one of the main reasons for the British intervention was due to the trade opportunities and the possible expansions by intervening into the Malay states. Another reason was due to the wars between the various clans of the Malaya population. Lastly, the British did not want the Siamese to intervene in the Malaya states in the future.*

Keywords: *Colonial rule, British Empire, Malay states, Selangor, British Advisors*

Аннотация: Ушбу мақола Британия империясининг Малайзия ярим оролига кириб келиши сабабларини излашга интилади. Ушбу тадқиқот Британия аралашувининг асосий сабабларидан бири Малайзия давлатига кириб келиши орқали савдо имкониятлари кенгайиши билан боғлиқлигини аниқлади. Яна бир сабаб Малайзия аҳолисининг турли хил кланлари ўртасидаги урушлар билан боғлиқ эди. Ва ниҳоят, инглизлар сиямларнинг келажакда Малайя штатларига аралашинишини истамадилар.

Калит сўзлар: Колониал бошқарув, Британия Империяси, Малайя вилоятлари, Селангор, Британиялик маслахатчи.

Аннотация: В этой статье делается попытка найти причины вторжения Британской империи на Малайзийский полуостров. Это исследование показывает, что одна из основных причин британской интервенции была связана с торговыми возможностями и возможным расширением за счет интервенции в малайские государства. Другая причина была связана с войнами между различными кланами населения Малайи. Наконец, британцы не хотели, чтобы сиамцы вмешивались в дела малайских штатов в будущем.

Ключевые слова: Колониальное управление, Империя Британии, Штаты Малайи, Селангор, Британский советник

Introduction. At the end of the 19th century, the British Empire established residencies in Selangor, Perak and Sungei Ujong (a part of Negeri Sembilan) states. One of the main reasons for the British intervention was due to the trade opportunities and the possible expansions by intervening into the Malay states. Another reason, as discussed, was due to the wars between the various clans of the Malaya population. Lastly, the British did not want the Siamese to intervene in the Malaya states in the future. After the British Empire arrived at the Malaysian peninsula at the end of the 18th century, their interest was focused on the economic benefits from these lands.[1:11] A British Resident was appointed to administer finances and other matters with the exception of Malay customs and the Islamic religion. A British Resident was appointed to administer finances and other matters with the exception of Malay customs and the Islamic religion. [2:7]

In 1874, the Pangkor treaty was signed. As Kennedy writes: "In the meeting at Pangkor in mid-January, two important documents were signed, the Chinese Engagement and the Pangkor Engagement. Under the first heading, the Ghee Hin and Hai San leaders undertook to keep the peace under penalty of a fine of 50,000 dollars." [8:157] The Pangkor Engagement dealt with the question of the appointment of the Residents. Sadka explains,

In March 1873, Tengku Zia'u'd-din had granted to Davidson and another party a ten-year

concession to work all the tin land in Selangor not occupied by others yet. Selangor Tin Mining Company was promoted to handle this concession, and their London representative, Seymour Clarke, applied to the Colonial Office for protection for the enterprise. He quoted from the letter written by Tengku Zia' u' d-din to him, asking if the English or any other Government would provide security of the people as well as the property of traders and entrepreneurs. [9:47]

Due to the war situation in the Peninsular Malaya, where local disturbances appeared to endanger, even remotely, the British supremacy in the Peninsula, the Home Government was ready for closer control, hence establishing British Residents. Sadka observes that "The change of policy was communicated to the Straits Government in a dispatch of 20 September 1873. The secretary of State referred to the prevailing anarchy in the Peninsula, the damage to trade, and the need for a remedy." [9:45] As a result, a new Governor resided in Singapore, Sir Andrew Clarke, who took up his duties in the Straits on 4 November 1873. Sadka explains that "His first report on his proceedings informed Colonial Office that he had settled the Perak succession, had got the Sultan and chiefs to accept a Resident and had posted an officer, Captain Speedy, as an Assistant Resident in Perak, to take up his duties in Larut. Before he left the Straits in May 1875, he had established Residents in Selangor and Sungei Ujong as well." [9:45] However, Sir Clarke was not rushing to establish residents in Selangor and Sungei Ujong until he was sure that in Perak this appointment proved to be successful to proceed with the others. In September 1874, Clark appointed Swettenham as a Resident of Perak. As a resident of Selangor, he chose Mr. J. G. Davidson. By the end of 1874, the British authorities were acting in Larut, Lower Perak, Klang, Langat and Sungei Ujong. In the beginning, appointed British Residents had no regulations and rules to follow. Residents' strength depended on how the Straits Settlements office was willing to help the new Residents in any occasion. By the Pangkor Engagement, resident's role was not strong enough to act widely and interfere in the matters of the Malay politics. Residents were

not allowed to advice and interfere in the Malay religion and customs. However, customs and religion played a crucial role in Malay political and social life. In this situation, residents acted as they could, without relying much on the outside help. Kennedy states, "The early Residents, on taking up their appointment stood very much on their own; if their advice was to be put into practice, they were the one who had to do it." [3:163] At the later stage, the appointment of the Residents expanded into other states as well. In 1896, the state of Pahang and the remaining part of the Negeri Sembilan was included into the British Residency system and together with Selangor, Perak and Sungei Ujong they formed the Federated Malay States under the central administration of the British Empire.

Powerful Residents and the Local rulers.

After the establishment of the Residents, in 1874, in the States of Selangor, Perak and Sungei Ujong, the real control over the states started to move towards the Residents, after a few years of struggles by them to enforce their authority on the local leaders. From the British ruling side, as Rubin writes there were two ways to take over the control. "To ensure the compliance of the Malay Rulers with the British wishes there were two possibilities ... first, military force and second was to manipulate the facts to fit an acceptable legal framework that would justify British authority as a matter of right, not might." [7:74] A good example of how the British Residents established their control over states under their residency determined with the actions of the Resident of Perak Hugh Low, who became Resident in 1877. Prior to coming to Perak, Hugh Low was a Governor of Labuan for 24 years. During his service, he travelled a lot in Borneo, made many expeditions as his interests were ranging from botany, the study of the local languages, customs and economy. Sadka observes that "Low came to Perak after he spent a lifetime among Malays, knowing their language and customs and something of the problem of adapting European administration to their needs and prejudices." [9: 108] Low had his ruling experience in Borneo, where James Brookes was ruling, he learned Brooke's style of dealing with the locals. Sadka writes about Brookes following

...“Sarawak under Brookes was known throughout Malaysia as a government which identified itself with existing Malay authorities, enlisted them in the administration, deferred to their opinion, and introduced changes at a pace acceptable to them.” [9:108] Low was a friend of Brookes and worked under him. For the European rulers, Low’s approach to Malays was impressive; no matter what the designation of the person was, he was either the Sultan himself or small district chief, he dealt with each of them, in a respected manner and gained their trust easily. Kennedy indicates that “He worked on the principle that when dealing with members of another race, one should be at least as considerate as to members of one’s own race, and infinitely more patient.” [3:179] From all over the state, district chiefs and village *penghulus* came to him to seek his advice pertaining to the settlement of this or that issue that arose in their district. Low left everyone with satisfying decisions and gave them confidence that they came to him again. Sadka gives an example of the Low’s approach towards the locals’ issues, saying, “He reassured them, dealt with their difficulties, lent them money – everyone tugs at the Resident for this scarce article - and took the opportunity to accustom them to proposals for the land rent and poll tax.” [9:110] Low was successful in assuring the participation of the district chiefs and rajas in the rule of the state, however, he made sure that these people knew their place and felt a responsibility towards their position. In this way, he kept them involved somehow in the affairs of the state but at the same time, keeping them away from the executive positions. Under Low, many chiefs became government tax collectors; their income was based on the fixed amount of salaries from the collected amount of taxes. Low and Swettenham enforced the law where they appointed the *penghulus* of the *mukims* to keep order in the districts, instead of costlier police forces. Many Selangor and Perak third rank rajas were appointments as *penghulu*. This was one of the marked successes in the intentions of the Residents. Due to the diminishing role of the former district chiefs, the administrative matters pertaining to tax revenues and judicial rule came into the hands of the European District officers.

The state Council was the most important body during the Residents time. As Kennedy writes, “All important acts of State stemmed from the Council. It dealt with the annual estimates of revenue and expenditure; the appointments and salaries and pensions of all Malay chiefs and headmen; the confirmation or modification of death sentences passed in the Courts.” [3:180] The legislative body of the State, which was the State Council, was incorporated into the administration system of the new rule, dedicated to administering the state as a whole. It consisted of the chiefs, Chinese captains, Sultan and the Resident, the last being the main person in charge of the final decisions factually. The Resident was the person, who nominated the members and determined the agenda of the meeting as well as influenced its decisions. Describing the power of the Residents Sadka writes, “Despite the inadequate constitutional basis for their authority, the Residents by 1880 had become the effective rulers in states; in the years followed, their association with Malays developed smoothly on established principles, and the success of the Perak and Selangor administrations was reflected in phenomenal increases in revenues and populations.” [9:114] These developments ensured legally that the British Empire settled down in this region as an Imperial power and enjoyed the benefits of rich local natural resources for a long period.

Forming the Local Administration. In order to form an effective and successful administration, the Colonial Office allocated salaries and pensions only to the Residents as well as the Assistant Residents of Perak and Selangor, approved by the State Secretary with the recommendation of the Governor. The Governor himself without the involvement of the State Secretariat made other subordinate appointments as these subordinates are considered to be representatives of the Ruler. However, the Residents’ and the Assistant Residents’ status regarding the sources of their salaries and pension were not finalized and became ambiguous. Sadka explains that “The Colonial Office had tried, in effect, to smuggle the Malay states’ officers onto establishment of a colony which was not their employer in any sense, and when driven to define the actual status of the Residents, it had avoided

committing itself and passed them back to the Malay states' governments." [9:127] The fact that an appointment of the Residents such as Maxwell, Low and Swettenham assigned by the Colonial Office and considering their status as servants of the Crown, nevertheless, pensions and salaries had to be taken from the Malay states' revenues. Eventually, As Sadka writes, "The obscurity surrounding the legal status of the Residents did not, however, affect administrative practice; the Colonial Office continued to make the final decision on their appointments and salaries, and when they retired, their pensions were paid through the Crown Agents on behalf of the states, after being approved by the Governor and the Secretary State." [9:132] Relations between Residents and the Colonial Office characterized the future for the success of the Malay campaign. The Colonial Office was closely interested in the matters occurring in the states where the Residents administered. They received updates through the annual reports from the state authorities. Through the reports The Secretary of the State made decisions to emphasize on the development of the required field, for instance, Sadka writes, "they made one important policy recommendation, which he repeated year by year; it was that agriculture be developed, as a balance to mining, by the introduction of Chinese and Indian peasant families." [9:132] "The colonial administration provided itself with a unique base for the future influence over the direction of the colony's economy, with the source of the revenue in land rents and premium, and power over Malay rakyat by controlling their access to their means of production – land." [6:52] As regards to judicial matters, the miscellaneous sources served as a source of information to the Colonial Office. Issue of slavery attracted the attention of the Residents. In Selangor and Sungei Ujong, the value of slave labour was set against the original debt and thereby it was liquidated. Another example, where in Perak the existence of the death penalty for those who organized secret societies. Later on, after the Secretary of State considered this penalty too severe, the Governor requested The Resident regarding penalty and it should not be imposed except in the case involved murder. Sadka

explains that "The Secretary of State also objected to the continuance of licensed public gambling in the Malay states. After it had been made illegal in the Straits and Hong Kong; but here the idea of abolition aroused overwhelming opposition among the local officials." [9:132] Illegal gambling was rampant among the Chinese population. This increased the crime levels until gambling was abolished in 1912.

The Residents and Governors always strived to improve the local infrastructures, simultaneously increasing the revenues for the British Empire. However, they were not always in mutual understanding with London. The Colonial Office was more likely to limit the actions of the local authorities, as they were conscious that without proper control they might lose control over the Residents. On some occasions, Sadka gave an example, thus: "On most of the questions of construction the Colonial Office and the local authorities were not in serious disagreement; both thought in terms of a Pan-Malayan system of railway communications, and both accepted uniformity of construction as a desirable principle. The colonial office, however, always influenced the local authorities from pledging the states to lavish railway concessions." [9:131] The Colonial Office set goals in order to achieve British Empire interests, whereby, the Residents sometimes, due to the power they had, were subject to temptations of making a business for private profits. For instance, Sadka states,

In Sungei Ujong, where profits were speculative, a concession with a guarantee of interest was granted to a private company to make and run the line. Weld the Resident of Sungei Ujong at that time had forgotten the Secretary of State's instructions that he should be consulted before the states were committed to large public works and sanctioned the concession without reference home. The first intimation to the Colonial Office was the dispatch of the completed agreement. The Colonial Office objected to the agreement as unfavourable to the state, cancelled it, and negotiated a new one giving the state much better terms. [9:131]

From this example, it is vivid that State interests were the first priority and were in favourable terms

than any other private interests, even if it was the Residents who attempted to extract benefits for them. In the end, the Colonial Office intervened, that no one should introduce new regulations rather keep control over the local authorities.

One of the most successful achievements that local authorities and The Colonial Office gained was the construction of the railway lines in 1885, operating from Taiping to Sa-Petang on the Larut River. Establishment of this communication served as a means of transportation for the tin trade. By 1886, the Kuala Lumpur line ran to Bukit Kuda on the north bank of the Klang River and it was expanded later to Klang and to Port Swettenham. The Residents tried to improve the infrastructure of the cities via building new drainage lines, improving street roads as well as establishing some kind of medical services. In the beginning, the Residents had to be everywhere in order to identify what needs to be done. The Residents were initially supposed to advice on state matters to the Sultan, however, they in practice ended up administering all matters. However, the Sultan, in the eyes of the local population retained his power and had an important role as the President of the State Council. The first Residents in Perak and Selangor served as an experiment and it became successful for the British Empire as these Residents experienced many failures and successes, which were very essential for the other Residents to learn in order to establish their rule and expand to the other states.

REFERENCES

1. Ganiyev, A. (2020). Institution of zakat in colonial Malaysia. *The Light of Islam* (1), 10-18. Retrieved from <https://uzjournals.edu.uz/iaiu/vol2020/iss1/2>
2. Hooker, V. M. (2003) *Short History of Malaysia: linking east and west*. Allen& Unwin. Australia.
3. Kennedy, J. (1962). *A History of Malaya*. London. UK. : Macmillan and Co Ltd.
4. Muhamad A. A. (1993). *Zakat and rural development in Malaysia*. Berita Publishing SDN BHD. Kuala Lumpur, Malaysia.
5. Memorandum. (1957). Subject: British Adviser of Kelantan on the private rights and Zakat tax. No. 1605/1914. National Archive of Malaysia.
6. Nonini, D. M. (1992). *British Colonial Rule and the Resistance of the Malay Peasantry, 1900-1957*. New Haven, the USA: Yale University Southeast Asia Studies. Printed in New Haven, the USA.
7. Rubin, P. A. (1974) *Piracy, Paramountcy and Protectorates*. Penerbit Universiti Malaya. Kuala Lumpur, Malaysia
8. Sadka, E. (1962). *The protected Malay States (1874-1895)*. Kuala Lumpur. Malaysia: University of Malaya press.
9. Sadka, E. (1968). *The Protected Malay States*. The other press. Kuala Lumpur. Malaysia
10. Statements. (1957). *Statements on Padi and Coconut taxes collected on D.C.C.L. land during 1910*. Half of each amount to be sent to D.C.C.L.Ref. No. 1957/0490377. Kelantan: National Archive of Malaysia

Шухрат Рустамович ТОХТИЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаишунослиги ИРСИКА
кафедраси ўқитувчиси
shuhrat55567@mail.ru

XX АСРНИНГ ОХИРИДА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФОРС КЎРФАЗИ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

ОТНОШЕНИЯ ИСЛАМСКОЙ РЕСПУБЛИКИ ИРАН СО СТРАНАМИ ПЕРСИДСКОГО ЗАЛИВА В КОНЦЕ XX ВЕКА

RELATIONS OF THE ISLAMIC REPUBLIC OF IRAN WITH THE COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF AT THE END OF THE 20TH CENTURY

Аннотация: Мақолада XX аср охирида Эрон Ислом Республикаси ички сиёсатидаги ўзгаришлар, хусусан, мамлакат президенти ваколатларининг (диний раҳбар ижозати билан) эркинлаштирилиши ва кенгайтирилиши натижасида Техрон ташқи сиёсий вазифаларни эркин ижро эта бошлаши, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни ўрнатиш юзасидан қўйган амалий қадамлари Форс кўрфази араб монархиялари билан мулоқотининг янада яхшилланиши ва кенгайишига сабаб бўлгани ёритилган.

Таянч иборалар: Ислом инқилоби, Имом, Рухулло Мусави Хумейни, Велайат-е факих, шиа уламолари, Ислом инқилоби экспорти, Муҳаммад Хотами, ички ва ташқи сиёсат, Форс кўрфази.

Аннотация: В статье рассматриваются изменения во внутренней политике Исламской Республики Иран (ИРИ) в конце XX века, в частности, либерализации и расширения полномочий президента, а также ведение президентом самостоятельной внешней политики без одобрения других органов

власти (а именно духовенства). В результате этого, Тегеран стал выполнять свои внешнеполитические задачи, что в свою очередь способствовало сохранению дружественных отношений с арабскими монархиями Персидского залива.

Ключевые слова: Исламская революция, Имам, Рухалла Мусави Хумейни, Велайат-е факих, шиитское духовенство, экспорт исламской революции, Мухаммад Хотами, внутренняя и внешняя политика, Персидский залив.

Abstract: The article examines changes in the domestic policy of the Islamic Republic of Iran (IRI) at the end of the 20th century, in particular, the liberalization and expansion of the powers of the president, as well as the conduct of an independent foreign policy by the president without the approval of other authorities (namely, the clergy). As a result, Tehran began to fulfill its foreign policy tasks, which in turn contributed to maintaining friendly relations with the Arab monarchies of the Persian Gulf.

Key words: Islamic revolution, Imam, Rukhalla Musavi Khumeyni, Velayat-e fakikh, Shia clergy, export of Islamic revolution, Muhammad Hotami, internal and foreign policy, Persian Gulf.

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида дунёнинг турли ҳудудларида “ислом омили”нинг давлатлар ички ва ташқи сиёсатидаги таъсир доираси ортиб бораётганлиги очик намоён бўлди. Бу таъсир “совуқ уруш”нинг якунланиши, икки қутбли тизимнинг йўқ бўлиши, жаҳонда бир қутбли ривожланиш жараёнининг бошланиши, турли давлатлар манфаатларининг бузилиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг умумжаҳон сиёсати ва иқтисодиётида фаол субъект сифатида иштироки натижасида рўй берган глобал геосиёсий ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Исломнинг жамият ва сиёсатдаги ролининг глобализуви нафақат мусулмон давлатлари ва ҳудудларини, балки мусулмон бўлмаган, ғарб давлатларини ҳам камраб олди.

Эрон Ислом Республикасининг ички ва ташқи сиёсатида “ислом омили”нинг роли ва таъсирини ўрганиш Ўзбекистон

исломшунослиги ва сиёсатшунослиги учун муҳим аҳамият касб этади. Зеро, исломдаги шиалик йўналишини ўрганиш, унинг турли оқимларини, 1978-1979 йиллардаги *Ислом инқилобидан* сўнг шиа уламоларининг Эрон давлат тизимини қўлга олишларини тадқиқ этиш сиёсатшунос ва исломшунослар учун муҳим вазифа ҳисобланади. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг ҳозирги мустақиллик шароитидаги диний эркинлик аввалам бор диний билимларни яхши билиш, дин соҳасидаги саводсизликни йўқотишни талаб этади. Бу масала ҳозирги ёшлар орасидаги турли алдамчи фикр ва мулоҳазаларга берилишнинг олдини олишда, таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Эронда 1989 йил оятулло Рухулло Ҳумайни вафотидан сўнг, алоҳида ҳурмат юзасидан халқ унга *имом* унвонини берди. Шундан кейин шиа уламолари тепасида ўзига хос бўлган бўшлиқ пайдо бўлди. Диний раҳбарликка сайланган оятуллолар – Сайид Абул Хойи (вафоти 1992 йил 8 август), Гулпаяғони (вафоти 1993 йил 9 декабр), Арокийлар (вафоти 1994 йил декабр) кекса бўлганликлари сабабли тез оламдан ўтиб кетдилар. Уларнинг вафотларидан сўнг “*вelayат-е фақиҳ*” лавозимида Сайид Али Ҳаманей сайланди [11:83].

Ҳумайни ўлими (1989 йил 4 июн)дан олдин ҳукумат фаолияти эркинлигини ошириш томон Назорат кенгаши ва Вазирлар маҳкамаси ўртасидаги ўзаро алоқаларни кўриб чиқишга рози бўлди. 1989 йилги конституциянинг янги таҳририга кўра, бош вазир лавозимини йўқ қилиш, ҳукумат статуси ва конституция бўйича лавозими *раҳбардан* кейин энг юқори ҳисобланган президент ролини ошириш энг муҳим ўзгаришлардан бўлди [10:307-308]. Мана шундай президентликка бўлган 1989 йил 17 августдаги сайловда Али Акбар Хошими Рафсанжони (1989-1997) ғалаба қозонди.

Рафсанжоний шоҳ режимининг кулашида фаол иштирок этган, инқилобдан сўнг Эронда асосий лавозимларни эгаллаган ва Ҳумайнининг ўлиmidан кейин (1989 йилда) мамлакатнинг олий раҳбари бўлиш учун барча имкониятларга эга эди. Бироқ у Эрон сиёсий тизимида иккинчи даражадаги мавкеда қолишни афзал, деб билди. Шундан кейин олий раҳбарлик Али Ҳаманейга насиб этди. Рафсанжоний эса 1989-1997

йилларда Эрон президенти лавозимида фаолият юритди [3:65,97].

90-йилларининг бошларида Эрон иқтисодий соҳада янги поғонага кўтарилди, ривожланишнинг бозор иқтисоди моделига ўта бошлади ва айрим давлатлар томонидан бундай сиёсат ислом иқтисоди, дея номланди [10:308].

Мамлакат иқтисодиётидаги бир қатор ислохотлар ва иқтисодиётнинг кўплаб секторларининг либераллашуви Рафсанжонининг президентлик даври билан боғлиқ. У мамлакат раҳбариятидаги “мўътадил амалиётчилар” қанотининг етакчиси ҳисобланиб, радикал консерваторларга қарши чиққан.

Шунингдек, Рафсанжони Ғарб билан мулоқот тарафдори бўлган ва АҚШ билан Эрон ядровий муаммосига доир музокараларни қўллаб-қувватлаган [1:131].

1990 йил 2 августда Ироқ Қувайтга ўз қўшинларини олиб кириб, ўзининг 19-вилояти сифатида босиб олганидан сўнг, ЭИР ўз эътиборини минтақа хавфсизлигига қарата бошлади. Чунки Қувайт можароси давомида ташқи ҳарбий кучларнинг минтақада тўпланиши Эронни ташвишга солди [9:34].

Минтақадаги узок муддатли хавфсизлик ва барқарорлик, босқинчилик ҳаракатларни бартараф қилиш зарурияти, БМТ тамойилларига риоя қилиш кафолатини берувчи тизим яратишни тақозо қилди. Бу тизим БМТ Бош қотиби билан ҳамкорликда тузилиши ва унда минтақа мамлакатлари етакчи ўрин эгаллашлари лозим эди.

Тузилган «Форс кўрфази минтақаси хавфсизлик ва ҳамкорлик тизими» кўрфаз ҳавзасининг барча мамлакатларини ўз ичига олиши керак эди. Чунки уларнинг биронтасини бу тизимга киритмаслик минтақада кескинлик ва беқарорликни юзага келтириши мумкин эди. Бундан ташқари, мазкур тизим минтақада тарихан беқарорликнинг омили булган, хорижий мамлакатларнинг аралашувини бартараф этиши лозим эди.

ЭИР айнан шу тамойилларни ҳисобга олган ҳолда Ироқ, Қувайт, Саудия Арабистони ва бошқа минтақавий мамлакатлар раҳбарлари билан алоқа воситаларини сақлаб, бу босқичда уруш ва унинг салбий оқибатларини тугатиш ва икки мамлакат орасидаги адоватга барҳам беришнинг сиёсий йўллари топишга фаол интилди [4:391].

1991 йил 28 февралда Ироқ Кувейт бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қатъий талабларига ризолик бериб, ўз қўшинларини Кувейтдан олиб чиқади [10:343]. Шундан сўнг ЭИРнинг баёнотида кўрфаздаги иккинчи уруш гарчи тажовузнинг тугатилиши билан муваффақиятли тугаган бўлса-да, минтақа муаммолари ўз ечимини топмагани ва маълум даражада баъзи мамлакатларнинг хавфсизлик муаммосини чуқурлаштиргани янграб ўтди[8:437].

1990-йиллар бошларида Эрон билан ФКАМХК (Форс кўрфази араб мамлакатлари ҳамкорлиги кенгаши) давлатлари ўртасидаги муносабатларга бир оз совуқлик тушган. 1992 йили имзоланган Шаржа амирлиги ва Эрон шартномаси энг кўп келишмовчиликлар сабаби бўлди ва ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бу келишмовчиликлар БААнинг Форс кўрфазидаги Катта Томб, Кичик Томб ва Абу Мусо оролларида бўлган даъвоси билан боғлиқ. Мазкур ороллар масаласи Форс кўрфази араб мамлакатлари ва Эрон муносабатларидаги энг мураккаб ва ечими топилмаган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Эрон Ислом Республикаси бу оролларнинг сўзсиз ўзига мансублигини таъкидлаб, шу билан бирга мунтазам равишда муаммони фақат икки томонлама сиёсий музокаралар орқали ҳал этиш таклифини киритган. БАА ҳукумати эса ЭИРни икки томонлама музокаралар воситасида тинч йўл билан ҳал этишга ва агар музокаралар натижасиз бўлганда Гаагадаги Халқаро Арбитраж Суди ёрдамида масалани ечишга чақирган [6:2].

Техрон бу масалани чет давлатларнинг аралашувисиз икки томонлама музокаралар орқали ҳал этишни таъкидлаган бўлса-да, аслида БААнинг бу оролларга эгалик қилиш ҳақидаги ҳар қандай даъвосини асоссиз ҳисоблаб, уларни инкор қилган. Чунончи, ЭИР ташқи ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Л.Моликий оммавий ахборот воситаларига берган ўз интервьюларидан бирида Эрон билан ФКАМХКга аъзо давлатлар ўртасидаги музокараларда намоён бўлаётган ижобий ўзгаришлар, Техроннинг бу ороллар масаласида ён босишини англатмайди, деб таъкидлаган.

Араб мамлакатларининг Эрон Абу Мусо, Катта ва Кичик Томб оролларида истеҳкомлар қуришдан воз кечиши зарурлиги ҳақидаги

талабларига Техрон салбий муносабат билдирди ва буни мамлакат ички ишларига ошкора аралашув деб, баҳолаган. Араб мамлакатларининг юқоридаги талабларининг асосий сабаби Эрон Форс кўрфазидаги бу уч оролга «ер-ер» русумидаги ракеталарни жойлаштиргани эди[2:164-167].

Эроннинг кўрфаз мамлакатларидаги ички сиёсий вазиятга таъсири борасида мамлакат ташқи ишлар вазири К.Харрозий, Техрон бошқа мамлакатлар, айниқса, кўрфаз давлатларида террористик ташкилотларни қўллаб-қувватламаслигини ва бундай ҳаракатлар Эрон ташқи сиёсати тамойилларига тамоман зидлигини изҳор этган[7:14-23].

1997 йил май ойида Мухаммад Хотами (таваллуди 1943 й.) ЭИР президенти (1997-2005) этиб сайланиши мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида янги саҳифа очди. 1997 йил декабр ойида Эрон Ислом конференцияси ташкилотининг раиси сифатида Хотами араб мамлакатларининг етакчи раҳбарлари иштирокида юқори даражадаги мажлислар ўтказди. Эрон дипломатиясининг расмий вакиллари Форс кўрфази араб мамлакатларига кетма-кет ташрифлар амалга оширган. Эрон ташқи ишлар вазири К.Харрозийнинг 1998 йилда БААга қилган сафари эронлик таҳлилчилар томонидан ижобий баҳоланган. Бу фикрларга кўра, С.М.Хотамининг қўшни араб мамлакатлари билан ярашишга қаратилган янги ташқи сиёсий доктринаси келажақда минтақада кескинликни бартараф этиб, ўзаро ишонч муҳитини яратишга олиб келиши мумкин эди. Бироқ айнан шу таҳлилчиларнинг фикрича, Абу-Дабининг кўрфаздаги уч оролга нисбатан даъволари туфайли БАА ва Эрон ўртасида ҳануз ҳам илиқ ва самимий муносабатлар ўрнатилмаган[5:149-164].

Бинобарин, Хотами ўз нутқларида “ислом инқилоби экспорти” ўрнига “маданиятлар мулоқоти” зарурияти ҳақидаги янги формулани олға сурган эди. Аммо Хотами Эрон ва Америка миллатлари ўртасидаги норасмий алоқаларни кенгайтиришга чақирганидан сўнг ЭИР диний раҳбари оятулло Али Ҳамеенеи аниқлик киритдики, “Катта Шайтон билан ҳеч қандай алоқа қилиш йўқ. Америка Эрон учун биринчи рақамли душман бўлган ва ҳозир ҳам шундай” – деган эди[10:308]. ЭИР раҳбарининг шу

каби чиқишлари, Эроннинг мустақил равишда олиб бораётган сиёсий йўли ўзига танқидлар ёғдирган, мамлакатни иқтисодий ва бошқа санкция ҳамда таҳдидларга дучор қилган.

Умуман олганда, мавжуд бўлган тахминларга кўра, ЭИРнинг мазкур уч орол масаласида тутган мавқеи қатъий ва бу борада Техрон ҳеч қандай чекинишларга йўл қўймайди. Ҳатто кўрфаз давлатлари билан бўлажак муносабатлар истиқболи ҳам Эроннинг бу мавқеини ўзгаришига таъсир ўтказиши эҳтимолдан йироқ эди.

Демак, 90-йилларда юз берган жаҳон миқёсидаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлар Форс кўрфази минтақасида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Жаҳон мамлакатлари ўртасидаги янги иқтисодий муносабатлар ҳамда саноат, технология соҳаларида янги халқаро қарама-қарши қутбларга булиниш шароитлари Форс кўрфазидаги бой нефт ресурсларига буюк кучлар ва ҳукмрон доираларнинг эътиборини кучайтирди. Бу даврда юз берган воқеалар жаҳоннинг буюк кучлари ва сиёсати олдида минтақа мамлакатлари яқка ҳолда қанчалик заиф қолишини кўрсатди. Ҳатто минтақада мавжуд бўлган хавфсизлик тизими ҳам турли сабаблар, жумладан, кўрфаз хавзаси мамлакатларининг барчаси унда иштирок этмагани туфайли амалий натижаларга олиб келолмади.

Хулоса ўрнида айтаганда, XX аср охири – XXI аср бошларида кузатилган эрон-араб муносабатларининг яхшиланиши ва Форс кўрфазида ҳамкорликнинг кенгайиш аломатлари шубҳасиз Эрон ва унинг араб қўшнилари ўртасидаги ҳудудий келишмовчиликларнинг ҳал этилишига боғлиқ эди. Эрон вакилларининг 90-йиллар ўрталарида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб қилган баёлотлари кўрфазда бўлиб ўтган икки урушдан кейин Техроннинг Форс кўрфази хавфсизлиги муаммосига нисбатан мўътадилроқ мавқега эга бўлганидан далолат беради. 1990-йилларнинг охиридаги Эрондаги вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатдики, жамият ва давлат идораларидаги мувозанат аста-секин дунёвий давлат бошқаруви тизими фойдасига ўзгарган. Хусусан, Муҳаммад Хотамининг 2001 йилда президентликка қайтадан сайлангани бунга далил бўла олган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ali Hasanov. Geosiyosat. Ozarbayjonchadan Boboxon Muhammad Sharif tarjiması. – T.: Tamaddun, 2016.
2. Arabadjyan A.Z. Sverxderjavi i islamskaya respublika Iran. Iran: islam i vlast. – M., 2002.
3. Jaxon tarixidagi sulola va davlatlar: kiskacha siyosiy tarixi va muxdm sanalari (1961-2015 yillar). K. 3 / K.Rajabov, B.Kandov; mas'ul muxarrir R. Abdullaev; Uzbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Tarix instituti. – T.: O'zbekiston, 2015.
4. Go'staresh-e mo'xolefat-e a'rob bo mojarojui-ye Emriko dar mentaqe (Mintaqada Amerika avantyurasiga qarshi arablar noroziligining ortishi) Ruznomeye "Jo'mhuri-ye islomi" ("Islom Respublikasi" gazetasi) (fors tilida), – Tehron. 28.02.1999.
5. Kulagina L.M., Axmedov V.M. Iran vixodit iz izolyatsii. Iran: islam i vlast. – M., 2002.
6. <http://kun.uz/news/2017/01/09/eronning-muvozanatni-uslab-turuvci-kanoti-endi-yo'q>
7. Mamedova N.M. Islamskoe gosudarstvo: sootnoshenie gosudarstvennix i ideologicheskix prioritetov. Iran: islam i vlast.– M., 2002.
8. Rodrigues A.M. Istoriya stran Azii i Afriki v noveyshee vremya. Uchebnik. – M.: Prospekt, 2009.
9. Tagirov I.K. Sovremenniy Iran v mejdunarodnom soobshestve. – M., 2003
10. Viloyati A. Didgohhoye djahoni-ye djo'mhuri-ye eslomi (Islomiy mamlakatlarning dunyoga nazari). Tehron, EIR TIV nashriyoti, 1995.
11. Xomeyni R.M. Religioznoe i politicheskoe zaveshanie. – M., 1999

Ибрагим Нуралиевич ТУРСУНОВ,
Тошкент тўқимачилик ва
енгил саноат институти
Тиллар кафедраси доц.в.б,
филология фанлари номзоди
sherzod_@bk.ru

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАГИ ДИНИЙ МОТИВЛАРНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ РЕЛИГИОЗНЫХ МОТИВОВ В УСТНОМ НАРОДОМ ТВОРЧЕСТВЕ

PROBLEMS OF STUDYING RELIGIOUS MOTIVES IN THE ORAL PEOPLE OF CREATIVITY

Аннотация: Ўзбек халқи қадимдан диний ва умумбашарий қадриятларини эъзозлаб, ардоқлаб келган. Бу ҳақда халқимизнинг кўплаб оғзаки ижоди намуналарида сақланиб келинган ва уни тадқиқ этиш асосий масалалардан бирига айланиб улгурди. Ушбу мақола халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири бўлган диний термалар тадқиқотида бағишланган.

Калит сўзлар: диний термалар, мақоллар, афсона ва ривоятлар, ислом дини, бахшилар.

Аннотация: Узбекский народ всегда уважал и почитал религиозные и общечеловеческие ценности. Данная статья посвящена изучению религиозных термина, являющихся одним из образцов узбекского народного устного творчества.

Ключевые слова: религиозные термина, пословицы, сказки и легенды, исламская религия, бахши.

Abstract: The Uzbek people have always respected and honored religious and universal values. This article is devoted to the study of religious terms, which are one of the samples of Uzbek folk oral creativity.

Key words: religious terms, proverbs, fairy tales and legends, Islamic religion, bakhshi.

Ўзбек халқ ижодида диний қарашлар энг мўъжаз мақоллардан тортиб, улкан ҳажмдаги достонларгача у ёки бу даражада сингиб кетган. “Садақа – радди бало”, “Ота рози – худо рози”, “Бекордан худо безор”, “Тарози – худо рози” каби ўнлаб халқ мақоллари, авлиё-анбиёлар ҳақидаги афсона ва ривоятлар,

*Айланайин, болам-эй,
Айлансин сендан энанг-эй.
Яхши-ёмон кунингда,
Худойим бўлсин пананг-эй,
Алла болам, алла-яй.
каби аллалар,
Тахта-тахта кўприкдай
Тахтинг бўлсин, ёр-ёр.
Пайғамбарнинг қизидай
Бахтинг бўлсин, ёр-ёр.*

каби тўй кўшиқлари, “Алпомиш” достонидаги Қоражон ва Алпомишларнинг азиз-авлиёларга илтижоси, “Кунтуғмиш”даги Кунтуғмишнинг муножотлари фикримизнинг яққол далилидир.

Халқ оғзаки ижодида термаларнинг мавзу жиҳатдан катта бир гуруҳини диний намуналар ташкил этади. Ўзбек фольклорида фақат диний термаларга ихтисослашган термачилар ҳам кўп бўлган.

Инсоният қадим замонлардан буён оламнинг пайдо бўлиши, ўзининг тақдири руҳлар дунёси билан боғлиқ деб билиб келган.

Жаҳон халқлари фольклорида диний мавзудаги асарларнинг яратилиши табиий бир ҳол эди. Бизнингча, маросим фольклорининг мифология ва магия билан боғлиқ намуналари – кинна, бадик ва ҳоказолар диний термаларнинг исломгача бўлган дастлабки тарихий асосидир. Халқ ижодидаги диний асарлар ҳақида ўзбек фольклоршунослигида ҳам маълум фикрлар баён этилган. Жумладан, диний термалар ҳақида А.Мусақулов маълум даражада тўхталган бўлса-да, уларни ўша давр мафкураси нуқтаи назаридан талкин қилганини, яъни халқ табиати ва ижодига ёт ҳодиса сифатида баҳолаганини айтиб ўтиш зарур.[1]

Собиқ тузум даврида ҳар қандай диний асар фақат қора бўёқлар билан талкин қилинди, диний оҳанглар қисқартирилди ёки олиб ташланди. Бу фикр халқ термалари

ҳақидаги кузатишларга ҳам тегишлидир. Бироқ фольклоршунослар нашрларда диний ўринларни имкон қадар сақлаб қолиш, тиклаб боришга ҳаракат қилганлар. Мисол сифатида, Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги “Кунтуғмиш” достонининг икки нашридаги бандлари “Қаландар бўлганим бўлган” такрори билан келувчи ўринни кўрсатишимиз мумкин. [2] Бу парча дастлабки нашрда 6 банд бўлса, кейинги нашрда 9 бандни ташкил этган, аввалги нашрда диний сўзлар камроқ бўлса, алмаштирилгач, кўпроқ бўлган:

*Қиёмат тонги отгунча,
Оламни фони тутгунча,
Исрофил сурин тортгунча,
Қаландар бўлганим бўлган...*

каби мазмундаги 3 банд умуман олиб ташланган. Биз замона зайлини инкор қилмаймиз. Мақсадимиз фақат истиқлол халқ оғзаки ижодида ҳам диний мавзунини холис талқин қилиш имконини берганини қайд этмоқдир.

Халқнинг вакили сифатида барча бахшилар диндор бўлмасалар ҳам, Оллоҳга астойдил ишонганлар, яъни мусулмон бўлганлар, дин вакилларига алоҳида эъзоз билан қараганлар. Шу сабабли фольклор асарлари, жумладан, термаларда ҳам худога мурожаат қилиш, пайғамбарлар номларини қайд этиш табиий бир ҳолдир. Аммо диний руҳ етакчи бўлган бир туркум намуналар ҳам борки, биз диний термалар деганда ана шуларни назарда тутамиз.

Динлар уларнинг муқаддас китоблари, пайғамбарлари ҳақида ҳадисшунослар, диншунослар, мутахассис олимлар, атеистларнинг ғоят кўп асарлари, фикрлари мавжуд. Биз уларни шарҳлаш ёки танқид қилиш фикридан йироқмиз. Бизнинг мақсадимиз А.Мансур ўзбек тилида талқин қилган “Қуръони карим”, Имом Бухорийнинг “Ҳадис” ва Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий” (кейинги нашрларда “Қисаси Рабғузий”) асарларига қиёсан ўзбек халқининг оғзаки ижоди намуналари, хусусан, термаларида диний қарашларнинг бадиий ифодасига назар ташлаб, улар ҳақида замонавий фольклоршунослигимиз ва термаларнинг генезиси нуқтаи назаридан тўхталиб ўтмоқчимиз.

Санъат ва дин, бадиий адабиёт ва дин муносабатлари масаласи халқаро микёсдаги доимий мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Санъатнинг барча турларида бўлгани каби, олам ва одамнинг яратилиши, инсон тақдири, кечинмалари масаласи диний термаларнинг етакчи мавзуларидан биридир. Умуман, диний термаларда сўз нима ҳақда кетмасин, пировардида тақдир масаласига, унинг Оллоҳ томонидан белгиланганига бориб боғланади.

Қуръони карим оятларида Оллоҳ бутун борликни олти кунда яратгани, мусулмонлар учун жаннатни, кофирлар учун дўзахни азалдан тақдир битгани, Мусо пайғамбарга Тур тоғида учрагани бир неча бор қайд этилади. Энди Боймурод Боймат ўғли репертуаридаги мана бу термага эътибор беринг:

*Саҳар булбул соғинар,
Боғи Эрамнинг боғини.
Мусо учун яратди,
Кўҳи Турнинг тоғини.
Ул мард учун яратди,
Беҳиштнинг чорбоғини.
Ғайридин учун яратди,
Сақардинг дўзахини.[3]*

Сақар арабча дўзах демакдир. Аммо мадраса кўрмаган, ўқиш-ёзишни билмаган халқ бахшилари ҳамма одамлар каби кўпгина арабча, форсча сўзларни аслича эмас, ўзлари тушунган маънода ишлатаверганлар. Термада ҳам бахши **сақар** сўзини у дунё, қиёмат маъноларида қўллаган.

Исломи таълимотга кўра, Оллоҳ яратган энг биринчи инсон Одам Ато эди. Бу ном Европада Адам шаклида учрайди ва унинг луғавий маъносини биринчи одамнинг яратилиши ҳақидаги афсоналарга боғлаб, **тупроқ, лой** деб ҳам талқин қиладилар. Энг биринчи ёвузлик қилган, шайтон сўзига кириб, ўз оғаси Ҳобил (Авел) ни ўлдирган Қобил (Каин) бўлди. Рабғузий талқинича, инсон ёмонликни билмасди. Шайтон бир тош билан қушни ўлдириб, Қобилга қотиллик йўлини кўрсатди. [4]

Ҳобил ва Қобил ҳақидаги турли ривоятлар турлича кўринишларда халқ ўртасида жуда кенг тарқалган. Халқ термаларида бу воқеа шундай ифодаланади:

*Одам Ато бино бўлди бош билан,
Юзин ювди доим кўзда ёш билан.
Ҳобилни Қобили урди тош билан,
Ога инисидан айрилмадиму? [5]*

Табиийки, диний тушунчалардан йироқ киши терманинг ботиний маъносини тушуниши қийин. Негаки, ҳаётда бир-бирига тош отганлар сон-саноксиз. Аммо Қобил отган тош қотилликнинг рамзидир. Шунингдек, Одам Атонинг юзини доимо кўз ёшлари ювиб юриши шайтоннинг сўзига кириб, жаннатдан ҳайдалиши сабаблидир. Термада бу фикр очик баён қилинмаса-да, диний тушунчаларидан хабардор киши уни дарҳол илғаб олади.

Мукаммал исломий таълимот ва термалардаги халқ диний қарашларининг ифодасини асло тенглаштириб бўлмайди. Халқ эътиқодли, Оллоҳга ширк келтирмайди, аммо диндор эмас. Кўпчилик кишилар диний одатлар, маросимларни анъанага кўра бажарадилар, лекин уларнинг асл моҳиятини билмасликлари ҳам мумкин. Диний қоидаларга амал қиладилар. Нега шундай десангиз, ота-боболаримиз шундай қилишган, биз ҳам шундай қилмасак, уларнинг руҳи чиркирайди, худонинг ғазаби келади, дейишади. Аммо халқнинг диний қарашлари жуда кўп жиҳатлардан исломий қараш билан умумий моҳиятда айнан бир хилдир. Шундай ҳулосалардан бири тақдирнинг азалийлиги бўлса, иккинчиси, инсоннинг азалдан қиёматгача энг асосий душмани Иблис, шайтонлигига ишончдир. Ҳаётида шодликдан қайғу кўп бўлиши азалий ва доимий эканлигини таъкидлаш жоиз. Рабғузий бу тақдирни шундай изоҳлайди: Одам Ато яратиладиган тупроқ устидан қирқ йил ёмғир ёғди. Ўттиз тўққиз йилги ёмғир қайғу, бир йилги ёмғир севинч ёмғири эди. Шу сабабдан одамда севинчдан қайғу кўп бўлади. [6] Термаларда бу тақдир шундай изоҳланади:

*Ҳар кимни ҳар куйга солган Олосан,
Ким яхши, ким ёмон ўзинг биласан.
Бир кун берганингни бир кун оласан,
Сенга келиб кимнинг кўнгли шод бўлди? [7]*

Оллоҳнинг ҳар кимни ўзи истаган кўйга солиши Қуръони каримнинг жуда кўп оят ва сураларида такрорланади. Ўзбек халқ

термаларидаги диний оҳанглар бу жиҳатдан ҳам исломий таълимотга жуда уйғун. Тақдир ҳақида Имом Бухорий келтирган қуйидаги ҳадис жуда ибратлидир: “Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: Расулulloҳ салаллоҳу аллайҳу вассалам бундай дедилар: Одам аллайҳиссалом бирлан Мусо аллайҳиссалом ўзаро тортишиб қолишди. Мусо аллайҳиссалом Одам аллайҳиссаломга: “Эй Одам, сен отамиз бўла туриб, бизнинг барча умидларимизни барбод қилдинг, бизнинг жаннатдан қувулмоғимизга сабаб бўлдинг!” – деб таъна қилдилар. Одам аллайҳиссалом Мусо аллайҳиссаломга: “Эй Мусо, Оллоҳ таоло сени ўзига суҳбатдош қилиб танлади, сенга ўз қудрати ила Таврот лавҳаларини ёзиб берди, энди сен менга Оллоҳ мени яратмасдан бурун қирқ йил бурунги тақдир қилгон ишни айтиб таъна қилурмисан?” – дедилар. Одам аллайҳиссалом уч бор шундай танбех бердилар”. [8] Исломиётга кўра у дунёнинг бир куни бу дунёнинг минг йилига тенглигини ҳисобга олсак, ҳулоса аён: Оллоҳ Одам Атонинг тақдирини азалдан, уни яратмасдан тахминан 1 млн. 460 минг йил аввал битган. Бу тақдирдан қочиб бўлмайди. Тақдирнинг азалийлиги Бекмурод Жўрабой ўғли репертуаридаги термада шундай бадий ифодаланган:

*Аввали дунёга бир қуш қўндирди,
Дунёнинг тўрт буржин донга тўлдирди.
Ҳар бир донни юз йилгача сўрдирди,
Охири шу қушни очдан ўлдирди. [9]*

Тасаввур қилинг, дунё тўла доннинг ҳар бир донасини юз йил сўриб тугатиш учун неча йил керак? Миллионми, миллиардми ёки ундан ҳам кўпроқми? Тўғриси, бу ҳозирги инсон тасаввурига сиғмайди. Аммо муҳими бунда эмас, муҳими қушнинг очдан ўлганида, аниқроғи, тақдирдан қутулиб бўлмаслигида. Кўплаб бахшилар репертуарида мавжуд бўлган бу парча бадийят нуқтаи назаридан муболаға санъатининг ажойиб намунасидир.

“Айрилмадиму?”, “Қиёмат яқин бўлганда”, “Кимнинг кўнгли шод бўлди?”, “Айлади”, “Бордир”, “Қолмади”, “Сен эдинг”, “Яратди” каби термаларда, юқорида айтганимиздек, ғамгинлик, ҳазинлик оҳанглари устуворлик қилади, аммо тушқунлик эмас. Бунинг Имом Бухорий изоҳлаганидан ташқари, табиий

сабаблари ҳам бор. Инсон ҳаётда кўп ташвишларга дуч келади, шунчалар кўп орзу-ҳавас қиладики, натижада қайғулар бўлиши табиий. Иккинчи томондан, кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай термаларни кўпроқ шахсий турмушида кўнгилсизликларга дуч келган бахшилар қуйлаганлар. Бошқалари ҳам анъана қонуниятларига амал қилганлари учун ғамгин оҳанглар бундай термаларда етакчи бўлиб қолаверган. Қолаверса, ўлим ҳар бир жон учун ҳақ. Бироқ инсон тақдирга тан бериб, фарёд чекиб юрувчи ожиз зот эмас. У умид билан яшайди. Ҳатто ана шу умидлар оғушида, кундалик ташвишлар гирдобидида ўлимни ҳам унутиб қўяди. У – фаол ижодкор. Унинг ҳалол меҳнат билан пок яшашида, сабру қаноатли бўлишида диний ишончлари, эътиқоди муҳим роль ўйнайди ва шундай бўлиб келмоқда. “Бинобарин, дин одамларга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб юксалтирган. Ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини енгиб ўтишларида куч бағишлаган”.

Халқ эътиқодсиз ҳам, мутассиб ҳам эмас. Биз ўрганган термалардан маълум бўладики, халқ вакилларининг диний қарашлари узук-юлук. Аммо ана шу парчаларга шартли равишда тартиб бериб, исломий таълимотга қиёслаб, маълум бир умумийликка эга бўлиш мумкин.

Диний термаларни бир жиҳатдан “Кунларим”га қиёслаш мумкин. Бу жиҳат шундаки, “Кунларим” термаларининг бандларида Гўрўғли дostonларидан қайсидир бирига ишора бўлса, диний термаларда Ҳадис ва “Қиссаи Рабғузӣ”да пайғамбарлар ҳақидаги ҳикояларга ишоралар мавжуд. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, диний термаларда Оллоҳнинг бошқа диний асарларда учрамайдиган ёки кам учрайдиган **Хўтаннинг шойи, Ҳаю доно, Султони Исо** каби сифатлашлари ҳам мавжуд. (таъкид бизники – Т.И.)

Шўролар даврида халқ ижодкорларидан диний мавзудаги асарларни ёзиб олиш жуда қийин бўлган. Улар бундай намуналарни фақат ўзлари ишонган кишиларгагина айтганлар. Ҳозиргача бирорта диний терма чоп ҳам этилмаган. Бироқ ўзбек фольклоршуносларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Фозил шоир, Эргаш шоир каби йирик халқ дostonчилари репертуаридаги диний термалардан, оддий термачилардан кўплаб

диний термалар ёзиб олинганининг ўзиёқ жуда катта илмий аҳамиятга эга.

Кишилар худога ишонишар экан, ҳаётдаги барча яхшилик ва ёмонликларни худодан келган тақдир деб билишлари табиий. Ҳақиқатни айтганда, нафақат ўтмишда, балки ҳозирги кунда ҳам ҳеч қаерда сўзи ўтмаган, ноҳақликлар, алдовлар, азоблардан тўйиб кетган ҳар қандай киши энг сўнгги чора сифатида худога мурожаат қилади, ундан мадад, адолат тилайди.

Маълумки, Эргаш шоир мадраса кўрган, ислом таълимотини, Машраб, Сўфи Оллоёр ижодларини пухта билган ижодкор бўлган. Бизнингча, “Кунтуғмиш” дostonига киритилган термалар гарчи халқ ёки бирор диний оқим вакилларининг ижодига мансуб ёки улар таъсирида яратилган бўлса-да, уларнинг дostonга киритилиши шоирнинг ижодий янгилигидир.

Диний дoston ва термаларнинг давомийлиги, уларнинг халқ ичида кенг тарқалишини, яратилиши ва ривожини мадрасалардан фарқ қиладиган ўзига хос мактаблар ҳам таъминлаган. Маълумки, халқ оғзаки ижодида поэтик мактаблар бир неча ой ёки йилда шаклланиб қолмаган. Улар узоқ фольклорий жараён ва профессионал ижодчилар тарихий типларининг бир неча авлоди фаолияти натижасидир.

Маълумотларга қараганда, ўтмишда диний дoston ва терма ижодкорлари ҳам махсус поэтик мактабларга уюшганлар. Шундай поэтик мактаблардан бири XIX асрда Самарқанд вилоятининг Жума кишлоғида мавжуд бўлиб, унинг сўнгги вакили дарвеш-қаландар сифатида яшаб ўтган. [10]

Диний асарларни қуйлаб, тиланчилик ҳисобига яшаб ўтганларни, одатда, бошқа гадолардан фарқлаб, қаландар, дарвеш деб юритганлар. Улар халқ тасаввурида худо назари тушган, бу дунё фароғатларидан воз кечган кишилар ҳисобланган. Шу ўринда Гўрўғлининг кўпгина дostonларда баъзан қаландар қиёфасида юришини эслаш жоиз.

Олима А.Троицкая XX аср бошларигача Ўрта Осиёда қаландар ва дарвешларнинг махсус мактаблари ва уларнинг филиаллари бўлганлиги ҳақида қизиқарли маълумотларни келтиради. Унинг кексалар ахбороти ва

тарихий манбаларга асосланиб ёзишча, XIX асрда Самарқанд шаҳри қаландарларнинг маркази бўлган. Бу марказнинг Бухоро, Хива, Афғонистон, Қошғар ва бошқа жойлардаги филиалларида мутахассис қаландарлар, маддоҳлар тайёрланган. Тайёргарлик қатъий қоидалар асосида олиб борилиб, маълум курсни ўзлаштирганлар махсус имтиҳондан ўтгандан кейингина эл ўртасида юриш ҳуқуқини қўлга киритганлар.[11]

Юқоридаги маълумотларда, халқ бахшиларини тайёрлаш билан, қаландар, маддоҳларни тайёрлаш ўртасида қатор умумийликлар бор. Агар бўлажак халқ бахшиси устоз ўргатган махсус тайёргарликдан сўнг, одамлар иштирокидаги синовдан ўтиб, мустақил дoston куйлаш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, қаландар, маддоҳлар махсус имтиҳон топширганлар ва улар ҳам мустақил фаолият учун устозлардан фотиҳа олган бўлишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Бу мактаб битирувчиларининг қаландар ва маддоҳ деб юритилиши ҳам худди дostonчи ва термачи каби уларнинг билим даражаси ва вазифалари ҳам турлича бўлганлигини кўрсатади.

Ўзбек фольклори, жумладан, термаларга ислом дини ва у орқали кириб келган араб фольклорининг таъсири жуда кучлидир. Қолаверса, ислом динининг муқаддас китоби Куръони карим ва Ҳадиси шарифларда ҳам фольклорий мотивлар ғоят кучли. Араб ва ўзбек фольклорининг илк тадқиқотчиларидан бири Ш.Шомусаров шундай ёзади: “Ўз даври фольклорини жуда яхши билган Муҳаммад алайҳиссалом ўз диний, маърифий, ахлокий-эстетик қарашларини тарғиб қилишда ҳам араб халқ оғзаки ижодининг афсона, ривоят, мақол ва ҳикматли сўз каби жанрлардан самарали фойдаланган”.[12]

Диний термалар махсус тадқиқотни талаб қилади. Чунки, биринчидан, уларнинг асосий қисми бадиий жиҳатдан жуда юксак бўлса, иккинчидан, уларда исломий қарашлар билан исломгача бўлган эътиқодий қарашлар уйғунлашиб кетган. Диний термаларнинг яратилишида ёзма диний адабиётнинг роли жуда катта. Унинг оғзаки адабиётга таъсири, умуман, дин ва фольклор муносабатлари ғоят кенг, ғоят мураккаб, махсус тадқиқотларни талаб қиладиган соҳадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мусакулов А. Терма в узбекском фольклоре: Автореф. дисс...канд. филолог. наук. – Ташкент, 1984.
2. Ўзбекистон Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архиви, – Инв.№818.
3. Ўзбекистон Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архиви, – Инв.№818.
4. Ўзбекистон Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архиви, – Инв.№815.
5. Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қиссаи Рабғузий. К.1. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 240 б.
6. Ўзбекистон Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архиви, – Инв.№715.
7. Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қиссаи Рабғузий. К.1. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 240 б.
8. Ўзбекистон Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архиви, – Инв.№1001.
9. Имом Бухорий. Ҳадисс. Т. IV. – Тошкент: Комуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б.244.
10. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – С.54.
11. Троицкая А.Л. Из прошлого каландаров и маддахов в Узбекистане // Домусульманские верования и обрядов в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.191-223.
12. Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қийсий таҳлили: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1997. – Б.12.

Жалолиддин Алиқулович БЎРИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва
маърифат бўлими услубчиси
jburiyev1977@mail.ru

АМИР ТЕМУРНИНГ ЯҚИН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ

ВОЕННАЯ ПОЛИТИКА АМИРА ТЕМУРА В СТРАНАХ БЛИЖНЕГО ВОСТОКА

AMIR TEMUR'S MILITARY POLICY IN THE MIDDLE EAST

Аннотация: Ушбу мақолада Амир Темурнинг ташиқи сиёсати, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон, Усманий Султони Боязид Йилдирим ва Мамлук Султони Султон Барқуқ ўртасида Амир Темурга қарши тузилган ўзига хос “Учлик иттифоқи” ҳеч қандай натижа бермагани тарихий таҳлилий маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Амир Темурнинг сергаклик билан ҳаракатланиши, тадбиркорлиги унга доимо ғалаба олиб келиши, бугун ва келажак учун муносиб ўрнак бўла олганлигининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, Тўхтамишхон, Боязид Йилдирим, Чингизхон, Мамлук Султонлиги, Анатолия, Омосия.

Аннотация: В данной статье на основе исторического анализа внешней политики Амира Темура приводится информация о том, что «Троицкий союз» против Амира Темура между золотоордынским ханом Тохтамышханом, османским султаном Баязидом Йылдырым и мамлюкским султаном Баркуком не сработал. В нем также подчеркиваются особенности бдительности, предприимчивости Амира Темура, которые всегда приносили ему победу и становились достойным примером для сегодняшнего дня и будущего.

Ключевые слова: Амир Темур, Хан Тухтамыш, Баязид, Тўхтамишхон, Хан Боязид,

Чингизхан, Мамлюкский Султанат, Анатолия, Омосия.

Abstract: This article provides information on the foreign policy of Amir Temur, the failure of the “Trinity Alliance” between the Golden Horde Khan Tokhtamishkhan, the Ottoman Sultan Boyazid Yildirim, and the Mamluk Sultan Sultan Barquq against Amir Temur, which had never given its results, based on the historical research. Therefore, It also highlights the peculiarities of the entrepreneur's vigilance, entrepreneurship, of Amir Temur, which always brought him victory, and became a worthy example for today and the future.

Keywords: Amir Temur, Tokhtamishkhan, Boyazid Yildirim, Genghis Khan, Mamluk Sultanate, Anatolia, Amosia.

XIII асрнинг иккинчи ярми XIV асрнинг бошлари, Хитойдан Африка қитъасига қадар чўзилган улкан мўғул давлатининг парчаланиши ва унинг ўрнига янгидан-янги “меросхўр” давлатларнинг вужудга келиш даври бўлди. Чингизхон авлодлари ҳукмронлиги остида бўлган Ҳиндистон, Ўрта Шарқ ва Кичик Осиё, Хитой ҳамда Мовароуннахр ҳудудлари бирма-бир уларнинг атрофидаги амирлар, ҳамда жанговар туркий қабилалар қўл остига ўта бошлади. Хусусан Мовароннахрда подшоҳлик мақомида турган Чигатой улуси, мазкур асрларга келиб ўз мақомини йўқотмаган бўлса-да, аслида ҳукумат бошқаруви атрофидаги амирларнинг қўл остига ўтди. Амир Темур давлати ҳам шу асосда вужудга келди ва маълум бир муддат номига бўлсада хонлик ўз мартабасини йўқотмади. Шаҳри Кешдан бошланган улуғ давлатчилик ҳаракати 1370 йилга келиб мустаҳкам давлатга айланди.

Шу тариқа 1405 йилга қадар Осиёнинг катта қисмини ўзида жамлаган Амир Темур давлати вужудга келди. Бугун темуршунос тарихчиларнинг тадқиқотларида, Мамлук ва Усмонли Султонликлари олимларининг асарларида Амир Темурга қарши тузилган иттифоқ ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз.

Аслида иттифоқ Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон, Усманий Султони Боязид Йилдирим ва Мамлук Султони Султон Барқуқ ўртасида Амир Темурга қарши тузилган ўзига хос “Учлик иттифоқи” эди.

Маълумки, Амир Темур Тўхтамишхоннинг Олтин Ўрда тахтига келишига катта ёрдам берган. Лекин, Тўхтамишхон маълум кучга эга бўлгач хиёнат йўлига кирди ва Амир Темурнинг узокдалигидан фойдаланиб Мовароуннахрга кўшин жўнатди [12:116]. Натижада Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги келишмовчилик шундан бошланди. Шундай қилиб Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги илк жанг 1391 йилда Дашти Қипчоқнинг Қундузча мавзесида бўлиб ўтди. Мағлубиятга учраган Тўхтамишхон чекинишга мажбур бўлди [12:139].

Қундузча жангидан сўнг Амир Темур 1391 – 1393 йиллар орасида Эрон ва Каспий қирғоқларини тўлалигича қўлга киритди ва Бағдодга Аҳмад Жалоирга турфа совға-саломлар билан бирга ҳукмдорлигини тан олишини талаб қилиб мактуб йўллади. Темурдан қўрққан Султон Аҳмад Жалоир зоҳиран тан олдию, аммо сиртдан унга қарши Мамлук Султонлигига сиғинди [7:159-190].

Аҳмад Жалоирий элчи қилиб Нуриддин Абдуллаҳмон Исфариноинийни жўнатади ва Амир Темурга тобелиги, ҳамда ундан қўрққани учун ўзи кела олмаганини баён қилиб турфа совға-саломлар билан бирга мактуб йўллайди. Натижада Соҳибқирон Бағдод сари юриш қилди [12:157].

Амир Темур кўшинининг Бағдод дарвозалари олдида саф тортиши Анатолия ва Ўрта Шарқда Амир Темурга қарши ўзаро иттифокларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Илк иттифок Мамлук Султонлиги ва Қози Бурҳониддин Аҳмад ўртасида тузилди [1:14-15].

Кичик Осиё ва Ўрта Шарқнинг бир томонида Амир Темурга қарши иттифоклар тузилса, иккинчи томонида эса Туркман бекликлари бунини мамнуният билан қабул қилдилар. Зеро, улар учун Мамлук Султонлиги ва Усмонлиларга қарши тура оладиган катта бир куч ўртага чиққан эди. Хоссатан, Амир Темурнинг келишини хуш қабул қилган бекликлар Қорамонўғуллари, Зулқадирўғиллари ва Арзинжон амирлиги бунини қувонч билан қабул қилдилар. Амир Темур Бағдодни қўлга киритгач шимолга қараб ҳаракат қила бошлади. Текрит яйловларига келганда Арзинжон Амири, Қорамонўғуллари, Зулқадирўғиллари, Қорақуюнли, Окқуюнли

ва Қози Бурҳониддин Аҳмадга ҳокимиятини тан олишлари учун мактублар йўллади [3:110]. Шунингдек, бу орада Мамлук султони Барқуққа итоат талаби билан мактуб йўллади [12:137]. Мактуб қуйидагилардан иборат эди: “Мундин бурун подшоҳларким, Чингизхон наслидин эрди, алар муҳолафат қилур эрмишлар. Бу жиҳатдан Шом элига ва андағи валоятларга ташвиш тегар эрмиш. Охирида алар ораларида яраш ўлуб валоятлар амон бўлгон эрмиш. Ва подшоҳ Саъд Абу Саидхон раҳмати Ҳаққа кетиб, Чингизхон наслидин Эрон валоятида подшоҳ қолмади. Ва ҳар мамлакатда бир подшоҳ чиқиб эл-улус ва валоятлар хароб бўлуб эрди. Бу маҳалда Ҳақ иноятидин Турон ва Эрон мамлакати Ироқи Арабгача бизга мусаххар бўлди.

Эмди мусулмонларнинг нехҳолиғи бу турурким, ҳамсоялик ҳаққини риоят, аромизда бориш келиш бўлғай ва икки тарафдин доим элчи бориш-келиш қилғай. Ва бир биримиздан хабардор бўлиб, то йўллар омон бўлиб, мусулмонлар фароғат бирла бориб келғайлар ва ичида осойиш фароғат бўғай...[12:157]”

Афсуски, Мамлук ҳукмдори Султон Барқуқ Соҳибқироннинг элчиларини ўлдириш билан ўз жавобини изҳор қилмоқчи бўлди. Соҳибқирон бунинг жавоби ўлароқ Сурияга юриш қилишга қарор қилди. Қози Бурҳониддин Аҳмад эса Амир Темурга рад жавобини жўнатиш билан бир қаторда Мамлук Султони Барқуқ ва Йилдирим Боязидга Соҳибқиронга қарши иттифок таклифи билан чиқди. Қози Бурҳониддин Аҳмаднинг ушбу ҳаракати тез фурсатда ўз натижасини кўрсатди ва Амир Темурга қарши Боязид-Барқуқ-Тўхтамиш-Қози Бурҳониддин ораларида иттифок тузилган. Мазкур иттифокдан хабар топган Соҳибқирон бунини парчалаш мақсадида Сивас томонга йўналди. Аммо, Арзирум шаҳригача келиб, Аракс дарёси бўйидаги Авник қалъасини қўлга киритиб бирдан йўналишни ўзгартирди. Чунки, Соҳибқирон авваламбор иттифокчиларнинг энг асосий кучга эга бўлганларидан бири шимолдаги Тўхтамишхонни бартараф қилиш керак эди. Шу сабабдан Анатолияни тарк этиб Гуржистон орқали Олтин Ўрда сари юзланди. Зеро, Соҳибқирон Анатолияда қолса жанубдан Мамлук, шимолдан Олтин Ўрда кучларининг ўртасида қолишини мумкин эди. Шу мақсадда

Соҳибқирон Тўхтамишхонга қарши қўшин тортди. Тўхтамишхон 1391 йилнинг июн ойидаги Қундузча жангидан сўнг анча заифлашиб қолган эди [12:137]. Мағлубиятдан зўрға қочиб қутулган Тўхтамишхон Дашти Қипчоқда яна ўзига қўшилиб тўплаган ва атрофдаги Амир Темурга қарши бўлган Мамлук султони, Боязид Йилдирим ва Қози Бурҳониддин Аҳмад билан иттифок тузган эди [2:194-195].

Амир Темурнинг ушбу ҳаракатини ўзига хос ҳарбий тадбирлардан бири эди дея, изоҳлаш ҳам мумкин. Чунки, унинг Ўрта Шарқ ва Кичик Осиёга кириб бориши бир томонда ўзаро иттифокчиларни вужудга келишига туртки берган бўлса, иккинчи томондан бу жойдаги вазиятни бутунлай издан чиқариб юборди. Ҳудудда мавжуд бекликлар икки гуруҳга бўлиниб кетдилар. Улардан бир қисми Боязид Йилдирим, Қози Бурҳониддин Аҳмад ва Мамлук Султонлиги тарафдори бўлишса, бошқа маълум қисм беклар, ҳамда бир гуруҳ араб қабиалари Амир Темурнинг тарафдори эдилар. Амир Темур Ҳиндистон сафарида юрган кезларда Ўрта Шарқ ва Кичик Осиёда ўзаро урушлар шу қадар авж олдики, натижада ғолиблар ҳам мағлублар ҳам ниҳоятда кучсизланиб қолишди. Бу ҳолат Соҳибқироннинг Ўрта Шарқ ва Кичик Осиёга қилган етти йиллик урушида анча қўл келди.

Тўхтамишхон бу борада бошқа иттифокчиларига нисбатан Султон Барқуқ билан янада яқин муносабатга киришишга ҳаракат қилди. Ўз ўрнида Барқуқ ҳам бунга ўзининг ижобий жавобини билдириб турди [10:233]. Ўртада доимий элчилик алоқалари ўрнатилди. Чунки, Султон Барқуқ Амир Темурнинг элчиларини ўлдиргандан сўнг ўртада уруш чиқиши аниқ бўлиб турган бир вазиятда эди.

Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги иккинчи бора жанг 1395 йилнинг апрел ойида Терек дарёси бўйида бўлиб ўтди [12:175]. Жанг Тўхтамишхоннинг мағлубияти билан тугаган бўлсада, Амир Темур уни қўлга тушира олмади. Тўхтамишхоннинг яна қўшин тўплаб қайтишини билган Амир Темур, унга қарашли бўлган барча ҳудудлар, ёрдам бериши мумкин бўлган қабиалар ва Олтин Ўрдани бутунлай қўлга киритди.

Тўхтамишхонни мағлубиятга учратган Соҳибқирон 1395 йилнинг охири 1396 йилнинг бошларида Боязид Йилдиримга мактуб йўллади. Мактубда қуйидагилар битилган эди:

“Самарқандин хабар келдики, Тўхтамишхон ўлкамиз сари уруш ҳаракатларини бошламиш. Шу сабабдан Дашти Қипчоқ ва Ўзбек диёри томон отландик. Унинг устига қўшин тортиб уни адабга чақириб қўйдик ва унинг ҳаммаслакларини бир-бир қиличдан ўтказдик. ... Қўшинимизнинг зафари ва сафар ҳозирликларини бошлаганимиздан хабар топган Тўхтамиш юртининг барча ҳокимлари ва волийлари тумтарақай қочдилар. Баъзилари қочиб Қора денгиз ва Қримда жон сақладилар. Ҳозирда Ширвон ўлкасида кишлаш қарори билан турибмиз. Билингизки, бу ёз яна ҳаракат қилиб Олатоғ яйловидан Шом томонга юриш қилиш ниятидамиз. Шу сабабдан бир-биримиз билан яқин алоқа бўлишимиз учун сиз ўз ҳолатингизни бизга маълум қилинг. Айни вақтда жанубдан Дарбандга қўшилган Самурон ва Оби Самурдан ўтяпмиз. Агар сиз томондан бирор тужжор ёки сайёҳ бу сарҳадларимиздан ўтар бўлса биз улар учун сизнинг сидқи ҳурматингиздан ҳар қандай имтиёзларни қилиб берамиз. Агар бизнинг дўстлигимизни қабул қилсангиз, ўзингиз учун катта ёрдам ҳозирлаган бўласиз. Аммо, садоқатингизни изҳор қилмасангиз Аллоҳнинг изни билан сиз томонга қўшин тортишга мажбур қоламиз. Бу орада бизга маълум бўлдики, Тўхтамиш биздан қочиб Ўзи (Днепр) ирмоғидан кечиб ўтиб Қора денгиз соҳилларидаги баъзи бекларнинг этагини тутибди. Агар сиз кофирларга қарши жанглариғизда зафар қозонишда давом этаверсангиз, мен бу тарафдан бу каби исёнчиларнинг дафъи учун ҳаракат қиламан. Ўтган йили Ироқи Араб сари борганимизда Шом тарафдаги бетайин бир Черкас ўғли учун совғалар ва элчилар юбордик, эшитганигиздек элчиларимизни ҳақсиз ўлдирди. Энди Дашти Қипчоқдаги вазиятни бир йўлга солганимиз учун Шом ўлкасига юриш учун тадорик кўряпмиз. Сивас “қозичаси” (Қози Бурҳониддин Аҳмад) ўзида ҳеч қандай куч-қувват йўқлигини била туриб ҳам ақлини еб Черкас боласи билан иттифок тузибди, (бу ерда юқорида зикр этиб

ўзилган иттифоқ назарда тутилган) ҳали уни ҳам ҳаддини билдириб қўямиз...”.

Амир Темур мактублашмалар ҳали давом этишини билдириб юксак эҳтиром билан сўзини якунлайди. Соҳибқирон иттифоқда Боязид Йилдирим борлигини хабардор бўлган эди. Мазкур мактуби орқали унинг нақадар кучли дипломатияга эга бўлган моҳир сиёсатчи эканлиги маълум бўлади. Лекин, Амир Темур Самарқандга қайтгач режаларини ўзгартирди ва Шомга эмас Ҳиндистон сари юришга отланди.

Ҳиндистон юриши пайтида иттифоқдошлар ўзаро яна алоқаларни йўлга қўйдилар ва Анатолия, ҳамда Ўрта Шарқда вазият қайта жонланди. Амир Темурнинг Анатолия ва Яқин Шарққа юриши учун жонбозлик кўрсатган туркман бекликлари билан иттифоқчилар мужодалага киришдилар. Соҳибқирондан қочган Қорақуюнлилар ва Жалоирийлар ҳам ўз ерларига эга бўлиш мақсадида қолган теурийлар билан жанг бошладилар.

Иттифоқчилар ораларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро мунсабатларини ривожлантирдилар. Жумладан, 1395-1396 йилларда Боязид Йилдирим Қоҳирага кўп миқдорда совға-саломлар билан бирга Зайниддин Сафар Шоҳ раҳбарлигидаги элчилар жамоасини жўнатди. 1394 йилда қурилган бу иттифоқнинг янада мустаҳкамланишидан мафаатдор Султон Барқуқ ҳам жавобан Толумон Али Шоҳни Усмонли Султонлигига элчи ўлароқ жўнатди [8:27]. Шунинг билан бирга бу орада Султон Барқуқнинг элчилари Қоҳира ва Сивас ўртасида мунтазам равишда келиб-кедиб турдилар. Амир Темур иттифоқчиларнинг ҳар бирига айри-айри мактуб йўллаши улар орасида иттифоқни янада қувватлантирди. Султон Барқуқ Соҳибқироннинг юриши Ўрта Шарқдаги юришларига хайрихоҳлик билдирган баъзи араб қабилалари устига қўшин тортиб бирма-бир уларни “жазолай” бошлади. Шунингдек, Зулқадирўғли Сўлибекни ҳам Амир Темурнинг ёнидаги фаолиятлари сабабидан Ҳалаб ноиб орқали бўйсундирди [8:59].

1398 йил ёзида Оққуюнлилардан Қора Юлуқ Усмонбек тарафидан Қози Бурхониддин Аҳмад ўлдирилди [4:15]. Энди иттифоқчилар бир иттифоқчи бошқа бирининг урушга отланди. Қози Бурхониддин

Аҳмаднинг вафоти бир томондан Амир Темурга қарши иттифоқчиларнинг бирининг ўлими бўлса, бошқа томондан Йилдирим Боязидни қувонтирди. Чунки, бу ҳолат у учун Анатолияни бирлаштириш ҳаракатларини янада енгиллаштирадигандек кўриниб Амир Темурга қарши ҳаракатларига турки бўлди деб айта олиш мумкин. У ғарбдаги ҳаракатларини тўхтатиб, шарқий Анатолия томон йўналди.

1397 йилда Усмонлилар ва Қорамонўғиллари ўртасида Оқчой жанги бўлиб ўтди. Қорамонўғли Алоуддин Алибекни ўртадан чиқариб ўғиллари Али ва Маҳмудни Бурсада ҳибсда ушлаб турди. Қози Бурхониддиннинг вафотидан фойдаланиб аввал Омосия сўнг Сивасга ҳужум қилди. Ҳатто 1399 йилда Мамлук Султони Барқуқнинг ўлиmidан фойдаланиб Фрот дарёси қирғоқларидаги Малатя, Даренда ва Дивриғини қўлга киритди [4:16].

Амир Темурнинг Ҳиндистондаги сафаридан фойдаланган Боязид Йилдирим мазкур юришлари орқали унга ўзини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Афсуски бу узоққа чўзилмади. Ҳиндистон сафаридан катта муваффақият билан қайтган Амир Темур бир муддат Самарқандда қолгандан сўнг 1399 йилнинг июл ойида ғарбга томон ҳаракатлана бошлади. 1399-1400 йилларда Озарбайжон, Гуржистон ва Ироқдаги бир қанча қалъаларни забт этди. Сўнг Кичик Осиё томон йўналди [12:227-232].

Шу тарика иттифоқчилар бир-бир мағлубиятга учрай бошладилар. 1400-1402 йилга қадар Кичик Осиёдан Сивас, Малатя ерлари ва Ўрта Шарқдан эса Мамлук Султонлигининг Ҳалаб, Ҳама, Хумс ва Дамашқ шаҳарларини қўлга киритиб, Султон Барқуқнинг ўрнига келган ёш ўғли Султон Фараж қўшинларини мағлубиятга учратди. Шунингдек, бу орада Бағдод, Табриз, Арзинжон, жануби-шарқий Грузия ерлари Арманистон ерлари ҳам қўлга киритилди. Орадаги бир қанча ёзишмалардан сўнг Усмонли Султони Боязид Йилдирим билан 1402 йилнинг июлида Анқара жанги бўлиб ўтди ва жанг Соҳибқироннинг ғалабаси билан якунланди [12:240-260].

Умуман олганда мазкур иттифоқчилар Амир Темурга қадар бир-бирлари билан ҳеч қачон ўзаро яқин алоқада бўлишмаган эдилар. Доимо ўрталарида рақобат, уруш кайфияти

уфуриб турарди. Хусусан, бир томондан Ўрта Анатолия ва Сивас ҳудудларида 1381 йилда ҳукумат тепасига келган Қози Бурҳониддин Аҳмад томонидан идора этиларди. Қози Бурҳониддин Ўрта Анатолия ва Донишмандия ерларига эга чиқиш мақсадида кўп урунишлар олиб бораётган Анатолия бекларидан эди. Шунингдек, унинг асосий мақсади ўша давр учун муҳим ҳисобланган Табриз-Токат-Бурса тижорат йўлларини назорати остига олиб, бу йўлнинг муҳим маркази ҳисобланмиш Анқарани қўлга киритиш эди [2:191-245, 7:139-140].

Иккинчи томондан Боязид Йилдирим ҳам тахтга келган кундан бошлаб аждодларидан фарқли равишда бутун эътиборини ғарбга эмас кўпроқ Кичик Осиёнинг шарқий қисмига қаратган эди. Жумладан, 1390-1392 йилларда шарқий атрофидаги Ойдин, Сарухон, Гармиён, Ментеше ва Ҳамид Туркман бекликларини бўйсўдириб ўз давлати таркибига қўшиб олди. Ўз навбатида Кичик Осиёнинг жануби-шарқий қисмларига таъсир ўтказиб турган Мамлук Султонлиги билан ҳам доимо уруш ҳолатида эди [9:68].

Шундай қилиб, Амир Темурга қарши тузилган мазкур иттифоқ ҳеч қандай натижага эриша олмади. Амир Темурнинг оқилона ҳаракати, ҳамда огоҳлиги иттифоқчилар кучларининг бирлашишига қўймади. Чунончи, улар бирлашган тақдирда вазият бутунлай бошқача тус олиши мумкин эди. Иттифоқчилар орасида Соҳибқирон учун асосий рақиб бу Тўхтамишхон бўла оларди. Шу сабабли Амир Темур аввало, Тўхтамишхонни мағлубиятга учратишни асосий мақсад қилган ҳолда, иттифоқнинг асосий кучини йўқотмоқчи бўлган, назаримизда. Соҳибқироннинг бу каби сергаклик билан ҳаракатланиши унга доимо ғалаба олиб келди. Бу эса огоҳлик ва сергакликнинг нақадар муҳим эканлигини, бу орқали кўп фитналарнинг олди олиниши мумкинлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, бу борада Амир Темур бугун ва келажак учун муносиб ўрнатилган бўла олди, деб айта олиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Aşıkpaşazāde. Aşıkpaşazāde Tarihi, (Neşr. H. N. Atsız), —İstanbul 1992, S.
2. Hakkı Uzunçarşılı. Sivas ve Kayseri Hükümdarı Kadı Burhaneddin Ahmed, Belleten, XXII/126, 1968.
3. Hakkı Uzunçarşılı. Anadolu Beylikleri ve Akkoyunlu, Karakoyunlu Devletleri, Ankara 1988.
4. Saadettin Bashturk. Middle East-Anatolian Incursions of Timur, Struggles against this Incursion and Results. History Studies (International Journal of History). 2010.
5. Sharafiddin Ali Yazdi. Zafernama, C. I, (Trans. M.Abbas), Calcutta 1887.
6. Yücel Y. “XIV. XV. Yüzyıllar Türkiye Tarihi Hakkında Araştırmalar II, Türkiye ve Yakınoğu Üzerinde 1393-1394 Timur Tehlikesi”, —Belleten, XXXVII/146, 1973.
7. Yücel Y. Anadolu Beylikleri Hakkında Araştırmalar II, —Ankara 1991.
8. Yücel Y. Timur’un Ortadoğu-Anadolu Seferleri ve Sonuçları, - Ankara. Türk tarih kurumu. 1989.
9. Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. Таржимонлар: А.Самад, О.Шарафуддинов. Т. Фан, 2007.
10. Ибн Тағриберди. Ан-Нужуму-з-заҳиро фий мулук Миср ва-л-Қоҳира. Муҳаммад Хусайн Шамсиддин таҳқиқи. — Қоҳира, 1963. Ж.16.
11. Низомиддин Шомий. Зафарнома. —Т. Ўзбекистон. 1996.
12. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. —Т. Шарқ.1997

Chinpulat Minasidinovich KURBANOV,
Тошкент давлат стоматология институти
Ижтимоий фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси
e-mail: chinpulat@gmail.com

XIX АСР ОХИРИДА ТУРКИСТОН - ХИТОЙ ЧЕГАРАЛАРИДА БОЖ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

О ТАМОЖЕННОМ ДЕЛЕ В ТУРКЕСТАНЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВВ.

ON THE BOC ISSUES ON THE BORDERS OF TURKISTAN - CHINA AT THE END OF THE XIX CENTURY

Аннотация: Манбаларни таҳлил қилиш асосида мақолада XIX-аср охири – XX-аср бошларида Россия империясининг Туркистон орқали Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларининг айрим хусусиятлари ва жиҳатлар ўрганилиб, ушбу даврда импорт ва экспорт объектлари аниқланди. Муаллиф Туркистон – Хитой чегараларида божхона ишининг ривожланиши жараёнини таҳлил қилган.

Калит сўзлар: Туркистон, Хитой, Иркештом, Қашғар, Бош консул, Божхона Устави, омборхона, контрабанда, божхона сиёсати, божхона ва тарифларни тартибга солиш, товарларни олиб кириши ва олиб чиқиши, божхона божлари, божхона қоидалари.

Аннотация: На основе анализа источников в статье рассмотрены некоторые особенности и аспекты торгово-экономических связей Российской империи с Китаем через Туркестан в конце XIX - начале XX веков, выявлены предметы ввоза и вывоза в изучаемый период. Автором проанализирован процесс развития таможенного дела на границе Туркестана и Китая.

Ключевые слова: Туркестан, Китай, Иркештам, Кашгар, Главный Консул, Таможенный Устав, склад, контрабанда, таможенная политика, таможенно-тарифное

регулирование, ввоз и вывоз товаров, таможенная пошлина, таможенные правила.

Annotation: Based on an analysis of the sources, the article discusses some features and aspects of the trade and economic ties of the Russian Empire with China through Turkestan at the end of the 19th - beginning of the 20th centuries, identified objects of import and export in the study period. The author analyzes the development of customs on the border of Turkestan and China.

Key words: Turkestan, China, Irkeshtam, Kashgar, Consul General, Customs Charter, warehouse, smuggling, customs policy, customs and tariff regulation, import and export of goods, customs duty, customs regulations.

Туркистоннинг Хитой билан савдо алоқалари Фарғона – Қашғар чегаралари орқали амалга оширилган.

Мазкур ҳудудларда божхона йиғими Копал, Ёркент, Бахтин, Зайсан, Қўш-ёғоч участкалари томонидан амалга оширилган[4].

Ўзаро савдо алоқаларида хонликлар давридан Фарғона вилоятининг Қашғар билан чегара ҳудудидаги Иркештомда жойлашган божхона катта аҳамиятга эга бўлган. 1894 йилда Россия империяси Молия Вазирининг Махсус Кенгашида Туркистон ва Қашғар ўртасидаги савдо алоқалари Иркештом орқали олиб борилган.

1895 йилдан Қашғарда Россия империяси Бош Консули тайинлангач, Хитой ва Туркистон савдогарлари Қашғарда текширилиши белгилаб қўйилди[1].

1901 йилга келиб Қашғарда махсус божхона пункти тузилади. Қўқон божхонасига Фарғона водийсидаги Иркештом ва Ёттисув вилоятидаги Норин орқали жўнатилган моллардан давлат ғазнаси ҳисобига солиқ ундириш ҳукуқи берилади[9].

Демак ўзаро савдо алоқаларида Қашғар ва Қўқондаги божхоналар муҳим роль ўйнаган.

Олиб киришга рухсат этилмаган ёки бож ундирилмаган молларни олиб киришга уриниш ҳолатларида моллар божхонада мусодара қилинган ёки Божхона Низомида белгиланган тартибда жарима ундирилган. Молия Вазири хийла йўли билан божхона бојини тўламасдан контрабанда йўли билан товар олиб киришга уринганларни Қашғарда ўз молларини

текширтириш ҳукукидан маҳрум қилган, бу Қашғарлик катта савдогарлар манфатидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий Консул томонидан огоҳлантирилган[2].

Еттисув вилоятининг Хитой билан чегарасида жойлашган божхона идораларида молларни ўтказиш (олиб ўтиш) ва улардан бож ундириш қоидаларига кўра чет давлатга олиб чиқиладиган, махсус имтиёзга эга бўлган моллардан бож солиғи шу ерда қолдирилган ёки акциз ва бошқа йиғимларни қолдириш шарти билан чиқарилган[5].

Хитойдан чойдан ташқари барча моллар[8] божсиз ўтказилган, лекин Европада, хинд-инглиз ёки Японияда ишлаб чиқарилган моллар Европа савдосидан умумий тариф бўйича бож ундирилган.

Мазкур божхонада белгиланган тартибга кўра спиртли ичимликлар Европа савдосида чекланган моллар олиб кириш, наркотик моддалар олиб кириш, ҳарбий снарядлар, қурол ва порох олиб чиқиш таъқиқланган.

1881 йилдаги савдо қонунининг 15-моддасига биноан рус фуқаролари Хитойга чиқиб кетаётганларида ўзларини ҳимоялаш учун ёнларида битта милтиқ ёки тўппонча олиб ўтиш ҳукукига эга бўлганлар. Хитой фуқароларини бу ҳудудга қурол билан ўтишга ёки қайтиш учун маҳаллий бош раҳбарият кўрсатмасига кўра рухсатга эга бўлганлар.

1881 йилдаги Хитой билан тузилган Санкт-Петербург шартномасининг иловасига кўра савдо қонунининг кўра Хитой ва рус фуқароларига Хитойга 50 верст чегара яқинидаги чизикда асосан чой билан эркин ва божсиз савдо қилишга рухсат берилган, белгиланган чизикдан ташқарида савдо билан машғул бўлганлар фуқаролигидан каттиий назар, бож тўлашлари шарт бўлган.

Мазкур қоидада белгиланган тартибга кўра 50 верстлик чизикда хитойдан ташқарида ишлаб чиқарилган молларни олиб ўтиш руслар ишлаб чиқарган молларни Хитойга олиб чиқиб, бож ёки акциз ортириб қайтиши таъқиқланган.

Божсиз олиб ўтиш мумкин бўлган товарлар ҳеч қандай тўсиқларсиз ва расмийтчиликларсиз ўтказилган. Агар ўтказиладиган транспортлардан бож ундириладиган, хитойда ишлаб чиқарилмаган ёки таъқиқланган моллар

борлигига гумон пайдо бўлса, бутун транспорт текширилган.

Хитойдан ташқарида ишлаб чиқарилган хорижий моллар, Хитойдан империяга олиб кириладиган ва Хитой моллари (чой), 50 верст чизикдан четда сотишга тайинланган моллардан бож солиғи ундирилган.

Олиб чиқишга мўлжалланган чой ва бож солиғига тортиладиган товарлар фақат белгиланган божхоналардан ўтказилиши мумкин бўлган. Ушбу юборилиши кўзланган товарларнинг тартиб рақами, эгаси ёки аравакаш, мол сифати ва қайси божхонага олиб борилиши кераклиги сана билан белгиланган бўлиши шарт бўлган.

1899 йил 4 июльдаги Қонун ҳамда 1900 йил 7 августда Молия Вазири, Туркистон генерал-губернатори, Дашт генерал-губернатори келишувига асосан Семипалатинск, Еттисув вилоятлари ва Томск губерниясидаги божхона идоралари учун ягона қоидалар ишлаб чиққан[5], қоидаларга биноан ҳар уч вилоят божхона идоралари ҳукукий жиҳатдан тенглаштирилган.

Божхоналарда бож солиғи тўлаганларга литер китобларидан квитанциялар берилган, омборхонага келаётган товарлар юк омбори китобларига ёзиб қўйилган. Товарларни омборхоналарда сақланиш муддати божхона участкаси идораларида – уч ойгача, ўтиш пунктларида – бир ой деб белгиланган. Омборхонада сақланаётган товарлардан олинладиган бож уларнинг ҳажмига қараб, Россиянинг Европа қисмида амал қилган умумий қоидага асосан ундирилган. Тамғалашга мўлжалланган товарлар Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган қоидаларга биноан божхона идораларидан чиқариладиганда тамғаланган.

Рухсат этилган товарлар божсиз ва ҳеч қандай расмийтчиликларсиз ўтказилган. Хитой ичкарасида бундай товарлар Санкт-Петербург ва Хитой ўртасида 1881 йилдаги шартномада белгиланган савдо қоидалари асосида ўтказилган.

Божхоналардаги даромад кирими дафтарида, товарлар келтирилиши ва чиқарилиши эса Божхона Йиғими Департаментининг Статистика бўлимида қайд этилган.

Чой учун бож масаласида баъзи имтиёзлар бўлган. Чунончи, 50 верстлик чизикдан ташқарида маълум миқдор чой учун бож олинмаган. Бунда олиб ўтиладиган оғирлиги ўн фунтдан ошмаслиги керак бўлган[7].

Агар чой 50 верстлик чизик доирасида ўлка ичкарасидан олиб чиқилса, яқин атрофдаги божхона идорасига бож тўланиши лозим бўлган. Контрабанда йўли билан, яширин тарзда айланма йўллардан олиб ўтилган, Хитойда ишлаб чиқарилган товарларга, 50 верстлик чизик доирасида олиб ўтилган чойларга бож тўланмаса ва тамғаланмаса, бу товарлар юк ташаш воситаси билан мусодара қилинган.

Назорат вақтида бож тўловига тортилган ва божхона назоратидан яширинча олиб қолинган товарлар ошкор бўлса, юқорида айтиб ўтилган қоидаларга амал қилинади. Божхона идоралари ходимлари томонидан ушланган товарлар тўғрисидаги мусодара ишлари, мусодара қилинган ашёлардан ташқари пулли жарима, суд идораларида ўрнатилган ҳолатларда, Жиноят Суд Низомида белгиланган қоидаларга таяниб амалга оширилган.

Мусодара қилиниши тахмин қилинадиган товарлар маъмурий тартибда, божхона идора қоидаларига асосланиб, Божхона Низомда белгиланган қоидалар асосида мусодара этилган[6].

Қонунбузарларни ушлаганлар мусодара қилинган товарларни сотишдан тушган фойдадан мукофотланиб, рағбатлантирилган.

Ушбу қоидалар билан белгиланган назорат, чегара ҳудудларидаги туманларда ихтиёрий ёлланган божхона кўриқчи амалдор шахслари томонидан амалга оширилиб, маҳаллий божхона бошлиқлари назоратида бўлган. Бу кўриқчилар отлик пиёдаларга бўлиниб, божхона инспекторлари умумий назорати остида иш юритганлар, улар божхона участкалари бошқарувчисига бутунлай бўйсуниб, уларнинг ихтиёрида кўриқчиларни ишга жойлаштириш (аниқлаш), ишдан бўшатиш, энг яқиндаги кўриқчиларни бошқариш назоратчи кўриқчиларга юклатилган.

Кўриқчилар қуйидагиларни: а) божхона идораларидан четлаб олиб киришни, бож ундирилиши лозим бўлган товарлар; б) божхона назоратини четлаб чой етказиш учун

50 верстлик чизикдан ташқарига олиб чиқишга тайинланган бўлса; в) 50 верстлик чизикдан ташқарига юқорида таъкидланган товарларни бож тўламасдан олиб чиқилмаслигини; г) таъкидланган товарларни кириб келишини ва олиб чиқиб кетилишини олдини олиш; д) ҳорижга товарларни аниқ олиб чиқилиши ва контробанда йўли Билан қайта олиб кирилишини олдини олиш, Хитойдан бож солиғи ёки акцизни товарлар ўрнига олиб кирилишига йўл қўймаслиги керак эди.

Юқоридагиларни амалга ошириш мақсадида кўриқчилар ўз бошлиқларини кўрсатмасига кўра пост ва ҳудудларини доимий равишда назорат қилиши, ўрганиши ҳамда ушбу йўналишлардаги сўқмоқларни ёддан билишлари лозим бўлган.

Кўриқчилар бож ундириладиган, Хитойда ишлаб чиқарилмаган ва таъкидланган товарлар, божхона идораларини четлаб ўтказиладиган чой, 50 верстлик чизикдан олиб чиқилаётган товарларни, уларни ўтказиладиган ва ўтказиб бераётган юк ташиш асбоблари ва араваларини ушлаши, тегишли божхона идораларига олиб бориб топширишлари шарт бўлган.

Кўриқчиларга қурол фақатгина ўзини химоя қилиш учун ажратилиб карвонсарой кўриқчи амалдорлари билан бир хилда ишлатиш ҳуқуқи берилган[3].

Тинтув қилиш ва контрабанда товарларни аниқлаб, уларни мусодара қилиш Жиноят Суд Низомида белгиланган тартибда амалга оширилган.

Кўриқчиларга контрабанда йўли билан олиб киришга уринган товарларни ушлаб, божхонага топширгани учун уларга қонунда белгиланган пул мукофоти берилган. Агар ушланган товар йўқолса ёки миқдори камайса айбдор судга топширилган.

Хизмат вақтида тартиб-интизомни бузган кўриқчилар божхона участка бошлиқлари томонидан танбех, ҳайфсан, навбатдан ташқари навбатчилик қилиш ҳамда уч сутка давомида хибсда сақлаш, маошидан жарима ундириш, йиллик дарормадининг 1/3 қисмини ушлаб қолиш, жиддий ҳолатларда ишдан бўшатиши каби жазолар қўллаган.

Божхонадаги кўриқчилик хизмати маҳаллий божхона раҳбарияти томонидан

Божхона Йигими Департаментининг махсус инструкциясида белгилаб қўйилган. Унга биноан Ёркент, Бахтин, Зайсан ва Қўш-Ёғоч божхона участкаларида қўриқчиларига инструкцияга кўра: Хитойдан Россияга ва аксинча, олиб киритилаётган ҳамда чиқарилаётган барча товарлар уч гуруҳга бож ундирилдиган, бож ундирилмайдиган, ва таъқиқланган товарларга ажратилган.

Хитой билан тузилган битимга асосан 50 верстлик чизикда яъни давлат чегарасини нариги ёки бериги томонида рус ва хитой фуқаролари тенг ҳуқуқлар асосида эркин божсиз савдо-сотик қилиш имкониятига эга бўлганлар. Мамлакат сарҳадларида Россия Хитойдан олиб келиш таъқиқланмаган товарлар билан, ўз навбатида Хитой ҳам ҳамма рухсат этилган рус товарлари билан тадбиркорлик қилиши мумкин эди.

Хитойдан Россияга олиб кирилаётган товарлар, ва чой агар 50 верстлик чизикдан ташқаридан олиб ўтилаётган бўлса, барча қолган товарлар Хитойдан ташқарида ишлаб чиқарилган бўлиб улар 50 верстлик имтиёзли чизик ичида фойдаланиш учун белгиланган бўлса ҳам бож ундирилиши шарт бўлган.

Шароб ва ароқ (ароқ хитойда джун-джун деб номланади), опиум, наша ва барча наркотик моддалар, Хитой тангаси (ярмаки), ракеталар, ҳаёсиз ва масҳарамуз кўринишга эга бўлган расмлар олиб кириш мумкин бўлмаган, Европа савдоси тарифида таъқиқланаган жамики товарларни Хитойдан олиб кириш ҳам қатъиян таъқиқланган.

Порох, ҳар қандай совуқ қурооллар, артиллерия ва бошқа ҳарбий снарядлар, опиум, наркотик моддалар Россиядан Хитойга олиб чиқиш ҳам ман этилган. Барча рус ва хорижда ишлаб чиқарилган товарлар Хитойга ҳеч қандай тўсиқларсиз, бож тўламасдан олиб киришга рухсат этилган.

Айрим рус товарлари, яъни мануфактура маҳсулотлари, шакар, гугурт, тамаки маҳсулотлари, нефт ва бошқаларни, Россиядан Хитойга олиб чиқилаётганда, жўнатувчиларга ушбу товарлардан газнага тушадиган солиқлари акциз ёки бож кўринишида бўлган. Бу товарлар мукофотланган деб номланиб, уларни Хитойдан Россияга қайта олиб келинаётганида худди

хорижий товарлардан ундирилгани каби улардан бож солиғи ундирилиши керак эди.

Божхона идораларидан ўтказилаётганда товарлар белги қўйилиб тамғаланган.

Хитойдан келтирилган ҳар хил турдаги ипак маҳсулотлари, шунингдек, Хитойдан ташқарида ишлаб чиқарилган, лекин у ёқдан келаётган бошқа газламалар, дока ва маржонлар ҳам тамғаланган. Чой солинган кути(яшик) лар (икки пудгача оғирликда бўлган) ҳам тамғаланган. (50 верст чегара чизигидан ташқарида) Қоғоз қоплардаги сочма чой [10] империя худудида 50 верстлик чизик ичидаги савдога тайинланган чойни эса бандероллашга ҳам, пломбалашга ҳам ҳожат қолмаган.

Хорижда ишлаб чиқарилган, лекин ўзида тамғаси бўлмаган барча товарларни тамғалаш лозим бўлган, ички бозорга олиб кирилиши таъқиқланган барча товарлар, ва барча бож ундириладиган товарлар, чегара чизигидан белгиланган бож солиғини тўламасдан олиб ўтилса, ҳамда барча Россиядан олиб чиқиб кетилиб, мукофотланган товарлар, агар Хитойдан қайта олиб киритилаётган бўлиб, улар божхонага бож ёки акциз тўлаш учун кўрстилмаган бўлса, контрабанда товарлари деб ҳисобланган.

Божхона қоидаларига кўра рус фуқаролари Хитойга бориб қайтаётганларида ва Хитой фуқаролари Россияга бориб келаётганларида уларни қурол билан у ёки бу тарафга ўтказиб юбориш маҳаллий бош бошлиқ ихтиёрида бўлган.

Ҳар қандай йўловчи Хитойдан империя худудига келаётганда умумий оғирлиги 10 фунтдан оғир бўлмаган қадокланган чой в 1 фунт сочма чойни бож тўламасдан олиб ўтиш ҳуқуқига эга бўлган.

Хитойга кетётган рус фуқаролари ўзлари химоя қилиши учун битта милтиқ ёки тўппонча ва уларга тегишли бўлган ўқ-дориларни ёнларида олиб ўтиши мумкин бўлган.

Божхона соқчилари отлиқ қорвул ва соқчилардан иборат бўлиб, улар ихтиёрий ёлланган кичик амалдорлардан тўлдирилиб турилган.

Отлиқ қорвул ва соқчилар хизматга белгиланганларида садоқатлик билан хизмат қилишга қасамёд қилганлар.

Чегараларни кезиб чиқиш ва айланиб ўтганда умуман хизмат вақтини ўтаётган пайтда соқчи амалдорлар белгиланган кийим формасида бўлишлари шарт бўлган. Отлик қоровул ва соқчилар ғазнадан белгиланган ойлик маошни олгунга қадар, постда турар жойни иситиш, ёритиш мосламалари, намунадаги белгиланган форма кийими, (ғазнадан худди шундай нусхадаги уст-бош берилгунга қадар) озиқ-овқат, ич-кийим ва пойафзални ўз ҳисобидан қоплаган. Отлик қоровуллар, булардан ташқари хизматга соғлом ва яроқли отларни ҳам ҳисобларидан сотиб олиб, сақлашлари керак эди.

Соқчилар назоратчилари томонидан назорат қилинган. Улар соқчиларнинг ахлоқи, одоби, уларнинг ўз хизматларини аниқ ва тўғри бажаришларини кузатиб борганлар. Ҳар бир постда соқчиларга тегишли тушунтириш ишлари, олиб бориш, кўрсатма бериш, хизматга тайинлаш учун биттадан катта соқчилар белгиланган.

Соқчилар назоратчиси, кичик соқчи амалдорлари айланма йўлларни, ўтиш жойларини кузатиш, маҳаллий ҳудуддаги барча йўлларни билиб, доимо текшириб туриш, соқчиларнинг қуроли тоза ҳамда яроқлилигини текшириб туриши, соқчиларни қурол билан фойдаланишга ўргатиш, участкада мавжуд йўлларни батафсил ўрнатиш, товар ҳаракатининг шартлари, чегара яқинидаги халқнинг ҳаёт тарзи, контрабанда иши билан шуғулланувчи кишиларни аниқлаб, улар тўғрисидаги барча маълумотларни йиғиш, рўйхатини тузиш, доимо уларни ҳамма ишларини назорат қилишлари шарт бўлган.

Пост каттаси бошлиқларни барча кўрсатмаларини аниқ бажарилиши, постни тозалиги ва сарамжонлиги, давлат мулки ва қуроли билан эҳтиёткорона фойдаланишни кузатиши шарт.

Отлик қўриқчи ва соқчилар ўз раҳбарияти кўрсатмалари бўйича кечаю-кундуз постлар ораси ва ён-атрофларни текшириб, имкон қадар барча маҳаллий йўллар ва сўқмоқларни доимо айланиб туришлари керак эди.

Улар Хитойдан олиб келинаётган товарларни божхон идораларига келтирилишини, яъни, Хитойдан ташқарида ишлаб чиқарилган барча хорижий товарлар; Хитой товарларидан чой

ва ипак маҳсулотлари (агар улар чегарадан 50 верстлик чизик ташқарисидан олиб ўтилса), Россиядан олиб чиқилиб давлат солиғи (акциз ёки бож)ни қайтиб келиши ва рус маҳсулотлари, яъни, шакар, гугурт, тамаки маҳсулотлари, мануфтур товарлари, нефт мойлари ва бошқаларни назорат қилишлари шарт бўлган.

Хитойга олиб чиқиб кетилаётган товарларни юқорида айтиб ўтилгани каби кўрсатилган товарлар божхондан ўтказиб акциз ёки солиқлар қайтарилиши, чегарадан ўтишига ишонч ҳосил қилингандан сўнг, чегарадаги божхона томонидан тамғалар кесиб олинган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Предписание Начальнику Туркестанского таможенного округа 29 марта 1895 г. № 5795.
2. Предписание Начальнику Туркестанского таможенного округа 5 апреля 1902 г. № 8927.
3. Приложение к ст. 4 Устава об акцизных сборах.
4. Собрание узаконений 1891 г. ст. 236; 1892 г. ст. 4049 и 1909 г. ст. 442.
5. Собрание Узаконений 1900 г. ст. 2410.
6. Устав Таможенный изд. 1892. т. XVI. ч. I.
7. Устав Таможенный изд. 1904 г. ст.ст. 715 и 716.
8. Устав Таможенный изд. 1904 г. ст. ст. 951, 939.
9. Утверждение Министерства Финансов доклад 1 апреля 1902 г. и Предписание Начальнику Туркестанского таможенного округа 5 апреля № 8927.
10. 1 золотник - 4,25 гр. тенгдир. 1 фунт - 409,5 гр.

Сарвар Собитович АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат шарқишунослик институти,
фалсафа доктори PhD, доцент.
ibnsobit@mail.ru

ҚҰРЪОН ВА ТАФАККУР

КОРАН И ФИЛОСОФСКАЯ МЫСЛЬ

QURAN AND PHILOSOPHICAL THOUGHT

Аннотация: Мақолада Қуръони каримда келган машхур қиссалар атрофида илмий баҳс юритилади. Мазкур қиссаларнинг аввало ислом тарихида тутгун ўрни, шунингдек, улардан олинган асосий хулосалар ҳақида гап боради. Муаллиф Қуръон маъноларининг таржимасига исломишунослик нуқтаи назаридан ёндошар экан, нисбатан эркин фалсафий мушҳада юритади ва бир вақтнинг ўзида, эътиборли манбалардан фойдаланган ҳолатда хулосалар чиқаради.

Калим сўзлар: Қуръони карим оятлари, қиссалар, Каҳф, Мусо, Зул-Қарнайн.

Аннотация: В исследовании обсуждается научная полемика вокруг знаменитых Коранических историй. В статье говорится о роли и значимости этих историй в истории ислама, а также приводятся основные выводы, получаемых из Коранических историй. Подходя к переводу смыслов Священного Корана с исламоведческой точки зрения, автор сохраняет относительно свободное философское мышление и делает выводы, используя достоверные источники.

Ключевые слова: аяты Корана, рассказы, Пещера, Муса, Зул-Карнайн.

Abstract: The study discusses the scientific controversy surrounding the famous Quranic stories. The article discusses the role and significance of these stories in the history of Islam, and also provides the main conclusions drawn from the Quranic stories. Approaching the translation of the meanings of the Holy Quran from an Islamic

point of view, the author retains a relatively free philosophical thinking and draws conclusions using reliable sources.

Key words: verses of the Quran, stories, Cave, Moses, Dhu al-Qarnayn

Ислом оламида эътимодли бўлган аксар олимлар фикрига кўра, Қуръони карим оятлари мазмунан шартли равишда уч туркумга ажратилади: тавҳидий ёки ақидавий (эътиқодга оид оятлар); ҳукм оятлари; қиссалар [9:8]. Дарҳақиқат, Қуръони каримнинг исталган бир ояти ўрганилса, унинг мазмунан ана шу уч туркумнинг бирига мансуб эканини англаш қийин эмас. Тавҳидий оятлар диннинг асосини, аниқроғи таълимотини ифодаб келса, ҳукм оятлари тартиботлар, ҳадлар (жиноятларга нисбатан жазо чоралари), ҳаром-ҳалол, савоб-гуноҳ каби масалаларни қамраб олади.

Қиссаларда эса, аввалги ва кейинги қавмлар тарихи ҳамда уларнинг бошидан кечган воқеликлар баён қилинади. Албатта бундай қиссалардан энг аввало, оятлар нозил бўлиб турган вақтда мўминларнинг бошига келган синовларни бир оз бўлса ҳам маънавий жиҳатдан енгиллатиш, Аллоҳ ўзига иймон келтирганларнинг оқибатларини юқори даражага кўтариши учун уларга сабр ва матонатни ўргатади десак хато қилмаган бўламиз, ин шаа Аллоҳ. Бинобарин то қиёматгача бир ҳарфи ҳам ўзгармас илоҳий таълимот ҳар бир даврда ҳар бир инсон учун мазкур қиссаларда очиқ-ойдин гўзал намуна ва такво йўлига эргашишда собит қадамлик, сабр-қаноат ҳамда ҳусни хулқ учун тарбия мактаби бўлиб қолади.

Қуръони каримнинг ўртача ҳажмдаги деярли ҳар бир сурасидан ҳажми турлича бўлган ўтган қавмларнинг кўплаб қиссалари ўрин олган. Лекин улар орасида “Каҳф” сурасида келган қиссаларнинг ўзига хос ўрни бор. Чунки, бу сурадаги қиссалар услубий жиҳатдан ҳам бетакрор бўлгани каби, мавзуси ҳам бошқа сураларда учрамайди. Бу сура Макка даврида нозил бўлган. Сурадаги айрим қиссаларнинг нозил бўлиш сабабини уламолар ушбу суранинг 23-24 оятларида келтирилган воқелик билан боғлайдилар: Ва бирон нарса ҳақида «Мен албатта эртага қилгувчиман», дея кўрманг, магар «Инша Аллоҳ – Аллоҳ

хоҳласа» (денг. Бу сўзларни айтишни) унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан): Парвардигорингизни зикр қилинг (яъни «Инша Аллоҳ», денг) ва: «Шояд Парвардигорим мени бундан ҳам (яъни, Асҳобул-Каҳф воқеаси ҳақида хабар беришдан ҳам) яқинроқ (менинг ҳақ пайғамбар эканлигимга яхшироқ далолат қиладиган) Тўғри йўлга ҳидоят қилса», денг! [7:309].

Пайғамбар алайҳи-с-саломга ваҳий келаётгани хабари атроф-жавонибга ёйилганида Исроил авлодидан бўлган илоҳий китоблардан хабардор айрим кишилар одамларга қараб: “Мухаммаддан руҳ - жон ҳамда Асҳобул-Каҳф (Ғор эгалари) шунингдек Зул-Қарнайн ҳақида маълумот бер, деб сўранглар. Ҳақиқий пайғамбар бўлса, уларнинг хабарини бериши керак”, дейдилар [9:419]. Пайғамбар алайҳи-с-саломдан ушбу саволни сўраганларида, у зот: «Эртага келинлар, албатта сизларга жавоб қилурман», деб юборадилару “Аллоҳ хоҳласа” дейишни унутадилар. Шунда бир неча кун у кишига ваҳий келмай қолади. Бу хоссатан пайғамбар алайҳи-с-саломга ва омматан бутун мусулмон умматига бирон ишни қилишга ваъда қилинса, албатта “Аллоҳ хоҳласа” деган эътиқодда бўлиш борасидаги эслатма бўлиб қолди. Шундан сўнг, бир қанча фурсат ўтиб сўралган саволларга жавоб ўлароқ ваҳий келди. Улар орасида фақат руҳ борасидаги оят “Каҳф” сурасидан аввал келувчи “Исро” сурасидан ўрин олган бўлиб, бошқа қиссалар аини шу бир сурада келтирилган.

Бундан ташқари, ушбу оятдан нотўғри хулоса чиқармалик кераклиги борасида Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф жумладан шундай дейдилар: Инсон Аллоҳни унутиб, ҳамма нарсани ўзим қилавераман, деган нотўғри эътиқодга бориб қолмаслиги учун. Лекин мусулмонларда “Келажак ҳақида ўйлаш, режа тузиш, қатъият билан уриниш беҳуда эканда”, деган салбий тушунча пайдо бўлмасин. Чунки, мусулмон инсон келажак ҳақида фикр қилиши, режа тузиши, тадбирлар ишлатиши матлубдир [8:480].

Улардан биринчиси «Асҳобул-Каҳф» қиссаси бўлиб, унда золим подшоҳ истибдодидан эътиқодларини сақлаб қолиш учун ўз жонларини фидо қилган йигитларнинг бир қаҳф - ғорга паноҳ тортиб киришиб, у

жойда уч юз йил қолиб кетишгани ҳақида ҳикоя қилинади. Сура шунинг сабабидан «Каҳф» - «Ғор» деб номланган. Умуман қуйида баёни ва улар борасидаги тафаккур ҳосилалар берилган, сурада талқини келган қиссалар бир кўринмас ип билан бир-бирига боғланиб туради. Бу ип оламлар роббиси бўлган Аллоҳ таолонинг ҳар нарсага қодир ва ҳар нарсадан хабардор эканидир.

Уч юз йил ғорда қолган йигитлар

Ушбу қисса кўпчиликка маълум. Қадим бир мамлакатнинг Дақёнус деган подшоси бўлиб, у ўз даврида ягона Аллоҳга иймон келтирганларни шафқатсиз жазолар, одамларни ўзлари ясаб олган бут ва санамларга таъзим қилишга мажбурлар эди. Мана шу мамлакатнинг бир неча ақли расо ёшлари Аллоҳни таниб, унга иймон келтирадилар. Бу хабарни эшитган подшоҳ уларни қатл қилиш мақсадида топиб қилишларини буюради. Подшоҳ амалдорлари йигитларни ушлаб келадилар. Ўша йигитлар саройга виқор ва одоб билан кириб, подшоҳнинг золимлигини билсалар-да ўз эътиқодларини яширмаганлари каби ўз фикрларида ҳам собит турадилар. Подшоҳ ёш навқирон фуқароларига раҳми келгандек бўлади ва уларга бир кун муҳлат беради. Шу вақт ичида башарти улар ўз эътиқодларидан кечиб, қавмлари сиғинаётган бутларга топинишга рози бўлмасалар, подшоҳ уларни ўлимга ҳукм қилади.

Шу ўринда бир нуқтага эътибор қаратиб ўтиш мумкин. Подшоҳ золим эди, ўз амрига бўйсунмаган кишиларни ҳеч иккиланмай жаллодлар қўлига топширса ҳам бўларди. Лекин золимлар ҳам ўз зулмларини, бошқача айтганда ўз сиёсатларини йўлга қўяр эканлар, одамлар кўз ўнгида ўзларини ожиз ёки зўравон кўрсатмасликка тиришадилар. Подшоҳ ўлимдан кўрққан йигитлар албатта эътиқодларидан воз кечади, деб ҳисоблайди. Унинг гумроҳлиги ҳам шунда. У ҳақ эътиқод ҳар қандай сакийнатдан ҳам ортиқ эканини билганида, яна ҳам аниқроқ айтсак, қалбида иймон завқини ҳис қила билганида, бундай ўйлаган бўлмас эди. Хуллас, подшоҳнинг мақсади шундай, агар у йигитларни барчанинг кўз ўнгида ўз эътиқодларидан кечмаганлари учун қатл эттирса, бунга гувоҳ бўлган жамият аъзолари қалбида ҳам ана шундай мустаҳкам иймон уйғониб қолишига сабаб бўлиши мумкин эди. Тарихда бунга

мисоллар кўп. Ғарбдаги черков инквизицияси даврида неча минг маърифатпарварлар қатл қилинди. Уларнинг ҳар бирининг ўлими қолганлар қалбида черковга ва мавжуд тизимга нисбатан нафрат уйғотиб, янги ислохотларга эса рағбатни кучайтириб, алал-оқибат Ғарб ренессанси юз беришига олиб келди.

Балки подшоҳнинг аксар ҳукмдорларда бўладиган ясама шафқат туйғусини намойиш қилиш нияти ҳам бўлган бўлиши мумкин. Хуллас, қисса бу борада бизни бундан-да кўпроқ ва кенгроқ фикрлатиши табиий. Чунки бу Қуръоний қиссадир. Қуръоннинг хусусиятларидан яна бири ҳам шуки, чекланган сўзлар ортида чексиз маъноларни ифодалашидир.

Яна қиссага қайтадиган бўлсак, бу подшоҳ ўзига душман деб билган эътиқодни ёйилиб кетишидан хавфсираб ёки ясама шафқат туйғусини (обрў топиш мақсадида) кўрсатиб, уларни бирданига ўлимга ҳукм қилмади. Йигитлар саройдан чиқиб, ўзаро маслаҳатлашадилар. Уларнинг фикри бир жойдан чиқади. Эътиқоддан кечгандан машаққатли бўлса ҳам узок юртларга кетишга азму қарор қиладилар.

«Эсланг, ўшанда улар ғорга паноҳ истаб боришиб: **«Парвардигоро, бизларга ўз хузурингдан раҳмат — марҳамат ато этгин ва бизларнинг ишимизни Ўзинг ўнглагин», дедилар**» (“Қаҳф”: 10). Улар шаҳардан чиққанларида бир тоғ оралиғидаги ғорга кириб яширинадилар. Тонг отганида золим подшоҳ уларнинг қочганидан хабар топади ва аскарлари билан ортларидан тушади. Ўша ғор оғзига келганда подшоҳ аскарлари киргани кўрқадилар. Шунда Дакёнус мободо йигитлар ушбу ғорга беркинган бўлсалар очлигу ташналикдан ўлиб кетсинлар деб, ғор оғзини тошлар билан беркитиб ташлатади. Подшоҳ бу билан йигитларни тўғридан-тўғри халқ олдида жазоламай, чиркин мақсадини хуфёна бажаради [10:380].

Айрим сиёсатчиларда кўзга ташланадиган воқелик: ўз қарашлари билан халқни кўзини очган кишиларни ўғирлаб кетиш, судсиз, ҳақсиз йўқ қилиб юборишлар яқин тарихимизда ҳам кўзга ташланган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби маърифат зиёсини таратишга уринган аждодларимиз ўша давр тузумига шу

қадар катта душман бўлиб кўринган эдики, уларни жисмонан йўқ қилгандан кейингина ҳукмни ёзмишлар. Бу ҳукм, бу қонли қатл халқни қалбида қачонлардир эзгулик тантана қилишига бўлган учқунни ёқиб кетганини эса, у гумроҳлар афсуски ўйлаб ҳам ўтирмаганлари аниқ.

Қисса шундай давом этади: Аллоҳ уларни асраб қолди ва бу борада шундай марҳамат қилди:

17. Қуёш чиқишда уларнинг ғорларидан ўнг тарафдан ўтиб кетганини, ботишда эса улардан сўл томонга йироклашиб кетганини (чиқишда ҳам, ботишда ҳам уларни киздириб, уйқу-оромларини бузмаганини), улар эса (ғор) нинг тўрида эканликларини кўрурсан. Бу ҳам Аллоҳнинг оят-мўъжизаларидан (биридир). Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, бас, ўшагина ҳидоят топгувчидир. Кимни йўлдан оздирса, бас, унинг учун тўғри йўлга йўллагувчи бирон дўст топа олмассан.

Шу зайл улар уйқуда эканлар 300 йил ўтади. “Ўзаро савол-жавоб қилишлари учун уларни (йигитларни, қандай ухлатиб қўйган бўлсак) ана шундай уйғотдик. Улардан бири деди: «Қанча (муддат ухлаган) ҳолда турдинглар?» Улар(нинг айримлари): «Бир кун ё ярим кун», дедилар. (Қолганлари эса): «Қанча (ухлаб) турганларингизни ёлғиз Парвардигорингиз билур. Энди бир кишини мана шу пулингиз билан шаҳарга жўнатинглар, у энг сара, покиза таомларни танлаб, сизларга ундан ризк, насиба олиб келсин. У эҳтиёт бўлсин ва сизларни биронтага сездириб қўймасин. Чунки улар (яъни, шаҳар аҳли) сизлардан огоҳ бўлиб қолсалар, сизларни тошбўрон қилурлар ёки яна ўзларининг динларига қайтарурлар ва, у ҳолда, ҳеч қачон қутула олмассизлар», дейишди.” (“Қаҳф”: 19-20).

Оятдаги сўзлар бир неча хулосалар чиқариб олишимиз учун имконият беради. Аввало, уларнинг ғорда қанча турганлари борасидаги савол жавобларига эътибор қаратайлик. Уларнинг ҳар бири эътиқодли бўлсалар-да, илм ва ихлосда баробар эмасликлари аниқ. Шу сабаб мўминлар ҳамиша бир-бировларига илм ва таквода устозлик қилишлари лозим. “Бир кун ёки ярми кун турдик”, деб ўйламай айтилган жавобга нисбатан, албатта улар орасида илму таквоси юксакроқ бўлганлари: “Қанча (ухлаб)

турганларингизни ёлғиз Парвардигорингиз билур” – деб айтишлари, аввало уйқунинг ғафлатлиги ва киши уйқудан уйғонган вақтида аниқ қанча ухлаганини била олмаслиги ва шу сабабдан билмасдан билағонлик қилмай, (ушбу вақт учун у қадар муҳим бўлмаган) масалани Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола қилингани тўғри бўлишини кўрсатмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам одамлар орасида муҳим нарсалар қолиб, номуҳим нарсалар ҳақида таллашиб-тортишадиган ва бунга олтиндан ҳам қиммат вақтларини зое қиладиганлар оз эмас. Шу сабабдан ҳам киши ечиши лозим бўлган масалаларни ҳал қилиш учун киришишдан олдин уларни муҳимларини ажратиб олиши керак. Олимроқлар, бу арзимас тортишувни Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола қилдилар-да, дарҳол асосий масалага кўчдилар: “Энди бир кишини мана шу пулингиз билан шаҳарга жўнатинглар, у энг сара, покиза таомларни танлаб, сизларга ундан ризк, насиба олиб келсин. У эҳтиёт бўлсин ва сизларни биронтага сездириб қўямасин. Чунки улар (яъни, шаҳар аҳли) сизларни сезиб қолсалар, тошбўрон қилурлар ёки яна ўзларининг динларига қайтарурлар ва у ҳолда, ҳеч қачон қутула олмассизлар, дейишди”. Бу илоҳий маънолар бизни яна бир қанча муҳим масалалардан огоҳ этади: Уйқудан уйғонган йигитларнинг ошқозонлари бўш ва аввало бирон нима тамадди қилиб олишлари, кейинги қадамларини режа қилиш учун муҳим саналар эди; бозорга борган одам ҳалол покиза нарсаларни олиб келиши лозимлиги таъкидланмоқда. Зеро, мўмин киши бу масалага ҳамиша эътибор қаратиши керак. Дуоларнинг қабул бўлиши учун ризкнинг ҳам маънан ҳам моддий жиҳатдан ҳалоллиги талаб этилган, муқаддас манбалар талайгина: Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир. (Бақара: 168).

Эҳтиёт бўлиш масаласи. Яъни улар қочок эканларини ҳеч қачон унутмасликлари лозим. Башарти уларни кимдир сезиб қолса, Дақёнусга тутиб беришлари ҳеч гап эмас. Бу ҳам мўмин инсон ҳамиша ўзини эҳтиётини қилиб юрмоқлиги лозимлигини англатади; ниҳоят энг муҳим огоҳлантириш, шу бўлмоқдаки, иймонларини асраб қолишлари учун жуда

эҳтиёткор бўлишлари лозим. Зеро, золимлар энди уларни ўз иймонларидан қайтишлари учун даҳшатли куйларга солишлари мумкин эди.

Қиссанинг давомида йигитлардан бири бозорга бориб таом сотиб олгач, ҳаққини тўлайди. Сотувчи хайрон бўлиб: «Бу Дақёнусдан қолган танга-ку, бирон ердан ҳазина топиб олдингми?» деб сўрайди, Йигит ҳам хайрон бўлиб «Ҳеч қандай ҳазина топиб олганим йўқ, бу менинг қавмим ишлатадиган оддий танга», деб жавоб қилади. Бу орада улар атрофига халқ тўпланади. Йигит орадан узок йиллар ўтиб кетиб, Дақёнуснинг ўлиб кетгани, ҳозирги подшоҳнинг одил эканини эшитади. Одамлар йигитни подшоҳ олдида олиб борадилар. Бу шоҳ мўмин, солих киши эди. Йигитдан ўзи ва ўртоқларининг бошидан кечган воқеаларни эшитгач, аскарлари ва шаҳар аҳли билан ўша ғор оғзига борадилар. Ичкаридаги йигитлар Дақёнус олиб кетгани келди, деб ўйлашиб, ўлим олдидан сўнгги бор ибодат қилиб олишга тутинадилар. Подшоҳ ва унинг одамлари ғорга киришиб, уларни ибодат устида кўрадилар ва намозларини тугатганларидан сўнг подшоҳ йигитларнинг ҳар бири билан кучоқлашиб кўришади.

Аллоҳ бирон ишни беҳикмат қилмас. Бу ҳикматларнинг айримларини инсонларга билдирса, кўп қисмини Ўзи билади. Бу воқеликнинг ҳам бир қатор ҳикматлари бўлиб, улардан асосийлари Қуръони каримнинг ўзида баён қилинган:

21. Шундай қилиб, Аллоҳнинг (қайта тирилтириш ҳақидаги) ваъдаси ҳақ эканини ва Қиёмат соатининг (келиши) шак-шубҳасиз эканини билишлари учун (одамларни ғордаги йигитларнинг аҳволдан) огоҳ қилдик. Ўшанда (яъни, ғордаги йигитлар уйқуларидан уйғониб, одамлар бу мўъжизанинг гувоҳи бўлганларидан кейин, улар ажаллари етиб вафот қилишгач) ўзаро уларнинг ишлари ҳақида таллашиб-тортиша бошладилар. Бас, (айрим кишилар): «Уларнинг устига уйлар бино қилинглар. Парвардигор уларнинг (қайси жойда, қандай ҳолда ётганларини) жуда яхши билур», дедилар. Уларнинг устида ҳукмрон бўлган (подшоҳ ва сарой аъёнлари эса); «Албатта, биз улар (яъни, Асҳобул-Каҳф) қабрининг устида бир масжид куриб олурмиз», дейишди.

22. Ҳали улар (яъни, пайғамбар алайҳис-саломга замондош бўлган яҳудий ва насороларнинг айримлари ўша Асҳобул-Каҳфни): «Учтадир, тўртинчилари итларидир», десалар, айримлари: «Улар бешта бўлиб, олтинчилари итларидир», деб ғайбга тош отурлар (аниқ билмаган нарсалари ҳақида гап сотурлар). Яна: «Улар еттитадирлар, саккизинчилари итларидир», ҳам дейдилар. (Эй Муҳаммад), «Уларнинг санокларини энг яхши биладиган зот Парвардигоримдир. Уларни жуда оз киши билур», денг. Бас, улар (яъни замондош аҳли китоблар билан Асҳобул-Каҳф) хусусида (ўзингизга нозил бўлган ваҳий воситасида) очик мужодала — мунозара қилинг ва (Асҳобул-Каҳф) ҳақида уларнинг биронтасидан фатво - савол сўраманг!

Қуръони карим ушбу киссанинг ҳиссаси борасида бир неча мулоҳазаларни беради. Улар куйидагилардан иборат:

1. Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳақ эътиқоддан кечмаслик, иймонда мустаҳкам бўлиш учун имкон қидириш.

2. Иймонини асраб қолиш мақсадида бўлган холис бандаларини Аллоҳнинг Ўзи турли йўллар билан паноҳида сақлаши.

3. Мусулмон киши хавфдан қутилганига амин бўлмай туриб, хотиржам бўлмаслиги яъни эҳтиёткорликка амал қилиш.

4. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳ ҳалол қилган пок нарсалардан ризқ излаш.

5. Ўзи аниқ билмаган ва муҳим бўлмаган нарсалар устида баҳс-мунозара қилмаслик.

6. Одамларни уларнинг тақво ва илмларига яраша ҳурмат қилиш борасида ҳаддидан ошиб кетмаслик.

Гордаги йигитлар борасидаги оятларга диққат қилар экансиз бир нуқта эътиборни тортмай қолмайди: 18. Уйқуда эканлар, (кўзлари очик бўлгани учун) сен уларни уйғок, деб ўйларсан...

Бу ерда таъбир жоиз бўлса, бир рамз бор. Яъни бу йигитларнинг кўзлари уйқуда бўлса ҳам очик ҳолатда эканининг ҳикмати парвардигоримизнинг ўзига аён лекин улар ҳар қандай уйғок бошқа одамдан кўра уйғокроқ эдилар. Яъни уларнинг қалб кўзлари очик. Иймонлари басаломат эди. Айни иймон саломатлиги кейинги киссаларнинг ҳам бош йўли бўлиб майдонга чиққан.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абул Ҳасан Али Ҳасан ан-Надавий. Пайғамбарлар киссаси (араб тилидан таржима). Т.: 2016.
2. Алемов Усмонхон. Тафсири Ирфон. Т.: 2015.
3. Аловуддин Мансур. Қуръони карим оятлари маъноларининг таржимаси. –Т.: 2010.
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ал-Бухорий”. Тошкент. “Ҳилол” нашр. 2019.
5. Анбиёлар киссаси ва унинг аҳамияти. Электрон мақола. islom.uz сайтидан олинди.
6. Кароматов Ҳамидулла. Хўрланган пайғамбарлар киссаси (монография). Т.: 1996.
7. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим оятлари маъноларининг таржимаси. –Т.: 2014. (мақолада келтирилган барча оятлар таржимаси, ушбу манбадан олинган).
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жузъ. Тошкент. 2008.
9. [عماد الدين أبي الفداء إسماعيل بن كثير القرشي الدمشقي](#) - [رَبِّكَ نَبَا رِيسَفْتِ»مِيطْعَلَا نَ أَرْقَلَا رِيسَفْتِ](#)
10. [رِيسَفْتِ.يُفَوْتَمَلَا أَبُو عَيدِ اللَّهِ مُحَمَّدُ بْنُ أَحْمَدَ الْأَنْصَارِيِّ الْقُرْطَبِيِّ](#) [مَامَلَا](#) - [نَ أَرْقَلَا مَاكِدَلَا عَمَاجَلَا](#) [لَأَمَّاكَ نَ أَرْقَلَا رِيسَفْتِ عَمَجَبَاتَكُو ه.ي.بَطْرَقَلَا](#) [نَ أَرْقَلَا مَاكِدَلَا وَتَنَسَلَا نَمَن مَضَتِ أَمَلَا نَبِيْمَلَا وَ](#)

Давоми бор...

Нодира Махмудовна МУСАЕВА,
Тошкент давлат педагогика
университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди

ҲАДИСЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАФСИЛИ

ДЕТАЛИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В ХАДИСАХ

DETAILS OF HUMAN RIGHTS IN HADITH

Аннотация: Мазкур мақолада ҳадислардаги инсон ҳуқуқлари, тижорат ва меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилади. Асосий эътибор ислом ҳуқуқи, фикҳ механизмларига, улардаги ҳуқуқ институтлари, нормаларининг ишлашига эмас, балки ижтимоий-антропологик масалаларга қаратилади. Ислом ҳуқуқшунослигида инсон, унинг ҳаёти тижорат ва меҳнат ҳуқуқида, оилавий муносабатларда намоён бўлиши, ҳимояланиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ҳадислар, инсон ҳуқуқлари, тижорат ва меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, ислом ҳуқуқшунослиги, оилавий муносабатлар, норма, механизм, ижтимоий-антропологик масалалар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с правами человека, коммерческим и трудовым правом, семейным правом в хадисах. Основное внимание сосредоточено не на функционировании исламского права, юриспруденции, институтов права, норм в них, а на социально-антропологических вопросах. Речь идет о защите прав человека, торговом и трудовом праве, семейных отношениях в исламской юриспруденции.

Ключевые слова: Хадисы, права человека, торговое и трудовое право, семейное право, исламская юриспруденция, семейные отношения, нормы, механизмы, социально-антропологические вопросы.

Abstract: This article examines issues related to human rights, commercial and labor law, family law in the hadiths. The main focus is on socio-anthropological issues, not Islamic law, jurisprudence mechanisms, the functioning of legal institutions and norms in them. In Islamic jurisprudence, it is said that a person, his life is manifested and protected in commercial and labor law, family relations.

Key words: Hadiths, human rights, commercial and labor law, family law, Islamic jurisprudence, family relations, norms, mechanisms, socio-anthropological issues.

Инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият экани бугун аксиомадир, аммо мазкур фалсафий-антропологик ҳулосага келгунича инсоният узок ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Ҳуқуқ фалсафаси, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси тўплаган манбалар, чиқарган ҳулосалар кўрсатадики, инсоният ҳеч қачон эркинлик, адолат, тенглик излашдан тўхтамаган, у ўзининг ижтимоий борлигини ва ҳаётини мудом маълум бир нормалар, тартиблар, урф-одатларга мувофиқ олиб боришга интиланган. Бу борада у тақик, мажбурлаш, чегаралаш усулларидан фойдаланишдан кўркамган. Олимлар турли халқларда ва китъаларда учрайдиган табуни “инсониятнинг энг қадимги ёзилмаган қонунлар кодекси” [8:38] сифатида қараганларида ҳақ эдилар. Табу, фалсафий-антропологик моҳиятига кўра, инсонни ижтимоий борлик билан, унинг тартиб ва талабларига мувофиқ яшашга ўргатди. Кейинги тараққиёт эса тартиб ва талабларни диний, социологик, аксиологик, ҳуқуқий асослаш ва кенгайтириш йўлидан борди, натижада турли ҳуқуқий тизимлар (романо герман, англо-саксон, ҳинд, хитой, мусулмон ҳуқуқи кабилар) шаклланди. Мазкур ҳуқуқий тизимлар бир томондан, ўзининг давлатчилик анъаналарига, иккинчи томондан, умуминсоний ҳуқуқий қадриятларга таянди. Инсон ҳуқуқлари борасидаги асосий концепция, парадигма XX асрнинг иккинчи ярмида, “Инсон ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқлари ҳақида халқаро

билль”(1948 йил) қабул қилинган шаклланди. Мазкур халқаро ҳужжатга мувофиқ инсон ҳуқуқларига “ҳамма кишилар озод ва тенг ҳуқуқли туғилади”, “ҳар бир киши яшаш ҳуқуқига эга”, “ҳеч ким қулликда сақланиши, қийноққа ва ноҳақ, асоссиз жазога тортилиши мумкин эмас”, “инсон қаерда яшашидан қатъий назар ҳуқуқ субъекти экани тан олинади”, “ҳамма кишилар қонун олдида тенг”, “ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳайдалиши мумкин эмас”, “ҳеч ким бировнинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашолмайди”, ҳар ким истаган жойида яшаш ҳуқуқига ва фуқаролик ҳуқуқига эга, эркин тарзда эркак ва аёл оила қуриши, никоҳ тузиши мумкин, ҳар ким мулк эгаси бўлиши мумкин, инсон ўз фикрини эркин ифодалаш, истаган динига эътиқод қилиши, ихтиёрий ташкилотлар тузиши, тинч намоёнишларда қатнашиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши, меҳнат қилиши, билим ва дам олиши, ижодий фаолият билан шуғулланиши каби ҳуқуқларга эгадир. [6:67]

Кўриниб турибдики, инсон ҳуқуқлари ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари билан чамбарчас боғлиқ, айнан ушбу боғлиқлик инсоннинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини юридик нуқтаи назардан белгилаб беради, мустаҳкамлайди. Аслида инсон ва унинг ҳаёти, фаолияти, орзу-умидлари, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш каби фундаментал мақсадларининг юридик ҳимоялангани инсон ҳуқуқларининг антропологик моҳиятга ҳам эга эканидан дарак беради. Демак, инсон ҳуқуқлари субстанцияси ва аксиологик қимматига, ижтимоий тараққиётдаги ўрнига мувофиқ антропологик моҳиятга эга ҳодисадир. Инсон ҳуқуқларига оид ҳадисларни ўрганганда ушбу моҳият мудом кўз олдимизда туриши зарур.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, юқоридаги инсон ҳуқуқларининг барчасини битта параграфда, мавзуда ёритиш имкони йўқ, шунинг учун биз, такрорламаслик мақсадида кейинги параграфларда, мавзуларда тилга

олинмайдиган ҳадисларни таҳлил қиламиз. Бу тақдирда ҳам инсон ҳуқуқлари борасидаги бугунги тасаввурларни ҳадислардан излаш йўлидан эмас, балки ҳадислардаги мавжуд нормалардан, талқинлардан келиб чиқамиз. Халқаро ҳужжатларга мурожаат қилиш бизга инсон ҳуқуқларининг нималигини, унинг йўналишларини, фалсафий-антропологик мақсадини аниқлаб олиш ҳамда унинг ҳадисларда қанчалик акс этганини кузатиш учун зарурдир. Ҳадислар – асосий тадқиқот объектимиз, халқаро ҳужжат (билль) эса ҳадислардаги фалсафий – антропологик ғояларнинг қанчалик ҳаётийлигини кўрсатиш учун фойдаланадиган киёсдир.

Ислолда инсон ҳаёти Аллоҳ инъом этган энг буюк ва азиз инъом ҳисобланади, ўлим ва ўлдириш, ҳатто ўзига ўлим тилаш ҳам қораланади. Инсонга бировни ҳам ўзини-ўзи ўлдириш, ҳаётдан маҳрум этиш ҳуқуқи берилмаган. Имом Бухорий ҳадис келтиради: “Бирортангиз узоқ хасталаниб, ётиб қолсангиз (безор бўлганингиздан) ўзингизга ўзингиз ўлим тиламангиз! Башарти шундай қилмоғингиз зарур деб билсангиз, “Эй парвардигор, агар (бундан кейинги) яшамоғимнинг менга нафи бўлса, мени тирик қолдиргил, мободо ўлмоғим афзал бўлса, омонатингни олгил, деб айтингиз!” [5:12] Бошқа ҳадисларда ҳам ўлим, ўзини ўзи ўлдириш маън этилгани ҳақидаги фикрлар келтирилади. [5:46] Тўғри, баъзи ҳадисларда қарама-қарши даъволарга дуч келамиз. Абу Хурайра “Расулulloҳ с.а.в.: “Аллоҳ таоло яҳудийларни ўлдирсин! Улар пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олмишлар, деб айтганлар”, - дейдилар”. [5:132] Аммо манбаларда Муҳаммад пайғамбар яҳудийларнинг муқаддас китоби “Таврот”ни ва пайғамбари Мусони ҳурмат ва иззат билан тилга олади, ҳатто ўз издошларини ўзидан олдин ўтган пайғамбарларга (улар ичида яҳудийлар ҳам) эътиқод қилишга ундайди.

Баъзан Қуръони каримдаги “Бақара” сурасидаги 178-оят борасида баҳс, муноқиша уйғонади. Унда: “(Эй мўминлар), сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши

муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан оз хавф қилинса (яъни, қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйсунуш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир”.[9:25] Бу ўринда икки муаммо пайдо бўлади: биринчиси – қотилдан қасос олишга даъват; иккинчиси, товон олишга кўнишга ундаш.

Ислом дини энди пайдо бўлаётганида бадавий арабларда жонга-жон олиш урф-одат бўлган. Ижтимоий муҳит ва сиёсий вазият ҳам мазкур урф-одатни рад этиши мумкин эмас эди. Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, то XIX асргача, масалан, туркманларда “жонга-жон”, “қонга-қон” одати сақланиб келган.[11:124] Тўғри, қотил томон хун, товон беришга рози бўлган тақдирда ҳам, у камдан-кам ҳолда амал қилган.[11:125] Бу аслида ислом киритган ҳуқуқ эмас, у ибтидоий даврдан сақланиб келаётган одат эди. Ислом ушбу одатни илк бор юмшатишга, инсон ҳаётининг азизлиги принципини бадавий арабларга жорий этади. Бу принцип қотиллик учун хун, товон тўлашдир. “Яъни, қотилни ўлдирмасдан товон тўлашига рози бўлган тараф кўполлик қилмай, кўрқитмай кутиши, қотил тарафи эса чўзмасдан, хиёнат қилмасдан товонни тўлаши лозимдир”.[9:25]

Ўрта Осиёлик фикхшунос алломалар ислом динида бошлаб берилган инсон ҳуқуқларига оид меросга катта ҳисса қўшдилар, улар маълум бир сабаблар билан ёритилмаган, эътибордан четда қолган инсон ҳуқуқларини ўзининг фикхий таълимотларига асос қилиб олдилар. Ана шундай шахслардан бири Абу Ҳанифа (Ҳанафия мактабининг асосчиси, лақаби Имом Аъзам. Ҳижрий 699-767 йилларда яшаган.) бўлган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Абу Ҳанифанинг “ҳуқукий қарашлари шахсий эркинликка асосланган бўлиб, ҳар доим инсоннинг ирода эркинлигини ҳурмат қилади ва ҳеч кимга ҳар бир инсонга хос бўлган шахсий тасарруфларига аралашиш учун рухсат бермайди. Шунга биноан жамоа ҳам, валийи

амр (давлат арбоблари) ҳам бир кишининг шахсий ва хусусий ишларига, агар у бирон бир диний ишга ҳурматсизлик кўрсатган бўлмаса, аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Демак, Абу Ҳанифа одамларни тарбиялаш ва тўғри йўлга солиш соҳасида инсон иродасини мустаҳкамлаб, таъсирчан услублар орқали уни эзгуликка томон йўллаш, уни ҳар доим назорат остига олмаслик, унга ўз иродаси ва ихтиёри билан ҳаёт йўлини танлаш учун имконият бериш тарафдори эди”.[4:130] Кўриниб турибдики, ислом ҳуқуқшунослари, фикхшунослар инсон ҳуқуқларини мутлақ четлаб ўтган эмаслар, улар инсоннинг инсоний ҳуқуқларини ислом догматикасидаги имкониятлардан, турлича талқин қилиш усулларида фойдаланиб ҳимоя қилганлар.

Халқаро биллга мувофиқ ҳеч ким қулликда сақланиши, қийноқ ва ноҳақ, асоссиз жазоларга тортилиши мумкин эмас. Ушбу ҳуқуқий-антропологик концепция ҳадислардаёқ ўз ифодасини топганини кўрамиз. “Жаноб Расулуллоҳ, бир сербарг дарахт тагига жойлашиб, қиличларини шохга илиб қўйибдилар. Эндигина кўзимиз илинган экан, - дейдилар Жобир Ибн Абдуллоҳ, - шу вақт Жаноб Расулуллоҳ бизни чақириб қолдилар, келсак, у кишининг ёнларида бир бадавий ўлтирибди. Жаноб Расулуллоҳ бизга бундай дедилар: “Мана бу одам мен ухлаб ётганимда қиличимни қинидан суғурибди. Уйғонсам, қилич яланғочланган, менга: “Сени мендан ким сақлай олади?! –деб дўқ урди. Мен унга: “Оллоҳ!” деган эрдим, у ерга ўлтириб қолди.” Жаноб Расулуллоҳ ўша одамни жазоламадилар. Ваҳоланки, ғазавот пайтида Муҳаммад пайғамбар ўша бадавийни қийноққа солдириши, қаттиқ жазолатиши мумкин эди.

Укл ва Урайна қабиласи кишилари Жаноб Расулуллоҳ олдида келиб исломга киришни ихтиёр этибдилар. Улар кейин исломдан чиқиб Муҳаммад пайғамбарнинг чўпонларини ўлдириб, туяларини ҳайдаб кетибдилар. Мазкур хоинлик ва жинойтдан хабар топган Муҳаммад пайғамбар улар кетидан одамларини

юборибдилар. Жиноятчилар тутилган ва кўзлари ўйилган, кўл-оёқлари кесилган, чўлга ташланган. Мазкур ваҳшиёна жазодан хабар топган Муҳаммад пайғамбар “садақа қилмоққа чорлаб, кўл-оёқни кесиш, кўзни ўйишдан қайтарибдилар”. [4:74]

Мушриклар билан бўлган жанглардан бирида Жаноб Расулulloх аскарларидан бири ўта жонбозлик кўрсатган, кўпчиликдан ажраб қолган мушрикларни топиб ўлдираверган. “Бутун жангда фалончидан (ўша аскардан – Н.М.) кўра кўпроқ жонбозлик кўрсатган киши бўлмади!”- дейишди. Шунда Жаноб Расулulloх:

Аммо, бу одамнинг ўзи дўзах аҳлидандур!- дедилар. [4:78] Кейинчалик бу одам ўзига ўзи тиг тикиб ўлдиради. Ҳатто жанг пайтида ҳам мушрикка, душманга раҳм қилмайдиган, уларни беаёв, гоҳо асоссиз жазолайдиган киши ўз жонига ҳам қасд қилишдан қайтмайди. Ҳадисларда қайд этилишича, “жаннатга фақат мўмин (меҳрли, ҳалим, инсонпарвар – Н.М.) кишигина киради. Оллоҳ таоло осий бандасини ибрат қилиб ҳам динга мадад бергай!” [4:79] Инсон ҳаётига хавф солиш, уни ўлдириш энг даҳшатли жиноят, кечирилмайдиган осийликдир. Инсонни қийнаш, асоссиз, ҳатто, у душман бўлганида ҳам, жазога тортиш, ҳаётдан маҳрум этиш мумкин эмаслиги ҳадисларда тез-тез такрорланади. Кишини ихтиёрсиз, иродасига зид тарзда (бунга уруш ҳолати кирмайди) қул қилиш, инсоний эркидан маҳрум этиш мумкин эмас. Бадавийларда қул меҳнатидан, кучидан фойдаланиш бўлган, бироқ қул озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлган. Қуръони Каримда қайд этилганидек:

“У (бир қул) бўйинини (қуллиқдан) озод қилмоқдир”. [9:305] Имом Бухорий ривоят келтиради: “Ҳар қандай киши бир мусулмон кишини қуллиқдан озод қилса, Оллоҳ таоло ўшал қулнинг (озод бўлган) ҳар бир аъзоси бадалига унинг бир аъзосини жаҳаннам ўтидан халос қилур (яъни, қўли бадалига қўлини, оёғи бадалига оёғини)- дедилар”. [5:123] Шунингдек, ҳадисларда қайд этилади:

“Кимнинг қўл остида биродари (қуллиқда) бўлса, унга ейдирган нарсалардан едирсин,

кийадирган нарсалардан кийдирсин! Уларга кучлари етмайдиган юмушни буюрмангизлар, мабодо буюрсангизлар, ўзларингиз ёрдамлашингизлар!” [9:130] Мамлукка нисбатан “Кулим”, ёки “чўрим”, деб айтмангиз, (чунки инсон Оллоҳ таологагина қул, яъни бандадур.) Бунинг ўрнига “Болам”, “қизим” ёки “ғуломим”- деб айтингиз!” [5:131]

Ушбу ҳадислардаги ҳуқуқий – антропологик аҳамиятга эга фикрлар исломда инсон ҳуқуқлари етарли даражада баён қилинганини кўрсатади. Тўғри, ислом догматикасига амал қилиш мусулмон давлатларида устуворлик қилган, айнан улар мусулмон ҳуқуқи тизимини шакллантирган. Бироқ, реал ижтимоий ҳаёт кўп ҳолларда ислом догматикасидан ташқарида, гоҳо унга зид тарзда кечганини унутиб бўлмайди. Бу ислом догматикасининг заифлиги ёки уни атайин бузиб талқин қилувчилар пайдо бўлгани сабабли эмас эди, балки ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай догматикадан, қабул қилинган талаб ва тартиблардан, ҳатто қонунлардан кенглиги сабаблидир. Ижтимоий ҳаётнинг креатив хусусияти, гоҳо синкретизмга мойиллиги ҳар қандай олдиндан шакллантирилган догмани четлаб ўтишга, рад этишга йўл, имкон кидиради. Баъзи ҳадисларнинг рационал тасаввурлардан, объектив ҳаёт талабларидан йироқлиги ҳам асосан шундадир.

Ислом ҳуқуқшунослигида қайд қилинишича, “ҳеч ким оқила ва эркин аёлни ўзи истамаган эркак билан турмуш қуришга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас... Абу Ҳанифа таъкидлашича, аёл мол-мулк соҳасида тўла ваколатга эга бўлганидек, тазвиж (ўзига эр танлаш) бўйича ҳам тўла ваколатга эга бўлиши лозим. Унингча, аёл ва эркак никоҳ битимини тузишда ҳеч қандай имтиёзсиз тенг ҳуқуққа эга бўлишлари зарур.” [4:130] Имом Бухорий келтирганидек:

“Тул аёлни унинг ўзи билан маслаҳатлашмай ва бокирани унинг ўзидан ижозат сўрамай, никоҳлаб қўйилмайди.” [5:408] Тўғри, мазкур тартиб ва талабларни ўша даврларга нисбатан мутлақ ҳақиқат, тўғри деб аташ қийин. Чунки

шундай ҳадислар борки, улардан аёл ва эркакнинг ҳуқуқий тенглиги, эгалитаризм эмас, балки ўрта асрларга хос патриархал анъаналар таъсири кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, “Эрлар хотинларга ҳокимдурлар, бу шунинг учунки, Оллоҳ таоло баъзиларини баъзиларидан ортиқ қилгандур.”[5:428] Уларни (хотинларингизни – Н.М.) жонлари оғримайдиган қилиб урингизлар.”[5:429] “Дўзахга карасам, унинг кўпчилик қисми аҳли аёллар экан.”[5:428] “Агар бирор нарсада бахтсизлик бўлса, у ҳам хотинда, хонадонда ва отдадир. “Ўзимдан кейин эркакларга хотинлардан кўра зарарлироқ фитна қолдирмадим.”[5:393]

Лекин бу фикрлар Муҳаммад пайғамбарнинг оилапарвар, аёлларни қадрлайдиган, уларнинг заифлигидан яхши хабардор инсон сифатида уларга алоҳида меҳр-муҳаббат, ҳурмат кўрсатганини инкор қилмайди. Ҳадича, Зайнаб ва Ойша унинг энг суюкли рафикалари бўлганини, қизи Фотимага меҳри баландлигини унутиш мумкин эмас. Имом Бухорий аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳурматини жойига қўйишга қаратилган кўплаб ҳадисларни келтиради. “Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурларига келиб, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир?- деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: “Онанг! - деб айтдилар. У: “Яна ким?” - деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: “Онанг!”-дедилар. У: “Яна ким?” - деди. Жаноб Расулуллоҳ: “Онанг!”-дедилар. У: “Яна ким?” -деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ (бу сафар): “Отанг!” - деб жавоб қилдилар”. [5:78] Ушбу ҳуқуқий антропологик ва аксиологик моҳиятга эга фикр ҳадисларда аёлнинг инсоний ҳуқуқлари, шаъни, қадри қандай эъзозланишидан ҳам далолат беради.

Инсон ҳуқуқлари ичида мулкка эгалик қилиш муҳим ўрин тутати. Мулк инсонга фаровон яшаш, ижодий қобилиятини тўла намоён қилиш, жамият ҳаётини бошқаришда қатнашиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш имкониятларини беради. Исломга кўра, инсон балоғат ёшига етиши

билан “Ўз мол-мулкининг эгаси ҳисобланади, уни ўз молини тасарруф қилиб идора қилишдан маън этишда ҳеч қандай манфаат (фойда) мавжуд эмас, балки бу иш унинг инсонийлик мақомини оёқости қилишга олиб боради. Абу Ҳанифа фикрича, эркин инсоннинг иродасини оёқости қилишдан аламлироқ нарса йўқдир. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган эди: “Мен йигирма бешга тўлган кишининг тасарруфини (мол-мулкка эгалик қилиш, уни бошқариш – Н.М) тўхтатишдан уяламан. Бу эса Имомнинг инсоният ва эркинликка, шунингдек, инсон мақомига кўрсатган юксак ҳурматининг олий белгиси ҳисобланади”. [4:130] Қуръони каримда кишилар ўртасида, айниқса мулкый муносабатларда тафовут борлиги қайд этилади, шу сабабли улар “баробар бўлиб олмайдилар!” [9:305] Ушбу муқаддас китобда, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 250 та оятда инсон ҳуқуқларига оид кўрсатмалар мавжуддир. [7:51]

Имом Бухорийнинг ёзишича, Муҳаммад пайғамбар ўз ер-мулкидан фойдаланиш ҳақида маслаҳат сўраб келган Ҳазрат Умарга дебди: “Агар истасанг уни сотилмайдиган, ҳадя қилинмайдиган ва мерос қилиб қолдирилмайдиган, аммо ҳосили эҳсон қилинадиган қилиб садақа қилгил!” [5:204] Ҳазрат Умар ўша ер-мулкни, Жаноб расулуллоҳнинг маслаҳатига мувофиқ, Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилувчиларга, қулларни озод қилмоққа, мискин-бечораларни тўйғазмоққа, меҳмонларни зиёфат билан сийламоққа, мусофирларга ёрдам кўрсатмоққа ва ўзининг қариндошларига садақа қилиб тарқатган. Бу ўринда инсон маълум бир мулкка эга бўлиши ва уни ўзи хоҳлаганича тасарруф этиши мумкинлигини кўрамиз. Ҳазрат Умар уни садақа тариқасида бермаслиги ҳам мумкин эди, уни ислом қораламасди, лекин у Жаноб Расулуллоҳ садақа берганларни севишини, эъзозлашини билган. Ушбу воқеа ҳуқуқий-антропологик аҳамиятга эга бўлиб, унда бир томондан, инсоннинг мулкка эга бўлиш ҳуқуқи борлиги қайд этилади, иккинчи томондан, ер-

мулк ёрдамга муҳтож одамларга беминнат тарқатилгани ҳақида айтиб ўтилади.

Бошқа бир ҳадисда “Мусулмонларнинг (бир-бирларининг) мол-мулкларига кўз олайтирмоқлари, омонатга хиёнат қилмоқлари) ҳалол эрмас”, дейилади, чунки Жаноб расулуллоҳ: “Мунофиқликнинг аломатларидан бири шуки, агар омонат топширсалар, омонатга хиёнат қилур”, - деб айтганлар”. [5:209] Демак, инсоннинг мулкӣ ҳуқуқини бузиш, мол-мулкига кўз олайтириш ва омонатига хиёнат қилиш мумкин эмас. Ислому бу борада қатъий чоралар кўришгача боради.

Ҳадисларнинг ҳуқуқ (фикҳ) билан боғлиқлиги илмӣ адабиётлар ва тадқиқотларда етарли даражада ёритилган. [10:57] Улардаги илмӣ-назарий қарашларни таҳлил қилган мутахассислар фикҳ билан боғлиқ ҳадисларни уч гуруҳга ажратишади. “Биринчиси – ҳадисларнинг ҳукмдорлар мақоми ва уларнинг ҳаракатлари ҳақидаги ҳуқуқӣ нормалари: иккинчиси – ҳадисларнинг илк ислому жамияти ва давлатининг ижтимоӣ-сиёсий ва иқтисодӣ тузумини мустаҳкамловчи ҳуқуқӣ нормалари; учинчиси – ҳадисларнинг мусулмонлар ҳуқуқӣ ҳолатини (ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини) мустаҳкамловчи ҳуқуқӣ нормалари.” [7:17] Аслида ҳадислардаги ҳуқуқ масалалари аниқ, лўнда ва ташқи изоҳсиз берилган, уларни оддий саводхон киши ҳам тушунади. Аммо улардаги ижмо, қиёс, фатво кўшимча изоҳларни такозо этади, бу эса шариятнинг вазифасига киради.

Ҳадисларни ва улардаги инсон ҳуқуқларига оид фикҳӣ масалаларни ўрганиш кўрсатадики, инсон ҳуқуқлари ислому догматикаси асосига қурилган. Аллоҳ қонун яратувчи ва инсоннинг барча ҳуқуқларининг манбаидир. “Ушбу ҳуқуқнинг илоҳӣлиги туфайли Аллоҳ берган инсон ҳуқуқларини ҳеч бир раҳбар ёки ҳукумат, ҳеч қандай жамоа ёки ҳокимият чеклаши, бекор қилиши ёки бузиши мумкин эмас, ҳеч ким уларни поймол этиши ҳам мумкин эмас. Ислому инсон ҳуқуқлари бутун исломӣ тартибнинг таркибӣ қисмидир, барча мусулмон давлатларининг ҳукуматлари

ва идоралари уларни ушбу тартиб доирасида бекаму кўст ва оғишмай бажаришлари шарт, деб таъкидланади.” [7:25]

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдурахмон бин Ҳаммая али Умар. Ислому ҳақ дин. – Тошкент: 1992.;
2. Бабаханов Ш.Э. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами (из шести общепринятых сборников хадисов). – Ташкент: 1998.;
3. Баходиров Р., Расулов Д. Ислому илмининг буюк алломалари. – Тошкент: Мовароуннахр.
4. Жузжоний А.Ш. Ислому ҳуқуқшунослиги. Тошкент: Тошкент ислому университети
5. Имом ал-Бухорий. Ал-Жомӣ ас-саҳиҳ, 4- китоб. Тошкент: – Чўлпон, 1992.
6. Инсон ҳуқуқлари умумӣ назарияси. А. Саидов таҳрири остида. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академия, 2012.
7. Раҳманов А.Р. Мусулманское право: вақурная собственность (генезис и современное состояние). – Тошкент: Ўзб. МЭ, 2001.
8. Саидов А., Тожионов У. давлат ва ҳуқуқ назарияси. 1-китоб. – Тошкент: Адолат, 1997.
9. Қуръони қарим. Алоуддин Мансур таржимаси. Тошкент: Чўлпон, 1992.
10. Сюкиянен А.Р. Шарият и мусулманско-правовая культура. – Москва: Мысль, 1997:
11. Ҳайталиев А. Уголовное обычное право туркмен. – Ашхабад, ЎЛЫМ, 1986.

Фахритдин Хантович ХУДАЙНАЗАРОВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот
маркази
Ҳадисишунослик бўлими етакчи мутахассиси

ҲАДИС РОВИЙЛАРИ ИСМЛАРИНИ ЎРГАНИШ ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАР

КНИГИ ПО ИЗУЧЕНИЮ ИМЕН РАССКАЗЧИКОВ ХАДИСОВ

BOOKS ON STUDYING THE NAMES OF HADITH NARRATORS

Аннотация: Ушбу мақолада ҳадис ровийлари исмларини ўрганиш ҳақида сўз юритилади. Ҳадис ровийлари исмларини ўрганиш доир мисоллар келтирилиб, бу борадаги баъзи таҳлиллар берилади.

Калит сўзлар: Ровий, куня, муъталиф, мухталиф, санад, муттафиқ, муфтарик, муташобех, ривоят, муҳаддис.

Аннотация: Эта статья посвящена изучению имен рассказчиков хадисов. Приведены примеры изучения имен рассказчиков хадиса и дан некоторый анализ в этой области.

Ключевые слова: рассказчики хадиса, куня, муъталиф, мухталиф, Санад («опора»), муттафиқ, муфтарик, муташобех, Передача хадисов, мухаддис.

Abstract: This article is devoted to the study of the names of the narrators of the hadith. Examples of studying the names of hadith narrators are given and some analysis is given in this regard.

Key words: narrators, agnomens (kunya), homographic–heterophonic (mu'talif wa mukhtalif), isnād, name different–identity narrator (muttafiq wa muftariq), name different–father–or–son narrators (mutashabih), Transmission, muhaddith.

Муҳаддис олимлар ҳадисларни таҳлил этиш ва уларни аниқ ривоят этилишини таъминлаш учун инсоният тарихида мисли кўрилмаган

улкан ишларни амалга оширганлиги диққатга сазовордир. Бу жараёнда шахсларнинг ички ва ташқи ҳолатлари имкон даражасида мукаммал ўрганилган. Натижада ўрта асрда ҳадис илмига тегишли кўплаб илмлар юзага келган. Биргина ровийларнинг ўзига тегишли илмлар сони ўттизга етиши қайд этилган. Ана шундай илмий йўналишлардан бири ровийларнинг исм ва куняларига бағишланган эди. Ҳадис ровийларининг минг-минглаб санокда бўлганлигини ҳисобга олсак, олимларнинг бу борадаги илмий изланишларининг қанчалик меҳнат ва диққат, нозик фаросат ва омонатдорлик талаб этилиши маълум бўлади. Қуйида ушбу илм тарихидан олинган қисқача лавҳа билан танишишимиз мумкин бўлади.

Баъзи ровийлар лақаблари билан ё кунялари билан машҳур бўлган. Ҳадис санадида уларнинг исмлари очик айтилмасдан ё баъзида очик айтилиб, баъзида ғафлатда қолиб, ё бошқа вақт лақаб ё куня билан аталиб келган. Ноаниқлик бўлмаслиги ва бир ровий гоҳ куняси ва гоҳо исми билан аталганда икки киши деб гумон пайдо бўлмаслиги учун, куня ё лақаб билан танилган ровийни исмини ё исми билан танилган ровийни куня ё лақабини баён қиладиган китоблар кўзга ташланиб қолди. Шу сабаб “Кутубул асмо вал куно вал алқоб” (Исmlар, кунялар ва лақаблар китоби) китобларини таълиф қилиш юзага келди.[7.183] Ҳадис ровийларининг кўплиги ровийларнинг исмлари ва кунялари, бирон қабила ва шаҳар ё касбга нисбат беришликда иттифоқ ва ихтилофларни кўпайишига олиб келди. Ўртадаги ихтилофни манъ қилишлик учун исmlар, кунялар ва лақаблардан ихтилофли ва иттифоқли эканини ажратадиган китоблар ёзила бошланди. Мана шу муттафиқ ва муфтарик китобларидир. Муттафиқ ва муфтарик дейишдан икки киши ё кўпроқ кишиларни бир исмда лафзда ва хатда, масалан, Халил ибн Аҳмад исмида 6 киши, Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон исмида 4 киши бир асрда иттифоқ бўлганлиги билинади.

Шу сабаб исм ва кунялар масаласида бир қанча йўналишдаги китоблар юзага келди. Қуйида уларга мисол келтирамиз.

1. Муъталиф ва мухталиф (Бир-бирига яқин, аммо фаркли) исmlар ҳақидаги китоблар.

Муъталиф – ровийларнинг исмлари, лақаблари, кунялари ва насабларининг ёзувда бир хил бўлиши.

Мухталиф – ровийларнинг исмлари, лақаблари, кунялари ва насабларининг ўқишда ҳар хил бўлиши.

Муъталиф ва мухталифдан мақсад Саллом (ва Салом) (سلام), Абу Амр Ас-Сайбоний (أبو عمرو السيباني) ва Абу Амр Аш-Шайбоний (أبو عمرو الأشيباني), Абу Ҳамза (أبو حمزة) ва Абу Ҳамрага (أبو حمرة) ўхшаш хатда иттифоқ қилиниб, лафзда ихтилофли исмлар ва уларни ажратиш олиш тушинилади.

2. Муташобеҳ (Бир-бирига ўхшаш) исмларига оид китоблар. Уларда иккита ровий: Язид ибн Асвад (يزيد ابن اسود) ва Асвад ибн Язидга (اسود ابن يزيد), яъни исм ва насабда ўхшаб, ота ё болани исми олдин ё кейин келишида ихтилофли бўлиб келган [2, 863]. Иккала ровий (أبو حمزة) Абу Ҳамза ва (أبو حمرة) Абу Ҳамрага ўхшаб, бир асрда яшаб, бир шайхдан ривоят қилиши муташобеҳ ва муттафиқ исмларни ажратишда қийинчилик туғдиради. Иккала ровий ҳам машҳур саҳоба Ибн Аббосдан ривоят қилишган. Ромахурмузий: “Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ҳадис ривоят қилган ровийларни ичида Абу Солиҳ куняси билан иштирок этганларнинг сони 20 тага етади” [1, 782], дейди. Муҳаддисларга донолик ва зийракликни берган узоқ изланишлар, уларга исмларни ажратиш қобилиятини шакллантирди. Ровийлар исмларини билиш бобида таълиф этилган китоблар кўпайди. Бу бобга муаллифларни қизиқиши ошди. Натижада “Исмлар ва кунялар ва лақаблар” номли китоблар юзага эди. Бу китоблар хижрий 4-аср бошида таълиф этилганди. Узоқ вақтлардан буён исмларни забт этиш ва ажратиш қийинчилиги пайдо бўлганлигидан, “Илмур рижол” (Ровийларни билиш илми) бобида китоб тасниф этиш бошланиб кетди. Китоблар нашр этила бошлагандан ярим аср ўтиб, “Ал-муъталиф вал мухталиф” (Бир-бирига яқин, аммо фарқли) китоблари таълиф этилди. Кейинчалик Хатиб Бағдодий (463/1071) “Ал-муттафиқ вал муфтарик” (Бир-бирига иттифоқдош ва тескари) ва “Ал-муташобеҳ” (Бир-бирига ўхшаш) китобларини тасниф

этди. Замон ўтиши билан уламолар маҳорати сайқалланиб борарди.

Таъкидлаш лозимки, ҳадиснинг ишончлилигини аниқлашда бу илмнинг ўрни катта. Масалан:

1. Исмда шерик бўлган бир жамоат ровийларни бир киши деб гумон қилинмайди.

2. Бир исмда шерик бўлганларнинг орасини фарқлаш мана шу илм орқали билинади.

Мисол учун, иккита бир исмли одам бўлиб, улардан биттаси сиқо, иккинчиси заиф бўлади, агар шу илмни билмаса, сиқони заифга чиқариб, заифни сиқога алмаштириб қуйиши мумкин.

Бу мавзуда қуйидаги муаллифлар китоб битиб:

1. Али ибн ал-Мадиний (ваф. 234/849): “Ал-куно” (Кунялар китоби) номли китоб таълиф этган.

2. Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/856): “Китобул асмо вал куно” (Исмлар ва кунялар китоби) китобини тасниф этган. [8]

3. Имом Ал-Бухорий (ваф. 256/871): “Ал-куно” (Кунялар китоби) номли китоб таълиф этган. Китоб “Ат-таъриху ал-кабир” (Буюқ тарих) китобининг бир қисми бўлиб, унда исми билан эмас, кунялари билан танилган ровийлар номини зикр этган. Китоб алифбо ҳарфларига асосан тартибланган. [9]

4. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (ваф. 279/892): “Китоб ул-асмо вал-куно” (“Исмлар ва кунялар китоби”).

5. Абу Аҳмад Ал-ҳасан ибн Абдуллоҳ Ал-Аскарӣ (ваф. 382/992) “Тасхифотул муҳаддисийн” (Муҳаддисларга назар солиш). Доктор Маҳмуд Ал-Майза тадқиқ қилиб нашрдан чиқарган. [10]

6. Доракутний (ваф. 385/995) “Ал-муъталиф вал мухталиф”. Доктор Мувафиқ Абдуллоҳ тадқиқида нашр этилган.

7. Абулвалид Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ал-Қуртубӣ ибн Ал-Фарзӣ номи билан машҳур (ваф. 403/1013). “Ал-Муъталиф вал мухталиф” ва “Муштабихун нисбати” (Бир-бирига ўхшашлар нисбаси) китобларини таълиф этди.

8. Абдулғани ибн Саъид Ал-Аздӣ (ваф. 409/1018). “Ал-Муъталиф вал мухталиф фи асмоир рижол” (Ровийлар исмида муъталиф ва мухталиф исмлар) ва “Муштабихун нисбати”

(Бир-бирига ўхшашлар нисбаси) китобларини таълиф этди. Иккала китоб ҳам Ҳиндистонда Илоҳободда 1327-ҳижрийда(1909-мелодий) Муҳаммад Муҳиддин Ал-Жаъфарий Ал-Зайний нафақасига чоп этилган.[5]

9. Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад Ал-Молиний (ваф. 412/1021). “Ал-муъталиф вал мухталиф”.

10. Абулқосим Яҳё ибн Али Ал-Ҳазраий, Ибн Аттаҳон номи билан машҳур (ваф. 416/1025).

Ҳадис ровийлари исмларини ўрганиш фанини ривожланишига беқиёс ҳисса қўшганлар.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, ҳадис ровийлари исмларини аниқлаштириш илми ҳадисларга нотўғри маъно бериш, унга енгил назар солиш каби камчиликларни бартараф этишда ниҳоятда катта ўрин тутган. Бу илм кейинчалик кенгая бориб, ровийларнинг таржимаи ҳоллари батафсил битилган минглаб жилдлардан иборат асарлар туркумини вужудга келтирди. Бу эса ўз навбатида нафақат ҳадис илми, балки ижтимоий-гуманитар фанлар ривожига ҳам улкан ҳисса қўшди. Ҳар қандай илм ёки хабарда шахснинг ўрнини таҳлил этиш малакасини долзарб масала сифатида кун тартибига қўйиб, буни атрофлича асослаб берди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қози Ҳасан ибн Абдурахмон Ромаҳурмузий. ал-Муҳаддис ал-Фосил байнар ровий вал войй. Байрут,1983.
2. Усмон ибн Абдурахмон,Абу Амр,Такийиддин Ибн Салоҳ. Маърифату анвои улумил ҳадис. (Муқадиммату ибн Салоҳ).Байрут,1986.
3. Саъдулмулк Абунаسر Али ибн Ҳиббатуллоҳ ибн Жаъфар ибн Мокуло. ал-Икмол фи рафъил иртиёби анил муъталиф вал мухталиф минал асмой вал куно вал алқоб.Ливан,1990.
4. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит ал-Хатиб Бағдодий. Ал-муъталиф такмилатул мухталиф. Қоҳира,2019.
5. Абу Муҳаммад Абдулғани ибн Саид ал-Аздий. Ал-Муъталиф вал мухталиф фи асмой нақлатил ҳадиси ва асмой обоихим ва аждодиҳим. Байрут,2007.
6. Абу Али ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ғассоний. Такйидул муҳмал ва тамизул мушқал. Мағриб,1997.
7. Акрам ибн Зиё Умарий.Бухусун фи тарихи суннатил мушараффати.Мадина,1994.
8. Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад аш-Шайбоний.Асомий вал куно ли имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоята ибниҳи Солиҳ.Қувайт,1985.
9. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғйра ал-Бухорий. Ат-таъриху ал-кабир.Байрут,1971.
10. Абу Аҳмад ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Саъид ибн Исмоил ал-Аскарый. Тасҳифотул муҳаддисийн.Қоҳира,1982.

Гулчеҳра Неъматовна НАВРЎЗОВА,
Бухоро муҳандислик-технология институти
Ижтимоий фанлар кафедраси профессори,
фалсафа фанлари доктори DSc.
premium.progress@mail.ru

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД – ҲАЛОЛЛИК ВА ПОКЛИК ТИМСОЛИ СИФАТИДА

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД КАК СИМВОЛ ДОБРОСОВЕСТНОСТИ И ЧЕСТНОСТИ

BAKHAUDDIN NAKSHBAND AS A CONSCIENTIOUSNESS AND HONESTY SYMBOL

Аннотация: Мақолада Нақшбандия камолот йўлини асослаган Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) ҳаёти ва таълимотини истиқлол даврида ўрганилиши, унинг маънавий мероси, ҳалоллик тимсоли эканлиги, ҳалол луқмага риоя қилганлиги, ҳалол тушунчасини жуда кенг маънода тушунганлиги ва ҳалолликга доир айтган ўғитлари, “Дастба кору дилба ёр” шиорининг моҳияти, унинг ҳалоллик гояларини ҳозирги Ўзбекистонда тарғиб этиш йўлларига оид тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: ҳалоллик, ҳалол луқма, ибодат, ҳалол меҳнат, “Даст ба кору дил ба Ёр”, ҳалол инсон, мукамал ҳаракат, вужуд, ижобий қувват, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик.

Аннотация: В статье раскрывается личность основателя пути совершенствования Накибандия Бахауддина Накибанди (1318-1389) как символа добросовестности и честности, изучение жизнь и творчества в период независимости, его духовное наследие. Кроме того, раскрывается его правильный образ жизни и его понимание честности и добросовестности, его назидание о честности и порядочности, о значении лозунга “В сердце-бог, а руки-в труде”, а так же, применение этих идей в современном Узбекистане.

Ключевые слова: честность, добросовестность, чистый кусок (пищи), богослужение,

честный труд, «В сердце-бог, а руки-в труде», честный человек, завершённое действие, существо, позитивные силы, трудолюбие, гуманизм.

Abstract: In the article the personality of the founder of a way of perfection Nakshbandiya Bakhauddin Nakshband (1318-1389) reveals as conscientiousness and honesty symbol, exploration of life and creativeness in period of independence, his spiritual heritage. Besides this, the understanding of his correct way of life and his understanding of honesty and conscientiousness, his edification of honesty and decency, meaning of motto “In heart-god, and hands-in work” and application of these ideas in modern Uzbekistan is given.

Keywords: honesty, conscientiousness, a pure piece of food, divine service, fair work, «In heart-god, and hands-in work», the fair person, complete action, a being, positive forces, diligence, humanism.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қилган Мурожаатномаларида “ҳалоллик вакцина”си билан эмлаш орқали жамиятимизда ҳалол турмуш тарзини барқарор шакллантириш лозимлиги масаласини кўтариб, биз зиёлилар, хусусан раҳбар кадрлар, олдида буни вазифа қилиб қўйдилар. Ҳар бир раҳбар билиши лозимки, ҳалол турмуш тарзини жорий этиш учун халқимизга “ҳалол” ва “ҳаром” тушунчасини тўғри англашига ёрдам бериш лозим. Бунинг учун болаларни жуда ёшлиқдан ҳалолни билиши ва унга амал қилишини ташкил этиш керак бўлади. Бу масалага доир жуда кўп манбалар мавжуд. Булар ичида жаҳоншумул Нақшбандия таълимоти ва тариқатини асослаган Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389)нинг [10:5-8, 11:922-926, 13:159-186, 15:160] ҳаёт йўли, пурмаъно ва жуда қимматли бўлган ҳикматли сўзларини ўрганиш ва тарғиб этишнинг аҳамияти каттадир.

“Ҳалол” араб тилидан олинган сўз бўлиб, рухсат этилган, йўл қўйилган, қонуний, асосли, виждонга мувофиқ маъноларни англатади. [6:641] Ҳадиси шарифда: “Ҳалол – очик, ойдиндир” дейилган. Аввало, ҳалол деганда

очик, оидин ҳалоллиги кўриниб турган сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар гўшти каби таомлар, рухсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган шахслар назарга олинади. Ҳалолликнинг асосий меъзони ҳалол касбу кор билан топиш бўлиб ҳисобланади. Ҳалол касб, ҳалол меҳнат, ҳалол йўл билан топилган, ҳадя, икки тараф розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга киритилган мулк ҳам ҳалол бўлади. Ҳар бир ўзини Ҳазрати Инсон деб ўйлайдиган одам учун ҳалол нарсани талаб қилиш, ҳалолдан молу мулк топиш фарздир. Ҳалол бўлган нарсани ҳалол қилинган йўл билан топиб фойдаланиш керак. Масалан, нон ҳалол бўлсада, уни ҳаром йўл билан топгани учун у ҳалол бўлмайди.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳалол тушунчасига махсус эътибор берилган. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган йўл тасаввуфнинг мўътадил, ҳушёрлик йўли бўлиб, баркамол инсонни тарбиялашга ёрдам беради.[7:153-225] Ҳар бир раҳбар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлини манбалар асосида билиши ва унинг маънавий меъроси билан яқиндан таниш бўлиши керак. Истиқлол даврида нашр этилган Йўлдош Эшбек[3:240], Садриддин Салим Бухорий [5:120] ва манбалар тўпламини [4:3-7] ўрганиш раҳбар ходимларга Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлини чуқур билишга ёрдам беради. Айниқса, Баҳоуддин Нақшбанднинг билишга оид 20 маслаҳати [8:83-115], “Аврод” [2:48-66] рисоласи ва ҳикматли сўзларини ўрганиш ҳар бир раҳбар ходимнинг маънавий дунё қарашини ўсишига ёрдам беради.

Баҳоуддин ҳаёт йўлига оид энг муҳим манба бўлган Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али томонидан ёзилган “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” китобининг иккинчи мақсадида Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи халифалари Алоуддин Атторнинг шундай нақли келтирилган: “Ҳазрати Эшоннинг қадамлари суннатга тобе бўлишликда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочиши, айниқса, ҳалол лўкмани таъкидлаб гапирардилар. Сухбатларида доимо қуйидаги ҳадис ўтар эди: “Ал-ибадату ашарати ажзоин тисъату минҳо талабу-л ҳалоли ва жузъун

вахидун минҳо соиру-л ибодоти” – “Ибодат ўн қисм, ундан тўққиз қисми ҳалолни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатлардир”. [1:83]

Ҳар бир раҳбар Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган бу ҳикматли сўзларини маъносини англаши халқимизга ҳалол тушунчасини тушунтиришга асос бўла олади. Чунки Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари билан суҳбатларда юқоридаги ҳадисни кўп такрорлашлари ҳалол тушунчасини жуда кенг тушунганларидан далолат беради. Баҳоуддин фикрича, инсон ўз ҳаёти давомида ҳалолни истаб, ҳалолни қидириб қилинган барча амал ва меҳнатлари ҳалол бўлиб, фарз қилинган бошқа ибодатлар ҳам унинг ўндан бир қисмидир. Баҳоуддин инсон фарз амалларини қилиб, ҳалол топиш, ҳалол ейиш йўлида меҳнат қилмаса ва бошқаларнинг топганига шерик бўлиб, уларга юк бўлса, ундай инсонларни амалларини ҳалол ҳисобламаганлар. Ҳалол инсон, Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, ўзи, ўз оиласи, унинг қарамоғида бўлган ота-она ва қариндош уруғини ҳалол меҳнати билан боқиши ва шу билан бирга муҳтожларга ҳам мурувват қўлини чўзиб, уларни оғирини енгил қилишга интилиши лозим. Ибодат қиламан деб, оила аҳлини, ота-онасини ўйламаган инсон Баҳоуддин томонидан қораланган.

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотининг асосий шиори: “Даст ба кору дил ба Ёр” – “Қўл ишда ва қалб Ёр (Аллоҳ) билан”. Бу шиор инсонни мукамал ҳаракатга ундайди. Бу шиор асосида инсон доимо ҳалол меҳнат қилиши, яъни унга берилган вужуд имкониятларидан эзгулик йўлида фойдаланиши лозим. “Даст ба кор”лик шундай ҳаракатни тақозо этадики, у холис, Аллоҳ ризолиги учун, розилик ва мамнуният билан қилинган бўлсин. Бундай меҳнат “Дил ба Ёр”лик ҳолати натижасида вужудга келади. Шунинг учун бу тариқат аҳли ҳалол меҳнат қилиб, оила, маҳалла, эл-юрт ва ватанлари учун фойда келтирганлар ва халқни фаровон яшаши учун имконлари даражасида меҳнат қилганлар. Раҳбар ходимлар “Даст ба кору дил ба Ёр” шиорини моҳиятини англасалар ва халқимизга тарғиб эта олсалар Ўзбекистонимизда моддий ва маънавий юксалиш бўлишига ёрдам бера оладилар. Чунки бу шиор инсонни иймонли бўлиб, ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

Алоуддин Атторнинг манбада келтирилган наклидан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбандни ўзлари ҳар йили бир оз арпа ва мош экканлар ва ўзлари ишлов берганлар. Ҳўкизлари бўлган ва уларга ўзлари қараганлар. Бу улуғ зотнинг таомлари ўз зироатларидан ҳосил бўлган. У кишининг шариф суҳбатларига келган уламолар ва ақобирлар овқатларини табарруқона деб ер эдилар.

Баҳоуддинга касбу-корларига асосан Нақшбанд номи берилган. Манбада ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд шундай деган эканлар: “Мен ва отам кимхоббофлик касби билан машғул эдик”. [1:25] Демак, Баҳоуддин Нақшбанд оталари билан бирга ўша даврда Бухородан чиқадиган ва чет элларда ҳам машҳур бўлган энг сара мато кимхобга нақш боғлаш ҳунари билан машғул бўлганлар ва ҳалол йўл билан ризқу рўзларини топганлар. Шу касблари туфайли ҳалол меҳнат натижасида энг гўзал нақш Аллоҳни барча мавжудотларнинг зоҳирида тажаллийсини кўрганлар ҳамда Аллоҳни қалбда нақшлашни ўрганиб, бошқаларга ҳам ўргатиб, Шоҳ Нақшбанд номи билан машҳур бўлдилар. Жаҳоншумул Нақшбандия йўли ҳам Баҳоуддиннинг шу номларидан олинган.

Баҳоуддин Нақшбанд уйларида мол-мулк йўқ эди. Ғарибона яшар эдилар. У кишида хизматкорлар бўлмаган. У кишидан: “Нега хизматкор ёлламайсиз?”- деб сўраганларида: “Қуллик ҳўжайинлик билан мос келмайди!” – деб жавоб берганлар. Манбада бу табарруқ инсон томонидан айтилган қуйидаги икки байт келтирилган:

На маро мафрашу на мафрашқаш,
На ғуломони турку тиркашқаш.
Ҳама шаб чун сағони қаҳдони,
Сар ба дум оварам ба жисми хуш. [1:85]
Мазмуни:

Менда на гилам бору на гиламни тозаловчи,
На турк ғуломию на суянадиган киши.
Бошини думимга қўйган итлар каби,
Тун бўйи бутун жисмим хуш.

Бу мисралардан кўринадики, Баҳоуддин, биринчидан, мол-мулкни жамлаш, топишга меҳр қўймаганлар. Бу улуғ зот фақат эҳтиёжлари учун зарур бўлган нарсаларга эга бўлганлар ва шуларга қаноат қилганлар. Шунинг учун ҳам бу мол-мулкга қараш ва уни хизматини

қиладиган кишиларга муҳтож ҳам бўлмаганлар. Итлар қандай ўз ҳўжайинига садоқатли бўлиб, бошини думига қўйиб хизмат қилса, у киши ҳам ҳақиқий бандалик мақомида бўлиб, яъни Аллоҳгагина бўйсуниб, Аллоҳнинг бошқа яратганларига муҳаббат билан қараб, Аллоҳга таваккал қилиб, тунни сокин, хотиржам ибодат билан ўтказганлар. Баҳоуддиннинг “Бирорта инсонни ҳам қул қилиш, хизматгор қилиш мумкин эмас” деган ғоялари инсонпарварлик руҳидаги жуда олий, инсон кадрини улуғловчи ҳикматли сўздир. Манбадаги бу далилларни ҳар бир раҳбар ходимнинг билиши, ўзи амал қилиши, яъни мол-мулкга муҳаббат қўймаслиги ва бошқаларни ҳам ҳалол меҳнатга қаноат қилиб яшашга ундаши аҳолимиз ўртасида маънавий юксалишни олиб келади.

Халқнинг фаровон, баракали яшаши ва заковатли бўлишига ҳалол луқманинг ўрни катталигини ҳар бир раҳбар билиши, ўзи амал қилиши ва бошқаларга тарғиб этишда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётидан мисоллар келтириши яхши натижа беради. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд ҳалол луқмага жуда катта эътибор берганлар. Бунга сабаб бу улуғ зот инсонга берилган энг қимматбаҳо илоҳий неъмат бўлган вужудни барча имкониятларидан эзгулик, ҳалоллик йўлида фойдаланиш учун, вужудда ҳалолу пок ва ижобий қувватлар жамланиши лозимлигини ҳис қилганлар, кўра олганлар ва устозларидан бу мазмунда сабоқлар олиб, ўрганганлар.

Баҳоуддин Нақшбандга руҳий таълим берган устозлари Бухорои Шарифнинг биринчи пири Ҳожаи Жаҳон номи билан машҳур Ҳожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўз шогирдлари Авлиёи Кабирга ёзган “Васиятнома” асарида “ҳалол” масаласига махсус эътибор берганлар. Бу асар “Одоб тарикат”, “Рисолаи васоё” номлари билан ҳам маълум. Ҳожаи Жаҳон ўз асарларида шогирдларига ўғит бериб, ҳалол ризқ топишга ва меҳнатсевар бўлишга ундайди. Рисолада бу маънида қуйидаги ўғит ёзилган: “Ҳалол егинки, ҳалол яхшиликларнинг калитидир. Ҳаромдан қочгинки, Ҳақ таолодан узоқ тушмагайсан”, “Эртага дўзах олови куйдирмайдиган ишни қил ва ибодатдан ҳаловат топиш учун ҳололдан кийин”. Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг бу рисоласини Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон Исфажоний 1509 йилда ёзган “Маноқиби Ҳожа Абдулҳолиқ

Ғиждувоний” асарида шарҳлаган. Юқоридаги ўғитларни шарҳ этиб, Ибн Рўзбехон қуйидаги рубойни келтиради:

Зинҳор, ки дур бош аз ризқи харом,
То ту дур наафти зи Худованди жаҳон.
Рўзи ҳалол қулфи дил бикушояд,
Мифтоҳи ҳамае чиз ҳалол аст мудом.[14:33]
Мазмуни:

Албатта, харом ризқдан узоқда бўл,
Шунда Худодан узоқлашмайсан.
Ҳалол ризқ қалб қулфини очади,

Чунки доимо барча нарсаларнинг калити ҳалолдир.

Ҳазрат Азизон номи билан машҳур Бухорои Шарифнинг тўртинчи пири Хожа Али Ромитаний Баҳоуддин Нақшбанднинг устозлари эдилар Баҳоуддин: “Биз Ҳазрат Азизонни муридимиш”, дер эдилар. Хожа Али Ромитанийдан “Рисолаи ҳазрат Азизон” асари сақланган. Бу рисолада ҳазрат Азизон инсон камолотининг ўн шартини кўрсатиб берган. Камолотнинг ўнчи шarti сифатида луқмани сақлаш ёзилган. Ҳазрат Азизон луқмани сақлашнинг қуйидаги асосларини кўрсатган:

1. Ҳалол ризқ-рўзи насиб этишини ният қилиш.

2. Ҳалол луқма огоҳлик билан қилинган меҳнат ила топилган бўлиши керак. “Даст ба кору, дил ба Ёр” - “Қўл меҳнат билан, қалб Ёр - Аллоҳ билан” шиорининг моҳияти ҳам шудир.

3. Луқмани истеъмол этишдан мақсад ибодатнинг мукамал бўлиши, яъни ҳалол ризқ-рўз топиш учун меҳнат қилишга куч-қувват йиғиш, жамлаш бўлиши керак. Нафсга қул бўлиб, луқмани истеъмол этиш инсонни ғафлатга етаклайди ва у ҳалол бўлмайди.

4. Ҳалол –пок луқма исроф қилинмайди.

5. Луқмани огоҳ ҳолатда, берилган неъматларга шукр этиб истеъмол қилиш лозим.

6. Луқмани яхши кишилар билан бирга истеъмол этиш. Ёмон кишилар билан ҳамтовок бўлмаслик керак.

7. Таом пишираётганда огоҳлик, ҳушёрлик ҳамда Аллоҳ зикри ва шукрига, неъматларнинг тафаккурида бўлсин. Бўлмаса ўзини ва бошқаларни ҳам ғафлатда қолдиради.

8. Таомни пишираётган киши таҳоратли бўлиши лозим. Хожа Хизр бир таомни емабдилар ва айтибдиларким, “Ҳамир қорган

киши таҳоратсиз бўлган, бундай луқма бизга лойиқ эмас”.[9:39]

Манбада шундай нақл келтириладики, Баҳоуддин Нақшбанд бир куни Ғадиятга борганлар. Бир дарвеш таом келтиради Баҳоуддин: “Бу таомни ейиш бизга тўғри келмайди, негаки у ғазаб устида пиширилибди, унни элашда ва хамир қоришда кимдир ғазабда экан”, дедилар. Баҳоуддин кимки капкирни қозонга қаттиқ урса ўша қозондаги овқатни емас эдилар ва айтар эдиларки: “Ғазаб, иштиёқсизлик ва ғафлат билан қилинган ҳар бир ишда хайру барака бўлмайди, унга шайтон ва нафси аммора йўл топган бўлади. Демак, ундан қандай яхши натижа кутиш мумкин?! Яхши амаллар ва гўзал ишлар биносининг юзага келиши ҳалол таомга боғлиқдир. Агар у таом воқиф ҳолда ейилса, барча ишларда, хусусан, намозда яхши натижа ҳосил бўлади”.[1:87]

Манбада келтирилган юқоридаги маълумотлар гувоҳлик берадики, Муҳаммад исми билан туғилган бу инсоннинг Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Балоғардон номлари билан танилишига асосий сабаб унинг вужуди, қалби ва руҳининг илоҳий шаффоф ва мусаффолигидир. Бу даражага етишувнинг асоси эса ҳалол луқмага эътибор берганликларидир. У киши ғазаб, иштиёқсизлик ва ғафлат билан пиширилган таомни ўзлари ҳам емас, шогирдларига ҳам ейишни таъқиқлаб қўйган эдилар.

Баҳоуддин ҳаётидаги бу ҳолатларни тадқиқ этганимизда инсоннинг ҳолати ботинидаги, яъни ичидаги қувватларнинг сифатига боғлиқ экани маълум бўлади. Инсон ўз меҳнати билан ҳалол топган нарсасини шукроналик билан истеъмол қилганида ичидаги қувватларда сифат ўзгариши бўлиб, ижобийлик хусусиятини эгаллайди. Ботиндаги ижобий сифатлар таъсирида ижобий ният, ижобий фикр ва ҳиссиётлар туғилади. Бу ижобий қувватлар инсонни ижобий амалларга томон ғайрат ва иштиёқни ҳосил қилади. Ғазаб, нафрат, ишқмаслик, ғафлат билан пиширилган нарсалар эса инсон ботинида ўзига уйғун салбий ҳолатларни ҳосил қилиб, салбий ўй-хаёлларни туғдиради. Бундай салбий фикрлар салбий иштиёқ ва ғайратни туғдириб, жамиятга зарар келтиради. Айниқса ғафлат ҳолати инсонни тубанлик ва таназзулга етаклайди.

1909 йилда Нобель мукофотида сазовор бўлган физик, химик ва файласуф олим

Вильгельм Оствальд энергетизм назариясини асослади. 1908 йилда “Натурфилософия” номли монографиясини чоп этган. Энергетизм назариясида кувватни вақт ва маконда мавжуд бўлган энг умумий субстанция деб қарайди. Унинг фикрича, моддий оламдаги барча нарсалар турли хил кувватларнинг бирлашувининг натижасидир. Бу таълимотга асослансак, инсон жисми турли кувватлардан ташкил топган. Пок ният, ҳалол лукма истеъмоли нияти, ҳалол лукма, ҳалол либос, ҳалол макон, ҳалол ҳамсухбат ижобий энергия бўлиб, инсон вужудини ижобий кувват билан кучли қилади. Чунки ҳалол ризқ, ҳалол маҳнат асосида вужудга келади. Ҳаром лукма эса турли ҳаром йўллар билан ҳосил этилганлиги сабабли ғазаб, нафрат, жаҳл каби салбий кувватларга тўла бўлади. Ижобий кувватлар ижобий фазилатларни ҳосил қилади, салбий кувватлар эса иллатларни туғдиради. Энергетизм таълимоти валийларнинг камолотида ҳалол лукма ижобий таъсирга эга эканлигини исботловчи илмий асосдир.

Тарихдаги энг буюк 100 инсон ҳақида Майкл Харт асарида ёзилишича, буюклардан буюк Муҳаммад с.а.в. дан кейин иккинчи ўринда турган машҳур олим Исаак Ньютондир. У кашф этган бутун олам тортишиш қонуни асосида ҳам ижобий кувватлар ижобийликни, салбий кувватлар салбийликни тортишини илмий далиллар асосида исботлаган. Ҳалоллик розилик асосида вужудга келганлиги туфайли ижобий ҳолатдир. Ҳалол ризқ бараканинг манбайидир. Яхши тупроққа яхши уруғ сепилганда баракали ҳосил чиққани каби ҳалол амаллар натижасида фаровон ҳаёт вужудга келади. Ронда Берн деган олим ҳам шу қонуниятларни таҳлил этиб, Нютоннинг фикрларини асосли эканлигини ёзган.[12:192]

Ҳар бир раҳбар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва у кишининг ҳалол лукмага оид фикрларидан ҳалол турмуш тарзини жорий этишда кенг фойдаланиш жуда яхши самара беради. Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ валийларнинг ҳаёт йўлларида мисол келтириш ва ибрат қилиб кўрсатишнинг таъсири катта. Чунки халқимиз бу улуғ инсонларни севади, эъзозлайди ва фарзандларини бу табаррук инсонлар каби камолга етишини жуда-жуда истади.

Ҳалоллик ҳақидаги Баҳоуддин Нақшбанд ибрати ва ўғитларини тарғиботига махсус эътибор бериш учун раҳбар ходимлар қуйидагиларга эътибор берсалар халқимиз, миллатимиз ҳалол турмуш тарзига тезроқ эришиши мумкин:

Барча раҳбар ходимлар учун “Баҳоуддин Нақшбанд ҳалоллик тимсоли” мавзуида маънавий соатлар ташкил этиш ва уларни Баҳоуддин Нақшбандга оид бўлган зарурий адабиётлар билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила илмий-амалий тадқиқот марказлари” даги имкониятлардан фойдаланиб, янги ёш келин-куёвлар орасида махсус дарслар ташкил этиш ва уларга, ҳалол ва ҳаромни тушунтириш, ҳамда бунга амал қилган Баҳоуддин Нақшбанд каби инсонлар ҳаётидан мисоллар келтириш, у киши каби фарзандлар кўриш сири ҳалолликда эканлиги ғоясини сингдириш.

“Оила илмий-тадқиқот марказ”лари ҳузурида ташкил этилган қайноналар мактабларида ёши улуғ оила аъзоларининг оилада ҳалол турмуш тарзини жорий этишдаги вазифаларни тушунтириб, Баҳоуддин Нақшбанд ҳикматли ўғитларидан тайёрланган тарқатма материаллар бериш.

“Оила илмий-тадқиқот марказ”ларида ёш оналар ва ёш оталар мактабларида “Ҳалол лукма”, “Ҳалол либос”, “Ҳалол макон”, “Ҳалолликда барака” каби мавзуларда маърузалар ташкил этиш.

Маҳаллалардаги “Нуронийлар”, хотин-қизлар билан ишлайдиган фаоллар, имом ва отинойилар, фуқароларга туғилганлик ва никоҳланганлик гувоҳномасини берувчи ходимлар орасида ҳам ҳалол никоҳ асослари бўйича маърузалар ташкил этиш.

Мактабгача таълим мудираларига ҳалол лукма истеъмол қилган инсоннинг вужуди соғлом, ақли расо, заковатли бўлиши ҳақида махсус ўқувлар ташкил этиб, бу муассасаларда овқатланиш жараёнини назоратини кучайтириш.

Боғча, мактаб, коллеж ва олий даргоҳ ўқувчи ва талабалари орасида “Ҳалоллик мўъжизалари” рубрикаси остида суҳбат ва тренинглар ташкил этиш.

Умумий хулоса қилиб айтганда, Баҳоуддин Нақшбанд каби валийсифат инсонларни дунёга келишида ҳалол турмуш тарзининг ўрни жуда катта. Ҳалол лўқма, ҳалол вужуд, ҳалол либос, ҳалол макон, покиза наслимизни асосидир ва мўжизалар ярата олади. Бунга барча комилу баркамол инсонларнинг турмуш тарзлари далилдир. Раҳбарларнинг Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётини чуқур англаб ўзлари ҳалоликка амал қилиб ҳалол турмуш тарзини тарғиб этишса Ўзбекистон халқига барака келтиради ва фаровон яшашига имкон яратади. Ҳалол турмуш тарзини жорий этиш учун энг муҳим масала раҳбарни ибрати эканлиги ҳамиша диққат марказида бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва лўғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. 335 б.
2. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон Г. Н. Наврўзова. Тошкент. “Sano-standart” нашриёти, 2019. 112 б.
3. Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Йўлдош Эшбек. – Қ.: “Насаф” нашриёти, - 2010. 240 бет.
4. Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи мақола изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. Тошкент: “Sano-standart” нашриёти, 2019. 256 б.
5. Бухорий С.С. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Дилда ёр)Т.: “Бухоро”, “O‘qtuvchi” нашриёт мабаа ижодий уйи, 2007. 120 б.
6. Ислон. Энциклопедияси: А – Ҳ / Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири И-80 остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. 672 б.
7. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: “Фан”, 2005. 233 б.
8. Наврўзова Г. Н Нақшбандия - камолот йўли. Тошкент: “Фан”, 2007. 189 б.
9. Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: Muharrir nashriyoti 2018 й. 72 б.
10. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband-the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son) 2020. B. 5-8.
11. Navruzova G.N., Ubaidova V.E. Pharaoh of the weavers of Bahauddin Naqshband. Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10 issue 5, May 2020. Impact Factor: SJIF 2020=7.13. 922-926 pages.
12. Ронда Берн: Куч. тарж: М. Убайдуллаева. - Тошкент: “DAVR PRESS” НМУ, 2018. 192 б.
13. Shaykh Muhammad Hisham Kabbani. The Naqshbandi Sufi Way History and Guidebook of the Saints of the Golden Chain. Chicago:1995. 469 pages.
14. Хожа Абдулхолик Гиждувоний. Сўз боши, таржима лўғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2003. 128.
15. Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган- накшбандийя в первом поколении после Бахауддина./ Суфизм в Центральной Азии (зарубежнке исследования). Санкт-Петербург: Наука, 2001. С. 160.

Нилуфар ТУЙЧИЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар
маркази илмий ходими
N.Tuychieva@iiiau.uz

УВАЙС ҚАРАНИЙ ВА УВАЙСИЙЛИК

UWAYS QARANIY AND UVAYSIYA

УВАЙС КАРАНИ И УВАЙСИЯ

Аннотация: Ушбу мақолада тасаввуфнинг йирик вакили Увайс Қараний ҳақида сўз юритилган. Унинг шахсияти, ҳаёт йўли ва тасаввуф тарихида тутган ўрни мақолада ёритилган. Шунингдек, тасаввуфда увайсилик анъанасининг пайдо бўлиши, Увайс Қаранийга қанчалик алоқадорлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Увайсиликнинг келиб чиқиши, турлари ва шартлари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: тасаввуф, суфий, мистицизм, руҳий поклик, хонақоҳ, тариқат, тасаввуф фалсафаси.

Аннотация: Эта статья посвящена великому представителю суфизма Увайсу Карани. В статье освещены его личность, образ жизни и место в истории мистицизма. Также есть информация о возникновении традиции Увайсизма в мистицизме и о том, насколько она связана с Увайс Карани. Также подробно освещены происхождение, типы и традиции увайсизма.

Ключевые слова: суфизм, суфий, мистицизм, духовная чистота, обитель суфиев, суфийское братство, философия мистицизма

Abstract: This article is about Uwais Qarani, one of the great representatives of Sufism. His personality, biography and role in the history of Sufism are illuminated. Also, detailed information about the tradition of Uwaysism is given. In the article, the origin of uwaysism, its types and conditions are reflected. In the conclusion part, the author speaks about the representatives of Sufism who educated through uwaysism

Keywords: *Sufism, Sufi, Mysticism, Spiritual Purity, Khanakah, Tariqah, Philosophy of Sufism.*

Тасаввуфда увайсилик атамасининг келиб чиқиши Муҳаммад (571-632) саллолоху алайҳи васалламнинг замондошлари бўлсада, у зотни бирон марта кўришга муваффақ бўлолмаган **Увайс** ибн Омир ибн Жузь ибн Молик ал-Қараний ал-Муродий ал-Яманий номи билан боғланади. У тахминан 594 йил таваллуд топган. Ямандаги Мурод қабиласининг шўбаси бўлган Қаранликдир. У муҳадрамлардан бўлиб, бу атама жоҳилият ва рисолат даврида яшаган аммо Расули акрамни кўришга муваффақ бўлолмаган кишиларга нисбатан ишлатилади. Гарчи Пайғамбар саллолоху алайҳи васалламни кўрмаган бўлса ҳам у зотдан маънавий таълим олиш бахтига мушарраф бўлиб, ўзидан кейинги суфийларга бу йўл мерос бўлиб қолишига сабаб бўлди.

У киши ҳақида имом Заҳабий (1274-1348) “Сияр Аълам ан-Нубала» (4/19)да шундай деди: “Зоҳид пешво, ўз замонида тобеъинлар раҳнамоси. У киши Аллоҳнинг тақводор авлиёларидан ҳамда Унинг мухлис бандаларидан эди”.

Имом Ҳоким (ваф. 405 ҳ) ҳам “Мустадрок” (3/455)да Увайс Қаранийнинг манокиблари ҳақида алоҳида боб очди. У киши ҳақида шундай деди: “Увайс ушбу умматнинг обидидир”.

Алишер Навоий (1441-1501) “Насоимул муҳаббат” асарида Шайх Увайс Қараний ҳақида куйидагиларни келтиради: “Аллоҳнинг пайғамбари айтган: Увайс Қараний эҳсон ва меҳрибонлиги билан тобиинларнинг яхшисидур. Гоҳ-гоҳ Хожаи олам саллоллоху алайҳи васаллам муборак юзин Ямон сори қилиб дер эдиким, мен Худонинг нафасини Яман томонидан туймоқдаман. Бировнинг васфиким, онинг вассофи Хожаи коинот бўлғай ва нафаси нафаси раҳмон бўлғай, васф қилмоқ ғоят беодоблик бўлғай. Ҳам Хожаи коинот буюрубдурким, тонгла қиёмат куни етмиш минг фариштани Увайс сурати била яратқой. То ул аларнинг орасида аросатга кириб, беҳиштга борғай. То ҳеч кимга маълум қилмағай. Тенгридан ўзгаки, ул қайси биридурки, ул дунёдан барча халқ кўзидан ёшурун Тенгри таолога қуллук қилур эрди. Қиёмат доғи Тенгри

таоло ани барча номаҳрам кўзидан маҳфуз тутқай”.

Бундан хулоса шуки, Аллоҳ таоло қиёмат куни Увайс Қараний кўринишида етмишта фариштани яратиб, уларнинг куршовида Увайсни жаннатга элтади. Аммо уларнинг қай бири асл Увайс эканини Яратганнинг ўзи билишига ишора қилинмоқда. Бундан мақсад эса Увайсга ҳар кимнинг кўзи тушишини олдини олишдир. Бу ўхшатиш орқали Навоий Увайс Қараний шахсиятига юқори баҳо берган.

Кўплаб тариқатларни силсиласи аввалида Увайс Қараний номи келтирилади. Бир неча шаҳобчаларга эга тариқатларда шаҳобча шайхи ўз силсиласига асос солган шайх орқали силсилату-л-барака орқали тариқат асосчисига боғлайди. Тариқат асосчиси эса ўз силсиласини машхур суфийлар орқали Муҳаммад саллолоҳу алайҳи васалламнинг яқин саҳобийларига боғлайдилар. Тариқат силсилалари асосан Жунайд Бағдодий (ваф.910)да, қисман Боязид Бистомий (ваф.875)да бирлашади. Ундан кейин эса “Мен илмнинг шаҳриман, Али унинг эшигидир”, “Мен илмнинг шаҳриман, Абу Бакр (573-634) унинг асосидир” каби набавий ҳадисларга таянган ҳолда деярли барча тариқат силсилалари Али ёки Абу Бакр розияллоҳу анҳу орқали Муҳаммад саллолоҳу алайҳи васалламга, кейин эса Жаброил саллолоҳу алайҳи васаллам воситасида Аллоҳга боғланади. Ушбу силсила “силсилатул вирд” деб аталади. Айрим тариқатлар, масалан кубравия Умар розияллоҳу анҳу орқали, яна бошқалари Увайс Қараний орқали ҳам Муҳаммад Пайғамбар билан боғланади. Нақшбандия тариқатида тариқат асосчисигача бўлган қисм “силсилатут тарбия”, Муҳаммад саллолоҳу алайҳи васалламгача бўлган қисм эса “силсилатуз заҳаб” деб юритилади. Силсилага боғланган тариқат шайхи орқали тариқат аъзоларига файз оқиб келади, деб ҳисобланади [1:123].

Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” [2:9-10] китобида Увайс Қараний ҳақида қуйидаги маълумотни берган. Куфа, Бағдод, Басра шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди, айтиш керакки, уларнинг обрў-эътибори ҳам халқ орасида катта бўлган. Чунончи, Увайс Қараний, Ҳасан Басрий каби йирик суфийлар аслида зоҳид кишилар эдилар, шунинг учун

у зотларнинг номи шайхлар ва суфийлар ҳақидаги тазкираларда зоҳид сифатида тилга олинади, баъзи муаллифлар эса уларни суфийлар қаторига қўшмаганлар ҳам. Аммо Алишер Навоий “Насоимул муҳаббат”да Увайс Қаранийни илк суфий сифатида тилга олган.

Илк тасаввуфий адабиётларда таркидунёчилик йўлини тутган, илк ислом, саҳобийлар ва тобеинлар даврига мансуб шахслар алоҳида кўрсатилган. Жумладан, ушбу рўйхатнинг аввалида аксарият ҳолларда айнан Увайс Қараний номи келтирилади. Хужвирий (ваф.тах. 1076-77) “Кашф ал-маҳжуб” асарида Увайс Қараний ва Ҳасан Басрий (ваф.1044) таркидунёчилик анъаналарини шакллантирган шахслар сифатида тилга олинган. Хужвирий ҳам Увайс Қараний ва Ҳасан Басрийни дунё лаззатларидан воз кечган, зуҳд эгаларининг илк вакиллари сифатида келтирган[3:125-127].

Увайс Қараний шайхдан тушда таълим олиш, қалбан боғланиш каби ҳолатларни асосчиси саналади. У зуҳд ва тақвога катта аҳамият қаратган. Кейинчалик унинг қарашлари ва ҳаёт йўли “увайсилик мактабига” асос бўлиб қолди. Унинг Пайғамбар саллолоҳу алайҳи васалламдан руҳан таълим олгани ва боғланганининг далили сифатида у зотнинг ўз хирқаларини Увайсга ҳадя қилганлари билан баҳоланади [4:76-79].

Увайс ал-Қараний – суфийликдаги увайсия йўналиши асосчиси сифатида ҳам эътироф этилади. Увайсилик аниқ структура тизимига эга эмас. Шунингдек, устоз-шогирд муносабати мажбуриятларга асосланмаган. Увайсилик анъанасининг моҳияти – ўтиб кетган пайғамбарлар ва авлиёлардан мураббийлик руҳи асосида таълим олишдир. Мазкур йўналишнинг асосий мақсади Нух пайғамбарнинг ўғилларидан бири Сомнинг авлодларидан бўлган Хизр а.с.ни топишдир. Хизр алайҳис саломни топишга интилувчилар ҳафий зикр амалиётини қўллаб келганлар. Увайсиликда ҳам айнан ҳафий зикр биринчи ўринда туради [5:130].

Увайсилик тўрт турлик бўлади:

- 1.Пайғамбар с.а.в.дан файз олган кишилар.
2. Ҳазрат Увайс Қаранийдан файз олганлар.
- 3.Хизр алайҳиссаломдан файз олганлар.
4. Муршиди комилдан таълим олганлар.

Иброҳим Адҳам (ваф.166/782) тасаввуф тарихида увайсилик йўли билан таълим олган биринчи шахс ҳисобланади. У кишини Хизр алайҳис салом ва Увайс Қаранийдан таълим олгани келтирилади. Боязид Бистомий ҳам Жаъфар ас-Содикдан ўн икки йил таълим олиб сайру сулукини охирига тамомлаган шу йўналишнинг илк вакилларида бирига айланган. Абул Ҳасан Ҳараконий (963 – 1033) эса Боязид Бистомийдан файз олишга муваффақ бўлган. Гарчи орадан йиллар ўтган бўлса ҳам худди тириклардан таълим олгандек устоз-шогирд муносабати пайдо бўлган. Юқоридаги рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам шу тариқа Абдуҳолиқ Гиждувоний (1103 – 1179) ва Ҳаким Термизийдан маънавий таълим олган. Баҳоуддин Нақшбанд(1318 – 1389) нинг шогирдлари унинг силсиласини давом эттирсаларда, у аслида Хожагон тариқатининг асосчиси Абдуҳолиқ Гиждувоний руҳидан увайсилик асосида таълим олганини қайд этиш зарур. Хожа Баҳоуддин кўплаб тирик шайхлар суҳбатига етган бўлса ҳам, вафот этган улўғ валийлар руҳони самосиятларидан файз олиб, камолга эришган. Шу боис кўплаб тасаввуфга оид китобларда Баҳоуддин Нақшбанднинг увайси бўлгани келтирилган[6:14].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тасаввуф тарихида илк увайсилик йўли билан Хизр алайҳиссалом ва Увайс Қаранийдан файз олган шахс Иброҳим Адҳам (166/782) ҳисобланиб, Боязид ал-Бистомийнинг эса Жаъфар ас-Содик(702-765)дан файз олгани ҳақидаги маълумотлар учрайди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, увайсилик пирлари сифатида Хизр алайҳис салом, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Гиждувоний ва Ҳаким Термизий ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ўтиб кетган авлиёларнинг маънавиятидан увайсилик усулида таълим-тарбия олаётган ҳар бир суфий тирик шайхдан ҳам дарс олган. Кўплаб тасаввуф аҳлинининг фикрларига кўра, бу анча ишончли усул саналади. Чунки, тушда авлиёдан маълумот олган солиқ тушини софлигини текшириш, ёлғон эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳаётий шайхига мурожаат қилган. Кўрган тушлари шариат ва тариқатга мувофиқлигини аниқлаган. Уни текширмаслик

эса адашиш ва шубҳага сабаб бўлишидан қўрққан[7]. Бундан кўринадики, увайсилик орқали таълим олувчининг албатта тирик шайхи, пири бўлиши шарт қилинган.

Шайтон ёки жинлар Абдулқодир Гийлоний, Хизр, Увайс Қараний қиёфасига кириб инсоннинг тушида намоён бўлиши мумкин. Янги солиқни чалғитиши ва йўлдан уришга уриниши табиий ҳол. Ана шундай пайтда тирик устоздан маслаҳат олиш ва тушни рўё ёки раҳмоний эканини аниқлаб олиш зарур бўлган. Шу сабаб Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари бирор кишининг увайсилик орқали талим олишидан кўра тирик шайхга боғланиши яхшироқ деганлар. Бу шубҳадан ҳолилик нуқтаи назаридан айтилган.

Аммо увайсиликнинг яна бир тури яъни Расул саллолоҳу алайҳи васалламни тушда кўриб таълим олиш борасидаги қарашлар ижобийдир. Чунки ҳадисга кўра, тушда Пайғамбар саллолоҳу алайҳи васалламни кўрган киши аниқ ўзларини кўрган бўлади чунки шайтон уларни қиёфаларига кира олмаслиги у зотнинг ўзлари томонларидан таъкидланган. Увайсиликнинг бу шакли ишончли ҳисобланади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўзларидан бир ярим аср олдин яшаган Абдуҳолиқ Гиждувонийдан увайсилик орқали таълим олсаларда замондош устозлари Саййид Амир Кулол (1281-1370) билан боғланиб, ҳақиқий таълимларини у киши орқали тугатганлар. Бундай йўл тутмаслик оқибатида айрим солиқларда адашиш, бидъат ва жинларнинг найрангига алданиб қолишга олиб келган ҳолатлар ҳам бўлган[8:3-17].

Хулоса шуки, увайсилик йўли ҳамма суфийларга ҳам насиб бўлмаган. Бу йўл мураккаб ва ихтиёрсиздир. Уни солиқ танламайди балки, солиқни муршид-пир ўзи танлайди. Руҳий тарбия беради. Камолга етиб сайру-сулукини тамомлайди. Руҳий-маънавий талим билан бирга тирик муршиддан ҳам таълим олиши шарт. Чунки, устознинг бўлиши бу ишончлилик даражасини ортишига сабаб бўлади. Ҳар хил гумонларнинг олдини олади.

Увайс Қараний қари ва касалманд онасини мунтазам парвариш қилган. Ўз шахсий ҳаётидан воз кечиб фақат онаси учун яшаган.

Бутун умри давомида Расулulloх саллолоху алайҳи васалламнинг ишқларида ёнди. Уларни дийдорларини кўришга мушток бўлди. Аммо фарзандлик бурчи, онанинг ҳаққини адо этиш масъулияти бунга йўл қўймади, қолаверса бу хусусда Пайғамбаримиздан сўралганда волидасига қарамоқлиги афзаллигини айтганлар. Ана шу хизматлари мукофоти сифати Яратган у зотга Пайғамбар саллолоху алайҳи васалламнинг хирқаларини Увайс Қаранийга қолдиришни насиб қилди. Али ва Умар розияллоху анҳуларга Муҳаммад саллолоху алайҳи васалламнинг хирқаларини Увайс Қаранийга топширишни васият қилинди.

Увайс Қараний ҳазратлари бу катта бахтдан бошлари осмонга етди. Мазкур хирқани умрлари давомида бирон марта киймадилар. Уни кийишга ўзларини нолойиқ ҳисоблаб, фақатгина уни сақлаб юрдилар. Ҳозирда мазкур хирқа Туркиянинг Истанбул шаҳридаги музейда сақланмоқда. Ҳар йили бир маротаба рамазон ойида ушбу муборак хирқани кўришга мўмин мусулмонларга рухсат этилади[9:180].

Увайс Қараний Али (699-661) розияллоху анҳу ва Муовия ўртасида бўлиб ўтган Сиффин жангида ҳалок бўлганликлари ривоят қилинган. Бошқа маълумотларга кўра Увайс Қараний Хўтанда вафот этиб ўша ерга кўмилганликлари келтирилган[10:123].

У кишидан бизга бирон-бир илмий мерос этиб келмаган. Фақатгина айрим ибратли сўзларигина ривоят шаклида сақланиб қолган. Аммо бугунги кунгача Увайс Қараний номи руҳий етуклик, зоҳидлик, тақво, Яратган ва унинг Расулига чинакам ошиқ киши сифатида зикр этиб келинмоқда. Зеро, Аллоҳ таоло ўзининг хос ва ҳақиқий мухлисларини ана шундай мукофотлайди.

Увайс Қараний ҳикматлари

Увайс Қаранийдан сўрашди:

– Ахволингиз қандай?

Жавоб пурмаъно бўлди:

– Оқшомга етиб бориш-бормаслигини

билмаган инсон қандай бўлса, ўшандай.

* * *

– Бизга насиҳат қилинг, - дейишди.

Увайс Қараний кулимсиради:

– Аллоҳни танидингизми?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, бошқа нарсани

билмаслигингиздан ғам еманг.

Ҳазрат, яна насиҳат қилинг, - дейишди.

– Аллоҳ сизни биладими?

– Албатта, билади.

– Ундай бўлса, бошқалар сизни

билмаслигидан ғам еманг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Усмонов И. Тасаввуф. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: –Тошкент ислом университети нашриёти. 2012. –Б.123.
2. Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: -Мовароуннаҳр-Ўзбекистон. -2009. Б.9-10.
3. Hücürî, Keşfü'l-maḥcûb (nşr. Mahmûd Âbidî), Tahran 1384 hş., s. 62, 125-127.
4. Хасан Камил Ёилмаз. Тасаввуф и тарикаты. Перевод с турецкого. –М.: “Сад”, 2007. –С.76-79.; Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 73; Акимушкин О. Силсила / Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 208-209.
5. Хисматуллин А. Тихий и громкий зикр / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сб. ст. памяти Ф.Майера (1912-1998) // Сост. и отв. Редактор А.А.Хисматуллин. СПб ГУ: 2001. – 130 с.
6. Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: О л и м С. Нақшбанд ва Навоий. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 1996. 14 – 24-бетлар.
7. Ahmet Yaşar Ocak, Veysel Karanî ve Üveysilik, İstanbul 1982. <https://www.islamveihisan.com/veysilik-ve-tehlikeleri.html>;
8. Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Предисловие к Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 3-17.
9. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.

Лазизбек Азаматович ХАИТОВ,
Бухоро Давлат Университети
таянч докторанти
falsafa.phd.1991@mail.ru

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ – НАФС ИЛМИНИНГ НАЗАРИЁТЧИСИ

HAKIM TERMIZI – THEORETICIAN OF KNOWLEDGE ON NAFS

ХАКИМ ТЕРМИЗИ – ТЕОРЕТИК НАУКИ О НАФСЕ

Аннотация: *Мазкур мақолада тасаввуф фалсафасининг йирик назариётчиларидан бири мутасаввиф Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотида нафс ва уни тарбиялаш йўллари таҳлил этилган.*

Таянч сўзлар: *тасаввуф, Ҳаким Термизий, “Адабун Нафс”, “Нафс риёзиёти”, нафс, сабр, қаноат, ақл, тавба, рўза, ҳалоллик ва поклик.*

Аннотация: *В данной статье анализируются проблемы нафса и её воспитание в учении суфийского знатока, одного из теоретиков суфийской философии, Абу Абдуллы Мухаммада ибн Али ибн аль Хасана ибн Башира аль-Хакима Термизи.*

Ключевые слова: *суфизм, Хаким ат Термизи, “Адабун нафс”, “Наука о нафсе”, нафс, терпение, удовлетворение, разум, покаяние, ураза, честность и чистота.*

Abstract: *The following article analyses the problems of the category nafs and its tutoring in the teaching of one of the paramount representatives of the sufi philosophy, theoretician Abu Abdullah Muhammad ibn Ali ibn al Hasan ibn Bashir al-Hakim Termizi.*

Keywords: *sufism, Hakim Termizi, “Adabun-nafs”, “The science of Nafs”, nafs, patience, satisfaction, mind, repentance, fasting, honesty and purity*

Тасаввуфда нафс масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳаким Термизий (820-932) ислом тарихи, тасаввуф ва фалсафада, “илмун-нафс”- нафс илми тушунчасини киритган ва шу масалага катта эътибор қаратган мутасаввиф ҳисобланади. Нафс инсон борлигининг муҳим томонини ташкил этади. Нафс бу инсоннинг ўзлиги, “менинг ўзим” дегани. Нафс – рух қолипи. Нафс бу фақатгина еб-ичиш, кийиш эмас, балки у жоҳиллик, илмсизлик, манманлик, дунёпарастлик, ўғрилиқ, тамагирлик, порахўрлик, ҳасад, бахиллик, мансабпарастлик, шаҳват, ғазаб, ҳасислик, риёкорлик, золимлик, раҳмсизликдир.

Тасаввуф таълимотида инсонни комилликка етакловчи омиллардан бири нафс тарбиясидир. Шунинг учун ҳам ўрта аср манбаларидан тасаввуфга берилган Усмон Турарнинг таърифида: “тасаввуф нафснинг барча истакларини ва завқларини тарқ этмоқдир [12: 17]”, - деб таъкидланган.

Ҳаким Термизий инсон ички дунёсини ўрганган олимдир. У нафс тушунчасини таҳлил этиб, бу борада кўплаб асарлар ёзган. Мутасаввифнинг “Макрун нафс” (Нафс макри), “Адабун нафс” (Нафс одоби), “Риёзатун нафс”, “Наводирул усул” каби асарларида асосий эътибор нафс тушунчасига қаратилган. Шу билан бирга унинг “Масоил ал-Макнуна”, “Бадв уш-шаън”, “Говрул умур”, “Маърифатул асрор”, “Масоил аҳли сарахс” “Ал имсол минал китоб сунна” ва бошқа асарларида нафс ва унинг тарбиясига эътибор берилган.

Ҳаким Термизий ўз асарларида аввало, ҳаёт, инсон омили, нафс, қалб, ақл ва ҳаво баҳси теварагида, сўнг инсон ички дунёсидаги нафс масаласи, унга қарши кураш, унинг одоби, нафснинг зохирий ва ботиний аломатлари хусусида фикр юритади.

Ҳаким Термизий нафс илмининг олими сифатида, унинг касалликларни фаҳмловчи, унинг иллатлари ва яширин жиҳатларини танувчи эди. Шунинг учун у солиқлар яъни ҳақ йўли толибларига нафснинг касаллик ва офатларини батафсил баён қилиб берган. Аҳмад Абдурахим Сойиҳ таърифида: Ҳаким Термизий исломий нафс илмининг асосчиси сифатида эътироф этилган. [7: 17]

Ҳақим Термизий эътирофича, нафс бу иссиқ шамол бўлиб, буюк Аллоҳ уни жаҳаннам эшиги яқинидаги тутундан яратди. Унинг жойи ўпка бўлиб, баъзилар у ичакларда бўлади, деб айтган. Унинг ҳаракатини нафс ҳавоси, истаги, амали эса шаҳват деб айтилади. Унинг белгиси унинг хавфда бўлишидир, зеро, хавфнинг буғи иссиқдир. Бошнинг буғи совуқдир, чунки у руҳдандир. Хавфнинг буғи эса тана ва нафсдандир. [1: 21]

Демак, Ҳақим Термизий нафсни иссиқ шамолга ўхшатиб, Аллоҳ уни жаҳаннам эшигидаги тутундан яратганлиги, унинг инсон танасидаги жойи ўпка эканлигини эътироф этиб, инсон ҳаракатда бўлгани боис, нафс ҳам доим ҳаракатда бўлиши, нафс жиловланмаганда у шаҳватга айланиши, шаҳватга айланганда хавф туғдиришини таъкидлаб, ана шу хавф иссиқликдир. Хавфнинг иссиқлиги тана ва нафс эканлигини изоҳлаб, инсон танасидаги бошнинг буғи совуқлик бўлиб, у руҳдан эканлиги тавсифлаб берган.

Ҳақим Термизий инсон фитратини нафсоний ва раббонийга ажратган. Мутасаввиф “Масоилул макнуна” китобида бундай дейди: “Нафснинг жидду жаҳди (Аллоҳ таолодан бўлган) миннат (яхшилик, саховат, ҳадя) ни пардалаб, ёпмоқ, қалбнинг жидду жаҳди эса бу миннатдаги (нафс томонидан бўлган) пардаларни кўтариб, уларни парчалаб ташламоқдир”. Мутасаввифнинг бу фикридан маълум бўладики нафс инсонни ҳақиқатни англаш йўлида парда ҳижоб экан ва уни ҳақиқатга эришувига тўсқинлик қилар экан. [5:91]

Ҳақим Термизий шахс сифатлари тааммулини инсондаги сезгилар ўрни масаласида дақиқ ишлатди, яъни шахс сифатларини унинг сезгилари ёрдамида дақиқ таҳлил қилди. Нафс борасида унинг кўриниб турган ташқи жиҳатлари билан қаноат қилмай, унинг ички жиҳатлари сари чуқур кириб борди. Худдики, унинг зоҳирини идрок қилганидек, унинг яширин жиҳатлари ва турли шаҳватларини таниш даражасига ҳам етиб борди. [7: 17]

Ҳақим Термизий нафсни ташқи ва ички (зоҳирий ва ботиний) қисмга ажратган. Ички тарафи - унда ёмонликлар жам бўлган

жиҳатдир. Ташқи тарафи эса унга яхши ёки ёмон хислатлардан қайси бири ғолиб келса, ўшанга эргашадиган жиҳатдир [6:38-42]. Мана шу охиригиси, бизнингча, нафснинг “ўзлик”-жонни англатувчи маъносига далолат қилади.

Ҳақим Термизий инсоний нафсни нозик фаҳмлаб, инсоний шахсият белгилари билан таништиради, уни кўрсатиб беради ва булар хулқий жиҳатлар, одатлар, майл, муктасаб (инсон ҳаракати билан юзага чиқувчи) сулук асослари, хулқнинг сулук услублари билан боғланиши кабилардир. [7: 171] Хуллас, «бу манҳаж - услуб деярли биз билган «илм ан-нафс» дир. Бирдан - бир фарқи - ундаги ахлоқий ғоядир». [8:154] Манҳаж сўзи луғатда Минҳож яъни ёруғ ва равшан йўл маъносини билдиради. [13:393] Бундан маълум бўладики, Ҳақим Термизийнинг инсоний нафсни нозик фаҳмлаш услублари асосида яратилган нафс илми- ёруғ ва равшан йўл экан.

Бунда Ғарб психология фанининг биргина жиҳатини келтириб ўтамиз. Бу тизимда барча нарсa “нафс” тушунчаси ва унинг фаолият йўналишлари атрофида айланади. Бу ерда муаммо чиқариб турган нафснинг хоҳишларини янада кўпроқ, нозикроқ англаш ва бажо келтиришга эътибор қаратилади. Ваҳоланки, дунёга нисбатан олганда нафс талаби ва қамрови доимий ва чексиздир. Ҳақим Термизий келтиришича нафс айбларининг ҳам чеки йўқ.

Ҳақим Термизий “Наводирул усул” даги ҳадисларни шарҳлашда ўзига хос маънавий бир услуб танлайди ва ёндашади. Фикримизча, Ҳақим ат Термизий энг асосий жиҳат сифатида ҳадисларда инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ғояларни танлаб олиб, инсон борлиғи билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳадисларни қалб, садр, ақл, нафс, руҳ каби унсурлар орқали шарҳлаб, уларнинг ҳикмати ва яширин маъноларини очиб берган. Мутасаввифнинг шарҳларида руҳ ва нафс рақобатига катта ўрин берилади. Ҳақим ат-Термизийга кўра руҳнинг қароргоҳи инсоннинг бош қисмида бўлиб, шу ердан у инсоннинг танаси бўйлаб ёйилган. Нафснинг қароргоҳи эса коринда, шу жойдан у тана бўйлаб ёйилган. Термизий ўз шарҳларида руҳни “самовий” ва нафсни “арзий” (ерга мансуб) деб, руҳ совуқ,

нафс эса иссиқ дейди. Агар инсон “пуф” деб пуфласа, совуқ ҳаво чиқади, бу руҳнинг совуқлиги. Агарда “хах” деб оғзидан ҳаво чиқарса иссиқ ҳаво чиқади, бу нафснинг иссиқлиги. Биринчи совуқ ҳаво-нафса, иккинчи иссиқ ҳаво эса нафха. Руҳнинг одати итоаткорлик, нафснинг одати эса шаҳватга берилиш. [9:350-356] Ҳаким Термизий ҳар қандай ҳадисларни шарҳлашга киришар экан, рух ва нафс унсурлари унда асосий мавқени эгаллайди. Бундай ёндашувни унинг ҳар бир асарида топиш мумкин. Шунингдек, мутасаввиф маълум бир сўзнинг қўлланаётган маъносини таҳлил этиб, ўша сўзни ташкил этган ҳарфларгача таҳлил қилади. Кейин эса сўз ва уни ташкил этган ҳарфларни у англатаётган маъно билан боғлиқлик жиҳатини очиб беради. Бу билан сўзлар ва улар билдирган объект номи ўзидан - ўзи пайдо бўлиб қолмаган, балки мантиқий изчиллик борлигини кўрсатиб беради. Ҳаким Термизий ўз фикрларини башариятга тушунарли тарзда етказиш ҳамда бу фикрларнинг ҳаётдан узилиб қолмагани ва амалий татбиқ этиш мумкинлигини кўрсатиш мақсадида ўз тажрибасидан келиб чиқиб, турли мисол, ривоят ва хулосалардан кенг фойдаланганлар. Аллома ижодининг яна ўзига хос жиҳати у диний илмларнинг барча соҳаларини эътибордан четга қолдирмаган ва ҳоҳ у фикр бўлсин, ёки калом, сулук ёки тафсир бўлсин, уларнинг барчаси билан таниш бўлгани асарларида яққол кўзга ташланади.

Ҳаким Термизийнинг таъкидлашича: “Нафс - арзий (ерга мансуб) ва шаҳвонийдир. Шаҳват изидан шаҳватга, хоҳиш изидан хоҳишга мойил бўлувчи, хотиржамлик, тинчланиш ва барқарорлик топмайдигандир. Унинг амаллари турли-туман, сира бир - бирига ўхшамайди: баъзида қул, бошқа вақтда хожа, баъзида бўйсунувчи, бошқа вақтда эга, баъзида ожиз, бошқа вақтда иқтидор (қодир бўлиш)ли” [11:121-122]. Булар инсоннинг нафсоний хусусиятларидир. Оддий қилиб айтганда, инсоний аҳволнинг турли-туманлиги ва булар инсоннинг қайси ботиний аъзоси билан боғлиқлиги борасида гап кетмоқда. Демак, хусусият аниқланди - турлилик ва зиддиятчилик, муаммосининг асосий нуқтаси ҳам кўрсатилди-нафс.

Энди Термизий исломий унсурни, яъни замонавий психология тили билан айтганда “коррекция” (тузатилиш)ни келтиради: “Энди агар нафс риёзат қилдирилса, унинг устида ишланса ва одоб берилса, жиловини эгасига беради” [11:122]. Яъни унинг тадқиқига, шунда инсоний нафс турлилик ва қарама-қаршиликлардан барқарорлик ва тизимлиликка ўтади.

Ҳаким Термизий мулоҳазаларига кўра, банда нафсини ҳавойи истаклардан воз кечиш билан риёзатга солса, сабабларга боғлиқ ўй-хаёлларни узса, қалбни ўлдириб, нафсга куч берадиган лаззатлардан тийилса, ҳавосига қарши курашса, нафс хор бўлади ва сўлади. Ана ўшанда қалб ва ақл жиловини Аллоҳга беради. Банда Аллоҳ буйруқлари доирасида тўғри, унинг ишлари борасида бировдан кўркмайдиган, унинг йўлида маломатдан хавф қилмайдиган бўлади. Агар унга бирон ташвиш етса, ўзини бошқа нарсаларга эмас, Аллоҳнинг ўзига топширади. Унинг қулоғи Хожасига сергак, қалби ҳам унинг хоҳиши ва иродасига рози, ўзи учун ғайб пардалари ортидан кўринадиган нарсаларга диққат қилувчи бўлади. Фикримизча, Ҳаким Термизий нафсни меъёрга солишнинг қуйидаги мезонларини таснифини келтирмоқда: ақл, сабр, қаноат, рўза, тавба, ҳалоллик ва поклик.

Ҳаким Термизий ҳавойи нафс ҳақида фикр юритар экан, ҳавойи нафснинг асли шайтон измига бўйсуниб ва Раҳмонга итоатсизлик қилиб, нафснинг Аллоҳ таоло рози бўлмайдиган нарсалар учун ҳаракат қилишидир. Унинг иши шаҳватларга эргашишдир. Ҳавойи нафснинг зидди-ақл, яъни соғлом ақл эканини эътироф этган. [1:68]

Ақл нафсни ҳавойи истакдан тўсиб, қайтариб туради. Унинг ҳаракати яхши ва ёмонни билиш, чиройли фарқлашдир. Агар ақл қалб билан боғланса уни Аллоҳга етказди. Ақл икки хил бўлади: [1:47-48] биринчиси: ҳужжат, яъни далил ақли бўлиб, жойи мияда, Ақлнинг нури қалбга йўналади. Иккинчиси: каромат ақли бўлиб, ўрни ғойибда. Унинг нури ва салтанати қалбда бўлади. Каромат ақли икки нав бўлади: Табиат ақли ва тажриба ақли. Шоир айтганидек, ҳар иккиси манфаат беради:

Ақл борки, у табиий ақлдир.
Ақл борки, у сунъий ақлдир.
Сунъий ақл бермайди фойда,
Агар табиий ақл бўлмаса.
Қуёш ҳам наф бермагандай,
Уни кўзлар кўрмаганда. [1:47-48]

Ҳақим Термизий биринчи ақл - далил хужжат ақли бўлиб у аҳмоқликни кетказишга хизмат қилади. Унинг иши дунё ишларини чиройли юритиш ва охират амалларига юзланишдир. Иккинчиси каромат ақли босқичида унга неъматларни кўриш ва нафсидан воз кечиш йўли билан эришилади.

Мутасаввиф нафсни жиловлашда ақл қўллайдиган энг самарали курул сабр ва қаноат эканлиги, деб кўрсатади. Унингча, ҳар қандай ижтимоий қийинчиликлар, жисмоний азоб-уқубатлар, руҳий тушкунликларнинг давоси ва бартараф этиш воситаси сабр-тоқат ва қаноатдир. Сабр-тоқат туфайли жисмоний азоб-уқубатлар лаззатга айланади, ижтимоий нуқсонлар бартараф бўлади. Сабр ва қаноат инсонни соғломлаштиради.

Ҳақим Термизий сабрни қуйидагича талқин этадилар. Сабрнинг асли бир нарсага чидаш ёки бир нарсдан ўзини тийишдир. Унинг иши Аллоҳ таоло ва Расули хуш кўрган нарсаларга собитликдир. Сабрнинг зидди сабрсизликдир. [1:62] Демак, Ҳақим Термизий инсон ҳавойи нафсни енгиши учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини тийишликни ва чидам орқали мақсадга эришишни изоҳлаб, ҳар қандай чидам ва сабр Аллоҳ таоло ва Расули хуш кўрган нарсаларга собитлик билан эргашиш ҳавойи нафсни енгишнинг асосидир деб таъкидлайди.

Мустамлий Бухорий (вафоти 1043) “Шарх ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” (“Тасаввуф йўлини таништириш” асарига шарҳ”) [3:232] китобида Ҳақим Термизийнинг сабр тўғрисидаги қуйидаги фикрларини келтиради: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий раҳимахуллоҳ. У: “(Аллоҳдан) сабр ва намоз ила ёрдам сўрангиз, деган оят тўғрисида шундай дейди: “Сабр танни хокисор қилади ва намоз қалбни юмшатади. Бу дунё ва у дунёнинг яхшилиги ва ана шу икки нарсададир” [3:232]

Мутасаввиф қаноат ҳақида фикр юритар экан, қаноатнинг асли нафсига берилган насиба билан кифояланишидир. [1:67]

Унинг кўриниши тоат-ибодатга юзланиш ва одамлардан деярли беҳожат бўлишдир. Демак, қаноат-бир сўз билан айтганда кифояланиш, берилган насибага шукроналик қилиш, тоат-ибодатга юзланишдир.

Қаноатнинг зидди-хирс, яъни тўймаслик, қоникмасликдир. Демак, Аллоҳ таолога нафсини бўйсундириши тоатнинг асли ҳисобланади. Тоат Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлса, банда нафсига етган мусибатларга парво қилмайди. Хуллас, сабр-қаноат, тоат туфайли жисмоний азоб-уқубатлар лаззатга айланади, нуқсонлар бартараф этилади.

Сабр қилувчи инсонларни Ҳақим Термизий қуйидаги тоифаларга бўлади. 1. Собир, яъни сабрли, сабрига содиқ киши. Сабр этувчи (собир) ўзини бало гирдобига солиб, балолардан кўрқмайдиган инсондир. 2. Саббор – ўта сабрли кишидир.

Тасаввуфда нафс сабр орқали жиловланади, тоатдан ҳаловат топиш ҳам сабр билан боғлиқдир. Ҳамма тариқатлар замирида сабр асосий ўрин эгаллайди ва Аллоҳга етишиш йўлидаги қийинчиликлар фақат сабр кўпригидан ўтилиши таъкидланган. Сабр - етук жавонмардлик ва жасоратни ифода этади. Ҳар бир саъй-ҳаракат, муваффақият, муаммою, ташвишларидаги улушларининг катта-кичиклиги сабр-бардош ва тоқатига қараб белгиланади.

Ҳақим Термизий сабр қилувчи кишининг ҳар бир ишида олтита сабрли хислат борлигини эътироф этади. [5:37]

1. Аллоҳга муҳаббат ва Аллоҳ таолонинг сабрлиларни севиши.

2. Собир инсоннинг ҳар бир нарсада Аллоҳни муҳаббатини кўриши.

3. Аллоҳ таолонинг сабр қилувчига берган каромати. Чунки у исломга тўлиқ амал қилувчи комил банда бўлиб, ўшал вақтда (бало билан имтиҳон қилинган пайтда) ўз нафсини ва молини Аллоҳ таолога топширади.

4. Аллоҳ таолонинг собир бандани мағфират қилиши.

5. Собир банданинг Аллоҳ раҳматига сазовор бўлиши.

6. Собир банданинг Аллоҳ ҳидоятига эришиши.

Демак, Аллоҳ Таоло сабр қилган кишининг ишига хайру-баракот беради. Саббор инсон нафсни енгиб, уни жиловлаган ҳисобланади ва нафс васвасасига учмайди.

Ҳаким Термизий нафс масаласи ҳақида фикр юритиб, меъёрга махсус эътибор беради. Унингча нафснинг шахвоний ҳавасларини очлик йўли билан тарбиялаш мумкин. Инсоннинг бошига катта хавф – нафсининг бузуклигидан, еб-ичиш ҳирсидан юзага келади. Уларнинг барчасига фақат сабр орқали эришилади. Ҳаким Термизий фикрича, рўза тутиш бу нафсни жиловлашдир. Рўза банда билан Раббисининг ўртасидаги сирдир. Бу ҳам бўлса бандани таомдан, шаробдан ва жимодан кечгача ўзини тийиб турмоқликка азму қарор қилишдир. Бандани бир нарсадан ўзини тийиши рўза-“саум” деб аталади. Рўза тутувчи инсон ҳар бир соатда таом, шароб ва ман қилинган бошқа нарсаларга шахвати келиб, хархаша қилиб тураверади. Банда ўз шахватини қайтариб, нафсига қайтариш аччиғини тоттиради. Бу банданинг ўша шахватига нисбатан соат сайин сабр янгиланиб боради. Шунинг учун “сабр қилиб рўза тутувчи дейилади”. Чунки рўза тутувчининг нафсида ҳар бир шахват қўзғалган пайтда ва ўша шахватдан ўзини тийган пайтида сабри янгиланиб туради. У қилган назрига вафо қилиб собит туради. Шунинг учун Аллоҳ таоло “Рўза Мен учундир, унинг мукофотини Ўзим бераман”-деди. Чунки инсоннинг қўриқчи фаришталари ҳам рўза тутган-тутмаганини билмай қоладилар. Бу нарса банда билан Раббисининг ўртасида бўлади.

Мазкур сабр ва ўша шахватлардан хархашаси фаришталардан яширин бўлса, уларга бунга бериладиган мукофотнинг қанчалигини билиш ҳам махфийдир. Бу мукофотга Аллоҳ таолонинг Ўзи бандаси учун кафилдир. Чунки шахват хархаша қилаверса, банда азму вафосида барқарор бўлаверади, ҳар бир қилган азму саботида янги савоб олаверади. Шунинг учун ҳам Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Рўзадан бошқа амалларнинг ҳар бирига ўндан етти юзгача савоб берилади”[5:134] ,-дедилар.

Мутасаввиф олим қалб билан боғлиқ бўлган нафс масаласига ҳам диққат-эътиборни қаратиб, бу борада илмий асосланган янги

хулосаларга келади, у имкони борича инсоннинг душмани бўлган нафсни фош этади ва унга қарши ҳалоллик ва поклик ғоясини илгари суради. [4:178] Аммо у ўз навбатида нафсни қалб таркибидаги тушунчалар билан боғлайди. Чунончи у нафси амморани садрга, нафси мулҳимани қалбга, нафси лаввомани фуодга, нафси мутмаинани лабга мансуб этади. Шу билан олим нафснинг тўрт даражасини тайинлайди, уларнинг зоҳирдан ботингача бўлган муносабати ва ҳаракатини аниқлайди. Нафси аммора ва мулҳима (илҳомга келтирувчи нафс) агар инсонга душманлик қиладиган нарса ҳисобланса, нафси лаввома (виждонли нафс) ва мутмаина (тинч ва ором нафс) инсонга таскин бергувчи нафсдир. Яъни ал-Ҳаким ат-Термизий фикрича нафс тушунчаси аслида поклик ва нопоклик масаласи билан боғланган муаммодир. Унинг поклиги сидқу сафо ва руҳониятга етаклайди ва бу эса Ҳақ даргоҳига йўл очади. Фуод ва лаб, яъни маърифат ва тавҳид даражаси шу нафс, яъни руҳ ҳаракати билан ҳосил бўлади. Аммо нафси аммора ва мулҳима ҳамиша олимнинг танкидига учраган. Ҳаким ат Термизий бу икки нафсдан қутулиш учун доим нажот излаган, уларга лаънатлар билдириб, поклик ва мусаффоликни шиор қилган. Хусусан илҳом бергувчи нафс, яъни нафси мулҳимага қарши олим жанг эълон қиладди. Жумладан “Бадв уш-шаън” асарида бу ҳақда бундай дейдилар: “нафс хоҳиш қилган нарсалардан ўзимни тийдим; хусусан менга илҳом бахш этгани учун шахват нафсидан узоқда бўлдим”. [2:32]

Ҳаким Термизий тарбия масаласида нафс тарбиясига эътибор бериш кераклиги, инсон бешикдан қабргача тарбияга муҳтожлигига эътиборни қаратади. Нафсни жиловлаган мукофотга сазовор бўлса, унга берилган мутлақ жазога учраши изоҳланган. Унингча, болаларнинг тузалувчи, тарбияси – мактабларда; қароқчиларнинг тузалувчи, тарбияси – қамокхоналарда; аёлларники – уйларда; ёшларники илмда; кексаларники эса масжидлардадир. [10:340]

Ҳаким Термизий нафсни меъёрга солиш масаласида тавбага махсус эътибор қаратади. Мутасаввиф “Маърифатул асрор” (Сирлар

маърифати) асарида тавба ҳақида бундай дедилар: Тавба уч хил бўлади: макбул тавба, мавкуф тавба (тўхтаган) тавба, мардуд (номакбул, рад этилган) тавба. [1:17]

1) Макбул тавбанинг аломати: у тоат ва унинг аҳлидан ҳаловат туйиши; гуноҳ ва унинг ахлининг даҳшат (кўркув) туйиши.

2) Мавкуф (тўхтаган) тавбанинг белгиси қуйидагича: тоатнинг ҳаловатини ҳеч тан олмайди, балки тоатдан алам (ранж) тортади. Лекин уни тарк этмай, унда сабрли бўлади.

3) Мардуд (рад этилган, қабул бўлмаган) тавбанинг белгиси эса ужб, яъни (манманлик, худбинлик) ва кибрли бўлиш.

Мутасаввиф зажр (гуноҳдан қайтариш) [1:17] ҳақида бундай дейдилар: зажр уч жиҳатдан бўлади.

Биринчиси: илмдан бўладиган зажр. Албатта, зажр ёмонликка тез қайтади. Ёмонлик соҳиби агар заиф бўлса, камдан кам унга қайтади;

Иккинчиси; ақлдан бўладиган зажр. Бу илм зажридан кучлироқдир. Ақл зажри соҳиби қийинчилик, оғриқ ва жидду жаҳд билан гуноҳдан қайтади;

Учинчиси: имон зажри. Бу ақл зажридан ҳам кучлироқ бўлади. Имон зажри соҳиби гуноҳдан ҳаловат билан айтади. У тоатда сабот кўрсатади. Унинг гуноҳдан қайтиши Аллохдандир. Бу зажрлар орасида энг кучлисидир. Бу зажр соҳиби қайтарилган ишга ҳеч қачон қайтмайди.

Умумий хулоса қилиб айтганимизда:

1. Ҳаким Термизий нафс тушунчасини қуйидаги “Макрун нафс” (Нафс макри), “Адабун нафс” (Нафс одоби), “Риёзатун нафс”, “Наводирул усул” асарларида ёритган.

2. Нафсни 4 тури борлиги: аммора, лаввома, мулҳима, мутмаина айтиб, аммора ва мулҳимани тарбиялаш зарур деган.

3. Нафсни инсон фитратида эҳтиёж даражасидан оша уни меъёрга солишни талаб этишга эътибор берган.

4. Нафсни меъёрга солиш ва тарбиялашда сабр, қаноат, ақл, тавба, рўза, ҳалоллик ва поклик ғоясини илгари сурган.

5. Термизий инсон фитратини нафсоний ва раббонийга ажратади. Инсон илоҳий, аслига уйғун бўлиши учун нафсни таниши, жиловлаши ва тарбиялаши лозим.

6. Инсон ўзини англаши, ўзлигини билиши учун нафсни таниши ва тарбиялашини Термизий илм даражасида тадқиқ этган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий. Маърифатул асрор. (Сирлар маърифати). Таржимон: Абдулҳамид Муҳаммад Турсунов. Т.: “Мовароуннаҳр” 2017.
2. Абуабдуллох Муҳаммад бин Али ал-Ҳаким ат-Термизий. Бадв уш-шаън. Форс тилидан Рамазон Абдуллаев таржимаси. “Сино” журнали №7, 2002.
3. Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Мустамлий ал-Бухорий. Шарх ат-Таърифу ли-мазҳаб ат-тасаввуф (форс тилида). 5 жилдлик. Муҳаммад Равшан томонидан нашрга тайёрланган. 1,2,3,4,5-жилдлар. Техрон: “Асотир”. 1984-1987.
4. Абулҳасан Али бин Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳужвирий ал-Ғазнавий. Кашф ул-махжуб. Валентин Жуковский тайёрлаган танқидий матн. Қосим Ансорий наشري. “Техрон”: 1376 ҳ.
5. Ал-Ҳаким Ат-Термизий. Яширин масалалар (Масоил ал-Макнуна). Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти. Самарқанд-2019.
6. Ал-Ҳаким Термизий. Ғоврул умур. Қоҳира, 2002.
7. Аҳмад Абдураҳим Сойиҳ. Ас-Сулуқ индал Ҳаким Термизий ва масодируху минас сунна. Қоҳира, 1988.
8. Вазийх Аҳмад Абдуллох. Ал-Ҳаким ат-Термизий вал иттижаҳатуз завқийя. Искандарийя, 1989.
9. Иброҳимжон Усмонов. “Наводирул усул” хикматлари. Т.: Фан, 2009.
10. Обиддин Махмудов. Фарзанднома. Тошкент. Ўқитувчи. 2018.
11. Ҳаким Термизий. Наводирул усул фи аходисир Расул. Байрут, 1992. IV.
12. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. - Т.: Истиқлол, 1999.
13. Навоий асарлари луғати. Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Нодирбек Кабилович ТУРАБОЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти
ntoraboyev79@mail.ru

ИМОМ АБУЛҲУСАЙН ҚУДУРИЙ – ҲАНАФИЙ ФИҚҲИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН АЛЛОМА

ИМАМ КУДУРИ УЧЁНЫЙ, ВНЕСШЕ ОГОРОМНЫЙ ВКЛАД В РАЗВИТИЕ ХАНАФИ ФИКХ

IMAM KUDURI IS A SCIENTIST WHO MADE A VALUABLE SERVICE IN DEVELOPING HANAFI'S LAW

Аннотация: Ҳанафий мазҳаби ривожланиб ўлкаларга тарқалгунча уламолар турли даражада хизматлар қилдилар. Шундай забардаст ҳанафий олимлардан бири, ўзининг “Мухтасар” китоби орқали машҳур бўлган Абул Ҳусайн Ал-Қудурий эди. Бу зот ўзининг теран ақлу заковати ва етук илми билан турли соҳаларга доир китоблар ёзди ва ҳанафий мазҳаби ривожига ҳамда мусулмонлар бирлигига йўлида кўплаб баҳс-мунозаралар олиб борди.

Калит сўзлар: Мужтаҳид, истинбод, зоҳирур-ривоя, ар-ривоятун-нодир, муқаллид, асҳоби таржих, фуруъ, фатво, ижмо, қиёс

Аннотация: Учёные служили в разной степени пока не распространился и развивался секта Ханафи. И одним из выдающихся учёных, который прославился своей книгой «Мухтасар» был Абул Хусайн ал Кудури. Этот учёный своим тонким умом и всесторонними знаниями написал книги посвященные различным направлениям и ввёл споры по вопросам единства мусульман и развития секты.

Ключевые слова: Мужтахид, истинбад, захирур-ривая, ар-риваятун-надира, муқаллид, асхаби таржих, фуруъ, фатва, ижмо, кияс

Abstract: Scientists made various jobs until Hanafi's sect developed and spreaded all over the world. One of such kind of scientists is Abul Huseyn

Al Kuduri who was famous for his book named «Muhtasar». He with his unusual knowledge wrote some books devoted to various kinds of sphere in religion and played an important role in Hanafi's sect.

Key words: mujtahid, istinbod, zahirur-rivoya, ar-rivoyatun-nodira, muqallid, ashabi tarjih, furu, fatva, ijmo, qiyas.

Бугунги глобаллашув шароитида ислом тарихи ва шариат аҳкомларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга қизиқиш ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларидан бошлаб фикҳ илмини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданиятининг марказларидан бири бўлиб келган Ватанимиз тарихида ҳамда ислом тарихи ва фикҳ илмини ўрганиш борасида тадқиқотларни кўпайтириш мақсадида махсус Концепция қабул қилинди. Марказий Осиёда кенг тарқалган ҳанафий мазҳабининг ислом оламида юксак даражада ривожланишининг омиллари жуда кўп. Асосийси бу замин етук уламоларни етиштириб берганидир. Бу уламолар кўплаб китоблар таълиф қилдилар. Уларнинг асарлари эса ҳозирги даврда ҳам жаҳондаги нуфузли ислом олийгоҳларининг асосий манбалари қаторида фойдаланилади. Юртимиз фақиҳлари томонидан битилган машҳур фикҳий асарларнинг ёзилишида асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган бир асар борки, ундан асло кўз юмиб бўлмайди. Бу имом ал-Қудурийнинг “Мухтасар” китобидар. Ушбу асар муаллифи фикҳ илми тараққиётида муҳим ҳисса қўшган уламо Имом ал-Қудурийнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳанафий мазҳаби асосчиси Имом аъзам Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит раҳимахуллоҳ (80-150/699-769) умавийлар давридаёқ фикҳ илмида камол топди. Ҳанафий мазҳабининг тараққий этиш даври эса Аббосий халифалар ҳукмронлигига тўғри келади. Бу мазҳаб Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ номи билан боғлиқ бўлса-да, унинг тамал тоши буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху томонидан қўйилган. Иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анху уни Қўфага вазир

ва муаллим қилиб юборди. У Кўфани илм билан бой қилди ва кейинчалик кучли фақиҳ бўлиб етишган шогирдлари бу ишларни давом эттирдилар. Абу Ҳанифа ҳам Кўфада яшаб ижод қилганлиги учун улугъ фақиҳлар силсиласи воситасида Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху ва бошқа энг катта саҳобийларнинг илмларидан баҳраманд бўлди. “Ад-дуррул мухтор” деган машҳур асарда бу жараён қуйидачаги ўхшатиш орқали ифодаланган: “Абдуллоҳ ибн Масъуд фикҳ уруғини сепган, Алқама суғорган, Иброҳим Наҳайи ҳосилини йиғиштириб олган, Ҳаммод янчган, Абу Ҳанифа ун қилган, Абу Юсуф хамирини корган, Муҳаммад нон қилиб пиширган. Қолган инсонлар эса, ўша нондан емоқдалар” [1.Б.12.]. Шундай қилиб ҳанафий мазҳаби тараққий этди. Нима учун ҳанафий мазҳаби бошқа мазҳабларга нисбатан эргашувчилар кўпроқ бўлди? Бунинг ўзига яраша бир нечта омиллари бор эди. Улар қуйидагилар:

Биринчидан, ҳанафий мазҳаби имоми аввалроқ фаолият бошлаган ва бу мазҳаб эртароқ шаклланиб кўп мусулмонларни ўзида бирлаштиришга улгурган эди. Чунки, бу мазҳаб соҳиби бошқаларидан ёши улугъ эди.

Иккинчидан, ҳанафий мазҳаби бошқаларига қараганда бағрикенг ва мўътадиллиги билан ажралиб турарди. Бу эса ислом фитратига кўпроқ мувофиқ бўлганлиги учун мусулмонларни ўзига жалб қилди.

Учинчидан, Аббосий халифалар, асосан, ҳанафий мазҳабига амал қилганликлари сабабли сарҳадлари бўйлаб бу мазҳабнинг кенг ёйилишига амалий ёрдам берганлар. Худудларда қозилик ишлари ҳанафий мазҳабига кўра олиб борилган. Натижада мусулмонларнинг аксари ҳаёт тарзини ҳанафий мазҳабига кўра йўлга қўйдилар.

Тўртинчидан, Имом Аъзамнинг шогирдларидан бўлган Имом Муҳаммад аш-Шайбоний мазҳаб доирасида истинбод қилинган масалалаларни китобларга жамлади ва шогирдлари орқали бутун ислом оламига ёйишга ҳаракат қилди. Фикҳ илмини ўрганиб уни бошқаларга ўргатувчиларнинг кўпчилиги ҳанафий мазҳабига кўра ёзилган ушбу китоблар атрофида жамландилар.

Бешинчидан, кейинги даврларда бошқа мазҳаблар ҳам тўлиқ шаклланиб бўлганидан

кейин табиий равишда ўзаро мазҳабларнинг энг тўғриси қайси эканлигини исботлаш учун бўлган ҳам амалий, ҳам назарий мунозаралар юзага келди. Шундай вазиятларда ҳанафий мазҳабининг энг тўғри ва асосли эканлигини исботлаб берган олимлар етишиб чиқди ва одамлар яна-да кўпроқ бу мазҳаб йўлини тутдилар. Мана шундай забардаст ҳанафий олимлардан бири, ўзининг “Мухтасар” китоби орқали машҳур бўлган Абул Ҳусайн Ал-Қудурий эди.

Имомнинг тўлиқ исми — Абу ал-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон ал-Қудурий ал-Бағдодий ал-Ҳанафий 362-ҳижрий (973-мелодий) санада Бағдодда таваллуд топган ва ўша ерда Ражаб ойининг 15-кунида 428-ҳижрий (1037-мелодий) йилда 66 ёшида вафот этди.

“Ал-қудурий” нисбаси “қудур” лафзига оид бўлиб, бу калимага тегишли маъноларда ихтилоф қилдилар. Айтилдики “Қудур” Бағдоднинг бир кишлоғи. Суютий ва Самъонийлар бу “қидр” (ўзбекчада “қозон” бўлиб, кўплиги “қудур”) савдоси ва ҳунармандчилигига тааллуқли бўлиб, ўзи ёки ота-боболари шу иш билан шуғулланган эканлигини тўғри деб ҳисоблашган [2.Б.7].

Имом ал-Қудурий ҳаёти ва фаолияти Аббосийлар ҳукмронлиги даврига тўғри келиб, айна пойтахт — Бағдодда ҳаёт кечирди. Имом ал-Қудурий Аббосий халифалардан Тоих (363/974-381/991), Қодир (381/991-422/1031) ва Қоим (422/1031-467/1075)лар ҳукмронлик қилган даврларда яшаб ўтди. Бу даврда илм-фан гуллаб яшнади. Нафақат ислом динига оид илмлар, балки бошқа турли соҳадаги фанлар ҳам ривожландики, ҳозирги давр замонавий илм-фанларнинг натижалари ўша давр олимларининг меҳнатлари самараси дейиш мумкин.

Имом ал-Қудурий ўз замонасида мазҳабининг фуқаҳолари орасида ёрқин мартабага етдики, ҳаттоки, ҳанафийликдаги қадрининг улуғлиги ва обрўсининг баландлигидан Хофиз Хатиб ал-Бағдодий шундай дейди: “Ироқда Абу Ҳанифа мазҳаби раҳбарлиги унга ўтди”. Абу Исҳоқ аш-Шеъротий айтади: “Абулхусайн ал-Бағдодий у ал-Қудурий номи билан танилган бўлиб, асримизнинг Абу Ҳанифа мазҳаби имоми бўлди”. Ибн Касир деди: “Моҳир имом ва мунозара

қилишда асосли эди... ва ёд олинадиган “Мухтасар” нинг соҳибидир” [3.Б.11-12].

Имом ал-Қудурийнинг илмдаги мавқеи. Ҳамма биографлар яқдиллик билан имом ал-Қудурийни ўз даврининг ҳанафийлари етакчиси бўлганлигига эътироф этадилар. Шогирди ал-Ҳатиб ал-Бағдодий у ҳақда шундай ёзади: “У озроқ ҳадис ривоят қилган ва мен уларни ундан ёзиб олганман. У сико (ишончли, ростгўй) одам эди ва фикҳдаги даражасига ўзининг заковати сабабидан эришган. Ироқда Абу Ҳанифа издошларининг етакчиси бўлди” [4.Б.377]. Ҳатиб Ал-Бағдодий имом ал-Қудурийдан ҳадис ривоят қилганини ҳам айтиб ўтган. Бундан кўринадики, имом фикҳдан ташқари, ҳадис илмида ҳам моҳир бўлган. Имом ал-Қудурий ўз замонасида мазҳабининг фуқаҳолари орасида ёрқин мартабага етдики, ҳаттоки, ҳанафийликдаги қадрининг улуғлиги ва обрўсининг баландлигидан Ҳофиз Ҳатиб ал-Бағдодий шундай дейди: “Ироқда Абу Ҳанифа мазҳаби раҳбарлиги унга ўтди”. Абу Исҳоқ аш-Шеъротий айтади: “Унинг исми Абулхусайн ал-Бағдодий бўлиб, у ал-Қудурий номи билан танилган ва асримизнинг Абу Ҳанифа мазҳаби имоми бўлди”. Ибн Касир деди: “Моҳир имом ва мунозара қилишда асосли эди... ва ёд олинадиган “Мухтасар” нинг соҳибидир” [3.Б.142]. Абдулхай Лакнавий “Умдатур риоя” китобида энг ишончли фикҳий матнларни таълиф қилган уламоларни ва уларнинг мухтасарларини мадҳ этиб шундай дейди: “уларни Абу Жаъфар ат-Таҳовий, Кархий, Ҳоким Шаҳид ва Қудурий каби имомларнинг иқтидорлилари, илм, зухд, фикҳ билан танилган ва ривояти ўта ишончли эканлиги билан машҳур бўлган фуқаҳоларнинг улуғлари таълиф этганлар” [5.Б.47].

“Ал-жавоҳир ал-музийя фи табақотил ҳанафийя” асарида имом Ал-Қудурий ҳақида шундай дейди: “Муборак “Мухтасар” нинг соҳибидирки, у “Ал-ҳидоя” ва “Ал-хулоса” да такрор-такрор зикр қилинган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яҳё Ал-Журжоний ҳузурда фақиҳ бўлган. Фақиҳ Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад унинг ҳузурда фикҳ ўрганди ва унинг “Мухтасар” ини шарҳлади. Ал-Қудурий душанба куни, Ражаб ойнинг ўн бешинчиси, 428-ҳижрий санада вафот қилди. Ўзининг уйига Абу Халаф маҳалласида дафн

қилинди. Уни Ал-Ҳатиб ва Ас-Самъонилар кўчирганлар. Буни кўпчилик ҳикоя қилган. Улардан Ибн Халликон зиёда қилиб айтади: Кейин уни Ал-Мансур кўчасидаги қабристонга кўчирилди ва ўша ерга ҳанафий фақиҳ Абу Бакр Ал-Хоразмий ёнига дафн қилинди” [6.Б.247-250].

Ҳанафий мазҳабида фуқаҳоларни уларнинг илмдаги мавқеига кўра шартли равишда табақаларга тақсимлаганлар. Тақсимотлар орасида ҳақиқатга энг яқини бу Ибн Камол пошо (ваф.940/1534) томонидан амалга оширилгани ҳисобланади. Чунки бунга муҳаққиқ уламоларнинг кўпи иттифок қилганлар. Ибн Камол Пошо тақсим қилишига мувофиқ Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий ўзининг “Мухтасарул Қудурийнинг ҳанафий фикҳидаги ўрни” деган рисоласида фақиҳларни етти табақада келтирган. Абул Ҳусайн Ал-Қудурий, “Ҳидоя” соҳиби ва уларнинг даражасидагилар каби муқаллидлардан бўлган асҳоби таржиҳ табақасидир. Уларнинг иши “бу авло” ва “бу асах” ва “бу инсонлар учун яхшироқдир” деган қавли билан баъзи ривоятларни бошқасидан афзал билмоқликларидир [3.Б.143-144]. Имом ал-Қудурийнинг табақаси бешинчи ўринда бўлса ҳам унинг ҳанафий мазҳаби ривожига қилган ҳам амалий, ҳам назарий фаолияти эътиборидан юқори ўринларда ҳисоблаш мумкин. Чунки, унинг “Мухтасар” китоби фойдалилик жиҳатидан иккинчи ва учинчи табақа фуқаҳолари томонидан битилган китобларга ижобий маънода муносиб рақобат қила олди. Қадимий матнлар ичида ҳозирга қадар фақатгина унинг “Мухтасар”и фойдаланиб келинётганлиги ҳам бунга далил бўлади.

Имом ал-Қудурийнинг фикҳ илмини таълим олишдаги санадлари. Абу ал-Ҳусайн ал-Қудурий фикҳни қуйидаги санадлар бўйича таълим олганлигини кўришимиз мумкин.

I. Устозлари силсиласи:

1. Абу Абдуллоҳ ал-Фақиҳ Муҳаммад ибн Яҳё ал-Журжоний;
 2. Аҳмад ал-Жассос;
 3. Убайдуллоҳ Абул Ҳасан ал-Кархий;
 4. Абу Саъид ал-Бардабий;
 5. Мусо ар-Розий;
 6. Имом Муҳаммад аш-Шайбоний [7.Б.30].
- Бошқа бир манбада устозлари силсиласини

куйидагича келтириб, уни Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга етказди.

II. Устозлари силсиласи:

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Журжоний;
2. Абу Бакр ар-Розий;
3. Абу ал-Ҳасан ал-Кархий;
4. Абу Саъид ал-Бардаий;
5. Али ад-Даққок;
6. Абу Саҳл Мусо ибн Наср ар-Розий;
7. Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний;
8. Имом Абу Ҳанифа;
9. Ҳаммод ибн Абу Сулайман;
10. Иброҳим ан-Наҳай;
11. Алқама;
12. Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху;

У эса илмни Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламдан ўрганган [8].

Имом ал-Қудурийнинг “хилоф” илмидаги мавқеи ва мунозаралари. «Хилоф» фикхий илмлардан бири бўлиб, у орқали шаръий далилларни келтириш, шубҳаларни даф қилиш ва хилофга сабаб бўлган далилларни солиштириб кўриш кайфияти ўрганилади [9.Б.170].

Шаръий далиллардан чиқарилган фикхий масалаларда хилоф кўп бўлади. Чунки мужтаҳидларнинг манбалари ва услублари ҳамда назарлари турличадир. Шунинг учун бу каби хилофларнинг бўлиши оддий ҳолдир. Бир пайтлар бу хилофлар кенг тарқалган эди. Чунки фикҳда тақлид қилувчилар кимга тақлид қилгиси келса, ўшанга тақлид қилаверар эди. Кейинчалик эса тақлид тўрт мўътабар имомга бўлиши кераклиги чегара бўлиб қолди [10.Б.66].

Имом ал-Қудурийнинг ўз даври забардаст ҳанафий уламоларидан бўлганлигини яна шу нарсада билиш мумкинки, у бошқа мазҳаблар билан ихтилоф қилган масалаларни чуқур ўрганди. Далилларни қиёслаб ҳанафий мазҳабининг далилларининг сиҳҳати ва афзалликларини исботлаб берди. Ўша даврда ҳанафий ва шофеъий олимлар орасида тез-тез баҳс-мунозаралар ўтказиб турилар эди. Чунки, ҳанафийлар ва шофеъийлар умумий ҳудудларда яшарди ва кўп ҳолатларда ўзаро ихтилофли масалаларда мунозаралар бўларди. Бу нарса ўша давр учун табиий ва тўғри қабул қилинадиган ҳолат эди. Чунки ихтилоф эътиқод мавзуси

билан унчалик боғлиқ эмасди. Манбаларда келишича, айниқса, шофеъийларнинг катта уламоларидан Абу Тоййиб ат-Тобарий ва Абу Ҳомид ал-Исфарионий каби шофеъий олимлар Имом ал-Қудурий билан мунозара олиб боришган. Сўнгида эса Имом ал-Қудурий юқори даражада эътироф этилган.[3.Б.142] Ҳаттоки, хилоф илмига доир “Ат-тажрид” деб номланган китоб ҳам таълиф этди. Бу асарнинг қиммати шундаки, ҳанафий ва шофеъилар ихтилоф қилган масаларни жамлаб, далилларини келтириб ҳанафийлар далилларини таржих қилиб чиққан.

Имом ал-Қудурийнинг китоблари.

1. “Мухтасар”. Ҳанафий мазҳаби тарихидаги энг аҳамиятли матн бўлиб, у муболаға даражасида мақталган. Баъзи шарҳчиларнинг таъкидлашларича, “Мухтасар ал-Қудурий” китоби 12000 га яқин масалаларни қамраб олган [11.Б.1631]. Бошқа фикхий китоблар сингари, у мавзулар бўйича бўлимларга ажратилган. Унинг шарҳлари жуда ҳам кўп.

2. “Ат-Тажрид”. Китоб ўн икки мужалладда нашр қилинган бўлиб, ўзида ҳанафийлар ва шофеъийларнинг кенг тарқалган масалаларини ёритиб берган. Имом фақатгина ҳанафийлар ва шофеъийларнинг ихтилофли масалалари ҳақида ёзган. Дастлаб, у ҳанафийларнинг фикрини ҳикоя қилади. Кейин шофеъийларнинг фикрини келтиради. Сўнг ҳанафийларнинг далилларини, кейин шофеъийларнинг далилларини баён қилади. Сўнгида шофеъийларнинг далилларини танкидий муҳокама қилади. Китоб қиёсий фикҳга доир асосий манба ҳисобланади.

3. “Жузъун фил ҳадис”. Ҳадис тўплами. Баъзи устозларидан ривоят қилган ҳадисларни жамлаган.

4. “Шарҳи Мухтасар ал-Кархий”. “Мухтасар ал-Кархий” ўз даврининг улуғ ҳанафий имомларидан бўлган имом Абул-Ҳасан ал-Кархийнинг (ваф.340х) китобидир. Имом ал-Кархий мазҳаб фикрини баён қилишдан ташқари, мазҳабнинг далилларини ҳам келтирган. Шунинг учун Имом ал-Қудурий далилларни батафсил муҳокама қилган ва шарҳ кенгайиб кетган. Китобнинг қўлёзма шакли мавжуд бўлиб, ҳозирга қадар бир қисми нашр этилган ҳолос. Ушбу қимматли китобнинг

тўлиқ нашрини тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

5. “Ат-Такриб”. Ушбу китобда имом ханафийлар ва шофеийлар ўртасидаги тафовутларни далилларсиз келтиради. Китоб ҳозиргача фақат қўлёзма шаклида мавжуд.

6. “Ат-Такриб ас-саний”. Ушбу китоб олдинги китобнинг далиллари билан баён қилинган шакли.

7. “Масоилул хилоф байна асхобина” деб номланган бир мужаллад китоб бўлиб, бунда мазҳаб ичидаги ихтилофли масалалар баён қилинган.

8. “Адабул қозий ʼала мазҳабил Имом Аби Ҳанифа”. Унда қози қандай сифатларга эга бўлиши кераклиги, ҳукми қандай юритиши, бошқа қозилар ва аҳоли билан муомаласи қандай бўлиши кераклиги ҳақида ханафий мазҳабига қўра баён қилинган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фикҳий мазҳаблар аслида ихтилофларни бартараф қилиш мақсадида йўлга қўйилган бўлиб, улуғ мужтаҳид уламолар Қуръони карим ва суннати набавийя асосида қоидалар ишлаб чиқдилар. Шунга қўра мусулмонларнинг ҳаёт йўли бўлган Аллоҳ билан банда орасидаги муносабатларни ифода қилувчи “ибодат” масалаларини ва банда билан банда орасидаги муносабатларни ифода қилувчи “муомалот” ва бошқа масалаларни тартибга келтирдилар. Мазҳаблар уларнинг соҳибларининг номига нисбат берилган бўлса-да, исломнинг асосий манбалари - Қуръони карим ва суннати набавийядан асло четга чиқмайди. Фикҳий мазҳаблар бино бўлгандан ҳозирги кунимизга қадар унга нисбатан турли муносабатлар айтиб келинади. Информациа алмашинуви жуда ҳам тез бўлган ҳозирги даврда мусулмонлар орасида ихтилофлар кўпайиб бири-бирига маломат тошларини отиб ёмон отлик қилмоқдалар. Ихтилофлар асосан мазҳабнинг тўғри йўлми ёки йўқми деган масалада бўлса, яна бири қайси мазҳаб тўғрироқ деган масалада бўлиб келган. Имом ал-Қудурийнинг асарларининг бугунги кунда ҳам аҳамияти катта. Аллома ўзининг ҳаёт йўллари ва илмий асарлари орқали фикҳий мазҳабларнинг аҳамиятини очиб берган. Айниқса, ханафий мазҳабининг афзалликларини исботлаб берган. Унинг “Ат-тажрид”, “Ат-Такриб”, “Ат-

Такриб ас-саний” ва “Масоилул хилоф байна асхобина” деган асарларида базҳаб ичидаги ва мазҳаблараро ихтилофли масалаларни баён қилиб берган. Мусулмонларнинг бирлигини таъминлаш ва улар ўртасидаги ихтилофлар ва у сабабли юзага келадиган зарарларни бартараф этишни мақсад қилган ҳар бир инсон имом ал-Қудурийнинг ҳаёт йўллари ва у зот қолдирган илмий меросни ўрганиш орқали қизиққан саволларига жавоб топиши мумкин. Ушбу асарларни ўзбек тилига таржима қилинганда бу яна ҳам фойдали бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Муҳаммад ибн Али Ал-Ҳаскафий. “Ад-дуррул мухтор” Дорул кутубул илмийя, 2002. -Б. 12
2. Имом Ал-Ҳусайн Ал-Қудурий “Ат-тажрид”, Қоҳира, Дорус-салом.
3. Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий. Муҳтасарул Қудурийнинг ханафий фикҳидаги ўрни. Dr Muhammad Hamidullah Library, IIU, Islamabad. <http://iri.iiu.edu.pk/06.06.2020>
4. Хатиб Бағдодий, “Тарих Бағдод” Байрут, Дорул кутубул илмийя.
5. Абдулҳай Лакнавий, Умдатур риоя ала шарҳил виқоя, Байрут, 1971, Ж-1
6. Абдулқодир ибн Муҳаммад Ал-қураший “Ал-жавохир ал-музийя фи табакотил ханафийя”, Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ал-Ҳулув таҳқиқи, “Ҳажр”, Қоҳира, 1413.
7. Абдулҳай Лакнавий ал-Ҳиндий. “Фавоид ал-бахийя фий тарожим ал-ханафийя”, Қоҳира, Дор ал-кутуб ал-исламий нашриёти, 1324 ҳ.
8. [Даруль-Фикр https://darulfikr.ru/articles/imam-abu-al-hasan-al-kuduri/06.11.2017](https://darulfikr.ru/articles/imam-abu-al-hasan-al-kuduri/06.11.2017).
9. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “Фикҳий йўналишлар ва китоблар”, 2011, Тошкент, “Шарқ”.
10. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Мазҳаблар – бирлик рамзи, Тошкент, “Nilol-Nashr”. 2014
11. Ҳожа Халифа Мустафо бин Абдуллоҳ. “Кашфуз зунуз ан асомия ал-кутуб вал фунун” асари. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий нашриёти, 2008.

Хусниддин АХМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Малака ошириш маркази директор ўринбосари,
сиёсий фанлар доктори, доцент

ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ МУҲИТИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА ДИНИЙ МАЪРИФАТНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ОЗДОРОВЛЕНИИ ДУХОВНОЙ СРЕДЫ ОБЩЕСТВА

THE ROLE OF RELIGIOUS EDUCATION IN HEALTHING THE SPIRITUAL ENVIRONMENT OF SOCIETY

Аннотация: Бугунги дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда. Айни шу йўналишдаги жаҳолатга қарши курашда диний таълимнинг аҳамияти шундаки, бағрикенглик, ҳар қандай маънавий таҳдидларга барҳам беришга замин яратилади. Мақолада глобаллашув ва универсаллашув шароитида Ўзбекистондаги ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, ижтимоий соҳа, маънавият, диний маърифат, қадриятлар, бағрикенглик, мафкуравий жараёнлар, ривожланиш, қонуният.

Аннотация: Анализ текущих событий и общественно-политической ситуации в мире требует повышения эффективности деятельности в области религии и просвещения и создания интегрированной системы подготовки квалифицированных кадров. Важность религиозного образования в борьбе с невежеством состоит в том, недискриминация, устранение любых духовных угроз. создано. В

статье исследуется специфика социальных, политических и идеологических процессов в Узбекистане в условиях глобализации и универсализации.

Ключевые слова: глобализация, социальная сфера, духовность, религиозное просвещение, ценности, толерантность, идеологические процессы, развитие, легитимность.

Annotation: The analysis of the current events and the socio-political situation in the world requires increasing the effectiveness of activities in the field of religion and enlightenment and the creation of an integrated system of training qualified personnel. The importance of religious education in the fight against ignorance is that tolerance, non-discrimination, the elimination of any spiritual threats. is created. The article examines the specifics of social, political and ideological processes in Uzbekistan in the context of globalization and universalization.

Keywords: globalization, social sphere, spirituality, religious enlightenment, values, tolerance, ideological processes, development, legitimacy.

Диний эътикод инсоният тарихининг барча босқичларида маданий-маънавий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Буюк мақсадларга инсон маънавий, сиёсий, ҳуқуқий оламининг муҳим омили – маърифат оркали эришиладики, онг ва тафаккурдаги ўзгаришни фақат у билан бойитиш мумкин.

Бу жиҳатдан, бугунги дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда. Айни шу йўналишдаги жаҳолатга қарши курашда диний таълимнинг аҳамияти шундаки, бағрикенглик, диний соҳа ходимлар ўртасида ўзаро ҳурматни қарор топтириш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, диний эркинликни таъминлаш, диний соҳа ходимларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, ҳар қандай маънавий таҳдид, диний мутаассиблик, экстремизм, миссионерлик, қўпоровчилик ҳаракатларига барҳам беришга замин яратилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бугунги кунда янги таҳдид ва хавфлар пайдо

бўлаётган глобаллашув жараёнида жамиятда соғлом ижтимоий маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиши, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш, тинч-осуда ҳаётни, муқаддас ислом динининг поклигини асраш, халқ тақдири ва келажаги, ҳаёт-мамоти вазифаси эканини таъкидлаб шундай фикрни билдирдилар: “Дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпоровчилик ҳаракатларини содир этиш, жамиятга ҳар томонлама зарар етказиш замирида ижтимоий барқарорликни издан чиқариш, миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик ва диний айирмачилик кайфиятининг шаклланишига замин яратиш билан бирга, ўз мустақил фикрига ва ҳаётий тажрибасига эга бўлмаган, маънавияти, иродаси бўш, билими саёз айрим ёшларнинг турли зарарли оқим ва гуруҳларга кириб кетишига сабаб бўлмоқда. [1]

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг тинчлик-осойишталикни сақлаш, диний бағрикенгликни таъминлашдаги аҳамияти бекиёс: “Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”. [2]

Ёшларнинг фикри, ақидаси, эътиқоди бузилмас экан, ўз Ватанининг фидойиси, илм-маърифатга ташна бўлади. Бу каби ёшларни ҳеч ким чалғита олмайди. Ёшлар маърифатга талпинмас, оломон маданияти таъсиридан қутулмас экан, келажак бунёдкори бўла олишмайди. Сабаби, ноанъанавий ҳаракатлар бутун дунёга тарқалишга улгурди. Уларда белгиланган тартибларга қўра, ҳаракатга қўшилган ҳар бир шахс ижтимоий ҳаётдан узилиши ва ҳаракатнинг қонун-қоидаларига сўзсиз бўйсунитиш шарт. Масалан, “Севги оиласи” сектаси ҳеч бир чекланмаган муносабатлар воситасида диний тозаланиш йўли билан Худонинг ўғли бўлиш мумкинлигини уқтирса, Жанубий Кореяда вужудга келган Сан Мун асос солган “Бирлашган черков” сектаси

зоҳидлик билан бирга жинсий эркинликни тарғиб этади. Кришнани англаш халқаро жамияти ноанъанавий дини фан ва таълимга оид барча қадриятларни инкор этади. Уларнинг аниқ диний тизими шаклланмагани учун анъана ва урф-одатлар йўқ, аксинча, турли динлар қоришмасидан таркиб топган сирли, экзотик таълимот сифатида тақдим этилган ноанъанавий динлар ягона Худога эмас, “жонли” Худо, яъни мазкур дин асосчиларига сиғинади. Бу каби ноанъанавий динларга қарши муросасиз кураш олиб боришда маърифат билан ёндашилмаса, ёшлар онгига сингиб қолган унсурларни йўқотиш хавфи юқори бўлади.

Зеро, ҳар бир дин ўзининг мукамал диний қонун ва кўрсатмаларига эга. Улар ноанъанавий дин тарғиботчилари томонидан танқид қилинади ёки ўз динларининг ислом ёки христиан ёки буддавийлик динидан кўра афзалликларини ишонарли (ижтимоий зиддиятлар, сиёсий беқарорлик, ишсизлик, табақалашув, қадрсизланиш) ифодалаш билан бирга, моддий манфаат кўрсатиб, мутлақ ҳақиқатни, барча инсоний муносабатларни ҳал этишнинг тўғри йўлини, қайта туғилиш ва у дунёда ўлмаслик орқали абадий фароғатга қандай эришиш мумкинлигини билишларини даъво қилишади. Бу диний ҳаракатлар ёшларнинг ҳиссиётига тез таъсир қилиш билан бирга, уларни соғлом тафаккурдан маҳрум этади.

Бугунги кунда ғарб жамиятини қамраб олган функционал саводсизлик, асрлар оша шаклланган маънавий, ахлоқий, умуминсоний қадриятларнинг емирилиши, индивидуализм ва эгоизмнинг илдиз отиши, моддий фаровонликка эришиш баробарида маънавий тубанлик ва ахлоқсизлик каби иллатларнинг кучайиши, ёшлар орасида умидсизлик, тушқунлик кайфиятининг тарқалиши муайян эҳтиёж ва манфаатлар билан боғлиқдир. Бу каби таҳдидлар мамлакатимизни четлаб ўтади, дейиш соғлом мантиққа зид. Соғлом диний тарбия, диний маърифат ва диний мафкура билан ҳар қандай таҳдидга қарши курашиш мумкин. Мутаассиблик ва ақидапарастлик умуминсоний ахлоққа зид келадиган нуқсондир, у юксак маънавий камолотга жиддий тўсқинлик қилади. Инсон қанчалик маърифатли бўлса, у шунча инсонийдир ва барча одамларда

инсоний фазилатларни кадрлайдиган бўлади. Мўътадил диндорлик, ислом маърифатини ривожлантириш, ички ботиний оламни поклаш, ақлу тафаккур, илму ирфон билан камолот сари интилиш, азалий қадриятлар ва дунё илмини эгаллаб, замон билан ҳамқадам олға бориш орқали юксак даражадаги ахлоқ ва соғлом эътиқодга эришилади.

Буларнинг барчаси бугунги Ўзбекистонда “бағрикенглик” тушунчаси хилма-хил фикр ва қарашларга, муайян манфаат ва мақсадларга эга бўлган шахслар, турли миллат, ирқ ва динга мансуб одамлар, бир-биридан фарқ қиладиган қатламлар ҳамда сиёсий қучларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини, ўзаро ҳамкорлик ва келишув асосидаги амалий фаолиятини таъминлашга хизмат қиладиган ғояни ифодалаётганидан дарак беради. У мақсад ва муддаолари ҳар хил, аммо ҳозирги даврда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлаш йўлида умумий ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлаётган турли миллат ва дин вакилларининг фаолият мезонларини белгилайди. [3] Мамлакатимиздаги ўзига хос дастурларга эга бўлган ва уларни амалга оширишда турли ғояларга таянадиган давлат ва нодавлат идоралари, сиёсий партиялар, турли ташкилотларнинг фаолияти ҳам ана шу мезонлар билан ўлчанаётгани, бежиз эмас.

Айнан шу мезон асосида шаклланган ва мустаҳкамланаётган ижтимоий “бағрикенглик” ғояси жамиятни сунъий равишда бўлиб, номувофикликлар ва қарама-қаршиликларни мутлақлаштирадиган баъзи бегона ғоя ва зарарли таълимотлардан фарқли ўларок, бизнинг мамлакатимизда турли миллат ва дин, партия, қатламларга мансуб хилма-хил жамият аъзолари қарашларидаги табиий ранг-барангликни уйғунлаштиради ва уларнинг фаолиятини умумий тараққиёт манфаатларига бўйсундиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ижтимоий бағрикенглик ғоясининг самарали амалиёти учун барча шароитлар вужудга келтирилди ва бу борадаги мамлакатимизга хос хусусиятлар қатор йўналишларда намоён бўлмоқда.

Аввало, жамиятимизнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий тараққиётнинг мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаоларини ифода-

лайдиган ҳаракатга келтирувчи кучга, юксак маънавий қудратга эга бўлган ривожланиш омилига айлантирилди. Бу борада кейинги йилларда Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилган ишлар натижасида жамиятдаги ҳар бир миллат ва дин, ижтимоий тоифа ёки гуруҳ, турли қатламлар ва сиёсий партиялар ўзининг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини ана шу устувор миллий ғоялар билан уйғунлаштириш лозимлигини англаб олди.

Шу билан бирга, ҳар бир шахс, ижтимоий мавқеи, дунёқараши ва эътиқодидан қатъи назар, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган миллий ғояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жараённинг асосий тамойили ҳисоблана бошлади. Бу жараён давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, турли шаклдаги ҳокимият тармоқлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш соҳасида ҳам ўз натижаларини бермоқда. Нафақат ҳокимиятнинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг бир-биридан ажратилгани, балки уларнинг бир-биридан мустақил ҳаракат қилиши, ҳокимият бўғинлари ва институтларининг фақат Конституция ва амалдаги қонунчиликка таяниб иш тутиши ана шу жараённинг таркибий қисмидир. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик ва демократик сайловлар тизими, икки палатали парламент, Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат ва қуйи палатаси – Қонунчилик палатаси шаклланди. Бу сиёсий тизимда жамиятнинг бошқа қатламлари қатори, турли дин вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга эришилмоқда.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, турли дин вакиллари ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаётгани, уларнинг кўплаб миллий-маданий марказлари самарали фаолият олиб бораётгани, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани ҳам ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг реал заминга таянганлиги исботлайди.

Шунинг учун ҳам жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ижтимоий бағрикенгликнинг зарурий шарти сифатида қаралмоқда. Мамлакатимиз ҳаётида рўй

бераётган ўзгаришлар ва уларнинг улкан натижалари эса моҳиятан эркинлик ғояси асосига қурилган бағрикенглик тамойили фақат ана шундай жамиятдагина тараққиёт ва бунёдкорлик кафолатига айланиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида турли манфаатлар, хилма-хил кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни такомиллаштириш долзарб масалалардан бирига айланди. Ҳаракатлар стратегияси айна шу маънода ҳам янги даврни бошлаб берди. Концепциянинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд – ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов ва ҳуқуқ эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий эркинликни таъминлашнинг янада чуқурлаштиришга бағишланган қисмларида бағрикенглик ғояси билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишнинг барча имкониятлари ва истиқболлари кўрсатилган.

Юртимизда мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари қарор топаётгани, улар тенг ҳуқуқлилигининг давлат томонидан кафолатланаётгани жамиятнинг ижтимоий таркибини ўзгартирмоқда. Бугун янги ижтимоий қатлам ва гуруҳлар – сармоядорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, бир сўз билан айтганда, ўрта синф вужудга келмоқда. Мулк шакллари хилма-хиллиги ва ижтимоий табақаланиш жараёнининг натижаси сифатида ана шу тоифаларнинг манфаатларини ифода этувчи тизим шаклланиб, мустақамланиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Бугун мустақил Ўзбекистон демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ижтимоий плюрализм, ҳаётни эркинлаштириш, мулкнинг турли шакллари тенг ҳуқуқлилигини қонуний кафолатлаш йўлидан бормоқда. Бундай жамиятда турли миллатлар ва динлар, ижтимоий қатламлар, табақалар, синфлар, партиялар бўлиши, уларнинг тафаккури ва дунёқараши,

иқтисодий ва сиёсий манфаатлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилиши ҳам табиий. Лекин улар учун умумий йўналиш ягона мақсад – Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар бўлиб қолаверишига эришиш ниҳоятда муҳим. [4]

Бу борада барчамиз англаётган ҳақиқат шуки, қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллиги, сўз ва фикр эркинлиги жамиятни соғломлаштирадиган, уни мустақамлайдиган ва пировард натижада ҳақиқий бағрикенгликни таъминлайдиган ўта муҳим омил бўлгани каби, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ва жамиятимиз тараққиёти умумий тамойилларининг ҳаммамиз учун муштарак эканлиги ҳам, шак-шубҳасиздир.

Хуллас, бағрикенглик тамойили ҳеч қачон ҳаёлга келган гапни айтиш, кўнгил тусаган ишни қилиш, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан қайтмаслик, ўзгага ўрин қолдирмаслик ва у билан ҳисоблашмаслик, дегани эмас. Бу борада бағрикенглик ҳар қандай шахсий маҳдудлик ва диний мумтозлик қарашларидан устун туради. Айнан шу маънода, бағрикенглик англаб олинган зарурат, барча миллат ва дин вакиллари, ҳар биримизнинг жамият талаблари, халқ манфаатлари ва қонунларга оғишмай амал қилишимиз, бугунги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнида фаол ва масъулиятли бўлишимиз, демакдир. [5]

Ҳар қандай даврда ҳам мустақилликка эришган ва уни мустақамлаш йўлидан бораётган мамлакатда шаклланаётган янги ғоялар тизимининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ёш авлод қалби ва онгига сингдириш зарурати мавжуд бўлиши мафкура соҳасининг асосий тамойилларидан биридир. Ўз олдида ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш каби эзгу мақсадларни қўйган халқимиз ҳаётнинг бошқа соҳалари каби, ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш тамойилларини ҳам аниқ белгилаб олган. [6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли ва 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармонлари бунинг яққол ифодасидир.

Бугунги кунда биз ушбу ҳужжатларда акс этган ҳаёт ҳақиқатини аҳоли, айниқса ёшлар қалби ва онгига муттасил сингдириб боришимиз лозим. Бу борада ушбу йўналишда олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот, таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, энг ривожланган мамлакатларда ҳам аҳолининг 15%-20%га яқин қисми таълим тизими билан қамраб олинган. Ўз-ўзидан бу тизим доирасида ёшларга бағрикенглик соҳасидаги билимлар ҳам сингдирилади. Тўғри, дунё мамлакатларида аҳолини таълим тизими билан қамраб олиш даражаси бир хил эмас. Аммо, бу мазкур тизимнинг бағрикенглик тарбиясида муҳим ўрин эгаллаши тўғрисидаги хулосани йўққа чиқармайди.

Буларнинг барчаси, ҳозирги мустақиллик йилларида маънавий соҳасидаги ўзгариш ва янгиланишларнинг тадрижий тарзда амалга ошаётганини исботлаш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, ўшбу серқирра ва сермашаққат фаолиятнинг мустақил жамиятимиз маънавияти динамикасида муҳим босқич сифатидаги ўрни ва аҳамиятини яққол кўрсатади.

Айни пайтда, ҳозирги глобаллашув туфайли инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда намоён бўлаётган турли таҳдидлар ва хуружлар жамиятнинг тадрижий тараққий этаётган маънавий ҳаёт динамикасига мафкуравий таъсир кўрсатишнинг кучли ва таъсирчан қуролига айланди. Бугунги таҳликали замонда бундай салбий таъсирларнинг сони ва салмоғи янада ортиб бораётгани кўпчиликни ташвишга солаётгани бежиз эмас, албатта.

Бундай вазиятда жамиятимизнинг маънавий ҳаёт динамикасининг узлуксизлиги ва ижобий натижадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган илмий-назарий ва методологик асосларни мустаҳкамлаш, амалий тарғибот ва ташвиқот тизими ва механизмини янада такомиллаштириш вазифалари мамлакатимиз келажаги ва халқимизнинг истиқболи учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормокда. Бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим тизими, ўзини ўзи бошқариш тузулмалари, фуқаролик институтлари, айниқса халқимизнинг азалий қадрияти бўлган маҳалланинг халқимиз маънавий тараққиёти учун зарур бўлган вазифаларни бажариши ва бунда барчамизнинг фаол ва омилкор

бўлишимиз зарурлиги давр талабига айланиб бораётганидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. -Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2018. -508 б.
3. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. - Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017.
4. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 15 декабрь.
5. Abdullayev, Abdurasul Mr (2019) “Religious tolerance culture is the sustainable development factor,” *The Light of Islam*: Vol. 2019: Iss. 4, Article 7.
6. Akhmedov Mr, X. (2020). Education and spiritual education. *The Light of Islam*, 2020(1), 139-144.
7. Durbek A. Rakhimjanov, Husniddin A. Akhmedov. (2020) Protecting Youth From The Influence Of Extremist Ideasand Social Rehabilitation. *Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, Vol. 12, Issue-02, 2020.
8. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
9. Kadirov, Mirsulton (2020) “The strategy of the object conditions and sub-factors in the development of civil society in Uzbekistan,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 4.
10. Mukhammadsidiqov, M. (2020). The importance of regulating the relationship between the state and religion in ensuring the stability of society. *The Light of Islam*, 2020(2), 12-17.
11. Yovkoshev, Sh. (2018). Islam in Uzbekistan: the history and modernity. *The Light of Islam*, 2018(1), 2.

Раъно Ташпулатовна УРАЗОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси, тарих
фанлари номзоди

ГЕНДЕР ВА ЗАРДУШТИЙЛИК

Аннотация: Ушбу мақолада шарқ қадимияти ва Европа антик даврларидаги гендер тушунчаси, унинг таърифи, маъносининг талқини устида баҳс-мунозаралар ҳамда мазкур тушунчанинг луғавий маъноси таърифланган.

Шунингдек, зардуштийлик авеста жамиятида илоҳиёт (пантеон) даражасида функционал гендер таснифи зардуштийлик маъбудалари Чиста, Ардви Сура, Аши каби кўп функцияли хусусиятлари гендер универсаллиги орқали тушунилгани илмий тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Гоҳлар, Аҳура Мазда, Яштар, Ясна, Ардви Сура, Аши, Спента Армаитий, Хаурватат, Амеретот, Ашах, Митра, Вахумана, Эзгу ният.

Аннотация: В статье описывается понятие гендера в восточной и европейской античности, его определение, дискуссии по интерпретации терминологического и лексического значения этого понятия.

Научно изучено функциональная гендерная классификация на теологическом (пантеонном) уровне в зороастрийском авестийском обществе зороастрийские богини, такие как Чиста, Ардви Сура, Аши, понимаются через гендерную универсальность.

Ключевые слова: Гаты, Ахура Мазда, Яшты, Ясна, Ардви Сура, Аши, Спента Армаитий, Хаурватат, Амеретот, Ашах, Митра, Вахуман, Благая мысль.

Abstract: This article describes the concept of gender in Eastern and European antiquity, its definition, the debate over the interpretation of its meaning and the lexical meaning of this concept.

Functional gender classification at the theological (pantheon) level in Zoroastrian Avestan society Zoroastrian goddesses such as Chista, Ardvi Sura, Ashi are understood through gender universality.

Key words: Gathas, Ahura Mazda, Yashts, Yasna, Ardvi Surah, Ashi, Spenta Armaiti,

Haurvatat, Ameretat, Ashah, Mitra, Vahumana, Good Intention.

Гендер тушунчаси атрофида, унинг таърифи, маъносининг талқини устида баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Ҳолбуки, гендер масаласи, унинг маъно-мазмунига муносабат турличалигига қарамай, шарқ қадимияти ва европа антик даврларидан бошланган. Аввало, гендер тушунчаси жамият ҳаётининг антропологик моҳияти нима, деган саволга жавоб беришдан бошланади. Антропологик ёндошув эса, инсоният ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Зеро, жамият биргина емиш учунгина яшамайди. Унинг эҳтиёжлари ғоят мураккаб. Булар индивид ва жамият муносабатлари доирасида қондирилади. Индивид эса ўзининг ижтимоий ҳолати, жамиятдаги ўрнини англаш, идентифик жихатдан бир хил эмас. Айни шу бир эмаслик тушунчасидан келиб чиқиб, гендер масаласини жинслар ўртасидаги тафовутга, ниҳоят, янада торроқ, аёллик идентификлигига боғлаб тушуниш юзага келган. Бу ҳам бежиз эмас. Гап шундаки, ҳозирги замон фанида феминистик ижтимоий ёндошув, жамиятда аёл зотининг ўрни, тенглик, аёлларнинг эркинлиги таъминланишининг оқибати ўларок, эмансипация ғоялари ёйила боргани сари гендер масаласи бир ёклама қараш тенденцияси етакчилик қила борди. Ҳолбуки, гендер масаласи инсонларнинг жинсий тафовутидан қатъий назар умуман ижтимоий конструктивлик асосида жамият ҳодисаси сифатида баҳоланиши лозим. Қолаверса, гендер тушунчасининг луғавий маъносида латинча *генус* (genus) сўзи борки, бу “*уруқ-аймоқ*” демакдир ва эркаклик ҳамда аёллик масаласи тарихнинг турли босқичларида ҳар бир жамиятдаги аниқ вазиятдан келиб чиқиб ўрганишни тақозо этади. Бунинг боиси гендер муаммоси кўптармоқли ижтимоий масала экандир. Шундан келиб чиқиб, гендер масаласини, аёл ёки эркак бўлиб туғилиш унинг илоҳий тақдири деб қараш ҳозирги социологияда танқид қилинмоқда. Жамиятда гендерлик баҳосига дохил барча ҳолат ижтимоий ҳаёт ҳосиласидир.

Гендер тенглиги ғояси жамият мафкураси орқали мустақамликка интилиб келган. Бу ғоянинг ижтимоий татбиқига турли жамиятлар турлича ёндошганлар. Масалан, зардуштийлик авеста жамиятида илоҳиёт (пантеон)

даражасида функционал гендер таснифини кузатиш мумкин. Агар Митра, Варахран каби улуғ ва қудратли маъбудларга Ахура Мазда иродаси билан борлиқни ёвузликлардан ҳимоя қилиш функцияси юклангани ҳолда, Ардви Сура Анаҳита, Аши каби маъбудаларга аёллик гендер мартабаси берилган. Уларнинг вазифалари доираси жуда кенг талқинга эга. Бу хусусият маъбудаларни функционал жиҳатдан чекламайди. Айниқса, Ардви Суранинг ибтидо онтологик моҳияти азалий аёл деб қаралса ҳам, аслида унинг инсониятга берадиган неъматлари Ахура Мазданинг чексиз имконларининг кўпи билан ҳамоҳанг. Масалан, имонли Хвовалар хонадони пешволари Ардви Сурадан илтижо қилиб сўраган нарсалари, бойлик ва йўрға отларга эга бўлишди. Зардушт ўз ватанидан қувғин бўлгач, Даития дарёси (Амударёнинг номларидан бири) бўйида туриб, бир қўлида барсман навалари дастасини, иккинчисида сут ва муқаддас хавм ичимлиги тутиб Ардви Сурага илтижо билан ўзи бошпана сўраб бораётган мамлакати Баҳди подшоси Виштаспнинг қалбига имон, фикрига динни жо қилишни сўрайди. Демак, Ардви Суранинг шундай қудрати борки, ҳатто, инсоннинг қалби ва руҳи майдонида ҳам таъсир кучига эга. Бугина эмас, Ардви Сурага ҳатто, Ахура Мазда ҳам мурожаат этади ва дейди: “Парвардигор Ахура Мазда Ардви Сурага Арянам Ваэжуда, Даитиянинг бўйида ... Муқаддас Ардви Сура, менга шундай имкон бер, Пурушасп ўғли Зардушт Спитама кўнглига менга имон келтириш фикрини қўй солиб. Фикри, сўзи, амали бўлсин доимо ғолиб” [1:126]. Шу вазиятни гендер назарияси бўйича таҳлил этсак илоҳий функция жиҳатидан Зардушт давридан анча аввал ҳам Ахура Мазда култи, ғайб илоҳий тимсол мавжуд бўлган. Ҳамонки, Ахура Мазда Ардви Сурадан Зардушт қулфи дилини имон учун очишни сўраб турган экан, бу вазиятни зардуштийлик қарор топиши арафасида рўй берган дейиш мумкин. Зеро, бу ўринда Ардви Суранинг мақоми гўё Ахура Маздадан ҳам баланд [5: 481].

Булардан ташқари Ардви Сурага яна бир қатор функциялар юкланадики, булар чиндан ҳам феминистик ўлчамлар талабларига жавоб берган ҳолда Зардуштдан кейин дин пешволари, муъбадлар томонидан Яшт китоби мазмунига тўлдиришлар қилиб киритилгандир. Булар қуйидагилар: Ардви Сура аввало дарё, у қадди осмонга етиб турган Хукаря чўққисидан

қудратли оқим бўлиб келади. Ёвуз девларга қирон солади. Нону ризқ ўстиради. Подаю сурувларни тўйдиради. Бойликлар ундиради. Ер саҳнини уфққа дўндитради. Асотирий Ворукаш денгизини тўлдириб, тўлқинларини осмонга етказади. Ардви аёллар ҳомийси. Уларнинг пуштини фарзанд билан тўлдиради. Туғмоғида халоскор бўлади. Аёл кўксини сутга тўлдиради. Эр уруғини баракотли қилади. Хонадон, қавм, қишлоқ, эл, юрт тинчлигини ҳимоя қилади ва ҳоказо. Демак Авеста китобида шундай қатламлар борки, булар зардуштийликнинг қадимий асотири босқичидаги диний тасаввурлардан Ахура Мазданинг ягоналиги ғоясигача ораликда мураккаб ўтиш босқичига ишорат қилади. Бу ўртада Ардви Сура сингари қудратли маъбудага эътиқод унсуридан Ахура Мазданинг ўзи ва у танлаган пайғомчиси Заратуштра ҳам манфаат топган қилиб кўрсатилади. Бу ҳолнинг гендер ғоясига кўра баҳосига келсак, зардуштийликка қадар културларнинг функционал чегаралари дастлаб туташ ва синкрет ҳолда давом этган. Зардуштийлик қарор топгач, бу универсум аста-секин феминистик талқин томон сурила борган [1:126].

Аши, Чиста мабудаларининг Ардви Сурадан фарқли жиҳатлари зардуштийлик амалиёти давомида дастлабки универсал гендерликдан феминистик талқин томон жиддий сурилган. Масалан, Аши омад фариштаси мақомига эга. У имонли бандаларга яқинлашса, ортларидан юрса, ёндошса, уларга албатта бахт ёр бўлади. Шу ўринда Ашининг Ардви Сура билан вазифадошлиги кўзга ташланади. Аши алқовида бир қанча зардуштий имонли зотлар Ашидан ўзларига бахт тилаб, омад сўраб мурожаат қиладилар. Дуоларни ижобат қилиш функцияси аслида Ахура Маздага тегишли бўлсада, Аши бу вазифани Ахура Мазда билан бўлишгандек туюлади.

Маъбуда Чиста масаласига келсак, сўзимиз бошида исломга қадар Марказий Осиё, Ўрта Шарқ минтақаларида етакчи ўрин тутган зардуштийлик (Мазда Ясна) диний, фалсафий-ахлоқий таълимот унинг асосчиси Заратуштранинг ниятига кўра умумбашарийликка даъвогар бўлгани таъкидланган эди. Қуйида маъбуда Чиста шаънига айтилган алқовнинг изоҳли маъно ўгирмасини келтирамиз. Бундан мақсад Чистанинг Ардви Сура, Аши каби кўп

функцияли хусусияти илк зардуштийлик боскичлари учун гендер универсаллиги орқали тушунилганини кўрсатишдир [10:84-92].

Авестада маъбуда Чистага бағишланган алқов бор. У *ўта*, *энг* каби орттирма даражали сифат ясовчи ёрдамчи сўзлар қўшилган ҳолда *имонли* ва *муқаддас* маъбуда деб таърифланади [4:175]. Чистани Аҳура Мазда ва унинг азал ва абад сифатлари Амеша спенталар (ҳамиша барҳаёт муқаддас зотлар) биргаликда яратишган. Яратиш функциясининг Аҳура Мазда билан Амеша спенталар ўртасидаги шериклик орқали ифодаланиши Чиста маъбудасининг Зардуштдан аввал ҳам мавкеи баланд бўлганидан далолатдир. Чиста Аҳура Маздага этикод қилгувчиларнинг жаннатий Ҳақлари - Арта Ваҳишта (Ордубихишт) шарафига яралган юксак мақомли маъбуда хисобланган.

Заратуштранинг ўзи Чиста алқовида бу маъбуда шарафига намоз бағишлагани ҳақида ёзилган. Зеро, Арта Ваҳишта намознинг эзгу ниятини шу лаҳзадаёқ Чистага етказди, у намозхонни ва барча одамларни хавф-хатардан халос этиб, эҳсонларини мақбул қилади, дуоларни ижобат қилади. Чиста муқаддас, оқила, машхур, доимо эзгу амалга шай, чакқон ва ғайратли. Таҳорати доимо бутун ва мукаммал покиза зот. У – Аҳура Мазда ихлосмандлари Арта Ваҳиштасининг (жаннатий Ҳақиқатининг) кафолати.

Зардушт тонг саҳар, субҳидамда Чистага намоз баҳшида қилди. Мана Зардуштнинг дуоси: “Тахти равонингдан тур, эй Чиста! Ўлмас малоикалар манзили Гранў Дманидан чик! Эй, энг имонли Чиста, Мазда ато (маъбуда), Ҳамиша барҳаёт малоикалар кафолатидаги Муқаддас зот! Агар менинг олдимда бўлсанг, етиб олай, мени кут. Ортимда бўлсанг, менга етиб ол! Бори дунё бўлсин бизга хайрихоҳ, токим имконида бор. Юрган йўлларимиз борида доимо бўлсин равон. Тоғлардан ошсак агар йўлкалар бўлсин тайёр. Ўрмонларда бизларни адаштирмасин ағёр. Бехатар кечайлик тошқин дарёлар” [8: 255-259].

Артабон инсон, Ҳақ йўлида аҳдида собит инсон Зардушт изидан намозга туриб дейди: “Чистанинг порлоқлиги, унинг шарафини улуғлаб, мен ҳам аҳдимга муносиб эҳсонлар қилай, ижобат йўлида мақбуликка лойиқ эзгу ишлар қилай ва Мазда иродаси ва муқаддас Ўлмас малоикалар қўли билан бунёд

бўлмиш Чистага бағишлай. Мен Мазда ва муқаддас малоикалар яратган Чистага Хаума шарбатлари ва қўлда барсман боғлами билан эҳсон келтиргум. Тилимни равон этиб, муқаддас дуолар билан, қайноқ покиза нафасим, ширин калом ва яхши амалларим билан намозим йўллай” [1:126].

Жамоа Зардушт ўргатган сўзлар билан намозга туради: “Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик. Муқаддас ўлмас малоикаларни яратган Маздага намоз йўллайлик. Аҳура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи Ҳаққа намоз бағишлайлик. Арта Ваҳишта намознинг эзгу ниятини шу лаҳзадаёқ Чистага етказгай, у намозхонни ва барча одамларни хавф-хатардан халос этиб, эҳсонларини мақбул қилсин, дуоларни ижобат айласин. Чиста муқаддас, оқила, машхур, доимо эзгу амалга шай, чакқон ва ғайратли. Таҳорати доимо бутун ва мукаммал покиза зот. Аҳура Мазда ихлосмандлари Арта Ваҳиштасининг (жаннатий Ҳақлиги) кафолатидир”.

Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал йўлида Зардушт намозини кимга баҳшида қилди? Бу муқаддас малоикаларни яратган Маздага ва (у яратган) Чистага эди. Зардуштга Чиста чакқон оёқлар берди, хушёр қулоқлар берди, қўлларини бақувват қилди, вужудини соғлом ва кучли қилди. Зардуштга юқориси ва куйи оқимлари бир-биридан чексиз олис (яъни, жуда узун), минг одам бўйича чуқур Рангха дарёси суви остидан туриб сув юзидаги қилча ингичка ва нозик тўлқинни ҳам кўра оладиган Капа балиғи кўзининг ўткирлигини ато айлади” [10:84-92].

“Чистанинг порлоқлиги, унинг шарафини улуғлаб мен ҳам аҳдимга муносиб эҳсонлар қилай, ижобат йўлида мақбуликка лойиқ эзгу ишлар қилай”,- дейди артабон (Ҳақпараст имонли инсон). “Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик. Муқаддас ўлмас малоикалар яратган Маздага намоз йўллайлик. Аҳура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи Ҳаққа намоз бағишлайлик...”.

Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал йўлида намозини Зардушт кимга баҳшида қилди? Бу Мазда ва муқаддас малоикалар яратган Чиста эди. Зардуштга Чиста чакқон оёқлар берди, хушёр қулоқлар берди, қўлларини бақувват қилди, вужудини соғлом ва кучли қилди... Чиста Зардуштга тун зулмати ичра шаррос

ёмғир ёғиб турганда, қор бўралаб турганда, муз тўрлари ойна юзини қоплаганда тўққиз ўлка масофасича олисдан туриб, ерга тушиб қолган ингичка қилни, хатто унинг устини тупроқ қоплаган бўлса ҳам, отнинг ёлидан тушганми ёки думидан тушган қилми – ажрата олиш қудратини берди ва ҳ.к. Ушбу неъмат шарафига, “Чистанинг порлоқлигини, унинг шарафини улуғлаб мен ҳам аҳдимга муносиб эҳсонлар қилай, ижобат йўлида мақбулликка лойиқ эзгу ишлар қилай”.

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик биз ҳам. Мазда ва муқаддас ўлмас малоикалар яратганга намоз йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи ҳаққи намоз бағишлайлик...”.

Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал йўлида намозини Зардушт кимга баҳшида қилди? Бу Мазда ва муқаддас малоикалар яратган Чиста эди. Зардуштга Чиста чаққон оёқлар берди, хушёр қулоқлар берди, қўлларини бакувват қилди, вужудини соғлом ва кучли қилди... Чиста Зардуштга бургутнинг кўзидек ўткир кўз берди. Бургутки, тўққиз мамлакат ҳудудидек олисдан туриб игнанинг учидек кўринадиган кўз илғамас ўлжани ҳам кўра олиш даражасидаги ўткир нигоҳни Зардуштга баҳшида қилди... Бу неъмат учун намозим баҳшида қилай, намозимки, муносиб ва мақбул бўлгай [6:126-128].

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик биз ҳам. Мазда ва муқаддас Ўлмас Малоикалар яратган Чистага намоз йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи ҳаққи намоз бағишлайлик...”.

Волия Хвова чуқур ихлосу донишмандлик билан кимга намоз ила илтижо қилди? Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал йўлида намозини Хвова кимга баҳшида қилди? Хвова Мазда ва муқаддас малоикалар (Амеша Спенталар) пайдо қилган Эзгу Чистага намоз йўллади. Токи, Заратуштрага валийнеъмат Чиста унинг (одамларга келтиргувси эзгуликлари воситаси бўлмиш Ҳақ ҳукмига мувофиқ фикрлашни, Ҳақ ҳукмига мувофиқ сўзлашни, Ҳақ ишни қилмоқни ўргатсин.

Бу неъмат учун намозим баҳшида қилай, намозим бўлсин муносиб қабул.

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик биз ҳам. Мазда ва муқаддас Ўлмас Малоикалар яратган Чистага намоз

йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи ҳаққи намоз бағишлайлик...” [2:371-378].

Узоқларга (Зардушт таълимоти) Ахура Мазда Ҳақиқати Арта Ҳақлигини одамларга етказиш, уларда эзгу ниятлар уйғотиш учун жўнатилган *отурбонлар* (муқаддас оловга – Отарга, унинг ўчиб қолмаслигин таъминлашга жавобгар оташкада мулозимлари) тану жонлари соғ ва бакувват бўлишини сўраб кимга ибодат қилишади? Отурбонлар Мазда ва муқаддас малоикалар (Амеша спенталар) пайдо қилган Эзгу Чистага ҳусни қабул бўлсин дея, намоз йўллайдилар.

“Энг имонли Чистага бағишлаб намозу назру ниёз қилайлик биз ҳам. Мазда ва муқаддас Ўлмас Малоикалар яратган Чистага намоз йўллайлик. Ахура Маздага ихлос қўйганлар Арта Ваҳиштаси ҳаққи, дуоларимизни гўзал қилиб тўлдиргувчи ҳаққа намоз бағишлайлик...”.

Юрт подшоси, мамлакат ҳукмдори эл-юртининг тинчлигини сўраб, ўз танисоғлигини илтижо қилиб, кимга намоз бағишлайди? Мамлакат подшосининг, юрт ҳукмдорининг Чистага намоз бағишлаши ўзи бир неъматки, бу неъмат учун (мен ҳам) муносиб намоз баҳшида қилгайман. Мен намозни, дуо-ю такбирларни олқишлайман, Мазда ҳамда Маздани эъзозловчи муқаддас ўлмас малоикалар ҳамда жаннатий Ҳақ Арта Ваҳишта яратган ўта такво эгаси энг имонли (маъбуда) Чистани, унинг ҳаётий куч-қудратини олқишлайман. Чистага бағишланган Яшт сатрларида шундай улуғ куч-қудрат ифодаси борки, баъзи ўринларда гап олий илоҳий мақом номидан бораётгандек назаримизда.

Маъбуда Чистанинг тарихий-ижтимоий асослари ва функционал таҳлилига келсак, махсус алқов мазмунида унга ихлос, эътиқод ифодаси бўлмиш намоз ва хайру эҳсонларни амалга ошириш поғоналашган тарзда ошиб борувчи кетма-кетликда баён этилади. Яъни, Зардушт ўзидан ибрат қилиб Чистага намоз бағишлаб бундай мурожаат этади: “(Эй Чиста), ўз тахтингдан кўзғал, имонли бандалар руҳи маконидан сиртга чик, сен Чиста, энг имонли зотсан. Сени Мазда ва унинг малоикалари яратганлар. Мендан олдинда бўлсанг кутиб тур, ортимда бўлсанг етишгил менга. (Сўнгра) Мен билан сенга барча эзгуликлар имкони борича ҳамроҳ бўлсинлар. Иккимизнинг йўлларимиз

равон бўлсин (йўлларимизнинг тупроғи енгил бўлсин). Тоғ-у тошда, чўл-у биёбонда, чакалакзор-у ўрмонда йўлларимизни осон топайлик, дарё-ю анҳорларни осон кечайлик!” [8: 255-259].

Зардуштнинг ушбу сидкидилдан ўқилган намози илтижо дуолардан иборат бўлиб, эътиқодга келган имонли зардуштий ҳам Чистага намоз бағишлашга жазм этади ва ўз номидан бу маъбуда шаънига мактовлар айтади: “(Имон ваъдамга кўра) мен сенга эҳсонлар келтирдим, токи ул даргоҳингда қабул бўлсин. Чунки сен эҳсонимга энг лойиқ имонли Чистасан. Сени Мазда ва унинг ўлмас малоикалари яратганлар. Унга хаома ва сут, барсман навалари, ақлу идрок, эзгу сўзлар, эзгу дуолар бағишлаб, эзгу амалларга даъват этганлар”. Бу намоз ибратидан сўнг Чиста шаънига ибодат қилиш нияти жамоага ўтганини кўриш мумкин. Энди Зардушт эмас, “мен” эмас, “биз” олмоши орқали йўналтирилган намоз маросими Чистага эътиқод ифодасига айланади: “Биз энг имонли Чистага хайру дуолар, ихлос намозларимизни бахш этамиз. Мазда ва ўлмас малоикалар яратган Зотга намоз йўллаймиз. Биз Аҳура Маздага имон келтирганларга элтгувчи Арта Ваҳишта учун Чистага намоз йўллаймиз. Намозимиз зора ажрини тез топса, солиҳ бандаларни хавф-у хатардан асраса...”. Аҳура Мазда “мақсадни тез топгувчи, эҳсонларни қабул этгувчи, оқил, машхур, ҳар ишда чаккон ва сидкидил, муқаддас, поклик ибрати, эзгу ниятларни тез ижобат этгувчи...” каби сифатлар билан таърифланади. Шу манзарадан кейин Чиста шаънига намоз туркуми яна Зардуштдан бошланади. Жамоатга таъкидлаш мақсадида савол тарзида бошлов берилган: “Зардушт кимга муқаддас намоз йўллади? У кимки, имон учун (камарбаста), кимдирки, унинг ниятлари, сўзи, амали эзгуликдир. Бу хислатлар хурматига Зардушт кимга намоз йўллади?” [7:29]. Ушбу таъкидий саволдан кейин Чиста алқовида афтидан муъбадлар томонидан киритилган изоҳли парча келади. “Бу имонли Чистадир - Мазда ва муқаддас малоикалар яратган. У (яъни Чиста) Зардуштнинг қадамларига чакконлик бахш этган. Қулоқларини (ғайб) товушларини эшитгич қилган, кўлларига куч бағишлаган, тан-у жонини соғлом этган, кўзларининг боши ва адоғи бир-биридан жуда олис, чуқурлиги минг одам бўйини кўмгудек Ранха дарёси тубидан туриб сув юзидаги от ёлидек нозик

(ингичка) қилт этган тўлқинни кўрадиган (муқаддас балик) капанинг кўзларидек тиник қилган”. “Ушбу Чистадан ҳосил бўлган неъматлар учун, - дейилади давомида, жамоат номидан, мен ҳам (яъни, зардуштий имонли банда) Чистанинг нурафшонлигига мақбул намозлар йўллаб, шукроналар қилгумдир [9:240].

Хулоса қилиб айтганда, зардуштийлик Авестанинг гувоҳлигига кўра, илоҳий функцияларнинг гендер универсаллигидан босқичма-босқич феминистик чекловлар томон ривожини йўлидан борган. Бу тенденция Ардвиге Сура ва Ашиларда нисбатан аниқ ифода топган. Бироқ Чистанинг эзгулик бағишлаш қурби қудрати булардан кўра кучлироқ. Унинг ҳаракат доираси кенгрок ва ҳимоят қудрати баландроқ. Бунинг сабабини зардуштийлик диний амалиёти барқарор даражаларга етган пайтларда бир туркум маъбудаларнинг аёллар дунёсига ҳомийлик жиҳати кучайиб боргани ҳолда, бошқа бир туркумнинг фаоллигида гендер моҳиятнинг универсаллиги сақланиб тургани билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Авеста. Яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2001. -126 б.
2. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.371-378.
3. Авеста. Избранные гимны. Перевод И.М.Стеблин-Каменского с предисловием В.А.Лившица. Душанбе. 1990. -139 с.
4. Авеста: Избранные гимны // Пер. с авестийского и комментарии проф. И.М.Стеблен - Каменского. – Душанбе, 1990. - 175 с.
5. Авеста в русских переводах. Раздел зороастрийская мифология. – СПб., 1989. - 481 с.
6. Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. – М.: ГРВЛ., 1972. – С.126-128.
7. Исҳоқов М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати. / Гулистон, 2003. - № 1. – Б. 29.
8. Заратуштра. Учение огня. Гаты и молитвы. Подготовлена группой ученых в составе А. Шапошникова, И. Евсой, Д. Дудко. Москва: «Эксмо», 2008. – С.255-259.
9. Свами Прабхавананда. Гаты Заратустры // Священные писания Востока: Краткий путеводитель / Пер. с англ. –М.: ООО Изд. дом. «София», 2004. - 240с.
10. Уразова Р.Т. Зардуштийликда маъбудалар ва уларнинг ижтимоий-тарихий таҳлили. Тошкент: ЎзМЭ таҳририяти., 2014. – Б. 84-92.

Dono Usmandjanovna KALANDAROVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN
teacher of the department UNESCO Chair on
Religious Studies and the Comparative Study of World
Religions
d.qalandarova@iiia.uz

ВИРТУАЛ МАКОНДА ДИН ВА ИЖТИМОЙ ИДЕНТИКЛИК ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ РЕЛИГИИ И СОЦИАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ В ВИРТУАЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ

RELIGION AND SOCIAL IDENTITY ANALYSIS IN VIRTUAL SPACE

Аннотация: Мақолада виртуал макон ва кибермаконнинг онтологик хусусиятлари, хусусан, онтологик моделнинг борлиқ ҳамда мавжудликни дақиқ нуқталарини орқали, технократик, деконструктив ва психоаналитик моделлар кўринишларида таҳлил қилинган. Шунингдек, идентиклик ва идентификациянинг жараёнининг мазмун моҳияти ва механизмлари уларни амалдаги жараёнларида бирламчи ўринда мобил мессенжерлар орқали амалга ошириш хусусиятлари еритиб берилган.

Калит сўзлар: кибермакон, виртуал макон, идентиклик, дин, идентификация, формал идентиклик, инфологема, контент, таҳлил, диний идентиклик.

Аннотация. В статье анализируются проявление технократических, деконструктивных и психоаналитических моделей бытия и существования онтологических особенностей виртуального пространства и киберпространства виртуального пространства и киберпространства, в частности, онтологическая модель. Кроме того освещены, сущность идентичности и содержание процесса идентификации в киберпространстве, а также их проявление через мобильные мессенджеры, анализируя занятием первостепенного место в текущих процессах.

Ключевые слова: киберпространство, виртуальное пространство, идентичность, религия, идентификация, формальная идентичность, инфологема, контент, идентичность, религиозная идентичность.

Abstract: The article analyzes the manifestation of technocratic, deconstructive and psychoanalytic models of being and existence of ontological features of virtual space and cyberspace of virtual space and cyberspace, in particular, the ontological model. In addition, the essence of identity and the content of the identification process in cyberspace, as well as their manifestation through mobile messengers, are highlighted, analyzing the primary place in current processes.

Key words: cyberspace, virtual space, identity, religion, identification, formal identity, infologeme, content, identity, religious identity.

Бугунги кунда жаҳонда ахборот коммуникация технологиялари улардан оқилона фойдаланиш нуқтаи назаридан дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшиши билан бир каторда, бир мунча мураккаб ва зиддиятли характерга эга бўлган жараёнларни келтириб чиқармоқда. XXI аср ахборотлашган жамиятда ахборот ресурслари нафақат инсонлар учун маълум вазифаларни амалга ошириш воситаси, балки ижтимоий, маданий, диний соҳадаги маълумотлар билан барча ёш ва тоифадаги шахсларнинг онгу шуурига таъсир қилган ҳолда уларнинг дунёқарабини ўзгартириш, ижтимоий характер ва идентикликни шакллантириш воситаси ҳам эканлиги реал воқеликка айланди. Шу сабабли ахборотлашган жамиятнинг инъикоси сифатида намоён бўлаётган инсон онгига манипулятив таъсирнинг инсон идентификациялашув жараёнидаги трансформацион хусусиятларни илмий концептуал тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёдаги давлатлар ахборотлашган жамиятнинг турли босқич ва сифат даражасига эришган экан, бошқа томондан бутун инсониятга янги оқим сифатида кириб келаётган десекуляр эътикод шакли инсониятнинг ахборотлашув маданияти билан кўп ҳолларда синкретлашди. Диний

омил ахборотлашган жамиятнинг феноменал характерига айланди. Шунинг учун ҳам бу икки глобал феноменал ҳодисанинг бирлашуви виртуал шаклда дин омилининг инсонлар онги орқали уларнинг ижтимоийлашуви ва идентиклигига кучли таъсир қила бошлади. Ушбу муаммонинг долзарблиги яқин беш-олти йил ичида фалсафа, социология, диншунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Тадқиқотларда жамият виртуаллашуви ва дин билан боғлиқ жараёнларни тарихий, диний, фалсафий, социологик ва психологик нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кибермакондаги дин билан боғлиқ жараёнларда ўзига хос феноменал ҳолат касб этаётган ижтимоий вазият, дин омилининг геостратегик хусусиятлари контент ва тизимли таҳлил орқали янгича ёндашув, замонавий методологик асос ҳамда миллий, умуминсоний, ижтимоий тараққиёт негизлари асосини ўз ичига олган тадқиқотларга бўлган заруратни янада кучайтирди. Зеро, “Ахборотлашган жамият”, деб ном олган жамият ривожланиш босқичларига назар солинса, аввало ғоя ва унинг манипулятив хусусиятлари бирламчи ўринни эгаллашда ўз исботини топмоқда [1:3].

Ўзбекистонда дин омилининг тарихий, маданий, миллий-ментал ролининг ниҳоятда кучлилигини эътиборга олинса, ахборотлашган жамият маданиятининг ажралмас бир соҳаси сифатида дин мавзуси ва унинг интернет орқали жамият онги, турмуш тарзи, ҳуқ-атворига таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Қолаверса, давлат сиёсатида диний соҳага катта эътибор қаратилиб, диний плюрализм, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойиллари асосида миллий ва диний кадриятларни қайта тиклаш жараёнларини ҳам чуқур тадқиқ этиш, шунингдек, жамиятга ҳолис етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани, Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлаб, фаол иш олиб борилаётганида ўз аксини топади [2:3].

Ижтимоий нуқтаи-назардан кибермакон деганда компьютер тармоғи орқали бир-бири

билан боғланган ва бир вақтнинг ўзида турли географик нуктада кесишувчи ҳар қандай мавжуд компьютернинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган кишилар жамоаси тушунилади.

Кибермаконнинг моҳиятини ёритиб беришда унинг онтологик хусусияти бирламчи ўринни эгаллайди. Онтологик моделни бошқаларидан фарқи шундаки, у борлиқ ҳамда мавжудликни дақиқ нукталарини ҳам ёритиб бериш хусусиятига эга. Шу нуқтаи назардан, кибермаконнинг учта онтологик модели бўлиб, уларга технократик, деконструктив ва психоаналитик моделлар киради.

Ижтимоий идентиклик таҳлилида аввало “идентиклик” ва “идентификация” каби атамаларни тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг ўртасидаги фарқ моҳиятан эмас, балки, семантик ва амалий жиҳатдан фарқ қилади. Масалан, иккиси ҳам ягона феноменолик реаллик бўлсада, биринчиси, идентиклик натижа бўлса, иккинчиси, идентификация жараён ҳисобланади. Тарихий ва ижтимоий маданий шароитлардан келиб чиқиб, инсониятнинг қуйидаги, яъни, этник идентиклик, лингвистик идентиклик, диний идентиклик, миллий идентиклик, маданий идентиклик, конфессионал идентиклик, трансцендентал идентиклик каби турлари мавжуд бўлиб, жамият виртуаллашуви натижасида идентиклиكنинг янгича кўринишлари намоён бўлади [3:261]. Шу сабабли ижтимоийлашув жараёнида шахснинг ўз идентиклигини англаши асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки бунга англаш натижасида индивид “мен кимман” деган саволга жавоб олади. Бу борада кибермакон нафақат коммуникация канали, балки инсонга реал борлиқ ва виртуаллик каби алоҳида муҳит сифатида ўз вазифасини бажаради. Бу муҳитдаги идентификацияланиш эса, шахсий, ижтимоий ва тил компонентларини қамраб олади. Кибер макондаги коммуникация индивидга реалликдан фарқли ўлароқ хоҳлаган статусни бериш имконига эга. Бунинг натижасида индивидлар кўп маротаба виртуал идентикликларини конструкция қилишга имконли бўладилар.

Идентиклик миллий, этник, касбий, ҳудудий, диний – конфессионал, гендер ва

бошқа турларга бўлиниб, ўз қамровидаги инсонларни иқтисодий сиёсий, маиший, маънавий маданий, ментал жиҳатдан ҳаёт тарзида маълум стереотиплар ҳосил қилиши, фикрлаш, ҳуқуқ атиёт, психологик ҳолатлар ўхшашлиги натижасида, ижтимоий гуруҳ ёки қатламлар яратилиши билан характерланади. Идентикликнинг қандай характер ёки хусусиятга эгаллиги, қайси турга мансублигидан қатъи назар шу идентикликка мансуб индивид ўзининг функционал ёки визуал амалиётида бирор бир гуруҳга мансублигини намоён этади. Ижтимоий антропология нуқтаи назаридан идентиклик турларга бўлинишидан қатъий назар, табиий ва сунъий идентиклик кўринишларига ҳам бўлинади. Табиий идентикликка, миллий, диний, гендер идентикликни қамраб олса, сунъий идентикликка касбий ва маданий идентикликларни мисол қилса бўлади. Шунингдек, бунга жамиятда ўз ўрнига эга инсонларнинг ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларга аъзолиги, ёпиқ гуруҳлар ва.х.к ларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотчилар С.Страйкер ва П.Беркларнинг фикрича идентиклик атамасини қўлланилишининг уч тури мавжуд бўлиб, улардан,

биринчисига шахснинг ўзи мансуб гуруҳ ёки ўзга гуруҳлар ҳақидаги билимлари ва уларга муносабатлари тушунилади;

иккинчиси, шахсни бир ижтимоий гуруҳга мансублиги ва унинг сабабияти тушунилади;

учинчисига, шахснинг айнан ўзи ҳақидаги фикри ва мансуб гуруҳи билан муносабати, яъни, миллий, этнокод, ижтимоий мавқеи тушунилади [4:63]. Шунингдек, ижтимоий идентикликнинг асосий ҳаётий функциялари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради. Биринчиси, адаптацион функция бўлиб, янги ижтимоий жараёнларга мослашувда ўз ифодасини топади. Иккинчиси, ориентатив функция бўлиб, бу ижтимоий маконда ўз ўрнини топишда номоён бўлади. Тизимлилик функцияси эса инсонни “Мен”ини мансублигини белгиласа, мақсадлилилик функцияси ўз ўзини тутиш моделини шакллантиради, ўз ўзини моҳиятини тушуниш ва прогнозлашни экзистенциал функция бажаради.

Юқоридаги вазифаларни бажариш билан бир қаторда ижтимоий идентиклик

фундаментал моҳиятида когнитив, мотивацион ва ғоявий қадриятларни қамраб олган, базавий, функционал, шахсий блоклардан иборат.

Ахборотлашган жамиятда дин омили туфайли юзага келаётган ижтимоий идентиклик инкирози функционал блокларининг ўзгариши билан юзага келади. Яъни, индивидуал-шахсий ва базавий блокларнинг ўзгариши билан изоҳланади ва келтириб ўтилган мансублик даражаларининг, гуруҳлар характерининг ўзгариши натижасида химоя мотивацияси турткиси билан трансформацион кўринишлар содир бўлади.

Масалан, ижтимоий тармоқлардаги диний мазмундаги ахборот таъсири натижасида миллий идентикликнинг “формал идентикликка” ўзгариши натижасида, этник, регионал, миллий, оилавий мансубликнинг трансформацияси натижасида анъанавий қадриятлардан, “ноанъанавий” кўринишларга ўтилади.

Шу нуқтаи назардан ахборотлашган жамиятда дин омили натижасида юзага келган диний идентиклик ҳам ўзига хос хусусияти шу нуқтада намоён бўлади. Ижтимоий идентиклик назариясида шундай фикр мавжудки, индивидлар ёки гуруҳлар ўзлари мансуб бўлган идентикликни ўзлари учун энг мос ва тўғри образ деб ҳисоблар эканлар. Уларнинг назарида бу идентиклик уларнинг ҳаётий меъерлари, эътиқодлари, идеаллари, орзу умидлари ва келажақдаги режалари билан боғланиб кетган ҳамда ўзлари танлаган идентиклик уларга қатта истикбол йўли сифатида, энг афзал ҳақиқат йўли бўлиб кўринади. Бевосита дин ва идентиклик масаласи борасидаги таҳлил аввало диний идентиклик атамаларига ойдинлик киритишда муҳим аҳамият касб этади. Диний идентиклик атамасига доир яна бир атама, 2002 йили Р.Розер томонидан илмий лексиконга киритилган “маънавий идентиклик”, ҳисобланади. Бу атама билан Р.Розер, ҳар бир индивидуал шахс томонидан глобал, умуминсоний, умуммаданий қадриятлар ва борлиқнинг экзистенциал моҳиятини онгли равишда тушунишига нисбатан айтилади [5:53].

Шу нуқтаи назардан олимнинг фикрича, айнан юқоридаги масалаларни англашида дин бевосита муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди. Яъни, маънавий идентиклик, диний идентиклик,

конфессионал идентиклик каби қарашларнинг асосий илдизи ва бошқарув системасини юзага келтирувчи омил дин ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, юқоридаги идентиклик турлари ахборотлашган жамиятда бир вақтнинг ўзида ягона ёки синкретик кўринишда ҳам намоён бўлиши мумкинлиги билан аҳамиятлидир.

Чунки, ахборотлашган жамиятда “кибермакон” феномени замонавий инсоннинг янги ҳаётий аспектидан бирига айланди. Айнан кибермаконда жамият виртуаллашуви, ижтимоий коммуникация воситаси сифатида трансформацион функцияни амалга ошира бошлади. Яъни, “Реал мен” ва “виртуал мен” каби феноменологик кўринишларни юзага келтириб, электрон коммуникация технологиялари замонавий мулоқотнинг парадигмаларини тўлақонли ўзгартириб юборди. Идентификацион жараёнларнинг кибермакондаги кластер модели қуйидагича намоён бўлади: ижтимоий-касбий, оилавий-уруғ аймақчилик, миллий-минтақавий, диний-ғоявий, гендер ва маънавий. Ахборот жамиятнинг идентификацион жараёнлари турли хил бўлиб, интернет муҳит, “кибермакон” ёки “виртуал ҳақиқат” деб аталувчи турларга боғлиқлигида ўз ифодасини топган. Инсонга хос бўлган, ўзини тутиш ва ўзини таалуклилик даражаси шаклланиб бориши ва ўзига хос хусусиятни ҳосил қилиш “кибермакон” учун алоҳида характерлидир. Чунки, кибермакон ахборот муҳитини ташкил қилувчи элементлар сифатида инсон фаолиятида борлиқни англашга доир мулоҳазалар, турли интернет ўйинлари ва шунга ўхшаш мулоқотга киришиш объектларида намоён бўлади. Юқоридаги каби виртуал муҳитда шахс феъл-атвори ахборотни қидириш, қайта ишлаш ва уни юбориш билан чекланибгина қолмасдан, билимларни қабул қилиш, трансляция қилиш, таҳлил ва индивидуал хулоса қилиш имкониятини ҳам яратди. Айнан шу “хулоса” қилиш жараёнида диншунос мутахассис ва тажриба масаласи етишмаслиги ҳисобига, ҳозирги кунда ёшларда ижобий билан бирга, айрим салбий хулосалар шаклланаётганлиги ҳам кузатилмоқда.

Инсонни киберижтимоийлашуви информацион коммуникация технологиялари

ҳамда замонавий ахборот оқими таъсирида шахснинг онг структураси ва индивидуумнинг мотивацион-эҳтиёжлар матрицасини ўзгариш жараёнларининг ҳаёт контекстида намоён бўлиши тушунилади.

Айнан шу жараёнларда тадқиқотчи Е.В.Кузнецованинг фикрича, маданий диффуз ҳолат юзага келиб, анъанавий диний эътиқод емирилиши натижасида миллий идентиклик асоси бўлган анъаналарнинг “детемпорализацияси” ҳамда “делокализацияси” юзага келади [6:52].

Ахборотлашган жамият ижтимоий идентиклигининг конструктивлиги амалга ошиш механизми, В.З.Коган томонидан илмий амалиётга киритилган “инфологема” таъсирида амалга оширилади. Инфологема, махсус артефактларга асосланган, сифатсиз ёки ёлғон ахборот ҳисобланади.[7:51] Инфологемалар, манипулятив таъсир кўрсатиш учун махсус амалга оширилиб, нафақат жамият, балки, авлодларнинг мустақам стереотипларини, индивидуал ва ижтимоий ахлоқий нормаларни трансформация қилиб, авлодлар деориентациясига олиб келади. Айнан инфологемалар орқали инсон ўз хатти ҳаракати ва болаётган воқеликка ўзи рационал баҳо бераётганидек туюлади. Ижтимоий психологик инфологемаларнинг ғоявий, сиёсий, диний турлари мавжуд бўлиб, асосида, инсонларда ксенофобик кайфият ва айбдорни топиб жазолаш кайфиятини уйғотиш каби мақсад ётади.

Юқоридаги мисолларнинг аксарияти мобил мессенжерларда амалий ифодасини топмоқда. Хоссатан, ўсмирлар ва ёшларни ахборот билан таъминловчи асосий маълумот манбаига айланиб улгурганлиги, ёшлар орасида мулоқот ўрнатишда доминантлик қилаётганлиги, фойдаланувчиларнинг дунёқарашини шаклланишига, атрофдагиларга муносабати ҳамда жамиятга ижтимоийлашувини тезлаштирувчи ўзига хос механизм сифатида намоён бўлаётгани яққол далил бўла олади. Шунинг учун ҳам, мобил ижтимоий тармоқларнинг аудиторияси аъзоларининг хулқига ва мотивига таъсир қилаётган электрон хабарлар, улар орасида бўлаётган суҳбат мавзулари ва мобил ижтимоий тармоқ

саҳифаларида фойдаланилаётган турли хил расмлар (аватарлар)ни контент-таҳлил методидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият эгади. Чунки, интернет глобал тармоқ сифатида ўз фойдаланувчиларига қатор имкониятларни тақдим қилади. Хусусан, интернетдан фойдаланиш орқали аноним тарзда турли шаклдаги ахборот ва ғояларни (сиёсий, илмий, маданий, диний ва бошқа) тарқатиш мумкин. Шунингдек, ўзини қизиқтирган ҳар қандай маълумотларни тез ва осон қўлга қилиши мумкин. [9:2].

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мобил мессенжерлар ёшлар орасида мулоқот қилиш учун асосий хизмат тури вазифасини бажариб, сетеголизм ёки тармоқларга тобелик каби хулқ-атвор шаклланиб қолиши каби зарарли оқибатларни юзага келтириб, ҳаётий мезонларининг бирига айланиши натижасида, ахборотлашган жамият ижтимоий идентиклиги шаклланишининг бирламчи ўрнини эгалламоқда. Ахборотлашган жамиятда дин омили мобил мессенжерларнинг механизмлари ижтимоий идентикликнинг конструктивлигига трансформацион таъсир кўрсатиши натижасида, анъанавий диний идентиклик виртуал идентиклик орқали формал идентиклик ҳосил қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Dono, K. (2020). FEATURES OF INFORMATION EXCHANGE ASPECTS IN THE INFORMATION SOCIETY. Ижтимоий фанлар, 2(3).
2. Kalandarova, D. (2020). FEATURES OF ASPECTS OF INFORMATION EXCHANGE. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.
3. Кузнецова Е.В. Коммуникация как условие определения идентичности субъекта на современном общественном этапе. // Вестник Башкирского университета. 2015. Т. 20. №1. – С. 261.
4. S.Stryker., P.J.Burke. The past, present and future of an identity theory // Social Psychology Quarterly. 2000. Vol. 63.
5. P.E.King, R.W. Religion and spirituality in adolescent development // Handbook of adolescent psychology. R.M.Lerner. Hoboken. 2009. Vol. 1. P. 53.
6. Иванова Н.Л. Психологическая структура социальной идентичности. Автореф. дисс. докт. псих. наук. Ярославль. 2003. – 52 с.

7. Ситкевич Н.В. Мировоззренческие контексты инфосоциогенеза. Гуманитарные ведомости ТГПУ. им. Л.Н. Толстого. №2. 2015. – С. 51.
8. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96>
9. Alimova, M. F., Qalandarova, D. U., & Alimjonova, L. (2020). CONTEMPORARY ISSUES OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN. Solid State Technology, 63(6), 265-272.
10. Alimova, Mahfuza and Nigmatullayev, Ibrohim (2019) «CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/ijau/vol2019/iss1/13>
11. Yovkoshev, Sh. (2018). Islam in Uzbekistan: the history and modernity. The Light of Islam, 2018(1), 2.

Мумин Мирзо АБДУПАТТАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ҳузуридаги Малака ошириш маркази
ўқитувчиси
mirzo21@mail.uz

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ХРИСТИАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

ВЗГЛЯДЫ АБУ РАЙХАНА БИРУНИЯ НА ХРИСТИАНСТВО

ABU RAYHAN BIRUNI'S VIEWS ON CHRISTIANITY

Аннотация: Беруний энциклопедик олим сифатида кўплаб асарлар ёзиб қолдирди. Динлар тарихи билан боғлиқ асарларида христианлик динининг пайдо бўлиши, кенгашлари (соборлар), ибодат маросимлари, муқаддас китоблари ва христиан оқимлар ўртасидаги зиддиятларни ёритган. Мингйиллар аввал пайдо бўлган христианлик анъаналарини мерос қилиб олган авлиё Павел тўғрисида ҳам фикрлари мавжуд. Мақолада Берунийнинг христианликка оид қарашлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Абу Райҳон Беруний, христианлик, синод, ибодат, Инжил, Матто, Маркус, Луқа, Юҳанно, масиҳий, динлар тарихи.

Аннотация: Как энциклопедист, Беруни написал много работ. В своих трудах по истории религии он подчеркнул противоречия между возникновением христианства, саборами (саборами), молитвенными церемониями, священными книгами и христианскими конфессиями. Он также думает о св. Павле, унаследовавшем христианские традиции, возникшие тысячи лет назад. В статье анализируются взгляды Беруни на христианство.

Ключевые слова: Аль-Бируни, христианство, синод, поклонение, Евангелия, Матвей, Марк, Лука, Иоанн, история религий.

Abstract: As an encyclopedist, Beruni wrote many works. In his writings on the history of religions, he emphasized the contradictions between the emergence of Christianity, councils

(cathedrals), prayer ceremonies, holy books, and Christian denominations. He also thinks about St. Paul, who inherited Christian traditions that arose thousands of years ago. The article analyzes the views of Beruni on Christianity.

Keywords: Al-Biruni, Christianity, Worship, Gospels, Matthew, Mark, Luke, Jhon, History of Religions.

Мусулмон дунёсида исломдан бошқа динлар тарихини ўрганишга пойдевор қўйган Абу Райҳон Берунийнинг асл исми Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ал-Хоразмийдир. Беруний 362 ҳижрий сана, Зулҳижжа ойининг 3 кун (милодий ҳисобда 973 йил, 4 сентябр) Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида дунёга келган. 443/1048 йили декабр ойида Ғазнада вафот этган [13:180-190].

Беруний фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борган. Масалан, астрономия, география, тарих, математика, Ҳандаса. Бундан ташқари, Беруний мусулмон олимлари ичида биринчилардан бўлиб, исломдан бошқа динларни ўрганишнинг пойдеворини яратган.

Берунийнинг христианликка оид алоҳида китоби бўлмасада, бу дин ҳақида ўзининг асарларида етарлича маълумотлар берган. Масалан, “Ал-Осор ал-бокия ан ал-қурун ал-ҳолия” (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) ва “Қонуни Масъудий” асарларида христианлик учун алоҳида боблар ажратган ва бу борада кенг маълумотлар берган. “Ат-Тафҳим лиаваили синаат ат-танжим” (Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар) асарида эса фақат христианлик маросимлари киритилган.

Христианлик сўзи юнонча “christos” сўзидан олинган. “Christos”, ибронийча “мешиах” сўзининг маънодоши бўлиб, Исога нисбатан қўлланган “Масиҳ” (силанган) сифатини ифода этади. Шунинг учун, бу динга эътиқод қилувчилар христианлар ва диннинг номи эса христианлик деб номланган.

Берунийга кўра, христиан сўзидан аввал “насор” сўзи Исога эргашганларга нисбатан қўлланилган. “Насоро” сўзи, Исонинг туғилган юрти бўлган Қуддус яқинидаги Носиро (Назарет) қишлоғига нисбатан ишлатилган исм ҳисобланади. Шунинг учун, Исо бутун ҳаёти давомида “носиралик” деб чақирилган [8:1577]. (Қаранг: Матто Инжили 26:71., Марк Инжили

1:24, 10:47., Луқа Инжили 4:33, 18:37., Юҳанно Инжили 1:45, 18:5).

“Насроний” сўзи насоро ёки носиралик маъносида ҳам ишлатилади. Шу жиҳатдан, Исо йўлидан юрган одам ёки жамоат насроний деб аталади. Беруний буни қуйидагича тушунтиради: “У (Исо) Байтул Макдис яқинидаги Носиро деган қишлоқда дунёда келган. Унга одамлар доим носиралик Исо деб мурожаат қилишган. Ушбу нисбат туфайли унинг халқи насроний номи билан машхур” [3:179].

Қуръони каримда христиан (масихий) сўзини ифдалаш учун “насоро” ёки “насроний” сўзлари қўлланилган. “*Ва улар: “Жаннатга яҳудий ва насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмайди”, дедилар...*” [9:17]; “*Улар: “Яҳудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз”, дейдилар...*” [9:8]; “*Ва “Биз насронийлармиз” деганлардан (ҳам) аҳдларини олдик...*” [9:110].

Берунийнинг сўзларига кўра, насронийлик ёки насронийларни назарда тутувчи “насоро” сўзи Исога эргашган барчага нисбатан қўлланилган умумий исмдир [3:179]. Бугунги христианларнинг муқаддас китоби Янги Аҳдда (Инжил) юнонча “христианос” (масихий) сўзи уч жойда келади. Инжилнинг Хаворийлар фаолияти қисмида, “Шогирдларга биринчи марта Антиохия шаҳрида “масихийлар” деб ном берилди” [8:1793], “Агриппа Павлусга: - Сен дарров мени масихий бўлишга кўндирмоқчисан-а, - деди” [8:1823]. Ва, Бутруснинг биринчи мактуби қисмида, “Аммо масихий бўлганингиз учун азоб чексангиз, бундан уялманг” [8:1981]. Бундан кўринадики, христианлик атамаси Исо даврида эмас, аксинча кейинчалик авлиё Павел томонидан шакллантирилган. Аслида, Исога эргашган кишиларга биринчи марта христиан (масихий) номи милодий 40-44 йиллар оралиғида Антиохияда маҳаллий бутпарастлар томонидан берилган [8:1793] ва 60-йиллардан кейин кенг қўлланила бошланган [5:3].

Демак, христиан атамаси милодий I асрнинг иккинчи ярмига келиб оммавий равишда истеъмолга кирган. Шундай қилиб, христиан ва насоро атамалари тубдан ажралиб турсада, битта диннинг турли қирраларини ифода этади. Дастлабки христиан тарихчилардан бўлган Эпифаниус маълумотларига кўра, кейинчалик яҳудийлар Исога эргашган жамоани

“насронийлар” деган маънони англатувчи “йешуанлар” (эргашувчилар) номи билан аташган [12:25].

Беруний юқори мартабали христиан руҳонийлари қарорлар қабул қиладиган йиғилишларнинг *синод* (яъни собор ёки кенгаш) деб номланишини ҳам мусулмон олимлар ичида биринчилардан бўлиб таъкидлаган. Христиан мазҳаблари ўртасидаги низоларни бартараф этиш ва Муқаддас китоблар нечталигини аниқлаш учун чақирилган бу соборларнинг ўтказилиш вақти, жойи тўғрисида маълумотлар беради [4:348]. “Унинг (синод) маъноси, янги пайдо бўлган ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ишлар сабабли руҳоний, епископ ва бошқа мартабали уламоларнинг йиғилишидир” [1:294]. Айтиш мумкинки, Берунийнинг юқоридаги тавсифи христианлик соборларининг умумий тушунчаси билан мос келади.

Бундай соборлар Берунийгача саккизтани ташкил қилган. “Бундай йиғилишлар фақат маълум вақтларда бўлиб ўтган. Бўлиб ўтган вақтлар қайд қилиб борилган. Баъзан бу йиғилишлар Исони табаррук қилиш ва унга тобеълик қилиш мақсадида ўтказилган” [1:294]. Беруний давригача бўлган соборлар қуйидагилар: Никея собори (325), Биринчи Константинопол собори (381), Эфес собори (431), Халдикон собори (451), Иккинчи Константинопол собори (553), Учинчи Константинопол собори (680), Иккинчи Никея собори (787), Тўртинчи Константинопол собори (869) [14].

Беруний христианликдаги руҳонийлар даражаларини ҳам баён этади. Уларнинг сони куйи даражадан то энг юқори даражагача тўққизтани ташкил этишини, аммо дастлабки уч даража йўқолиб кетиш хавфида эканлигини ҳам айтади. “Насронийларнинг улуғ руҳонийлар мартабаларининг биринчиси *Тасулта*, иккинчиси *Қоруна*, учинчиси *Ҳийвуфдиёқта* (Ҳебукдиагон), тўртинчиси *Шаммас*, олтинчиси *Қисс*, олтинчиси *Усқуф*, еттинчиси *Митрон* (Митрополит), саккизинчиси *Жаслийқ* (Католик) ва тўққизинчиси *Батрук* (Патриарх). Мен улардан аввалги учтасини ўз халқи кам эслаётганини билдим” [2:250]. Бугунги кунга келиб, руҳонийлар даражалари ҳар бир христиан йўналишларида фарқ қилади.

Беруний Инжил тўғрисида, христианларнинг каноник Инжилларини ҳам тадқиқ

килган. Ўзининг “ал-Осор ал-боқия ан ал-курун ал-холия” китобида Муқаддас китобнинг Янги Аҳд қисми, Тўрт каноник Инжил тўғрисида ўз фикрларини баён этади. Тўрт Инжил ҳақида Беруний шундай дейди: “Шубҳасиз, Инжил насронийлар назарида тўрт нусхадан иборат мусхафдир. Биринчиси Маттога, иккинчиси Марқусга, учинчиси Лукога, тўртинчиси Юҳаннога тегишли. Аслида, ушбу тўрт муаллиф Инжилни ўз шаҳри аҳолисининг илтимосига биноан ёзган. Уларнинг ҳар бири Масихнинг фазилатлари, даъватлари ва пайғамбарлик ишларини ўз ичига олади” [1:22]. Берунийнинг сўзларига кўра Инжил Исонинг туғилишидан то вафотигача бўлган хабарларини ўз ичига олган матндир.

Мусулмонлар Инжилни икки жиҳатдан тушунадилар. Биринчисига кўра, Инжил Қуръонда баён қилинган, Исога фаришта Жаброил олиб тушган муқаддас китобдир. Қуръони каримда Инжил тўғрисида бир қанча оятлар бор. Моиди сурасининг 46-оятда, *“Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўзидан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда издош қилиб юбордик ва унга Инжилни – ичида ҳидоят ва нури билан ўзидан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда тақводорлар учун ҳидоят ва насиҳат (манбаи) қилиб бердик”* [9:116] деб, марҳамат қилинади. Бундан ташқари Қуръони каримнинг Оли Имрон, Аъроф, Тавба, Фатҳ ва Ҳадид сураларида Инжил тўғрисида оятлар бор. Иккинчи жиҳат эса, Берунийнинг қарашларига мувофиқ, тўрт Инжилдан ташкил топган китобдир. Бу икки қарашни умулаштириб айтиш мумкинки, даставвал Инжил Исога Жаброил воситасида нозил қилинган муқаддас китоб бўлган. Лекин вақтлар ўтиб бу китобга катта ўзгартириш киритилган. Асли бутунлай ўзгартириб юборилган ёки бутунлай йўқотилган. Шундан сўнг бугунги каноник Инжил муаллифлари Исо ҳаётини ҳикоя қилувчи Инжилларни ёзганлар. Диншунос олим сифатида Беруний, иккинчи қарашни, яъни Янги Аҳд асосан тўрт Инжил тўплами деган фикрни таъкидлайди. (Чунки у пайтда ҳақиқий Инжил йўқ, унга эътиқод қилувчилар ҳам деярли қолмаган эди).

Беруний мазкур тўрт Инжиллар биргаликда Инжил деб номланишини, унинг шаклланиши ва Инжил муаллифлари тўғрисида қуйидаги

маълумотларни келтиради: “Уни (Инжилни) яшаш жойи ва тиллари турлича бўлган тўрт киши, Фаластинда ибронийчада Матто, Румда (Анадўли) рум (лотин) тилида Марқус, Искандарияда юнончада Луко, Эфесда юнончада Юҳаннолар ёзган. Кейинчалик сўзлар ва маънолар жиҳатидан фарқ қилувчи мазкур тўрт Инжил икки муқовада бирлаштирилиб, уларнинг ҳаммаси бир ном билан Инжил деб номланди” [2:54].

Бугунги кунда ҳам, Инжил тўғрисида гапирилганда Берунийнинг маълумотлари қабул қилинади. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бугунги христианлар Янги Аҳдга Матто, Марқус, Луко ва Юҳанно Инжилларидан ташқари яна 23 та китобларни ҳам киритадилар.

Ушбу маълумотлардан сўнг, манбаларга асосланиб, тўрт Инжил муаллифлари тўғрисида Берунийнинг қарашларини ўрганамиз.

Матто (Матвей) Инжили. Христианликнинг Муқаддас китоби Эски ва Янги Аҳддан иборат. Янги Аҳд тўртта Инжилдан таркиб топган. “Улардан биринчиси Матто томонидан ёзилган бўлиб, унинг номига нисбатан “Матто Инжили” дейилади. Матто ушбу Инжилни Фаластинда ёзган. Матто Инжили иброний тилида ёзилган, чунки унинг ёзилган жойидан ибронийчада ёзилганлиги маълум” [2:252].

Бугунги кундаги мавжуд энг қадимий Инжил юнончада бўлсада, Инжилларнинг баъзилари ибронийда ёзилган. Муҳаммад Абу Захро ўзининг “Муходарот фи ан-насроия” китобида Берунийнинг фикрини маъқуллаб, “Матто Инжили Байтул Макдисда иброний тилида ёзилган” [7:50], дейди. Шунингдек, ал-Ҳиндий (1306/1889) ўзининг “Изҳорул Ҳақ” асарида, “Матто хушхабарининг асл нусхаси ибронийда ёзилган. Аммо у йўқолган. Ҳозирги юнонча таржима қачон ва ким томонидан амалга оширилгани аниқ эмас” [10:74] деб, маълумот беради.

Беруний Матто Инжилнинг ёзилган ери Фаластин деб айтсада, Матто Инжили Юнонистон ёки Шомда ёзилган дегувчи тадқиқотчилар ҳам йўқ эмас [11:178].

Марқус (Марк) Инжили. Беруний, Марқус Инжил соҳибларининг иккинчиси эканлигини таъкидлайди. Аммо турк тадқиқотчиси, доктор Акрам Сарикчиўғлу ўзининг “Ибтидодан бугунги кунга қадар динлар тарихи” асарида “Марк Инжили Матто Инжилдан аввал ёзилган, биринчи Инжилдир” [6:313] дейди.

Беруний Қонуни Масъудий асарида Маркус Инжили Румда рум (лотин) тилида ёзилганини таъкидлайди [2:252]. Аммо, Муҳаммад Абу Заҳро, “Маркуснинг Инжили юнончада ёзилган. Биз насроний олимларнинг бу ҳақидаги қарама-қарши фикрларига гувоҳ бўлмаганмиз. Маркус Инжилни Рум диндорлари илтимосига биноан юнон тилида ёзган. Бироқ, лотин тилида ёзилган деган фикрлар ҳам йўқ эмас” [7:51], дейди.

Бу икки фикрни умумлаштирадиган бўлсак, Беруний даврида юнон тили икки лаҳжага бўлинган. Биринчиси Фаластин ерларида муомалада бўлган лаҳжа юнон, иккинчиси Рум (Кичик Осиё ёки Анадўли) ерларида муомалада бўлган лаҳжа эса румий деб номланган.

Луқо (Лука) Инжили. Беруний Янги Аҳд Инжилларининг учинчиси Луқо Инжили эканлигини таъкидлайди [1:22]. Бугунги Каноник Инжилларнинг учинчиси ҳам Луқо Инжилдир. Луқо ўз Инжилини Искандарияда ёзган. Авлиё Павел уни табиб деб номлаган. Беруний, Луқо ўз Инжилини юнончада ёзганини келтиради [2:252]. Бугунги кунда ҳам христиан олимлар Луқо Инжили юнончада ёзилганини таъкидлайдилар [6:314]. Аммо, Луқо Инжили лотин тилида ёзилган деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

Юҳанно (Иоанн) Инжили. Янги Аҳд сўнги Инжилининг муаллифи Юҳаннодир. Берунийнинг ёзишича, Юҳанно ўз Инжилини Эфесда ёзган [2:264]. Муҳаммад Абу Заҳро эса, Юҳанно Инжили Румда ёзилганлигини таъкидлайди [7:51]. Тарихий манбаларга кўра, римликлар Қуддусни эгаллаб олганларида Юҳанно Фаластин ерларини тарк этиб, Эфесга йўл олади. Шу даврда у ўз Хушхабарини ёзган [6:314]. Юҳаннонинг Инжили юнон тилида ёзилганлиги бир овоздан қабул қилинган. Чунки унинг ёзилиш услуби, аввалги уч Инжилдан фарқли равишда эллинистик фалсафа услубида ёзилган [11:178]. Юҳанно Инжили тўғрисидаги ихтилоф унинг тилида эмас, аксинча унинг муаллифидадир. Бунинг сабаби, Янги Аҳдда иккита Юҳанно борлигидир. Биринчи Юҳанно – ҳаворий бўлган. Иброний тилида сўзлашган. Иккинчи Юҳанно эса ҳаворий Юҳаннодан қариб икки аср кейин яшаган ва юнон тилида Инжил ёзган. Бугунги кунгача кўпчилик, Юҳанно Инжили ҳаворий Юҳаннога тегишли деб ҳисоблайди. Бу хато фикр ҳисобланади [6:314].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, христианликнинг пайдо бўлиши, аъёнлари, руҳонийлар мартабалари ва муҳим кенгашлари тўғрисида Берунийнинг асарлари муҳим ҳисобланади. Христианликда ибодат ва маросимларни бошқарувчи руҳонийлар фаолияти муҳимдир. Христианлик ибодатларининг пайдо бўлишини тарихий ҳамда минтақавий жиҳатдан тавсифи, христианлик маросимларининг хронологияси тўғрисида Беруний “ал-Осор ал-боқия ан-қурун ал-ҳолия” “Қонуни Масъудий” ва “Ат-Тафҳим лиаваили синаат ат-танжим” асарларида кенг маълумотлар берган. Бундан ташқари, юқоридаги уч асарида ёритган христианликнинг Муқаддас Китобининг тили, ёзилган минтақалари, Инжиллардаги ихтилофларни баён қилган услуби бугунги кунда ҳам христиан олами томонидан кенг қўлланилмоқда.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Abu Rayhon Beruniy. Al-Osorul al-boqiya an al-qurun al-xoliya. Leyptsig. 1878.
2. Abu Rayhon Beruniy. Al-Qonun al-Mas'udiy. I jild. Qohira. Amir G'ozzi Vaqfi, 1954.
3. Abu Rayhon Beruniy. At-Tafhim liavaili sinaat at-tanjim. Noshir R. Remzi. London. 1998.
4. Abu Rayhon Beruniy. Tanlangan asarlar. I jild. Tarj. A.Rasulov. Toshkent. O'zbekiston fan nashriyoti, 1968.
5. Aşirov Tahir. Tarihte ve Günümüzde Rus Ortodoks Kilisesi. Bursa. Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2002.
6. Ekrem Sarıkçıoğlu. Başlangıçtan Günümüze Dinler Tarihi. Istanbul. Fakülte Kitabevi, 2002.
7. Muhammad Abu Zahro. Muxodorat fi an-nasroniya. Riyod. 1404 h.
8. Muqaddas Kitob. Muqaddas Kitobni tarjima qilish instituti. 2016
9. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. Tarjima va tafsir muallifi Shayx Abdulaziz Mansur. Toshkent. “Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi”, 2016.
10. Rohmatulloh ibn Xalilurrohman al-Hindiy. Izharul Haq. Bayrut. Dorul Jayl, 1989.
11. Şaban Kuzgun. Dört İncil Farklılıkları ve Çelişkileri. Ankara. Fazilet Neşriyat, 2008.
12. Şinasi Gündüz, Mahmut Aydın. Misyonerlik, Hristiyan Misyonerler, Yöntemleri ve Türkiye'ye Yönelik Faaliyetleri. Istanbul. Kaknüs Yayınları, 2002.
13. Yoqut Hamaviy. Mu'jam al-udabo. Bayrut. Dorul g'arb al-islomiy, 1993.
14. wikipedia.org

Raziya MATIBAeva,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD, docent of
the the department of Arabic language and literature
Al-Azhar. matibaevarb@rambler.ru

АБУ ХАНИФА СИЙМОСИННИНГ МАНОҚИБЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

ОСВЕЩЕНИЕ ОБРАЗА АБУ ХАНИФЫ В МАНАКИБАХ

LIGHTING OF THE IMAGE OF ABU KHANIFA IN MANAKIB

Аннотация: Нумон ибн Собит Абу Ханифанинг таржимаи ҳоллари алоҳида китоблар ва биографик тўпламларда мақолалар шаклида кўп ёзилган ва ҳанузгача ўрганилмоқда. Мустақил Ўзбекистонда ҳам, Шарқ ва Ғарбда ҳам унинг ҳаётини объектив ўрганиш йўлга қўйилган ва унинг илмий маънавий меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада ҳам Абу Ханифа сиймосини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Калит сўзлар: Абу Ханифа, ҳанафийлар, муҳаддислар, ривоят, оят, сунна, ҳадисшунослик, мазҳаб, ислом ҳуқуқи, диний ҳуқуқий усуллар.

Аннотация: Жизнеописание Нумана ибн Сабита Абу Ханифы в виде как отдельных книг, статьей в биографических сборниках было написано немало и поныне изучается. В независимом Узбекистане также, как на Востоке и Западе уже налажено объективное изучение его жизнедеятельность. В этой статье мы также постараемся пролить свет на образ Абу Ханифы.

Ключевые слова: Абу Ханифа, ханафиты, мухаддисы, риваят, аят, сунна, хадисология, мазҳаб, исламское право, религиозные правовые методы.

Abstract: The biography of Numan ibn Sabit Abu Hanifa in the form of separate books, articles in biographical collections has been written a lot and is still being studied. In independent Uzbekistan, as in the East and West, an objective study of its vital activity has already been established. In this article, we will also try to shed some light on the image of Abu Hanifa.

Key words: Abu Hanifa, xanafity, muxaddisy, rivayat, ayat, sunna, hadithology, madhhab, islamskoe pravo, religioznye pravovye metody.

Мусулмон оламида Абу Ханифага (ваф. 767 й.) бағишлаб ёзилган асарлар жуда кўп. Абул Муайяд Маккий Хоразмийнинг (ваф. 1172 й.) «Маноқиб Абу Ханифа» [1:71] («Абу Ханифа манокби») асарида ҳам ҳанафийлик мазҳаби асосчиси ҳаётини ёритишга ўз эътиборини унга худди суфий шайхлари каби алоҳида назар ва ихлос билан қаратган. Шу нуқтаи назардан мазкур асар Абу Ханифа ҳақидаги энг қимматли манбалардан ҳисобланади. Шунингдек, Абу Ханифа манокиблари жанридаги аксарият асарлар шу манбага мурожаат қилган.

Ҳанафий мазҳабига оид манокибларда Абу Ханифа ҳаёти ва ижоди ҳақида билдирилган фикр ва мулоҳазалар орасида бир-бирига мувофиқ жойлари кўп бўлиши билан бирга айрим жиҳатлар бўйича ихтилофлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан Абул Муайяд Хоразмийнинг «Маноқиб Абу Ханифа» асари билан Шамсуддин Муҳаммад ибн Йусуф Димашкийнинг (ваф. 1548 й.) «Уқуд ал-жумон фи манокиб Аби Ханифа» [2] («Имом Аъзам Абу Ханифа Нуъмон манокибига оид дур маржонлари») асаридаги Абу Ханифа сиймосининг қиёсий таҳлили улар услубининг бир-бирига ўхшаш эканини кўрсатади. Зеро бу икки манокиб муаллифининг услуби ўхшаш ва улар бир-бирларига нисбатан яқин даврда яшаганлар.

Маноқиб жанрида ёзилган асарларнинг аксариятида асар бағишланган шахс даражасини кўтариш мақсадида Муҳаммад (с.а.в.) томонидан билдирилган фикр ва муносабатни келтириб ўтадилар. Абул Муайяд Хоразмийнинг «Маноқиб»ида ушбу жанрдаги асарларга хос равишда Абу Ханифа ҳақида Расулulloҳ томонидан айtilган ҳадислар берилади. Асарнинг 24 жойида саҳиҳ (ишончли) ҳадис тўпламларида учрамайдиган бу каби ҳадислар турли кўринишларда келади. Мазкур ҳадислар иснодлари билан, яъни «ровийлар занжири» билан асосланган ҳолда зикр этилган.

Ривоятлар орасида «мавқуф», яъни саҳобаларга бориб тақалувчилари ҳам бор. Масалан, Али ибн Аби Толиб Имом Абу Ханифанинг Куфадан чиқишини айтган ва у илм ҳамда ҳилмга тўла бўлиб, Абу Бакр ва Умар каби рофизийларни йўқотишини

айтган. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Аббос ҳам Расулulloҳдан кейин Абу Ҳанифа куняли киши барча хуросонликларга йўл ёритувчи тўлин ой (бадр) бўлишини, ҳатто «Таврот» китобида ҳам Абу Ҳанифа номи зикр этилганини айтган [3:19].

Бу каби ҳадислар, асосан, Абул Муайяд Хоразмийнинг «Жомеъ ал-масонид» асарида келтирилган [4:14]. Бошқа маноқибларда эса муаллифлар бу мазмундаги ҳадисларга танқидий ёндашув билан уларнинг тўқима (мавду‘) эканини тан олганлар. Жумладан, Шамсуддин Димашкий ўзининг «‘Уқуд ал-жумон» асарида бу ҳадисларнинг сохта экани ҳақида тўхталиб ўтган. Унинг айтишича, «Абу Ҳанифа маноқибини ёзган Абу Жаъфар Таҳовий, қози Абул Қосим ибн Абул Авом, Абул Қосим ибн Каъс, Абу Абдуллоҳ Саймарий, шайх Муҳйиддин Қураший ва бошқалар бу мазмундаги ҳадисларни ривоят қилмаганлар, улар ҳанафий олимлари бўлиб, ишончли танқидчилардир» [5:49].

Бу каби сохта ҳадисларнинг тўқилишига сабаб, кўринишидан, Абу Ҳанифа ҳақида билдирилган салбий фикрларга қарши унинг даражаси юксаклигини исботлашга бўлган эҳтиёж эди. Бу каби ҳадислар фақат ҳанафийларга хос бўлмай, Имом Молик, Имом Шофеий ва Имом Аҳмад каби бошқа мазҳаббошилар ҳақида ҳам тўқилган. Тадқиқотчи А.Ш.Жўзжоний ҳам ўз илмий ишларида Абу Ҳанифа ҳақида тўқилган ҳадислар мавжудлигини зикр этиб ўтади [6:124].

Абу Ҳанифага бағишланган маноқибларда унинг насаби, туғилиши, илм олиши, фазилатлари ва устозлари умуман олганда вафот этгунга қадар бўлган барча тафсилотлар кенг ёритилади. Айниқса, уни тобеинлардан бири эканини исботловчи далиллар – саҳобалар билан учрашгани ва улардан ривоят қилган ҳадислар келтирилади, яъни маноқибларда Абу Ҳанифанинг саҳобалардан ҳадислар эшитгани алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Абу Ҳанифанинг саҳобалар билан учрашишига унинг 699 йил туғилганини далил қилади. Чунки энг кеч вафот этган саҳобалар – Анас ибн Молик ва Жобир ибн Зайднинг вафоти 712 йилга тўғри келади. Яъни, Абу Ҳанифа охириги вафот этган саҳобаларни 13 ёшида учратиши мумкин эди. Хоразмий ўз асарида Абу Ҳанифа учрашган саҳобалар номларини зикр этиб ўтган [3:29]:

- 1) Анас ибн Молик;
- 2) ‘Амр ибн Ҳорис;
- 3) Абдуллоҳ ибн Анис;
- 4) Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис ибн Жуз Зубайдий;
- 5) Жобир ибн Абдуллоҳ;
- 6) Абдуллоҳ ибн Абу Авфо;
- 7) Восила ибн ал-Асқа‘;
- 8) Маъқал ибн Йасор;
- 9) Ойша бинт ‘Ажрад.

Маноқиблар муаллифлари Абу Ҳанифанинг шайхларини бошқа олимларникидан кўп эканини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Деярли ҳар бир маноқибда Абу Ҳанифанинг устоз – шайхларига алоҳида боб ажратганлар. Хоразмий ҳам Абу Ҳанифанинг шайхлари тўрт мингга етишини айтган [3:37]. Бу фикрни бошқа олимлар ҳам тасдиқлаганлар [7:34]. Лекин шундай бўлсада, Ҳанафий олимлар Абу Ҳанифа шайхларининг аксарияти тобеинлардан бўлганини тасдиқлашга ҳаракат қиладилар, чунки юқорида кўрганимиздек, саҳобалар билан учрашган Абу Ҳанифа энди тобеинлардан ҳам ривоятлар келтириши аниқ.

Абу Ҳанифа маноқибдаги яна асосий мавзулардан бири – бу унинг фикр илмида тутган ўрнини кўрсатиб беришдир. Бу мавзу ҳар бир маноқиб асарида кенг ёритилган ва жуда катта эътибор берилган. Ҳар бир маноқиб жанридаги асар муаллифи каби Хоразмий ҳам Абу Ҳанифа сиймосини мукаддаслаштиришга ҳаракат қилган. Чунончи, юқорида айтиб ўтилганидек, ал-Хоразмий Имом Абу Ҳанифа ҳақидаги ҳадисларни келтиришининг ўзиёқ олим сиймосига нисбатан билдирилган энг катта ҳурматнинг рамзидир.

Имоми Аъзам мустақил факих бўлган. Имом Шофеъий ҳам бу фикрни қўллаб, «Одамлар фикрда Абу Ҳанифа болаларидур», - деган. Шу боис Абу Ҳанифанинг фикрдаги ўрнини кўрсатиш мақсадида, олим ҳақида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Бунда Абу Ҳанифага салбий муносабатда бўлганларга қарши ҳужжат сифатида ишлатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим. Аввало, Абу Ҳанифа ҳадисларни билиши ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни, сўнгра унинг фикр ҳақида қоидаларга амал қилиши ва улардан фойдаланиш усуллари алоҳида кўриш лозим.

Ал-Хоразмий қуйидаги ривоят орқали Абу Ҳанифанинг одоб-ахлоқда тенги йўқ инсон

эканини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Фудайл ибн Ййод:

– Абу Ҳанифа фикҳ илмининг билимдони – фақиҳ бўлиб танилган, такводорлиги билан машҳур, мол-мулки кўп экани билан танилиб, кеча-кундуз таълим олиш билан машғул эди, кўпинча жим юрар, кам гапирар, ҳалол ва ҳаромга оид масалада жавоб берар, султон томонидан бериладиган молдан қочар эди, – деган [3:70].

Абу Ҳанифа ўзининг фикҳдаги ўрнини ўзи кўрсатиб берган. Масалан, «Агар Расулуллоҳдан ҳадис келса, уни бошқасига алмаштирмаган ҳолда оламиз, агар саҳобалардан келса, уни танлаб оламиз, агар тобеъинлардан келса, биз улар билан мусобақалашамиз», – деган [3:71]. Бу билан Абу Ҳанифа ўзининг «насс», яъни Қуръони карим оятларига эътибори кучли бўлиб, уларсиз ҳукм чиқармаслигига ишора қилган. Айтилган сўздан яна шунга англаш мумкинки, Имом Абу Ҳанифа ҳам тобиийлардан бўлиб, улар билан рақобатлашиш салоҳиятига эга бўлган.

Хоразмий Абу Ҳанифа сиймосининг ижобий томонларини кўрсатиш жараёнида унинг ҳар бир саволга ҳозиржавоб эканлигини алоҳида таъкидлаб, уни ҳар бир саволни жавобсиз қолдирмай тезда жавоб берувчи олим эканини кўрсатиб берган [8:20]:

Бир одам Абу Ҳанифадан:

– Жаннатдан умид қилмайдиган, Аллоҳдан ва дўзахдан қўрмайдиган, ўлимтикни ейдиган, руку ва саждасиз намоз ўқийдиган, кўрмаган нарсасига ишонадиган, ҳақни ёмон кўриб, фитнани яхши кўрадиган киши ҳақида нима дейсиз, – деб сўрайди.

Абу Ҳанифа ўз асҳобларига қараб, саволнинг жавобини сўрайди. Баъзилар уни куфр келтирган десалар, баъзилари жим қоладилар. Шунда Абу Ҳанифа:

– У киши жаннатдан умид қилмайди, балки Аллоҳ таъолодан жаннатни умид қилади, у дўзахдан эмас балки дўзахнинг эгасидан қўрқади, Аллоҳдан қўрқмаслиги эса унинг Одил ва барча нарсанинг устидан Ҳукмрон бўлган бу Зот унга зулм қилади деб қўрқмайди, ўлимтикни, яъни сувдан чиққан балиқни ейди, руку ва саждасиз намозни, яъни жаноза намозини ўқийди, кўрмаган нарсасига «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир» деб гувоҳлик беради, ҳақни, яъни ўлимни ёмон кўради ва ундан қочади, фитнани, яъни мол-дунё ва болачақани яхши кўради, – деди.

Шунда ҳалиги киши ўрнидан туриб, Абу Ҳанифа бошини ўпди ва шундай деди:

– Гувоҳлик бераманки, сиз илмни тушунадиган киши экансиз, сизга айтган гапим учун Аллоҳга истиғфор айтаман [3:91].

Ушбу ривоят орқали ал-Хоразмий Абу Ҳанифани нафақат фикҳий масалаларни балки айтилган нарсаларнинг ботиний томонларини ҳам яхши билишини кўрсатиб беришга урғу берган, Абу Ҳанифанинг мистик-суфиёна илмлардан ҳам хабардор эканини акс эттирган.

Ал-Хоразмий Абу Ҳанифанинг ҳозиржавоблиги билан бирга, унинг ривоятларни қабул қилишида ровийларнинг илми, фикҳи, таквоси ва даражасига ҳам алоҳида эътибор берганини таъкидлаб ўтган. Муаллиф Абу Ҳанифа даражасини юқори кўтариш ва ўз замонасида энг кучли олим бўлганини тасдиқлаш мақсадида турли олимлар, хусусан, Абу Ҳанифанинг Абу Амр Абду-р-Раҳмон ал-Авзойи (ваф. 773-74 й.) билан бўлиб ўтган илмий баҳсини келтиради. Ал-Авзойи Абу Ҳанифага:

– Нима учун намозда рукуъдан аввал ва кейин қўлни кўтариб (*рафъу-л-ядайн* қилиб) намоз ўқимайсизлар, – деди. Абу Ҳанифа:

– Ҳа, у ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.)дан саҳиҳ нарса (ҳадис) ворид бўлмаган, – деди. Ал-Авзойи:

– Қандай қилиб, менга аз-Зухрий, Солимдан, у отасидан Расулуллоҳ (с.а.в.) намозни бошлаганда, рукуъдан олдин ва кейин қўлни кўтарганлар, деганини ривоят қилди, – деди. Абу Ҳанифа:

– Бизга Ҳаммод Иброҳимдан, у Алқама ва Асваддан, у иккиси Абдуллоҳ ибн Масъуддан Расулуллоҳ (с.а.в.) намозни бошлаганда бошқа вақтда қўлни кўтармаганлар ва бунга бошқа қайтмаганларини ривоят қилди, – деди. Шунда ал-Авзойи:

– Мен сенга аз-Зухрийдан ҳадис айтсам, сен Ҳаммоддан ривоят қиласан, – деди. Абу Ҳанифа:

– Ҳаммод ибн Абу Сулаймон аз-Зухрийдан фақиҳроқ, Иброҳим

Солимдан фақиҳ, Алқама эса фикҳда Ибн Умар кабидир, фақат Ибн Умарнинг саҳобийлик фазилати бор. Ал-Асваднинг жуда кўп фазилатлари бор. Абдуллоҳ эса ўша сен билган Абдуллоҳдир, – деди. Абу Ҳанифанинг бу гапидан кейин ал-Авзойи жим бўлиб қолади [3:113].

Муаллиф бу ривоят орқали Абу Ҳанифа мазҳабида ишлатиладиган ҳадисларнинг ишончлилик даражасини кўрсатиб ўтмоқда. Абу Ҳанифа замонида унга ҳадис илмида ҳам тенг келадиган олим бўлмаганига ишора қилмоқда. Шу билан бирга ҳанафий мазҳабида ҳужжат қилиб ишлатиладиган ҳадисларнинг ровийлари фақиҳ бўлганини кўрсатмоқда. Бу ривоятни бошқа манокӣб олимлари ҳам ривоят қилиб ўтганлар [9:463].

Бу борада, шунингдек, Ибн Халдуннинг «Муқаддима» («Кириш») асаридаги «Абу Ҳанифа ўн еттита саҳиҳ ҳадис билган деган фикрлар бор» иқтибосини зикр қилиб ўтиш керак [10:352]. Муҳаммад Қосим Абдуҳ ал-Ҳорисий ҳам «Маконат Имом Аби Ҳанифа байна-л-муҳаддисин» («Имом Абу Ҳанифанинг муҳаддислар орасидаги ўрни») асарида бу фикрга илмий асосли раддиялар берган [11:660]. Унинг фикрича, Абу Ҳанифа ривоят қилган баъзи ҳадислар бошқа муҳаддис талабларига тўғри келмаслиги учун саҳиҳ ҳадислар қаторига киритилмаган бўлса-да, унинг ҳадис илмини билмаслиги ҳақида айтилган фикрлар асоссиздир. Абу Бакр ибн Абу Шайба (ваф. 849 й.) каби олимлар Абу Ҳанифани бутунлай жарҳ қилмаганлар, яъни ҳадисларини рад этмаганлар, балки баъзи ривоят қилган ҳадисларининг заиф эканини айтганлар [11:318]. Бу каби ҳолатлар «Сихҳоҳ ас-ситта» («Олти саҳиҳ тўпламлар») муаллифларининг баъзиларига нисбатан ҳам билдирилган. Ваҳоланки, мазкур муаллифларнинг асарлари ислом оламида энг ишончли манбалар ҳисобланади. Умуман олганда, олимлар Абу Ҳанифа ҳадис илмининг билимдони экани ҳақидаги ўз ижобий фикрларини айтиб ўтганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абул Муайяд Хоразмий барча манокӣбчилар сингари ўзининг «Манокӣб Аби Ҳанифа» асарида минтақамизда кенг тарқалган ҳанафийлик мазҳабининг асосчиси Имом Аъзам сиймосининг қирраларини ёритиб ҳар томонлама етук, билимли инсон эканини кўрсатиб берган [12:133]. Абу Ҳанифанинг фикҳ илмига қадам босиши ва унинг босқичма-босқич олиб борган ишларини келтириб ўтган. Ал-Хоразмий қайд этишича, Абу Ҳанифа манокӣбни унинг ўлими билан боғлиқ, яъни қозилик вазифасини қабул қилмай, рад қилгани учун дарра уришга буюрилган ва охир-оқибат бунинг натижасида 150 ҳижрий йили вафот

этган. «Уқуд ал-жумон» асарида эса ҳатто Абу Ҳанифа қабри устига макбара қурилгани ҳақидаги маълумот ҳам келтирилган.

«Манокӣб» асари Абу Ҳанифага нисбатан билдирилган айрим ноҳолис, салбий муносабатларнинг пайдо бўлиш сабабларини очиб бериб, уларга асосли раддиялар келтиради ва бу йўл билан ҳанафийликнинг бошқа мазҳаблар орасида ўзига хос ўрни борлигини кўрсатиб беради. Асарда келган ривоятлар минтақамизда Имом Абу Ҳанифа ва ҳанафийлик мазҳабига ҳурматнинг нақадар баланд бўлганини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Матибаева, Р. Б. Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» / Р. Б. Матибаева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74. — URL: <https://moluch.ru/archive/274/62293/>
2. Шамс ад-дин ад-Димашкий. Уқуд ал-жумон фи манокӣб Аби Ҳанифа. — Ҳайдаробод: Ал-маориф аш-шарқийя, 1974.
3. Абул Муайяд Хоразмий. Манокӣб Аби Ҳанифа. — Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1981 (бундан кейин: Хоразмий. Манокӣб).— Б. 15-25.
4. Абул Муайяд Хоразмий. Ал-Жомеъ ал-масонид. — Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, нашр йили кўрсатилмаган. — Т. I. — Б. 14.
5. Шамсуддин Муҳаммад ибн Йусуф Димашкий Шофеий. ‘Уқуд ал-жумон фи манокӣб ал-имом ал-а‘зам Аби Ҳанифа ан-Ну‘мон. — Б. 49.
6. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. —Т.: Тошкент ислом университети, 2002. — Б. 124.
7. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Ал-Мабсут. — Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийя, 2001. — Ж. 1. — Б. 34.
8. Matibaeva, Raziya (2019) “SACRALIZATION AND TRADITIONALIZATION OF PERSONALITY ABU KHANIFA IN MAVARANNAHR,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/jiau/vol2019/iss4/3>
9. Мустафо ас-Сибобий. Ас-Сунна ва маканатуха фи таширй ал-исламий. — Ар-Риёд: Мактабат ал-варроқ, 1998. — Б. 463.
10. Ибн Халдун Абду-р-Раҳмон. Муқаддима. — Байрут: Дору-л-авда, 1980. — Б. 352.
11. Муҳаммад Қосим. Маконат имом Аби Ҳанифа. — 660 б.
12. MATIBAYEVA, Raziya (2019) “THE DEVELOPMENT OF KHANAPHISM IN MAVARANNAHR,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 16. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/jiau/vol2019/iss3/16>

Феруза НИЗАМОВА,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ўзбек
тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

ФОРСИЙ ШЕЪРИЯТДА ҚАСИДА ВА ТАТАББУ САНЪАТИ

В ПЕРСИДСКОЙ ПОЭЗИИ КАСЫДА И ИСКУССТВА ТАТАББУ

IN PERSIAN POETRY QASIDA AND TATABBU ART

Аннотация: Бу мақолада Амир Хусрав Дехлавийнинг қасийда жанридаги улкан мероси ҳамда татаббу санъати ўрганишга ҳаракат килинган. Мақоланинг мақсади шоир асарларидаги мафкуравий ва бадиий усулни ўрганиш, шоирнинг қасийда жанридаги маҳоратини аниқлаш, шунингдек унинг қасийдаларини таҳлил қилиш орқали форс-тожик адабиёти тарихида унинг асарлари ўрнини аниқлашдан иборатдир. Шоирнинг асарларига, шу жумладан унинг қасийдаларига қизиқиш шоирнинг ўрта асрларда мустақил мактаб ярата олганлиги билан боглиқ.

Калит сўзлар: Форсий адабиёт, қасийда, татаббу, бадиий тимсол, назм, шоир, жанр, таҳлил, асар, тил.

Аннотация: В статье предпринята попытка кратко изучить огромное наследие Амира Хусрава Дехлави в жанре касиды. Целью статьи является изучение идейно-художественной системы произведений поэта, выявление мастерства поэта в жанре касиды, а также определение роли его произведений в истории персидско-таджикской литературы посредством анализа его касиды. Интерес к творчеству поэта, в том числе к его касиды, связан с тем, что поэт может создать самостоятельную школу в Средние века.

Ключевые слова: Персидская литература, касида, татаббу, образ, поэзия, поэт, жанр, анализ, произведение, язык.

Abstract: In the article, Amir Khusrav Dekhlavi's huge heritage in the qasida genre is tried to study briefly. The article aims to study the ideological and artistic system of the poet's works, to identify the poet's skills in the qasida genre, and also to define the role of his writings in the history of Persian-Tajik literature through analyzing his qasida. Amir Khusrav wrote in all the genres of Persian literature in his time. He is also a rarely found philosopher in the field of qasida writing. The poet's entire works are full of philosophical thoughts about God, the universe, the human being, the life, the earth, the love, and has become a unique heritage due to the perfect choice of words in his works.

Key words: Persian literature, qasida, tatabbu, imige, poetry, poet, genre, analysis, work, language.

Арабларда жоҳилия давридаёқ алоҳида мустақил шеърий жанр бўлиб, шаклланган қасийда ислом маданиятининг бир қатор шарқ мамлакатларига тарқалиши билан бу ўлкаларда яшовчи халқларнинг адабиётига, шу жумладан форсий шеъриятга ҳам дадил кириб борди ва янада сайқал топди [5:16].

Қасийда дастлаб араб адабиётида бўлганидек, бирон шахсни, кўпинча ҳукмдорларни васф этувчи шеър бўлиб, кўтаринки руҳ ва тантанавор оҳангда ёзилган. Кейинчалик қасийдаи ишқия, қасийдаи ҳолия, қасийдаи ҳамрия (май васфи), қасийдаи фаҳрия, қасийдаи ҳажвия, қасийдаи фалсафий, қасийдаи мавъиза каби қасийдалар юзага келган.

Қасийда ва қасийдагўйликка бағишланган махсус илмий асар мавжуд бўлмаса-да, тақираларда ва А.Крымский, А. Якубовский ва Э.Е.Бертельс каби рус шарқшунос олимларининг баъзи асарларида йўл-йўлакай бирор масала билан боглиқ ҳолда баён килинган фиклар мавжуд. Булар қасийдагўйликни ўрганишимизда биз учун катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, XII асрдан бошлаб тобора кенгрок ёйилиб келаётган тасаввуф руҳидаги фалсафий қасийдагўйлик XIII асрда ривожланади. Ўрта Осиё ва Эронга мўғулларнинг бостириб кириши маълум даражада шундай руҳдаги қасийдаларнинг ривожланишига сабаб бўлди, чунки босқинчилар зулмидан қутилиш йўлини тополмаган халқ онгида ягона ҳалоскор Аллоҳнинг ўзи, фақат ундан нажот

кутиб, унгагина суянмоқ кераклиги тушунчаси сингиб бормокда эди. Шунинг учун зулмдан кутилиш йўлини излаётган, ақл-идрокка асосланган фалсафий қасийдалар кўпроқ шухрат топа бошлади. Худди шу даврда Носир Хусрав ва Анварий қасийдалари анъанасини давом эттирган Жалолиддин Румий тасаввуф руҳидаги фалсафий қасийдаларнинг юксак намуналарини яратди. Қасийдагўйликдаги бу анъаналар XIV-XV асрларга келганда янада кенгрок ривож топди.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ўзининг сўфиёна фалсафий қасийдалари билан машхур бўлган шоирлар ҳақида гапиради. У қасийдаларнинг деярли ҳаммаси форсийда бўлиб, кўпроқ Хусрав Дехлавий, Салмон Соважий ва Абдурахмон жомий қасийдаларига эргашиб ёзилган. Мавлоно Зоҳидий Хусравнинг “Дарёйи аброр” қасийдасига қилган татаббуларининг муваффақиятли чиққанлигини алоҳида қайд қилади. Навоий шоир Котибий борасида ҳам тўхталиб: “... қасийдада, балки ихтиролар ҳам қилдива кўп яхши келди”, – деб ёзади. Бу асарда айтилишича, унинг қасийдалари ўзига хос услуб билан ёзилгани, янги мураккаб шеърий санъатлар қўлланилганлиги билан алоҳида диққатга сазовор бўлган. Унга кўпгина қасийдагўй шоирлар эргашганлар.

Навоий ўз тазкирасида, асосан фалсафий қасийдалар ёзиш билан шуғулланган кўп шоирларни келтиради. Амир Хусрав Дехлавий ва Жомийга эргашиб қасийдалар битувчи Фосих Румий, Мавлоно Юсуф, Бобо Шўрида каби шоирларнинг номларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Қўриниб турибдики, қасийдалар бу жанрга юзаки қаровчилар айтганидек, қуруқ мадддохликдан иборат булмай, чуқур ижтимоий ва фалсафий вазифани ҳам адо этган. Ўзининг эстетик имкониятига кўра бу жанр ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Қасийда жанри шаклан аа, ба, ва,га ва ҳ.к. тарзида қофияланиб, 20 байтдан тортиб 200 байтгача давом этиши мумкин. Қофияланиш шаклига кўра ғазал билан бир хил бўлса-да, тузилишига кўра қатъий таркибий қисмларга эга:

– лирик муқаддима (насиб, ташбиб) бир неча байтни ташкил этади;

- асосий мадҳга ўтиш қисми (гўризгоҳ), бир ёки бир неча байтдан иборат бўлади;
- асосий мадҳ қисми;
- ҳулоса (мамдуҳ қисми).

Адабиётшунослик илмида ғазал ва қитъа жанрини қасийдадан ажралиб чиққан деб ҳисобланади.

Форсий шеъриятда қасийданинг дастлабки намуналари Е.Э.Бертельс тахминича [4:9] эронийларга яхшигина ҳомийлик қилган халифа Маъмун (813-833) замонидаяк юзага келган. Бироқ улар сақланиб қолмаган.

Сомонийлар даври форсий шеъриятида “Одам уш-шуаро” номини олган Рудакий ижодидаёқ қасийданинг етук намуналарини кўрамыз. [6:24] Рудакийдан бошлаб (855-940) девон тузиш анъанасига кўра қасийда бошқа шеърий жанрлар қатори шеърлар девонини узвий қисмига айланиб қолди.

Ғазнавийлар даврига келиб қасийда шеъриятда етакчи жанрга айланган. Бунда ғазнавийлар саройида ижод этган “Малик уш-шуаро” унвонини олган машхур шоир Унсурийнинг хизмати катта бўлган (вафоти 1040). Ундан бизгача 50 тача қасийда етиб келган.

Қасийдаларни илмий тадқиқ этишга яқин ўтмишда кўпинча ҳукмдорларни мадҳ этишга қаратилган шеърий жанр сифатида кўпда аҳамият бермай келишган эди. Бироқ шундай мадҳиялар билан бир қаторда қасийдагўй шоирлар гап орасида дидактик оҳанглар, ҳукмдорларни йўлга солишга уриниш, уларга эзгу-қайфиятни уйғотишга қаратилган мисраларга эътибор беришган. Жумладан, Унсурийнинг Султон Маъсудга ёзган қасийдасида шундай мисоллар бор:

محالفان تو موران بدنند و مار شدند
برار رو دز موران مار کشته دمار
مده زمانش زين پيش روزگار مهر
که اژدها شود از روزگار بايد مار

Мазмуни: Мухолифларинг чумолилар эди, илонга айланишди,

Тезроқ илонларга айланган чумолиларни эзиб ташла.

Чунки илон, унга вақт берсанг, аждарга айлангуси. [3:17]

Кейинги асрларда қасийдагўйликка шу даражада аҳамият берилдики, алоҳида қасийдалар девони тузиш ҳоллари ҳам кенг ёйилди. Жумладан, Мавлоно Котибий

[3:12], Амир Хусрав Дехлавий, Мавлоно Шаҳоб Тушризийларнинг қасийдалар девони мавжуд. Алишер Навоий ҳам олтига форсий қасийдани бирлаштириб, “Ситтаи зарурия” номи билан асар тарзида тақдим этган. Носир Хусравнинг шеърлар девонидан эса 261 та қасийда жой олган. Ҳоконий, Заҳир Фарёби, Бадриддин Чочий, Асади Тусий ва Анварий каби қасийдагўй шоирларнинг шуҳрат топган қасийдалари сўз санъати муҳлисларинигина эмас, тазкиранавислар, тадқиқотчиларнинг ҳам фаҳрига айланди. Улар юксак маҳорат билан битилган қасийдаларни “қасийдаи масну”, “қасийдаи ғарро” (жўшқин) деб атаганлар (яъни, жўшқин услуб). Ғазалчиликда Амир Хусрав анъаналарига содиқ бўлган унинг кичик замондоши Салмон Соважий (1291-1376) қасийдаи маснуга асос солди. Қасийданинг бу турига ифода воситалари ва бадиий санъатларга шу қадар юксак даражада эътибор берилдики, асарнинг мазмуни, шоир ғояси, сўз санъатининг балоғат даражаси нури остида кўринмай кетади. У.Э.Бертельснинг тахминига кўра Салмон ўзининг 160 байтлик қасийдасига 120 та яққол кўриниб турган ва 281 та яширин бадиий санъат ишлатган [3:293]. Бундай қасийдалар ўз даврида жуда катта шуҳрат қозонган.

Кейинги асрлар адабиётида қасийданинг Унсурий замонасидаги етакчилигини қўлдан берган бўлса-да, бу санъатнинг усталари адаб аҳли тилидан тушмайди. Бошқа шеърӣ жанрлар орасида мустаҳкам ўрин тутиб тураверади.

Юқорида айтилганлардан шундай фикрга келиш мумкинки, қасийда жанри лириканинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан ривожланишида муҳим роль ўйнаган; ижтимоӣ ҳаётнинг долзарб масалаларига сиёсий ва фалсафӣ жиҳатдан таъсир кўрсатиб келган; тасвир объектига нисбатан шоирнинг муносабати орқали унинг шахсиятини очишда бебаҳо манба бўлиб ҳисобланади.

Амир Хусрав Дехлавий қасийдаларига бир назар ташлайдиган бўлсак, унинг қасийдалари ҳаётлик пайтидаёқ юзага келган бешта шеърлар девонидан жой олган [1:52]. Булар:

1. “Тухфат ус-сиғар” (“Ёшлик тухфаси”) – 1272 йилда ёзилган ва шоирнинг 15-19 ёшида кўпчилиги Султоний таҳаллуси билан битилган шеърларини ўз ичига олади.

2. “Васат ул-хайфо” (“Ҳаёт ўртаси”) - 1272-1286 йилда ёзилган шеърлар.

3. “Ғуррат-ул камол” (“Камолотнинг боши”) – 1302 йилгача ёзилган шеърлардан таркиб топган.

4. “Бақоеъи нақийе” (“Сараланган қолдиқлар”) – 1318 йилгача ёзилган шеърларни ўз ичига олади.

5. “Ниҳоят ул-камол” (“Камолот чўққиси”)

Бу девонларнинг барчаси шоир муқаддимаси билан бошланади. Бироқ қўлёзма фондларимизда унинг кейинги асрларда котиблар томонидан турлича таркибда тузилган девонлари сақланади. Масалан, қўлёзмалар институти фондида 54-инв. рақами билан сақланаётган қўлёзмалар қасийдалар, масалалар, кичик шеърӣ жанрлардан ташкил топган (тўртлик, латифа, ҳажвлар).

Амир Хусравнинг 15-19 ёшларида ёзган шеърларини ўз ичига олган биринчи девони “Тухфат ус-сиғар” (“Ёшлик тухфаси”)даёқ қасийдаларнинг учраши унинг бу жанрга жуда эрта аҳамият берганини кўрсатади. Бу қасийдалар Шайх Низомиддин Авлиёга бағишлангандир. Маълум шахсларнинг мадҳига бағишланган қасийдалар ўз имконини кенгайтириб, иқтисодӣ, сиёсий, ижтимоӣ мавзуларни ҳам ўз ичига олди. Лекин кейинчалик бу асар фақат бир шахсни мактаб ёзадиган бўлиб қолди. Қасийдани фақат шахс мадҳидан иборат деб била бошладилар. Шунинг учун бўлса керак қасийда жанрига аҳамият кескин камайиб қолди. Лекин Амир Хусрав қасийдаларда шахсларни мадҳ қилиш билан бирга бошқа мавзулар ҳам ёритилган.

“Амир Хусрав Дехлавийнинг яна “Баҳр ул-аброр” (“Саҳийлар денгизи”), “Мирот ус-сафо” (“Поклик ойнаси”), (“Анис ул-кулуб”) (“Қалблар улфати”) сингари шарофатли қасийдалари халқ ўртасида машҳур эканлиги, замон фозиллари бу қасийдаларга назира битиб, фасоҳату балоғат камолотига етказганликлари сабабли, ушбу тазкирада зикр этилмади” – дейилади “Тазкират уш-шуаро”да. Дехлавий “Мирот ус-сафо” ва “Баҳр ул-аброр” қасийдалари билан фалсафӣ-дидактик мавъиза қасийдалар ёзиш анъанасини мустаҳкамлади. Бу қасийдаларга кўплаб татаббулар ёзилди [3:293].

Шарқ адабиёти адабий анъаналарга жуда бой. Шулардан бири татаббучилик анъанасидир. Татаббу анъанасига кўра ўтмиш ва замондош шоирларнинг етук ва машҳур асарларига

ўхшатма ва жавоб тариқасида мустақил шеърӣ асарлар кўплаб яратилган. Маълум вақтларда оддий бир тақлидчилик деб қараб келинган бу адабий ҳодиса аслида мутлақо ижодий жараён эканлиги аллақачон исботланган. Бу ҳодиса натижасида юзага келган асар мавзусининг янги қирралари, ғоявий мотивлари, тимсолларнинг ёритилиши, бадий қийматининг оширилиши, ўз даври тарихий шароити ва адабий муҳити руҳининг сингдирилиши билан мутлақо янги мустақил асар тарзида намоён бўлади. Бу ҳодиса натижасида юзага келган асар мумтоз адабиётшуносликда татаббу деб атаб келинган. Татаббу тарзида юзага келган асарларни қайси асарга издошлик қилинган бўлса, ўша асар билан қиёсий ўрганиш бу адабий ҳодисанинг қонуниятларини белгилаб олишга кенг имкониятлар беради. Натижада татаббунавис шоирларнинг ижодига, бадий маҳоратига чуқурроқ аниқроқ баҳо бериш мумкин бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, адабиёт тарихида турли давр, муҳит ва ҳудудда ижод этган шоирлар томонидан ижтимоий-фалсафий фикрларни ифодаловчи асарларга бекиёс бир маҳорат билан издошлик тарзида юзага келган татаббулар мавжуд. Татаббу даврлар ва ҳудудлар оша чинакам ижодий мусобақа тарзида юзага келган. Форс ва туркий мумтоз адабиётда татаббуда ёзилган асарларнинг ёрқин намуналарини кўплаб учратиш мумкин. Бу форс адабиётида Низомий асос солган “Ҳамса” дostonларидан тортиб, сон-саноксиз ғазаллар, қасийдалар ва бошқа шеърӣ жанрларга ёзилган татаббулар учрайди. Бу адабий ҳодисани кўпгина дадбиётшунос олимларимиз илмий тадқиқ этган бўлиб уни турли жиҳатларини очиб беришга ўз ҳиссаларини қўшишган Эроншунос олим А.Шомухамедов таъкидлаганидек, яқин вақтгача ғарб олимлари татаббуга эпигонлик, кўр-кўрона тақлид деб, баъзилари эса таржима деб қараб келдилар. Татаббу ҳодисасини биринчи марта илмий жиҳатдан бирмунча кенг ёритган олим Е.Э.Бертельс бўлди. Олим татаббу (жавобия) ҳақида фикр юритганда назирани ҳам назарда тутган. Унинг Навоий тўғрисидаги қуйидаги фикри шундан далолат беради: Навоийнинг олти дostonи ҳам бошқа ажойиб лирик асарлари сингари татаббу усулида ёзилган. Европа шарқшунослигида татаббу муаллифларига “тақлидчи” тамғасини босиш кенг тарқалган эди. Форс мумтоз

адабиётидаги татаббу санъатини махсус ўрганган адабиётшунос олим А.Шомухамедов бу адабий ҳодисага қуйидаги таърифни берган эди [7:23].

“Татаббу – адабий доираларда шухрат қозонган асар намунаси ёки ўтмишдош ёхуд машҳур замондош шоирнинг маъқул топишган муайян бир шеърига шу прототип (тимсол) қолипидан, тасвирий воситаларидан фойдаланиб, айна вақтда унинг вазни, қофияси бор бўлса, радифи, ва ҳоказоларни сақлаб қолган ҳолда эргашиб ёзилган шеърӣ асардир. Татаббу тақлид эмас, дастлабки асарнинг мавзуси, ғояси ва тимсолларини ижодий ўзлаштириш жараёни, илҳом манбаи, адабий услублар, анъаналар, турли халқлар ва замонлардаги маънавий бойликларнинг уйғунлашувидир”. Турли жанрлардаги татаббу санъати ўзининг баркамоллиги билан шоирларнинг маҳорат мезони бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, татаббу бадий ижодда тақлид ёки алоҳида бир адабий жанр ҳисобланмасдан ўзига хос бир адабий метод ёки бошқача қилиб айтганда сўз санъатининг алоҳида бир ижобий ҳодисаси сифатида юзага келиб, адабиётнинг ривожига катта ўрин тутишни А.Шомухамедов бу мавзуга бағишланган махсус диссертацион тадқиқотида атрофлича илмий асослаб берган [8:24].

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Алиев Г.Ю. Персоязычная литература Индии. –М.: Наука, 1968. –С.52.
2. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Наваи и Джами. –М.: Наука, 1965.–498 б.
3. Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука, 1988.
4. Бертельс Е.Э. Хаким Унсuri из Балха. –В кн.: История литературы и культуры Ирана. –М., 1988. –С.9.
5. Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. –М.: Наука, 1965. –С. 16.
6. Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. –Т.: Ўздавбададабнашр, 1963. –Б. 24.
7. Шомухамедов А.Ш. Традиция татаббу в творчестве Алишера Наваи. –Т.: Фан, 1994. –С. 23.
8. Шомухамедов А.Ш. Традиция татаббу в творчестве Алишера Наваи. –Т.: Фан, 1981. –С. 23.
9. Шомухамедов А.Ш. Татаббу в персидской классической поэзии. –Т., 1983.
10. С.Айний. Намунаи адабиёти тожик. –М.: Наука, 1926. –С.96-97.

Абдумалик Адихамович ЭГАМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ТАСАВВУФИЙ ТАФСИРЛАР ТАРИХИ

ИСТОРИЯ СУФИЙСКИХ ТАФСИРОВ

HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF SUFI TAFSIRS

Аннотация: Ўзбекистондан етишиб чиққан алломалар ислом илмларининг ҳамма соҳалари бўйича улкан ишларни амалга оширганлар. Ҳадис, ақида, фикҳ, тафсир ва бошқа йўналишлар қаторида илмлари ҳам юртимизда камол топди. Ушбу мақолада юртимиздан чиққан буюк мутасаввуф олими, кубравий таълимотининг асосчиси Нажмиддин Кубро, унинг ҳаёти ва тасаввуфий Қуръон тафсири ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: Қуръони карим, тафсир, ҳадис, ақида, фикҳ, тасаввуф, тариқат, муфассир, таъвил, сура, аят.

Аннотация: Ученые, выросшие в Узбекистане, проделали большую работу во всех областях исламской науки. Наряду с хадисами, вероучением, юриспруденцией, тафсиром и другими областями в нашей стране также получили развитие науки суфизма. В данной статье представлена информация о великом ученом-мистике из нашей страны, основателе кубравийской доктрины Наджмиддина Кубро, его жизни и толковании мистического Корана.

Ключевые слова: Коран, тафсир, хадис, ақида, фикх, тасаввуф, тариқат, муфассир, тавил, сура, аят.

Abstract: Scholars from Uzbekistan have done a great job in all areas of Islamic science. Along with hadith, aqeedah, Islamic jurisprudence, tafsir and other areas, the sciences of sufism have also developed in our country. This article provides information about the great mystic scholar from our country, the founder of the Kubravian doctrine Najmuddin Kubro, his life and the interpretation of the mystical Qur'an.

Key words: Koran, tafsir, hadith, akida, fiqh, tasawwuf, tarikat, mufasssir, tawil, surah, ayat.

Юртимиз мустақилликка эришгач, маънавий кадриятларимиз, хусусан, диний кадриятларимизни тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар яратилди. Инсоннинг руҳий-маънавий юксалиши учун қайгуриб келган мутафаккирларимизнинг ижодий фаолияти ва ёзган асарларини ўрганиш йўлида хайрли саъй-ҳаракатлар бошланди. Шулар қаторида маънавиятимиз учун аҳамиятли бўлган кубравия, яссавия, нақшбандия тариқатларининг шаклланиш жарёни, тарихий ўрнини кўрсатиб берувчи бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тасаввуф адабиёти холисона тадқиқ этилмоқда, тасаввуфнинг инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб, жаҳоншумул шеърӣ асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлгани кенг қўламда таҳлил қилинмоқда.

Тасаввуф ғоялари бир бутунлиқни ташкил этадиган умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмидир. Тасаввуф ўз даврида бутун ислом оламини забт этиб, мусулмон кишиларининг руҳий дунёсини бойитди, ахлоқини тарбиялади ва барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар қурилди, йўлларда работлар, зовиялар қад кўтарди. Хонақоҳ ва работларда пиру-устозлар кўплаб шогирдларни тарбия қилиб маънавий камолотга етказди. Шу тариқа тасаввуф мусулмон мамлакатлари ижтимоий-маънавий ҳаётига чуқур кириб борди, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди.

Тасаввуф – диний эътиқод, ҳикмат (фалсафа), бадий ижод омухталигидаги ҳиссий-тафаккурий таълимотдир. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда ҳам тасаввуф шеърӣятига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Нафақат шарқликлар, балки жаҳондаги турли китъаларда яшовчи маънавий чашмалардан баҳра олишни истаган одамларнинг бу таълимотга иштиёқмандлиги, ўнлаб тасаввуфий асарларнинг таржима қилинаётгани, Агтор, Румий, Насимий, Машраб каби суфӣй шоирларнинг асарларига эътибор кучаяётгани фикримизни тасдиқлайди. Тасаввуфда турли йўналишлар, яъни зоҳидона тасаввуф, орифона тасаввуф ва риндона тасаввуф окимлари бўлгани каби сўфӣйлар ҳам турли қарашларга эга эдилар. Улар орасида зоҳидлар, мўътадил орифлар, исёнкор ошиқлар, девоналар, дарбадар қаландарлар, донишманд файласуфлар ҳам бўлган. Тасаввуф тарихига назар ташлар эканмиз, ислом динидаги мазҳаблар ва қарашлар хилма хиллиги сўфӣйлар ҳаёти ва дунёқарашига

таъсир этиб турганини кўрамир[1].

Тасаввуф - комиллик йўли, миллий, маънавий мерос, умуминсоний қадрият ҳамдир. Тасаввуф инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи фалсафий таълимотлар билан узвий боғланган. Тасаввуф инсоннинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни, ҳалоллик, меҳнат, виждон, иймон каби хислатларни фалсафий таҳлил этишнинг ўзига хос йўли бўлса, Нажмиддин Кубро янги йўналишга асос солган буюк мутафаккир алломадир. Ўз замонасининг «қутби» дея улуғланган буюк ватанпарвар, хивалик шайх Нажмиддин Кубро тасаввуфнинг машҳур тариқатларидан бири бўлган Кубровийлик тариқатининг асосчисидир. Нажмиддин Кубронинг бой маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш орқали тарихимиз, маданиятимиз, миллий қадриятларимизнинг нақадар мумтоз ва улуғворлиги, у зотнинг ҳаёти ўзлигини англаб етган инсон учун ибрат ва сабоқ эканлигини ҳис этилади.

Кубровий тариқати шайхларитомонидан бир қатор мутасаввуфлар тарбияланган. Жумладан, Маждиддин Бағдодий, Саъиддин Ҳамавий, Бобо Камол Жандий, Сайфиддин Боҳарзий, Нажмиддин Розий ва бошқа машҳур шогирдлар етишган.[2]

Нажмиддин Кубро қаламига мансуб илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарлари мавжуд бўлиб, у бу асарлари орқали инсон поклиги, илоҳий маърифат учун кураш, дунёвийлик билан илоҳийликни уйғунлаштириш, мардлик ва маънавий юксалишдан сабоқ берди. Унинг қуйидаги китоблари мавжуд: «Таволиъ ут-танвир», «Ар-Рубоъийёт», «Сиррул ҳадас», «Рисола мин муаллафоти Нажмиддин Кубро», «Ал-усули ал-ашара» («Тасаввуфнинг ўн асоси»), «Рисола илал хоим ил-хоиф мин лавмати ил-лоим» («Маломат қилувчининг маломатидан қўрқувчи ошиқ-рисоласи»), «Ҳидоят ут-толибийн» («Илм ўрганувчиларга тўғри йўл кўрсатиш»), «Адаб ул-муридийн» («Муридлар одоби»), «Сакинат ус-солиҳийн» («Солиҳларнинг сокинлиги, ороми»), «Минҳож ус-соликийн» («Солиқларнинг ёруғ ва равшан йўли»), «Истилоҳ ус-суфиййа» («Тасаввуф истилоҳлари»), «Одоб ус-сулук» («Сулук одоби ҳақида»), «Айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт бўлоғи»), Тафсир ул-Қуръон (12 жилдлик Қуръон тафсири) [3]. аммо бу асар хали бизларга номаълум «Ат-таъвилот ан-Нажмийя фит-тафсирил ишорий ас-сўфий» («Сўфийликка ишора қилувчи тафсир ҳақида Нажмиддин Кубронинг таъвили») деб номланади. Бу асарнинг қўлёзма нусхаси

Байрутда «Дор ал-кутуб» кутубхонасида сақланади[4]. Бу асар 2009 йил муҳаққиқ Аҳмад Фарид ал-Язидий томонидан таҳқиқ қилиниб, Ливаннинг Бейрут шаҳрида «Дор ал-кутуб ал-илмийя» нашриётида чоп этилган. Асар олти жуз бўлиб, саҳифалар сони 2464 та ва ҳажми 17х24. Нажмиддин Кубронинг қўлёзма асари «Моида» сураси билан бошланиб, «Нисо» сураси билан тугалланган.

Нажмиддин Кубро буюк мутасаввуф олим бўлиши бир қаторда улуғ муфассир ҳам бўлган. Бунга юқоридаги асари ҳам далил бўла олади.

Тафсир сўзининг луғавий маъноси «изоҳ», «шарҳ»дир. Арабларда илмий, фалсафий асарларга ёзилган шарҳлар ҳам тафсир деб аталган. Лекин истелоҳда «тафсир» Қуръондан кўзланган мақсадни инсон ўз ақли даражасида тушуниб, бошқаларга ҳам тушунтириб бериш, деб таърифланган[8]. Қуръонда ҳам «тафсир» - «шарҳ» мазмунида қўлланилган. Бу оятда **«Улар сизга бирон мисол келтирсалар албатта, Биз сизга ҳақ ва энг гўзал шарҳни келтириб қўйдик» (Фурқон 33 оят)[7].** Шунингдек тафсир сўзи билан боғлиқ яна бир ибора «таъвил» сўзи мавжуд бўлиб, у ҳам тафсир қилиш, шарҳлаш маъноларини билдиради.

Тафсир ва таъвил ҳақида имом Ал-Мотурудий шундай деган: «Тафсир бу сўзнинг маъноси қатъий мана шу дейиш ва Аллоҳ ўша сўздан мана шуни назарда тутган деб, гувоҳлик беришдир. Агар бунга далил бўлса, у ҳолда сўзи тўғри, акс ҳолда, у фақат ўзининг раъйи билан тафсир қилган бўлади. Бу ман этилган. Таъвил эса, бирор сўзнинг тахминий маъносини келтириб уни қатъий деб айтмай ва Аллоҳни назарда тутгани мана шу, деб гувоҳлик бермаган ҳолда ўша маънони бошқа маънолардан устун қилишдир.» [5].

Тафсир икки хил бўлиб, «Зоҳирий» ва «Ботиний» тафсирларга ажралади. «Зоҳирий» тафсирда оятларнинг луғавий маъносига эътибор берилса, «Ботиний» тафсирда оят калималарининг зоҳирий маъносидан ташқари ботиний маънолари ҳам борлигига эътибор қаратилади.

Илгари ҳадислар таркибида бир боб сифатида зикр этиб борилган Қуръонга шарҳлар замон талабларига тўлиқ жавоб бермай қўйди. Муфассирларнинг тафсир асарларининг кириш қисмида араб тилини билмаган, оятнинг нозил бўлиш сабаблари, ҳадисларни билмаган кишиларнинг Қуръон ояти ҳақида фақат ўз фикрларидан келиб чиқиб шарҳлашлари мумкин эмаслиги кўп зикр қилинган. Бу

борада Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) Ибн Аббосдан ривоят қилинган (32,33) куйидаги ҳадиси шарифлари мавжуд: **«Ким Қуръонда илмсиз бир гапни айтган бўлса, дўзахдаги ўрнидан жой олаверсин»**[6]. Абу Лайс ас-Самарқандийнинг «Ҳеч ким араб тилини, оятни нозил бўлиш сабабларини билмай туриб ўз-ўзича тафсир қилиши мумкин эмас», деган сўзлари юқоридаги ҳадисга мувофиқ бўлади [5].

Тафсир илмисиз Қуръонни англаш, тушуниш, тафаккур қилиш мумкин эмасдир. Қуръони каримнинг бир неча жойида ҳам оятларни тафаккур қилиш, улар ҳақида мулоҳаза қилиш, маъноларини билишга тарғиб қилинади. Жумладан, «Нисо» сурасининг 82-оятда шундай дейилади: **«Қуръонни тадаббур - тафаккур қилмайдиларми? Агар у Аллоҳдан бошқасининг ҳузуридан бўлганида унда кўплаб ихтилофларни топар эдилар»** [7].

XI XII асрларда Қуръонни шарҳлашда раъй ижтиҳодни ишлатиш кенг тус ола бошлади. Бунга мисол қилиб Нажмиддин ар-Розий (1177-1256 йй.), Абу Муҳаммад Рўзбаҳон (1128-1209 йй. Эрон), Саййид ибн Аъробий (1165-1240 йй. Дамашқ), Нажмиддин Кубро (1145-1221 йй. Хива)ларни келтириш мумкин. Илгариги даврдан фарқли равишда оятларни шарҳлашда олимлар қатор ривоятларни келтирмай, балки айрим ҳоллардагина уларни келтира бошладилар. Бундан албатта Қуръонни шарҳлашда бутунлай ривоятлардан истефода этилмай қолди, деган фикр келиб чиқмайди. Олимлар илгари зикр этилган ривоятларни қайтармай, оят шарҳини ривоятлар мазмунига зид бўлмаган, балки мувофиқ келадиган тарзда ўз сўзлари билан шарҳлашга ўтдилар. Шайх Муҳаммад аз-Заҳабий «Ат-Тафсир вал муфасссирун» асарида шундай дейди: «Ишъорий тафсир - Қуръонни пайғамбаримизга нозил бўлиши билан боғлиқдир». бунга мисол қилиб куйидаги оятни келтирадилар: **«Анави қавмларга нима бўлдики, гапни тушунай демайдилар?!» (Нисо 78)** [4].

Тафсир мусулмонларнинг илоҳий китобини шарҳлагани боис Қуръоннинг маъно-мазмунини тушуниш ва ўрганишда унга доимо зарурат туғилади. Шу сабаб, тафсир илми диний илмлар ичида мўътабар саналиб келинган, ҳамда муфасссир, мутакаллим, факих, муҳаддис каби кўплаб олимлар томонидан пухта ўрганилган. Ҳозирги замон исломшунослри ҳам уни асосий тадқиқот объекти қаторига киритганлар. Шу

жумладан бизнинг диёримизда ҳам тафсир илмини ўрганишликка давлатимиз тарафидан кенг имкониятлар яратилган.

Қуръонни тадаббур қилиш яъни уни чуқурроқ англашга интилиш жуда зарур ишдир. Исломни билмоқчи билан одам, ҳақиқатни англамоқчи бўлган шахс бевосита Қуръони каримга мурожаат қилмоғи керак. Қуръонга мурожаат этиб, уни тадаббур қилиб кўрган одам ҳақиқатни англаб етади. У илоҳий китобдир, уни илоҳийлигини тадаббур қилган одам буни дарҳол англайди. Чунки, Қуръонни жиддий ўрганишга кирган одам унда ҳеч қандай зиддият йўқлигини англайди[10]. Тафсир илмини пухта ўрганиб, бугунги кунда Қуръон оятларини ўзларини нотўғри қарашлари билан талқин қилаётганларга раддия беришда тафсир илмини билишлик жуда муҳим саналади. Бунда тафсир илмига оид асарларни илмий таҳлил қилиш ва улардаги муҳим масалаларни ёритиб бериш ҳамда уни омма муомаласига киритиш тадқиқотчиларнинг олдида турган муҳим вазифадир. Бу билан Қуръони карим маъноларини асл ҳолда тушунишлик, динимизни софлигини сақлашлик ва инсонларнинг ислом динини асл моҳиятини тўғри англашликда муҳим омил бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тасаввуф тарикатлари тарихи. Ўқув методик мажмуа. – Т.: Тошкент ислом университети 2011. Тузувчи: «Исломшунослик» кафедраси доценти, т.ф.н. Иброҳим Усмонов.
2. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Моварауннаҳр, 2009.
3. Исҳокова З. Шайх Нажмиддин Кубро. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
4. Таъвилоти Нажмийя. –Ливан: Дорул кутуб ал-илмийя, 2009. – Б. 19.
5. Абдуллаев А.Г. Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг Моварауннаҳр тафсирунослигида тутган ўрни. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзишган диссертация. –Т.: 2007. – Б. 24-38.
6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 28-жуз. – Т.: 2016. – Б. 10.
7. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. –Т., 2009.
8. Махсудов Д. Моварауннаҳр Ҳанафий мазҳаби тафсири (XIII-XV асрлар). –Т., 2019. – Б. 23.
9. Аҳмад Фарид ал-Мазидий. Ат-Таъвилот ан-Нажмийя. – Бейрут: Дор ул-кутуб ал-илмийя, 2009.
10. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. 1-жуз. Т., 2017. -562 б.

Мухаббатхон Миртохировна АГЗАМОВА,
Ўзбекитсон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом
цивилизациясини ўрганиш ICESCO
кафедраси катта ўқитувчиси
m.agzamova@iiia.uz

ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

ВЗГЛЯДЫ НА СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИСТОРИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ

VIEWS ON THE COMPARATIVE ANALYSIS OF HISTORICAL WORKS

Анотация: Мақолада ўрта асрда яшаб ижод этган муаррих Ибн Жарир ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул вал мулук” асарининг ўзига хос жиҳатлари ва шарқшунос-исломишунос олимларнинг асар борасидаги эътирофлари, асарнинг тарих илми ривожига тутган роли ва бугунги кундадаги аҳамияти, муаррихнинг ўзига хос услуби ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ат-Табарий, ислом тарихи, анбиё, муаррих, манба, мухтасар, муфассал, муаллиф, тасниф, набий, аллома, таъвил, суннат.

Аннотация: В статье раскрываются особенности произведения средневекового историка Ибн Джарира ат-Табари «Тарих ар-русул вал-мулук». Кроме того, приведены высокие оценки ученых востоковедов роли произведения «Тарих ар-русул вал-мулук» в развитии исторической науки, его значение в области историографии сегодня, своеобразный стиль историка.

Ключевые слова: ат-Табари, исламская история, пророки, историки, источник, содержание, расянения, автор, классификация, пророк, ученый, толкование, сунна.

Abstract: The article provides information about the peculiarities, role in the development

of historical science, importance in the historiographical field of the work of the famous medieval historian Ibn Jarir at-Tabari “Tarikh ar-rusul val muluk”, recognized by orientalists and the unique style of the historian.

Keywords: at-Tabari, Islamic history, prophet, historian, source, mukhtasar, mufassal, author, tasnif, nabi, scholar, ta’vil, sunnah.

Тарих ва тафсир илми ривожига катта ҳисса қўшган аллома Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий қаламига мансуб бўлган “Тарих ар-русул вал мулук” асар “Тарихи Табарий” номи билан шуҳрат қозонган. Бу асарида энг қадимги тарихга оид маълумотлар, шунингдек, Эрон подшоҳлари, Рим ва Византия императорлари, халифалик ҳудудидаги юртлар хусусан, Хуросон ва Мовароуннахрнинг 915 йилгача бўлган тарихи ўз ифодасини топган [1:755].

Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи, ҳаёт йўллари ва тарихий жараёнлар батафсил баёни келтирилган қадимий манба ҳисобланиб, аҳли китоблардан турли ривоятлар, қадимги ҳукмдорлар, Сосоний подшоҳлар, Уммавий ва Аббосий халифалар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган [4:66]. Асарда Туркистон халқларининг араб босқинчиларига қарши курашларда Бухоро, Самарқанд ва Фарғонадаги урушлар, Муқанна, Рофе ибн Лайс, Абу Муслим ҳаракатлари ва бошқа тарихий жараёнлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ҳижрий III асргача ўша давр воқеаларини ўзида акс этган, манбалар жуда озчилиқни ташкил қилиб, улар ичида Ибн Жарир ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари муҳим аҳамият касб этади. Ибн Жарир ат-Табарийдан аввалги тарихчилар асарлари бизгача тўлиқ етиб келмаган бўлиб, ундан кейинги давр тарихнавислар Ибн Жарир Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асарига таянган ҳолда ўз асарларини тасниф этганлар. Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари ўша давр асосий воқеалар баёни келтирилган тарихий асар балки ўша давр ҳақида бугунги кунга қадар етиб келган, инсоният тарихи дастлабки давридан ҳижрий III асргача қимматли маълумотлар киритилган қадимий манба ҳам ҳисобланади.

Китобнинг муқаддима қисмида Аллоҳ таоло барча мавжудотларнинг яратувчиси эканлиги, одам ва иблис қиссаси баён қилинган. Ундан сўнг набий ва расулларнинг қиссалари ва улар даврларидаги воқеалар сосонийлар давридаги форс подшоҳлиги тарихи ва унинг араб давлатлари билан алоқалари, Муҳаммад (С.А.В.) нинг пайғамбар бўлишлари ва уларнинг сиратлари, хулофои рошидин-чорёрлар даври, уммавийлар давридаги тарихий воқеалар, Аббосийларнинг ҳижрий 302 йилгача бўлган тарихий воқеалар баёни батафсил келтирилган[2:925].

Абу Райҳон Берунийнинг “Осарул-боқия” асари, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мискавайҳнинг “Китоб тажориб ул-улум” асари, Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Асирнинг “Ал-камил фит-тарих” асари, Алишер Навоийнинг “Тарихул-анбиё вал-хукамо” асари каби тарихий манбалар “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида бирламчи манба сифатида истеъфода қилганлар. Мисол учун Алишер Навоий “Тарихи мулуки аҷам” асарида пешдодий подшоҳларидан Хушанг хунараманд, одил ва олим подшоҳ эканлиги, унинг ҳикмат илмида “Жовиди хирад” номли китобни тасниф қилгани, ёғочдан тахта кесиб, уйларга эшик ясатгани, конлар чиқаргани, ариқлар қаздириб, ободончилик қилгани ҳақида ёзади ва бу маълумотларни Ибн Жарир ат-Табарийдан олганлигини айтади. Шунингдек, Заҳҳокнинг золимлиги ва унинг жазоланиши воқеасини баён қилишда ҳам Ибн Жарир ат-Табарийдан маълумотларидан фойдалангани ҳақида келтиради[2:924].

Асарда муаллиф турли манбалардан фойдаланган бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан тортиб то 915 йилга қадар содир бўлган тарихий воқеалар жой бўлиб, муаллиф асарини 914 йил Сомонийларнинг тожик-форс империяси даврида ёзиб тугатган.

“Тарихи ар-русул вал-мулук” мусулмон мамлакатлари, шунингдек Мовароуннаҳрнинг VIII-IX аср тарихи бўйича асосий ва энг мўътабар манбалардан бири бўлиб, тарих илмининг кейинги тараққиётига катта таъсир ўтказган. Табарий асарининг форсий таҳрири ҳам бор бўлиб[11:389], у Сомоний Абу Солих

Мансур ибн Нухнинг (961-976 й.) вазири, атоқли илм-фан ҳомийси ал- Балъамий (ваф. 974 й.) томонидан 963 йили ёзилган[6:504]. Ушбу асар “Таварихи Табарийи форсий” (“Табарийнинг форсий тилидаги ҳикоялари”) деб номланади.

Ўрта асрларда “Тарихи Табарий” бутун Ўрта Шарқда ва ҳаттоки, Хиндистонда умумий тарихга оид энг машҳур асарлардан бири бўлган бўлиб, бу нафақат шарқ тилларига, хусусан, француз, инглиз, араб, турк, урду ва бошқа тилларга таржима қилинган. Бу таржималар ичида таниқли рус ва хорижий шарқшунос олимлар Х.Д.Френ [17:4.], Б.А.Дорн [14:260], Г.Зотанбер [18:32.], В.Р.Розен [16:190], В.В.Бартольд [15:63.], Г.Эте [10:355] ва Е.Э.Бертельс [9:19] Тарихи Табарийнинг форсий таржимасига эътибор қаратиб, тадқиқот доирасига киритганликларини кузатишимиз мумкин.

Сомонийлар даврида турли соҳаларга тегишли кўплаб манбаларни илмий асарда ҳам учратишимиз мумкин. Бунга мисол тариқасида В.В.Бартольд куйидаги фикрларни келтирамир, “Биз тўплаган Туркистоннинг сомонийлар даврига оид маълумотларимиз нафақат бугунги кун учун балки, келгуси даврлар учун ҳам мукамал бўлиб қолади”[7:11].

Абул Фазл Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ал-Балъамий Хуросон амири Исмоил ибн Аҳмаднинг вазири эдилар. Абул Фазл ал-Балъамий ўз замоналарининг оқил, доно, олим кишиси ва буюк давлат арбоби эдилар. Абу Али Муҳаммад Балъамий ҳам тахминан 20 йилгача (Х асрнинг иккинчи ярми) Самонийлар давлатининг вазири лавозимида эканлигида илм-фан ривожига ва мамлакатнинг маданий тараққиётида сезиларли из қолдирган[12:971]. Шуниси диққатга сазоворки, бу қимматли китобнинг кўп бобларини қайта ишлаб тўлдирган. Унинг мана шу иши ҳам унга шуҳрат келтирган. Зеро, “Тарихи Табарий” кейинги асрларда ҳам кўп подшоҳларнинг сеvimли китоби бўлиб қолган эди. Бу ҳақда тарихга қизиққан ўқувчиларимиз учун алоҳида таъкидлаб ёзаётганимиз сабаби — “Тарихи Табарий” китоби қадимги даврлардан то муаллиф замонасигача (Х аср) бутун Шарқда ва Ғарбнинг бир қатор ўлкаларида бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалар ҳақида батафсил ва ишончли маълумотлар беради. Ўрта асрларда,

ундан кейин ҳам бутун Шарқ мамлакатларида бу асар ғоят машҳур бўлган, тарихнависликда намуна ҳисобланган ва қўлёзма нусхаларда кенг тарқалган эди. Унинг давлат вазири томонидан форс тилига қилинган таржимаси Мовароуннаҳр подшоҳлари учун энг кўп фойдаланиладиган китоб ҳисобланган. Улуғ Соҳибқирон Амир Темур ҳам уни севиб ўқир ва ўқитиб эшитар эди. Алишер Навоий деярли барча тарихий маълумотларни “Тарихи Табарий” китобидан олган дейиш мумкин. Шунингдек, кейинги темурийзодалар, жумладан, Умар Шайх Мирзо, Бобур Мирзо ва бошқа шахзодалар кутубхоналарида ҳам сақланган. Ҳатто Бухоро амирлари, Хива, Қўқон хонлари ҳам ундан фойдаланганлар.

Бу асар шохлар ва сулолалар тарихи, исломдан аввалги Муҳаммад с.а.в. башоратига қадар бўлган давр, шунингдек исломнинг дастлабки тарихига оид маълумотлар билан бирга Сосонийлар форслари ва Эроннинг афсонавий тарихи ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, ўша давр тарихий асарларни ёзишдаги анъанавий услуб, яъни Аллоҳни ҳамд ва тамҳид, пайғамбарга наът билан бошланган.

Муаллиф асарнинг кириш қисмида “Ушбу асарда биз дунё тарихини, астрономлар ҳақида айтилган ва зардуштийлар, христианлар ва яҳудийлар ҳақида айтилганларни ҳаммасини қайта ёзамиз”, деб айтади.

Вазир Балъамий асарни таржима қилар экан, айрим боблар ҳақида “Табарий бу ҳақда айтмаган, лекин биз бунини келтирдик”, деб таъкидлаб ўтади. Таржиманинг қўшимчалари кўпроқ Мовароуннаҳр тарихига бағишланган.

Балъамий таҳрири шунчаки оддий таржима бўлиб қолмай, балки асарнинг қайта ишланган ва айрим ҳолларда янги далиллар билан бойитилганидир. Унда, биринчидан, қисқартирилган таҳририда учрамайдиган маълумотлар мавжуд бўлиб, уларни Балъамий Табарий асарининг тўла нусхасидан олган. Иккинчидан, Балъамий таҳрири бошқа манбалар асосида янги маълумотлар билан тўлдирилган.

“Тарих Балъамий” форсий тилдаги қадимий насрий китоблардан бири бўлиб, китобнинг ёзилиш услуби жуда содда ва нотаниш ёки

шеърый сўзларни ўз ичига олмайди. Жумлалар ҳам қисқа, муаллиф иложи борида содда услубда ёзишга ҳаракат қилган. Балъамий асарнинг кириш қисмида араб тилидаги Табарийнинг асл матндан фарқли равишда хронологик кетма-кетликка риоя қилмаган ҳолатда маълумотларни келтирганлиги ҳақидаги маълумотларни келтиради[5:52].

Балъамий араб шеърятини саралаш тамойилига катта эътибор беради. Табарий кўпинча араб шоирларидан намуналар келтириб ўтган бўлиб, Балъамий таржима жараёнида форс тилида сўзлашувчи халқлар билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган халқларнинг шеърый намуналаридан фойдаланади. Балъамий ўз асарида 60 га яқин байт ва шеърый парчаларни қўшган. Балъамий томонидан яна бир қатор қўшимчалар киритилган бўлиб, соҳа мутахассислари томонидан эътироф этиб ўтилган[3:418].

У Табарийга хос бўлган пайғамбарлар ва подшоҳлар ҳақидаги маълумотларни келтиришда, тарихий маълумотлар баёнидаги иснодлар занжирини тушириб, мухтасар ҳолатда баён қилишга ҳаракат қилади. Балъамий таржимаси асл Табарий тарихидан ўзига хос фарқли жиҳатларидан бири, унда форс тарихига оид кўплаб тарихий маълумотлар қўшилган бўлиб, кенг оммага тарқалишига таъсир қилган омиллардан ҳисобланади. Балъамий таржима қилган аслият бизгача тўлиқ ҳолатда етиб келмай, турли таржима ва китоблар баъзи бўлимлари сақланиб келган. Таржима турк, француз ва ҳатто араб тилларига таржима қилинган. Хусусан, маълум бир қисмлари ғарб тадқиқотчилари Б.А.Дорн томонидан немис тилига, Г.Зотанбер томонидан француз тилига таржима қилинган.

Балъамий томонидан Сосоний (224-615 йил) солномаси “Хвадай намак”нинг баъзи намуналари олиб ташланган бўлиб, баъзи ҳолларда Табарий мухтасар бериб ўтган маълумотлар “Хвадай намак”нинг баъзи парчалари билан муфассал баён қилинган. Шунингдек, Табарий Баҳром Чубиннинг туркларга қарши ҳарбий кураши учун ажратилган Эрон қўшинлари қўмондони этиб тайинланиши ҳақида маълумотларни қисқа гапириб, Баҳромнинг мансаби ва унинг

қўшинлар сони ҳақидаги маълумотлар билан чегараланади. Балъамий эса, унга қўшимча равишда қўмондон сайланган ҳарбий кенгаш ҳақида батафсил бир қанча маълумотларни ҳам келтириб ўтади[13:35].

Асарни таржима қилишнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий интеллектуал шарт-шароитлари, шунингдек, таржимоннинг ўзига хослиги, мустақиллиги, асарнинг тарихий ва адабий аҳамияти жиҳатидан ўзига хос ўринга эга. Ушбу масалаларни ўрганиш адабиётда исломдан аввалги урф-одатлар, форсий тилнинг шаклланиши ва ривожланиши моҳиятини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. “Тарихи Балъамий” асари илмий адабиётларда дарий тилидан фойдаланган дастлабки асарлардан ҳисобланади[8:110].

Ушбу китобнинг турли хил қўлёзмалари бугунги кунда дунё фондларида сақланиб келмоқда, хусусан, асарнинг энг қадимий қўлёзмаси XIV асрга тааллуқли нусха ҳисобланади. Британия музейининг Бодлеан кутубхонаси, Шарқшунослик институтининг Ленинград қўлёзмалар фонди ва М.Е.Салтыкова-Шедрина номидаги давлат жамоат кутубхонасида ўнга яқин нусхалар мавжуд[13:34].

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Жарир ат-Тарийнинг “Тарих ар-русул вал мулук” асарининг форсий таржимаси бўлган, “Таварихи Табарийи форсий” асари тарихий ва географик жиҳатдан X асрга оид Араб ва Эрон тарихи ҳақида, хусусан Қадимги Шарқ минтақаларининг географик таснифи ва тарихий воқеаларни ўзига хос жиҳатларини ёритиб берувчи форсий тилдаги қадимий асар ҳисобланади. “Тарих ар-русул вал мулук” асарининг бошқа тиллардаги таржимаси форсий таржимаси бўлган “Тарихи Балъамий”дек шуҳрат қозонмаган.

“Тарихи Балъамий” асари тарихий жараёнларни ўрганишда қимматли маълумотларни тақдим этади. Эрон этник гуруҳларнинг бошқа халқлар билан алоқаси, этник гуруҳлар тарихини таснифланиш тарихий жараёнлари хусусида қимматли маълумотлар тақдим этади. Ушбу тарихий асар Эрон халқининг келиб чиқиши, ушбу халқларни ҳудуди чегаралари, уларнинг

тиллари, Эрон шаҳарлари ва қишлоқларининг урф-одатлари ва маданий анъаналари ва бошқа бир қатор масалалар баёни келтирилган асар ҳисобланади.

Балъамий Табарийнинг “Тарих ар-русул вал мулук” асарини барча материаллари ва маълумотларини илмий таҳлил ва тадқиқотга жалб этган муаррих ҳисобланади. Балъамий “Тарих ар-русул вал-мулук” асари ва бошқа тарихий асарларга асосланган ҳолда у форс тилида “Тарих ар-русул вал-мулук” асарини янги талқинини яратганлигини айнан, Баҳром Чубин ҳикоясида ҳамда Эронни босиб олиш билан боғлиқ бобларда “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида кенгроқ маълумотлардан истеъфода этганлигини кўришимиз мумкин.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари турли манбалардан таркиб топган улкан терма асарни ташкил қилади. Биз учун мазкур асар тарихий маълумотларнинг қўплиги билан ноёб ҳисобланиб, ундаги манбалар у ёки бу воқеанинг келиб чиқиши тарихини аниқлаш ва унинг ҳақиқатига нечоғли яқин эканлигини билиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

“Тарих ар-русул вал-мулук” асаридаги хронологик маълумотларни тадқиқ қилиш IX-X аср асрлардаги тарихнавислик тарақиёти даражаси ҳақида тасаввур қилиш имконини беради. Бу китоб илк ўрта асрларда яратилган энг қадимий даврдан бошлаб, муаллиф яшаган давргача бўлган тарихий жараёнларни баён этган, бугунги кунимизга қадар етиб келган энг қадимий тарихий асардир. Асар муаллифи IX-X асрлар бўсағасида араб халифалигининг пойтахти Бағдодда – ўша даврдаги маданий ва илмий ҳаётнинг марказида яшаб ижод қилган. Асардаги маълумотларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш бугунги кундаги тарихнавислик муаммоларини ҳал қилишда, жумладан фактларни тўғрилигини исботлаш, манбалардаги турли воқеаларни келтириш тартибини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Табарийнинг “Тарих” китоби ислом тарихи ва қадимги тарихга оид маълумотларни ўзида жамлаган ишончли манбадир. Бу китобни ўрганиш орқали биз инсоният тарихига оид тарихий воқеалар билан танишиш имконига эга бўламиз.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) About copies, translations and editions of the work *Tarikh ar-rusul val-muluk*. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal* 10 (4), p. 755. 10.5958/2249-7137.2020.00136.6
2. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) The scientific legacy of Abu Ja'far Muhammad ibn Jarir ibn Yazid Ibnkathir ibn Ghalib at-Tabari and the importance of *Tarikh ar-rusul val-muluk*. *Journal of Critical Reviews*, 7 (5), 923-925. doi:10.31838/jcr.07.05.189
3. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) About the persian translation of "Tarikh ar-rusul val muluk" *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal* 10 (6), 416-419. 10.5958/2249-7137.2020.00634.5
4. Abdumajid Madraimov, Gavhar Fuzailova. *Manbashunoslik*: -T.: FAN. 2007.
5. Болдырев А.Н., Грязневич П.А.. Арабский текст предисловия и его перевод см. в статье: о двух редакциях "Тарихи Табари" Балъами. *Сов. Востоковедение*. 1957. №3.
6. Бартольд В.В. Балъами//Бартольд В.В. Сочинения. -М.: 1964. Т.II, Ч.2: Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии.
7. Бартольд В.В. История туркестана. – Т.: 1922.
8. Бертельс Е.Э. История персидской-таджикской литература//Изб. Труды. -М.: 1960.
9. Бертельс Е. Э.. Роман об александре и его главные версии на востоке. -М.: 1948.
10. Ethe H.. *Neupersische litteratur. «grundriss der iranischen philoloque»*, Bd. II. Strassburg, 1896-1904.
11. История человечества. VII-XVI века. Под редакцией М.А.Ал-Бахита, Л.Базена и С.М.Сиссоко. Т IV.ЮНЕСКО. Издательской Дом – Магистр-пресс. –М.: 2003.
12. Khaleghi-Motlagh Dj. *Amirak bal'ami// Encyclopaedia iranica*. V. I.Fasc. 9.New York, 1989.
13. Колесников А.И. Палестинский сборник. иран в начале VII века. источники, внутренняя и внешняя политика, вопросы административного деления. Издательство НАУКА Ленинградское отделение. Ленинград. 1970.
14. Dorn B.. *Catalogue des manuscrits et xylographes orientaux de la bibliotheque imperiale publique de st. Petersbourg*. St.-Petersbourg, 1852.
15. Бартольд В. В.. Иран. Исторический обзор. –Т.: 1926.
16. Розен В. Р.. К вопросу об арабских переводах «Худай-намэ». «Восточные заметки», Спб., 1895.
17. Frahn Ch.. *Fur die herausgabe der annalen des Tabary aus dem berliner codex*, «st. Petersburgische zeitung», 1827, Beliage zu № 5; «Die bibliothek aus der scheich-sefi-moschee zu ardebil», «St. Petersburgische Zeitung», 1829.
18. «Chronique de abou-Djafar-Mohammed-ben Djarir-ben-Yezid Tabari, traduite sur la version persane d'abou-'Ali-Mohammed Bel'ami par h. Zotenberg» (в дальнейшем – «Chronique de Tabari...»), t. I-IV. Paris. 1867-1874.

Zokir ARIFDJANOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
Teacher of the department of Uzbek language
and classical oriental literature
z.arifdjonov@iiia.uz

FORS TILIDA QO'SHMA FE'LLARNING MA'NO GURUHLARI VA FUNKSIONAL EKVIVALENTLARI

СМЫСЛОВЫЕ ГРУППЫ СЛОЖНЫХ ГЛАГОЛОВ В ПЕРСИДСКОМ ЯЗЫКЕ И ИХ ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ЭКВИВАЛЕНТЫ

THE SEMANTIC GROUPS OF COMPOUND VERBS IN THE PERSIAN LANGUAGE AND THEIR FUNCTIONAL EQUIVALENTS

Annotatsiya. Maqolada tildagi variantlashuv hodisasida muhim o'rin tutadigan funksional ekvivalentlik munosabatlari haqida so'z yuritiladi. بررسی کردن [barresi kardan] fe'li tadqiqot obyekti sifatida keng tadqiq qilinadi, uning leksik-semantik variantlari aniqlanadi. Leksik-semantik variantlari klassifikatsiya qilinib, ma'no guruhlariga ajratiladi va har bir ma'no guruhining funksional-ekvivalentlari aniqlanadi. Aniqlangan funksional ekvivalentlar manbalar asosida tahlil qilinadi. Tadqiqot davomida بررسی کردن [barresi kardan] qo'shma fe'li o'zining besh ma'no guruhidagi o'n oltita ma'no qatorida oltmishdan ortiq so'z bilan funksional ekvivalentlik munosabatiga kirishishi aniqlanadi.

Kalit so'zlar: sodda fe'llar, prefiksli fe'llar, qo'shma fe'llar, بررسی کردن [barresi kardan] fe'li, leksik-semantik variantlar, funksional ekvivalent, formal variant, ko'pma'nolilik, ma'no guruhlari.

Аннотация: В статье рассматриваются функционально эквивалентные отношения, которые играют важную роль в феномене языковой вариации. Глагол بررسی کردن [barresi kardan] широко изучается и его лексико-семантические варианты определяются. Лексико-семантические варианты классифицируются, делятся на смысловые группы и определяются функциональные эквиваленты каждой смысловой группы. Выявленные функциональные эквиваленты анализируются на основе источников. В исследовании выявляется, что глагол بررسی کردن [barresi kardan] вступает в отношения функциональной эквивалентности с более чем шестидестью словами.

Ключевые слова: простые глаголы, префиксные глаголы, сложные глаголы, глагол بررسی کردن [barresi kardan], лексико-семантические варианты, лексический вариант, функциональный эквивалент, формальный вариант, многозначность, смысловые группы.

Abstract: The article discusses functionally equivalent relations that play an important role in the phenomenon of language variation. The verb بررسی کردن [barresi kardan] is widely studied and its lexical-semantic variants are determined. Lexico-semantic variants are classified, divided into semantic groups, and functional equivalents of each semantic group are determined. Identified functional equivalents are analyzed on a source basis. The study reveals that the verb بررسی کردن [barresi kardan] enters into a functional equivalence relationship with more than sixty words.

Keywords: simple verbs, prefixal verbs, compound verbs, verb بررسی کردن [barresi kardan], lexical-semantic variants, lexical variant, functional equivalent, formal variant, polysemy, meaning groups.

Fors tilida qo'shma fe'llarning qo'llanilish miqyosi juda keng bo'lib hozirgi fors tilida tuzilishiga ko'ra eng ko'p turlarga bo'linadigan fe'llar ham qo'shma fe'llardir. Fors tilida qo'shma fe'llarning son jihatdan sodda va prefiksli fe'llardan anchagina ustunligini ta'minlaydigan omillardan

biri sifatida esa ushbu tilda sodda va prefiksli fe'llardan farqli o'laroq yangidan yangi qo'shma fe'llarning yasalishi davom etayotganligini ko'rsatish mumkin. Bizning nazarimizda bu holat qo'shma fe'llarning tilning turli sathlaridagi variantlashuv hodisasida, jumladan, ko'pma'nolik bilan bog'liq bo'lgan leksik-semantik variantlashuv hamda bir ma'noning turli o'rinlarda turli so'zlar va so'z birikmalari vositasida ifodalanishi bilan bog'liq bo'lgan funksional ekvivalentlik hodisalaridagi ishtirokini ta'minlovchi omillardan biri bo'lib xizmat qiladi.

Biroq fors tilidagi qo'shma fe'llarning sodda fe'llarga qaraganda leksik-semantik variantlashuvda nisbatan kamroq, funksional ekvivalentlikda esa nisbatan ko'proq ishtirokini kuzatish mumkin. Bu esa birinchi tomondan tilda oldindan mavjud bo'lgan sodda fe'llarning sinonimlari yoki funksional ekvivalentlari sifatida, shuningdek, fors tiliga chet tillardan, birinchi navbatda arab tilidan o'zlashgan so'zlar ishtirokida fe'l yasash natijasida hosil bo'lgan qo'shma fe'llarning katta qismini asosiy ma'nodan tashqari yana bir-ikki ko'chma ma'noga ega bo'lishi ularning leksik-semantik variantlashuvdagi ishtirokini ma'lum darajada cheklasa, ikkinchi tomondan, qo'shma fe'llar sonining ko'pligi ularning ko'pgina fe'llar bilan funksional ekvivalentlik munosabatga kirishishiga sabab bo'ladi.

Biroq fors tilidagi qo'shma fe'llarning barchasini ham ko'pma'nolilikdan mahrum deb bo'lmaydi. Ular orasida ko'pma'noli fe'llar ham uchraydi. Shulardan biri بررسی کردن [barresi kardan] qo'shma fe'li bo'lib, fors tilida qo'shma fe'llarning formal invariantlarini ana shu fe'l misolida ko'rib chiqamiz.

بررسی کردن [barresi kardan] qo'shma fe'li hozirgi fors tilidagi ko'pma'noli qo'shma fe'llardan biri bo'lib, uning turli o'rinlarda o'ndan ortiq ma'noni ifodalab kelishi kuzatiladi. Biroq fors tilining tarjima va izohli lug'atlarida ushbu fe'l ifodalaydigan barcha ma'nolar aks ettirilmaganligini ko'ramiz. Jumladan, H. Anvariyning "Farhang-e bo'zo'rg-e So'xan" izohli lug'atida [11:908] بررسی کردن [barresi kardan] fe'li bor-yo'g'i bir ma'noga ega bo'lgan fe'l sifatida ta'riflanib, uning faqatgina *tekshirmoq*, *tekshirib ko'rmoq* ma'nosini bildirishi ko'rsatib o'tilgan. Y.A. Rubinchik tahriri ostidagi "Forscha-

ruscha lug'at"ida [7:199] esa ushbu fe'lni faqatgina bir ma'noga ega bo'lgan so'z sifatida ta'riflanishi bilan birgalikda uning bir ma'no doirasidagi besh ma'no ottenkasi keltirilgan: 1) o'rganmoq, tadqiq qilmoq; 2) tekshirmoq; 3) ... deb qaramoq, ... sifatida qabul qilmoq (baholamoq); 4) sharhlamoq.

Shunga qaramasdan hozirgi fors adabiy va so'zlashuv tilida anchagina faol ishlatiladigan بررسی کردن [barresi kardan] qo'shma fe'lining ko'p ma'noli so'zlardan biri sifatida bir qancha ma'noni ifodalashda qo'llanilishini kuzatish mumkin. Biz o'z kuzatishlarimiz davomida بررسی کردن [barresi kardan] qo'shma fe'lining quyidagi ma'nolarini aniqladik:

1) tekshirmoq, tekshirib chiqmoq; 2) tekshirib ko'rmoq, sinab ko'rmoq, aniqlamoq, bilmoq; 3) qarab (ko'rib) chiqmoq, nazardan o'tkazmoq; 4) ko'rib chiqmoq, o'rganib chiqmoq (*ariza, shikoyat, taklif, loyiha va sh.k.ni*); 5) o'ylab ko'rmoq, o'rganib ko'rmoq; 6) maslahatlashib ko'rmoq, o'ylashib ko'rmoq, maslahatlashib olmoq; 7) muhokama qilmoq; 8) o'rganmoq, tadqiq qilmoq; 9) tahlil qilmoq; 10) sharhlamoq, izohlamok; 11) ... deb qaramoq, ... deb hisoblamoq, ... deb bilmoq, ... sifatida qabul qilmoq, ... sifatida baholamoq; 12) qat'iy fikr bildirmoq, hukm qilmoq, hukm chiqarmoq; 13) solishtirmoq, taqqoslamok; 14) har tomonlama tekshirib ko'rmoq, (kimligini, nimaligini) aniqlamoq; 15) so'rab-surishtirmoq, surishtirmoq; 16) shug'ullanmoq (*biror masala bilan*).

Biz bu yerda بررسی کردن [barresi kardan] qo'shma fe'lining turli o'rinlarda qo'llaniladigan o'n olti ma'noga, ya'ni o'n olti leksik-semantik variantga ega ekanligini ko'rdik. Endi ushbu fe'l o'zining har bir ma'nosi – leksik-semantik variantida qaysi fe'llar bilan funksional ekvivalentlik munosabatiga kirishishini bilish uchun ushbu ma'nolarni shartli ravishda quyidagi ma'no guruhlariga bo'lamiz:

1. Ko'rib chiqish ma'no guruhi: 1) ko'rib chiqmoq, o'rganib chiqmoq; 2) muhokama qilmoq; 3) o'ylab ko'rmoq, o'rganib ko'rmoq; 4) maslahatlashib ko'rmoq, o'ylashib ko'rmoq, maslahatlashib olmoq.

2. Tekshirish ma'no guruhi: 1) tekshirmoq, tekshirib chiqmoq; 2) tekshirib ko'rmoq, aniqlamoq, bilmoq (*qandayligini*); 3) qarab (ko'rib) chiqmoq, nazardan o'tkazmoq; 3) har tomonlama tekshirib ko'rmoq, aniqlamoq (*kimligini, nimaligini*).

3. Tadqiq qilish ma'no guruhi: 1) o'rganmoq, tadqiq qilmoq; 2) tahlil qilmoq; 3) solishtirmoq, taqqoslammoq.

4. Fikr bildirish ma'no guruhi: 1) sharhlamoq, izohlammoq; 2) ... deb qaramoq, ... deb hisoblammoq, ... deb bilmoq, ... sifatida qabul qilmoq, ... sifatida baholamoq; 3) qat'iy fikr bildirmoq, hukm qilmoq, hukm chiqarmoq.

5. Shug'ullanish ma'no guruhi: 1) so'rab-surishtirmoq, surishtirmoq; 2) shug'ullanmoq (*biror masala bilan*).

بررسی کردن [barresi kardan] qo'shma fe'li o'zi anglandigan ushbu ma'nolar va ma'no guruhlarida quyidagi fe'llar bilan funksional ekvivalentlik munosabatida bo'ladi:

1. Ko'rib chiqish ma'no guruhi:

1) ko'rib chiqmoq, o'rganib chiqmoq (*ariza, shikoyat, taklif, loyiha va sh.k.ni*); misol:

هیات نظارت بر مطبوعات پرونده روزنامه آسمان را بررسی کرد [28].

Matbuot ustidan nazorat qilish komissiyasi "Osmon" gazetasi ishini ko'rib chiqdi.

وزیر کشور که به شهرستان شیروان سفر کرده است با حضور در فرمانداری مشکلات مردم و همچنین این شهرستان را بررسی کرد [23].

Shirvon tumaniga tashrif buyurgan ichki ishlar vaziri tuman hokimiyatida bo'lib, aholi hamda ushbu tumanning muammolarini o'rganib chiqdi.

کمیسیون مجلس شورای اسلامی پرونده فساد مدارس را بررسی می کند [16].

Islom Kengashi Majlisi komissiyasi maktablardagi korrupsiya ishini ko'rib chiqadi.

Funksional ekvivalentlari:

مورد بررسی قرار دادن، رسیدگی کردن، ملاحظه کردن، نگاه کردن، دیدن.

2) muhokama qilmoq; misol:

مرکز پژوهش‌های مجلس حاکمیت قانون و محیط کسب و کار را بررسی کرد [13].

Parlament qoshidagi Tadqiqotlar markazi (o'zining yig'ilishida) qonun ustunligi va tadbirkorlik muhiti masalasini muhokama qildi.

شورای امنیت رفراندوم در کریمه را بررسی می کند [17].

(BMT) Xavfsizlik kengashi Qrimda o'tkazilgan referendumni muhokama qiladi.

Funksional ekvivalentlari:

مورد بررسی قرار دادن، بحث کردن، مورد بحث قرار دادن، مورد بحث و بررسی قرار دادن.

3) o'ylab ko'rmoq, o'rganib ko'rmoq; Misol:

واشننگتن درخواست اوکراین در مورد کمک نظامی به این کشور را بررسی خواهد کرد [12].

Vashington Ukrainaning ushbu mamlakatga harbiy yordam so'rab qilgan murojaatini o'rganib ko'radi.

طالبان پاکستانی پیشنهاد صلح نوازشریف را بررسی می کنند [28].

"Tolibon" Navoz Sharifning sulh tuzish to'g'risidagi taklifini o'rganib ko'radi.

معاون وزیر امور خارجه گفت: ایران پیوستن به پروتکل الحاقی آژانس بین‌المللی انرژی اتمی را بررسی خواهد کرد [14].

Tashqi ishlar vaziri o'rinbosari dedi: Eron Xalqaro atom energiyasi agentligi (MAGATE) qo'shimcha protokoliga qo'shilish masalasini o'rganib ko'radi.

نوری کاپیتان تیم فوتبال پرسپولیس گفت: پیشنهاد شرقی‌ها را بررسی می کنم [15].

"Perspolis" futbol jamoasining sardori Nuriy dedi: sharqliklarning (ya'ni bir necha Sharq mamlakati futbol jamoalarining men bilan hamkorlik to'g'risidagi) takliflari borasida o'ylab ko'raman.

اردوغان: نامزدی در انتخابات ریاست جمهوری را بررسی می کنم [21].

(Turkiya Bosh vaziri) Erdo'g'on: prezidentlik saylovlariga o'z nomzodimni qo'yishim to'g'risida o'ylab ko'raman.

Funksional ekvivalentlari:

فکر کردن، اندیشیدن، محاسبه کردن، تأمل کردن.

4) maslahatlashib ko'rmoq, o'ylashib ko'rmoq, maslahatlashib olmoq; misol:

این پیشنهاد را باهم بررسی کنیم [10].

Bu taklif borasida maslahatlashib (o'ylashib) ko'raylik.

Funksional ekvivalentlari:

مشورت کردن، مشاوره کردن، رایزنی کردن.

2. Tekshirib chiqish ma'no guruhi:

1) tekshirmoq, tekshirib chiqmoq; misol:

تعداد و نوع اشتباهات خود را بررسی کنید [29].

O'z xatolaringizning soni va xarakterini tekshirib chiqing.

Funksional ekvivalentlari:

مورد بررسی قرار دادن، بازرسی کردن، مورد بازرسی قرار دادن، و ارسای کردن، تحقیق کردن، مورد تحقیق قرار دادن، پژوهش کردن، نگاه کردن، بازنگری کردن، کارشناسی کردن.

2) tekshirib ko'rmoq, aniqlamoq, bilmoq (*qandayligini*); misol:

چگونه می توان از طریق ترمینال سرعت اینترنت را بررسی کرد [25]؟

Qanday qilib terminal orqali internetning tezligini tekshirib ko'rish mumkin?

Funksional ekvivalentlari:

چک کردن، امتحان کردن، کنترل کردن، تحقیق کردن، مورد تحقیق قرار دادن، مشخص کردن.

3) har tomonlama tekshirib ko'rmoq, aniqlamoq (*kimligini, nimaligini*); misol: بررسی کنید، مطمئن شوید. او از آن جاسوسان و آدم کشانی که می‌گویند نباشد [31].

Tekshirib ko'ring, ishonch hosil qiling. U tag'in haligi (ular to'grisida gapirishayotgan) josuslar va qotillardan bo'lmasin.

Funksional ekvivalentlari:

تحقیق کردن، مورد تحقیق قرار دادن، دیدن، مشخص کردن.

4) qarab (ko'rib) chiqmoq, ko'zdan kechirmoq, nazardan o'tkazmoq; misol: داشتم زمین را بررسی می کردم [9].

Yerni ko'zdan kechirayotgandim.

Funksional ekvivalentlari:

از نظر گذراندن، دیدن، نگاه کردن، سیر کردن.

3. Tadqiq qilish ma'no guruhi:

1) o'rganmoq, tadqiq qilmoq; misol:

فتاحی در کتاب خود تاریخچه رشته کتابداری را بررسی کرده است [24].

Fattohiy o'z kitobida kitobdorlik tarixini tadqiq qilgan.

تاریخ ایران باستان را باید به دور از تمایلات سیاسی بررسی کرد [20].

Qadimgi Eron tarixini siyosiy qarashlardan xoli holda o'rganish (tadqiq qilish) kerak.

سروش نقش زبان فارسی در رسانه را بررسی کرد [30].

"Surush" (jurnali) fors tilining ommaviy axborot vositalaridagi rolini tadqiq qildi.

Funksional ekvivalentlari:

مورد بررسی قرار دادن، تحقیق کردن، پژوهش کردن، کاوش کردن، مورد تحقیق قرار دادن.

2) tahlil qilmoq; misol:

دکتر موسویان مشکلات کنونی بانکداری اسلامی در ایران را بررسی کرد [26].

Doktor Musaviyon islom bankchiligi muammolarini tahlil qildi.

Funksional ekvivalentlari:

مورد بررسی قرار دادن، تحلیل کردن، مورد تحلیل قرار دادن، مورد تجزیه و تحلیل قرار دادن.

3) solishtirmoq, taqqoslamoq; misol:

Ikki narsani – du chiz ra ba ham بررسی کردم. o'zaro taqqosladim.

Funksional ekvivalentlari:

تطبیق کردن، مطابقت کردن، مقابله کردن، مقایسه کردن.

4. Fikr bildirish ma'no guruhi:

1) sharhlamoq, izohlamog; misol:

حداد عادل دلایل انتخاب نام سال توسط مقام معظم رهبری را بررسی کرد [22].

Haddod Odil buyuk rahbar tomonidan (yangi) yilning nega bunday nomlanganligi sabablarini sharhladi.

Funksional ekvivalentlari:

تشریح کردن، تفسیر کردن، شرح کردن، توضیح دادن.

2) ... deb qaramoq, ... deb hisoblamog, ... deb bilmog, ... sifatida qabul qilmoq, ... sifatida baholamoq; Misol:

هیچ حرکتی در خاورمیانه را نمی‌توان جدا از تحولات ایران بررسی کرد [19].

Yaqin Sharqdagi biror-bir harakatni Erondagi o'zgarishlardan ayro holda baholab bo'lmaydi.

کشور ما تروریسم را به عنوان تهدید اصلی امنیت بررسی می‌کند.

Mamlakatimiz terrorizmga xavfsizlikka bo'lgan asosiy tahdid sifatida qaraydi; Mamlakatimiz terrorizmni xavfsizlikka bo'lgan asosiy tahdid sifatida baholaydi.

Funksional ekvivalentlari:

دانستن، شمردن، شناختن، محسوب کردن، به حساب آوردن، به شمار آوردن، معتقد بودن.

3) qat'iy fikr bildirmoq, hukm qilmoq, hukm chiqarmoq; misol:

رویتز بررسی کرد که کارشکنی فرانسه در مذاکرات ربطی به مسائل هسته‌ای نداشت [18].

"Reyter" (axborot agentligi)ning hukm qilishicha, Fransiyaning muzokaralarni to'xtatishga bo'lgan urinishining yadro masalalariga hech qanday aloqasi yo'q edi.

داوری، قضاوت کردن: Funksional ekvivalentlari: نظر داشتن، کردن

5. Shug'ullanish ma'no guruhi:

1) so'rab-surishtirmoq, surishtirmoq; misol:

رئیس به من دستور داد تا این موضوع را بررسی کنم.

Boshliq menga ushbu masalani so'rab-surishtirishimni buyurdi.

Funksional ekvivalentlari:

پیگیری کردن، جست و جو کردن، تحقیق کردن، پژوهش کردن.

2) shug'ullanmoq (*biror masala bilan*); misol: شما باید در این مورد به معاون رئیس مراجعه کنید، زیرا چنین مسائلی را ایشان بررسی می‌کنند.

Siz bu borada boshliq o'rinbosariga murojaat qilishingiz kerak, chunki bunday masalalar bilan o'sha kishi shug'ullanadi.

پیگیری کردن: Funksional ekvivalentlari:

Biz bu yerda [barresi kardan] بررسی کردن qo'shma fe'li o'zining besh ma'no guruhidagi o'n oltita ma'no qatorida oltinchi so'z bilan funksional ekvivalentlik munosabatiga

kirishishini ko'rdik. Shu o'rinda yana bir bor eslatib o'tishni lozim deb bilamizki, funksional ekvivalentlardan har biri o'z ishlatilish o'zni yoki o'rinlariga ega bo'lib barcha o'rinlarda ham bir-biri bilan o'rin almasha olmasligi mumkin. Zero barcha yoki ko'pchilik o'rinlarda o'z funksional ekvivalentlarining o'rnida ishlatila olishlik qobiliyati faqatgina ularning invarianti yoki invariantlariga xos bo'ladi. Fors tilidagi fe'llarning invariantlari, ularni aniqlash usullari haqida esa keyingi tadqiqotlarimizda so'z yuritamiz.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Arifdjanov Z. [xāstan] sodda fe'lining funksional ekvivalentlari va ularning formal invariantlari. Islom ziyosi. Toshkent, 2020. //– №1. B. 163-169. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss1/23/>
2. Fors tilida prefiksli fe'llarning ma'no guruhlari va ularning funksional ekvivalentlari (نتشادرب [bar-dāstan] fe'li misolida). Islom ziyosi. Toshkent, 2020. //– №2. B. 68-75. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/10>
3. Lutfullaeva D., Sobirova M. Pragmatic peculiarities of official style of uzbek language. International Journal of Research. 2019. Volume 06 Issue 02. <https://pen2print.org/index.php/ijr>
4. Nasirova M. Incomplete conjunction of words in the arabic grammar. The Light of Islam: Vol. 2019. P. 95-130. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/15>
5. Nizamova F. Письменные навыки в изучении языка // Приоритетные направления научных исследований. Материалы II международной научно-практической конференции (28 ноября 2019). –Даллас: Издательский центр ИУСЭР, 2019. – С.106-109. https://iupr.ru/28_noyabrya_2019_g/
6. Rustamiy S. Typological peculiarities of science of balaghah, rhetoric and stylistics. The Light of Islam, 2018 (1). 16.
7. Персидско-русский словарь: в 2-х томах, под редакцией Ю.А. Рубинчика, 3-издание, I-том. – Москва: Русский язык, 1985.
8. Сайидирахимова Н. Тилнинг концептуал морфологик ифода плани (когнитив аспект). Филологические науки: состояние, перспективы, новые парадигмы исследований. II Международная научная конференция, посвященная 100-летию образования Республики Башкортостан и 110-летию создания Башкирского государственного университета. Том 1. – Уфа, 2019. –Б.154-163.
9. 1361. وذرشد. نارهت. بتخوس نیمز. دومحمد دما
10. راشنتا خیرات، (یرانگ میامرس و تیریدم) نشور قفا 1/12/1992 <http://ofoghehroshan.persianblog.ir//>
11. یرونا نسد ی تسریرسد /نخسد گرزب گذهرف، نسد، یرونا، دلج ج 8 – 1381، نخسد، نارهت
12. راشنتا خیرات، ۴۷۸۵۲۲۳: ربخ دک/ناراکنرب ماگشاپ. ۲۳:۰۳ - ۱۳۹۳ نیدرورف www.yjc.ir
13. ربخ مرامش، 25/12/1392: ربخ خیرات، ناراکنرب ماگشاپ. 4779545 www.yjc.ir
14. ۲۰ مینشد مس: ربخ راشنتا نامز. ربخ مکیشد ی ناسر علاطا ماگشاپ. ۱۶:۵۷ - ۱۳۹۲ دنفسا www.irinn.ir
15. نامز، 1055899: ربخ دک مس شزرو ی ناسر علاطا ماگشاپ. 1392/12/17 12:25 www.varzesh3.com
16. راشنتا خیرات، ۱۵۲۹۸۳: ربخ دک/باختنا ی لیلحت ی ربخ ماگشاپ. ۱۴:۰۲ - ۱۳۹۲ دنفسا ۲۹ www.entekhab.ir
17. راشنتا خیرات، 219768: بابطم دک فلا ی لیلحت ی ربخ معماج. ۱۹:۲۳ - ۱۳۹۲ دنفسا ۲۴ مینشد www.alef.ir
18. 2922// ربخ دک، 08:23 ت عاسد 1392 نابا 25 خرورم ربخ <http://krccima.ir>
19. ربخ مرامش، 13/12/1392: ربخ خیرات، انلیا یرازگریب. 150928 www.ilna.ir
20. ردآ ۱۲: راشنتا خیرات، ۱۱۶۳۲۵۵: ربخ دک. اناد یرازگریب. ۱۸:۳۸ - ۱۳۹۲ <http://danakhabar.com>
21. معمج، 92121610570: ربخ دک. ناریا نابوچشناد یرازگریب. ۱۵:۴۷ - ۱۳۹۲ دنفسا ۱۶ www.isna.ir
22. ربخ مرامش، 29/12/1392: ربخ خیرات، سراف یرازگریب. 001298 www.farsnews.com
23. ربخ مرامش، 3/1/1393: ربخ خیرات، سراف یرازگریب. 000315 www.farsnews.com
24. ربخ مرامش، 26/1/1391: ربخ خیرات، ناریا بباتک یرازگریب. 1126 www.ibna.ir
25. ربخ مرامش، 2014 میوناژ 22: ربخ خیرات، linuxreview تیاس. 11۰ 1392 www.linuxreview
26. رویرهد 20، مینشود. ناجنز زکرم یامیس و ادص چیسب تیاس. 1391 <http://zanjan.irib.ir>
27. ۰۷:۵۶ ت عاسد ۱۳۹۲ ولد ۱۰ مینشجیب، زویذ عولط ی ربخ تیاس. www.tolonews.com
28. مرامش، 5/12/1392: ربخ خیرات، ناریا ملحم ی ربخ تیاس. 5588 www.magiran.com
29. دادعت شهاک ی اردب ی شور. ی چملا شزوما ی گذهرف نوناک تیاس. 1392 <http://www.kanoon.ir//> دادرخ 21 مینشد مس بتاهایتشا
30. ت عاسد ۹۲ ردآ ۱۶ مینشد، ۳۶۸۴: ربخ دک. شورس ملجم تیاس. ۱۱:۱۴ www.soroushpress.ir
31. یضاقت دمحم ممجرت. بتوشیک ند. اردواس ستناورس ود لگیه. ج. 2. 1369. تیاده – لید، نارهت

Амир Камилевич АБУШАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси
zizerion@mail.ru

ГУМАНИСТИЧЕСКАЯ ПЕДАГОГИКА В СТИХОТВО- РЕНИИ ЮСУФА БАЛАСАГУНИ «КУДАТГУ БИЛИГ»

YUSUF BALASAGUNIYNING “KUDATGU BILIG” SHE’RIDAGI GUMANISTIK PEDAGOGIKA

THE HUMANISTIC PEDAGOGICA IN THE POEM YUSUF BALASAGUNI «KUDATGU BILIG»

Аннотация: В статье рассматривается генезис гуманистической педагогики, ее появление и роль в Средней Азии. Анализируется роль интеллектуального наследия великих мыслителей Средней Азии: Фароби, Абу Али ибн Сино, Алишер Навои. Подробно рассматривается творчество Юсуфа Баласагуни – выдающегося поэта, мыслителя и ученого Востока. Анализируется его поэма «Кудатгу Билиг» («Благодатное знание»), преследующая воспитательные, педагогические и гуманистические цели.

Ключевые слова: гармония, прогресс, духовное обновления, счастье, скромность, гуманизм.

Аннотация: Maqolada gumanistik pedagogika genezisi haqida, uning Markaziy Osiyoda paydo bo’lishi va roli. Markaziy Osiyoning buyuk mutafakkirlari intellektual merosining roli tahlil qilingan: Forobiy, Abu Ali ibn Sino, Alisher Navoiy. Sharqning taniqli shoiri, mutafakkiri va olimi Yusuf Balasaguniyning ijodi batafsil ko’rib chiqilgan. Uning “Qudatgu bilig” (“Baxtli bilim”) she’ri tahlil qilinib, tarbiyaviy, tarbiyaviy va insonparvarlik maqsadlarini ko’zlaydi.

Kalit so’zlar: uyg’unlik, taraqqiyot, ma’naviy yangilanish, baxt, kamtarlik, insonparvarlik.

Abstract: The article examines the Genesis of humanistic pedagogy; its appearance and role in Central Asia. The role of the intellectual heritage of the great thinkers of Central Asia: Farabi, Abu Ali Ibn Sino, Alisher Navoi is analyzed. The work of Yusuf balasaguni, an outstanding poet, thinker and scholar of the East, is considered in detail. The author analyzes his poem “Kudatgu Bilig” (“blessed knowledge”), which pursues educational, pedagogical and humanistic goals.

Keywords: harmony, progress, spiritual renewal, happiness, humility, humanism.

Истоками зарождения гуманистических идей педагогики послужили изменения в области обучения и воспитания детей, которые являются основными понятиями в работе с детьми. Обучение и воспитание детей находятся во взаимосвязи и взаимозависимости, так как невозможно обучение без воспитания и невозможно полноценное воспитание без обучения. Во все времена ученые-педагоги не противопоставляли (1:12) эти два процесса друг друга, равно как и не умаляли значимость какого-то одного из них перед другими.

Таким образом, процессы воспитания и обучения являются одними из основополагающих процессов становления и развития личности ребенка.

Исходя из этого, основой педагогического процесса является личность ребенка. Исследования ученых, философов, антропологов и педагогов в итоге привели к тому, что была сформулирована гуманистическая идея педагогики, суть которой заключается в развитии разностороннее развитой личности. Основой воспитательно-образовательного процесса, согласно гуманистической педагогике, выступает личность, соблюдение ее прав и свобод, равноправия в процессе обучения, а также уважения ко всем участникам процесса.

Ведущая идея гуманистической педагогики состоит в том, что в основе педагогической профессии в первую очередь лежит любовь к ребенку и его природе.

Возникновение гуманности относится к эпохе Античности, где она впервые возникала как мировоззрение, основанное на принципах равенства, справедливости и

свободы собственной воли. Именно в это время впервые зарождается мысль гуманного отношения к детям, как к потенциалу человечества. Гуманизация (1:14) отношения к процессу воспитания и обучения во многом определяется тем, что каждый взрослый имеет над ребенком превосходство как физическое, так и умственное. Данное превосходство недопустимо использовать против ребенка или с целью его унижения. Каждый педагог должен использовать свое превосходство во благо развития и воспитания ребенка, опираясь на педагогическую мудрость и мастерство. Таким образом, истоки гуманизации педагогического процесса выходят из того, что воспитание детей – это ответственный процесс по подготовке подрастающего поколения, которое должно во многом быть лучше настоящего, усвоить только положительные черты. Для достижения данной цели, процесс воспитания и отношения к личности ребенка должен быть гуманизирован, необходимо исключить авторитаризм и унижение личности воспитанников.

Истоки гуманистических идей педагогики наблюдаются в различных культурах, имея при этом свои характерные особенности. Страны Востока. Идея гуманистической педагогики, зародившаяся в странах Востока, основана на передачи жизненного и духовного опыта от педагога к ребенку, непосредственно в процессе их личного взаимодействия. Страны Античного мира. Первые гуманистические идеи педагогики зародились в системе воспитания Древней Греции. Основателями гуманистического похода выступали Платон и Аристотель, которые считали, что главным в воспитании является развитие гармоничной личности. Страны Христианского мира. Большое влияние на появление и развитие гуманистических идей педагогики оказала религия, которая априори признает гуманистическое отношение к личности каждого человека, а особенно к личности ребенка. Помимо религии, разработкой и внедрением гуманистических идей в педагогику занимались такие педагоги как Я. А. Коменский, И. Песталоцци, К. Д. Ушинский, которые определяли личность ребенка как основу (2.11) воспитательно-образовательного процесса. На современном

этапе существования и развития идей гуманизации большое влияние оказывают синтетические идеи античности и христианства. На сегодняшний день гуманистические идеи педагогики находятся в поиске новых образовательных и воспитательных моделей.

Таким образом, корни гуманистической идеи педагогики уходят во времена Античности, именно там впервые (2/18) задались вопросом о значении личности ребенка в процессе воспитания, о том какое влияние оказывает воспитательный процесс и личность воспитателя на ребенка. Гуманизация воспитательно-образовательного процесса основана на уважении личности ребенка, его полноценном и всестороннем развитии.

Гуманистическая педагогика основана на уважении личности учащегося, признании его равноправным участником учебного процесса, всестороннем развитии личности ребенка. В отличие от (3.17) традиционного обучения, гуманистическая педагогика представляет учителя как субъекта педагогического процесса, а учащегося в качестве объекта. Взаимоотношения между педагогом и учащимся основаны на сотрудничестве. Сущность гуманистической педагогики основана на следующих принципах:

- Процесс обучения должен быть естественным и неотчуждаемым процессом для ребенка, направленным на развитие его личности.
 - Создание оптимальных условий, направленных на развитие личности ребенка в процессе обучения.
 - Использование актуальных методов и средств реализации воспитательно-образовательного процесса.
- Особенностями содержания и методики реализации гуманистической педагогики являются следующие направления:
- гуманно-личностный подход к каждому ребенку;
 - реализация активного дидактического и развивающего комплекса;
 - концепция гуманистического воспитания личности;
 - педагогизация окружающей ребенка среды.

Основоположники и сторонники гуманистической педагогики подчеркивают, что воспитание и обучение ребенка должно осуществляться в атмосфере доброжелательности и уважения. Педагог не должен навязывать ребенку свои взгляды, он должен помочь понять и усвоить учебный материал, путем поддержания интереса со стороны ребенка.

Таким образом, сущность гуманистической педагогики заключается в сотрудничестве и продуктивном общении между педагогом и учащимися.

Современная педагогическая наука объединяет в себе колоссальный опыт педагогического воспитания и образования, накопленный за многие тысячелетия мировыми цивилизациями. Значительная роль в формировании и развитии педагогической мысли заслуженно отводится мыслителям Средней Азии.

На особенности становления педагогической науки в Средней Азии большое влияние оказала исламизация туркменских племен, широко распространившаяся в послемонгольский период. На этих территориях стали создаваться коранические школы, а именно мектебы и медресе, обучение в которых напрямую было связано с религией. Считалось, что детей необходимо посылать в (4.27) мектебы с 6 лет, чтобы они получили начальное образование до 14 лет. Среднее образование являлось этапом специализации, когда школьники должны были получать практические навыки, которые были бы полезны в их будущей работе независимо от социального статуса ребенка.

Языком обучения в учебном заведении стал арабский. Большая часть учебной литературы была написана учеными и великими мыслителями Средней Азии. Для того чтобы понять особенности учебно-педагогического процесса данного периода, рассмотрим деятельность выдающихся ученых Средней Азии.

Большой вклад в становление науки о воспитании личности внес видный научный деятель Средней Азии (4.31) Аль-Фараби Абу-Наср (870-950 гг.), который считается основателем средневековой философии Востока. В это время педагогика еще не

выделяется в самостоятельную науку, вместе с этикой она входит в состав политической (гражданской) науки.

Аль-Фараби рассматривал обучение как «наделение теоретическими добродетелями народов и городов», а воспитание как процесс «наделения городов этическими добродетелями и искусствами». Понятие «счастье» является одной из основных категорий его педагогики. Фараби был убежден, что несчастье человеку приносят его недобрые деяния. В связи с этим задача воспитания – способствовать развитию положительных черт и устранять отрицательные черты характера. Кроме того, Фараби рассматривает профессиональные качества педагога. По его мнению, учитель должен обладать целым рядом достоинств, а именно: хорошей памятью, смелостью, справедливостью, развитой логикой, наблюдательностью, воздержанностью к чревоугодию, любовью к правде и познанию, равнодушием к деньгам и прочим благам мирской жизни.

Другой выдающийся мыслитель Средней Азии Абу Али Ибн Сина, известный в Европе как Авиценна, имел собственное видение содержания образования, воспитания и обучения. Авиценна считал, что образование должно включать в себя умственное образование, физическое оздоровление, эстетическое воспитание, нравственное воспитание и обучение ремеслу. План обучения, согласно Ибн Сине, должен быть согласован с интересами учащихся, построен по принципу «от простого к сложному» и на начальном этапе не должен был быть привязан к книгам. Абу Али Ибн Сина выступал против индивидуализации обучения, поскольку был убежден, что благодаря коллективному обучению среди детей возникает чувство (5.17) соперничества, которое управляет ими в стремлении получить больше знаний. Кроме того, благодаря коллективному обучению исчезают скука и безделье, их заменяют беседы, в ходе которых ученики имеют возможность выразить свою точку зрения и поспорить на волнующие их темы. Коллективное обучение учит детей уважению, взаимовыручке, дружбе и способствует их положительному влиянию друг на друга. Целью нравственного воспитания Ибн Сина считал формирование человека, живущего

не для себя, а для других. По мнению мыслителя, воспитание личности представляет собой сложный процесс, в котором важное значение имеет знание учителем индивидуальности ребенка. Ибн Сина «предпочитал добрый пример более, чем назойливый разговор. Он считал необходимым по-доброму говорить с детьми об их недостатках». Известная пословица гласит, что труд облагораживает человека. Так полагал и Ибн Сина, предлагающий с малых лет приучать детей к труду, обучая их основам ремесел.

Большое распространение в философских учениях Средней Азии получили идеи всеобщего равенства людей. Например, великие мыслители Средней Азии Муслиходдин Саади и Алишер Навои утверждали, что все люди равны, и выступали за воспитание у молодежи уважительного отношения ко всем народам. Муслиходдин Саади считал школу важным этапом жизни ребенка, соответственно важную роль в формировании личности ученика отводил учителю. В своих трудах Саади дал описание двух типов учителей – доброго и злого. Злой учитель – суровый, бесчеловечный, «не разрешает шалить», следит за дисциплиной, подавляет самостоятельность детей, как в действиях, так и в мыслях. Добрый учитель – мягкосердечный, благородный, умеет слушать детей и не обижает их, однако требует от них серьезного отношения к учебе. Отношение учителя к ребенку является определяющим фактором в его развитии, так как агрессивность и злость порождают ответные реакции и создают условия, деформирующие личность ученика.

Муслиходдин Саади, как и Алишер Навои, являлся приверженцем гуманизма и провозглашал идеи воспитания человека-гуманиста, патриота, доброго, честного, обязательно скромного и обладающего чувством собственного достоинства. Алишер Навои, яркий представитель (6.10) суфийской педагогики, считал человека «самым высшим существом мира, а ребенка – светилем, которое освещает дом и приносит в семью радость». Навои полагал, что мало любить собственных детей, человек должен любить всех детей, ибо они есть будущее поколение. По его мнению, в период юношества происходит формирование

разума. И если в этот период человеком овладеет разум, а не страсть, то на своем жизненном пути он будет руководствоваться благородными идеями. Педагогические воззрения Алишера Навои находят свое воплощение в принципах коммуникативной педагогики, рассматривающей обучение как процесс общения, диалога учителя и ученика, при котором ученик выступает как субъект обучения, определяющий пути и способы познания.

ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Моисеева М. В. Нетрадиционные методы обучения / Вестник высшей школы. – 2000. – №3. – С. 15-26.
2. Рахимов С. Р. Педагогические идеи Абу Али Ибн Сино. – Ташкент, 1979. – 84 с.
3. Узакон Х. Поэт, поющий марш победы // Звезда Востока. – 1978. – №3.
4. Кристина Витта. Юсуф Баласагуни: биография, творчество <https://www.syl.ru/article/329342/yusuf-balasaguni-biografiya-tvorchestvo>
5. Баласагуни, Юсуф Хас Хаджиб // Казахстан. Национальная энциклопедия. — Алматы: Қазақ энциклопедиясы, 2004. — Т. I. , с.351.
6. Маслова, М.Е. Английский язык: практические задания для подготовки к централизованному тестированию и экзамену / М. Е. Маслова, Ю. В. Маслов, О. И. Кондратеня. - Минск: ТетраСистемс, 2008. - 208 с.
7. Меркулова, Е.М. Английский язык для студентов университетов. Чтение, письменная и устная практика / Е.М. Меркулова [и др.]. -СПб.: Изд-во «Союз», 2001. - 384 с.
8. McCarthy, Michael. English Vocabulary in Use. Elementary / Michael McCarthy, Felicity O'Dell. - Cambridge University Press, 2008. - 168 p.

Хўжагелди АЛИМОВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси доценти в.б., психология фанлари
номзоди

СЎФИЙЛИКДА БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

СПЕЦИФИКА ПРОЦЕССА ЗНАНИЯ В СУФИЗМЕ

SPECIFICITY OF THE KNOWLEDGE PROCESS IN SUFISM

Аннотация: Мазкур мақола сўфизмда билиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларига бағишланади. Маълумки, сўфизм таълимотида билиш жараёни марказий масалалардан бири ҳисобланади. Мақола буюк сўфийларнинг фикрига кўра маърифат қандай тушунча, билиш жараёни қандай амалга оширилади, билиш жараёнининг даражалари мавжудми, оламни ва ўзини ўзи билиш жараёнида ладун илмининг роли қандай, кашф назариясининг моҳияти нимадан иборат ва ҳ.к. масалалар тўғрисида маълумот беради.

Калит сўзлар: маърифат, илмал яқин, айнал яқин, ҳаққал яқин, илми ладуний, ваҳий, илҳом, муходара, мукошафа.

Аннотация: Настоящая статья посвящена специфическим особенностям процессов познания в суфизме. Как известно, в теории суфизма процесс познания является одним из центральных вопросов. Статья дает информацию о том, по мнению великих суфиев, что такой маърифат, как осуществляется процесс познания, имеются какие степени процесса познания, какую роль играет илми ладун в процессе познания мира и самого себя, в чем заключается суть теории кашф и т.д.

Ключевые слова: маърифат, илмал яқин, айнал яқин, ҳаққал яқин, илми ладуний, ваҳий, илҳом, муходара, мукошафа.

Abstract: This article is devoted to the specific features of the processes of cognition in Sufism. As you know, in the theory of Sufism, the process of knowledge is one of the central issues. This article provides information about, according to the great Sufis, what is ma'rifat, how the process of knowledge is carried out, what are the degrees of the process of knowledge, what role Ilmi laduni plays in the process of knowing the world and oneself, what is the essence of the theory of kashf, etc.

Key words: marifat, ilmal yakin, aynal yakin, the yakin jackal, ilmi laduni, vahi, ilkhom, maxodara, mukashafa.

Билишнинг сўфиёна назарияси марказида олий даражадаги ҳиссий, Аллоҳни кашф этувчи билимлар ётади ва бу билимлар алоҳида одамларгагина хосдир. Тасаввуфнинг билиш назариясида мазкур билимларни “мушоҳада” қилиш ётади. Мушоҳада - тасаввуфда Аллоҳни қалб кўзи билан кўришдир. У икки хил бўлади. Биринчиси, комил ишонч ва иймоннинг кучлилигидан Ҳақни кўз билан кўргандек дили билан мушоҳада қилиш. Иккинчиси, маҳбубига бўлган севгисининг камоли кучлилигидан фикру зикри у билан банд бўлиб, ҳузурида тургандек тасаввур этиш”[9:115], “маърифат” (аклу дониш, амалий билим, таниш, фаҳм, тасаввуфга хос илм; ҳол сирлари ва илоҳий ҳақиқатларга тегишли илм-ирфон. ...Тарикат шайхлари эса Аллоҳ хусусидаги сиҳатли ҳолни “маърифат” деб атаганлар. Имом Ғаззолийнинг таъкидига кўра, “Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради, яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади”) [13: 227], “ишрок” (“ишрок - порламоқ” [11:292] “илоҳий нурнинг кутилмаганда порлаши” [11:119], “завқ” (“ҳузур, лаззат. Илоҳий тажаллиларнинг бошланиши, Ҳақдан етадиган ирфон нури” [13:220], “кашф” (“пардаларнинг очилиши”, “ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи билан кўриш” [13:220] деган номлар билан номланади.

Маърифат илмини ботиний илм дейилади. Бошқача айтганда, илм икки хил бўлади: зоҳирий илм ва ботиний илм. Зоҳирий илм деганда

ўқиш, ёзиш ва ўрганиш билан эгалладиган ақлий ва нақлий илм тушунилади. Ботиний илм эса тоат-ибодат, зикр, риёзат, мужоҳада, тафаккур, тақво ва ҳ.к.лар натижасида Аллоҳ бандасига эҳсон қиладиган илмдир. Усмон Турар ботиний илм тўғрисида шундай деб ёзади: “Ҳоллар илми бўлган ботин илми одоб илми бўлган зоҳирий илм талабларининг бажарилишидан сўнг Ҳақнинг лутф этилиши билан қозонилади. Ривоят илмини ўрганиб, у билан суннатга мувофиқ амал қилган кишини Аллоҳ дароят (заковат, зийраклик) илмига ворис қилади” “Билганига амал қилганга Аллоҳ билмаганларини ўргатади” ҳадиси шунга ишорадир. Зоҳирий илм билан ботиний илм бадан билан руҳ кабидир, бир-бирини тақозо қилади, тўлдирди”[9:142].

Ботин илмини тасаввуф аҳли бошқа номлар билан ҳам аташадилар: маърифат, ирфон, илми ладун, илми ваҳбий, илми асрор, ғайб илми, мавҳиба илми, фаросат, илми мукошафа, илми хузурий ва ҳ.к.

Тасаввуф аҳли маърифат босқичларини учга бўлишади: илмал яқин, айнал яқин ва ҳаққал яқин. Илмал яқин ақл-идрок ёрдамида хужжат ва далилларга асосланган билимдир. Унинг яна бошқа номи ҳам бор, уни “муҳодара” ҳам дейилади. Муҳодара солиқ қалбида зикр ёрдамида пайдо бўладиган бир лаҳзалик кашфий билим ҳисобланади. Бу даража олимларга ва янги солиқларга хос бўлиб, бунда улар шаръий ва диний билимларни, ҳукмларни қабул қилиб, Аллоҳга ва унинг сифатларига ишониш билан чегараланади. Бу маърифатнинг энг паст даражаси ҳисобланади.

Айнал яқинда билим олиш учун далил-исбот шарт эмас, балки билим кашф йўли билан олинди. Инсонда ёки тажриба ёрдамида қўлга киритилган билимга эҳтиёж йўқ. Фақат қўнгли пок банд билан ғайб олами ўртасидаги пардалар кўтарилади (кашф) ва бунга ўрта ҳолдаги солиқлар (мутаваасситлар) эришадилар.

Ҳаққал яқин банданинг сифати Ҳақ сифатида йўқ бўлади, илм, шуҳуд ва ҳол жиҳатларидан боқий бўлишдир. Бу даражада “яқин”ни ўйлашдан қутилиш ва ҳаққал яқинда фано бўлмоқ, “Аллоҳнинг мутлақ вужудининг нурига эга бўлмоқ даражасидир”[9:180].

Усмон Турар бу даражаларни қуйидаги мисол билан тушунтиришга ҳаракат қилади: “Каъбатуллоҳни ҳеч кўрмасдан, бошқалар айтган маълумот орқали у ҳақда пайдо бўлган билимга “илмал яқин”, шахсан Маккага бориб, Каъбани кўриш орқали олинган билимга” айнал яқин”, Каъба ва у ерда қилинган тавоф ва ибодатлар замиридаги илоҳий сирлар ҳақида Аллоҳ томонидан банданинг қўнглига солинган билимга “ҳаққал яқин” дейилади”[9:144]. Тасаввуф таълимоти ва амалиётида бу даражаларнинг бошқа номлари ҳам бор: улар қуйидагилар: “илмал яқин” – “муҳодара” деб аталади; “айнал яқин” – мукошафа деб аталади; “ҳаққал яқин” эса “мушоҳада” деб аталади.

Имом Ғаззолий ўзининг “Илми ладуний” асарида маърифат ва унинг ўзига хос томонлари тўғрисида батафсил тўхталади. У шундай деб ёзади: “инсоният илоҳий билимларни икки хил йўл билан қўлга киритади: биринчиси – инсоний таълим йўли, иккинчиси – илоҳий таълим йўли. Биринчи йўл одатдаги йўл, ҳиссий йўл, барча фикрловчи эрлар унинг йўналиши бўйича кетадилар. Бироқ у ҳам икки хил кўринишда бўлади: улардан бири – ташқи, яъни билимлар таълим жараёнида ўзлаштирилади, кейингисида – билимлар фикрлаш ва ўйлаб кўриш орқали амалга оширилади. Фикрлаш ва ўйлаб кўриш таълим бериш сифатида қатнашади”[2:175].

Билимнинг зоҳирий ўзлаштирилиши деганда бир кишининг (устознинг) маълум мақсад юзасидан бошқа бировга (талабага) махсус таълим бериш назарда тутилади. Фикрлаш ва англаш йўли илоҳий иноят билан амалга оширилади. Табиийки, Аллоҳнинг ёрдамида олинган таълим оддий инсон берадиган таълимдан чексиз даражада самарали ва улугдир.

Имом Ғаззолийнинг фикрига кўра, илоҳий билим ҳам икки хил йўл билан амалга оширилади: ваҳий йўли ва илҳом йўли (“Ваҳий – Аллоҳ томонидан пайғамбарларига бевосита фаришталар ёрдамида юбориладиган илоҳий кашф”[10:288]. “Илҳом – илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ва ҳақиқатлар”[12:223]. Олимнинг таъкидлашича, мукамал ва илоҳий руҳ ўқувчидай ва Илоҳий ақл ўқитувчидай бўлиб таълим жараёни амалга

ошади. Ўқувчи эса ўқимасдан, шуғулланмасдан барча билим ва ҳақиқатларни ўзлаштиради. Бу ваҳий йўли орқали билим олишдир. “Илҳом англашнинг шундай бир турики, бунда инсоннинг индивидуал руҳи Илоҳий руҳдан ўзининг мусаффолиги баробарида имконият ва қобилятларга эга бўлади”[11:205]. Ваҳий ёрдамида қўлга киритиладиган билимлар расулларга берилса, илҳом ёрдамида қўлга киритиладиган билимлар авлиёларга берилади.

Имом Ғаззолий ўзининг “Илм китоби” да мукошафа ҳақида шундай деб ёзади: “у хиссий аъзолар билан идрок қилиб бўлмайдиган илоҳий сирлардан бир сирнинг, яширин неъматлардан бир неъматнинг номидир. Гоҳида у “руҳ”, гоҳида у “нафси мутмаинна” (хотиржам нафс) дейилади. Шариат уни “қалб” деб номлайди, чунки у илоҳий сирнинг уловидир. Унинг воситаси ила бутун бадан ўша латофатга бир босқич вазифасини ўтайди. Бу сирнинг пардаси фақатгина мукошафа илми билан очилади. Мукошафа илмидаги ўша сирнинг пардасини кўтаришга, уни очиқ зикр қилишга изн берилмаган”[5:133-134 бетлар].

Имом Ғаззолий бу ўринда қалбга “илоҳий сирлардан бири, илоҳий неъматлардан бири” деб баҳо беради ва баданни ўша латофатга (қалбга – Х.А.) бир босқич сифатида кўради. Энг муҳими – бу сирнинг пардаси мукошафа орқали очилиши ва бу очилган сирни яширин сақлаш лозимлигидир.

Бу масалада Абулқосим ал-Қушайрийнинг ҳам ўзига хос қарашлари мавжуд. Унинг фикрига кўра, солиқ сафарининг асосий босқичларини таърифлаш, шарҳлаш мумкин. Бу маънавий-психологик сафар “муходара” босқичидан, яъни “Аллоҳ иштирокида топиш” дан бошланади. Бу босқичда солиқ ҳали мантикий асослар, шунингдек, ўз ақлининг пардаси билан тўсилган бўлади. Бошқача айтганда, у бу гуноҳкор дунёда унинг оятларини ўқиш ва кузатиш ёрдамида Аллоҳга етишиши мумкин. Қушайрийнинг фикрича, бу илоҳий сафарнинг иккинчи боқичи “пардаларнинг олиниши” (мукошафа) деб аталади. Солиқ энди оятларни эмас, Аллоҳнинг исми сифатларини кўриб бошлайди. Бироқ бу босқичда ҳам ҳали Илоҳий сирлар кашф қилинмаган бўлади.

Яхши шароитлар бўлганда солиқ кейинги босқичларга кўтарилади. Кейинги босқичнинг номи “ҳақиқатнинг бевосита иштироки” деб аталади. У тасаввуфда ҳеч қандай исбот талаб қилинмайдиган босқич ҳисобланади. Бу босқичда солиқ Илоҳий билимлар қуйиладиган бўш томирга айланади [6].

Абдуллоҳ ал-Ансорий кашф ва мукошафани бевосита илоҳий нурнинг бошланиши, деб ҳисоблайди. Унинг таснифи бўйича, кашф “ишончлилиқ” даражаси (яқийн)га етишишнинг белгиси сифатида қаралади. Яқин солиқни борлиқ ҳақиқатларини мутлақо англашга етиб боради. Унинг олдида илоҳий тажалли пайдо бўлади. Бу ҳолат гўё қуёшнинг чиқишига ўхшайди [6].

Тасаввуф аҳлининг таъкидлашича, кашф ва мукошафа ҳолатлари солиққа “Илоҳий қудрат” (жабарут)нинг ва “Илоҳий ҳокимият” (малакут) нинг олий соҳаларига олиб боради. Бу ҳолатда ҳақиқат солиқнинг қаршисида бутун улуғлиги билан кўзга ташланади.

Шу билан бирга оддий авомнинг онги бу дунёнинг ўзгарувчан ҳодисалари билан алданиб қолади ва уларнинг идроки борлиқнинг ҳақиқатини англаш имкониятидан маҳрум. Шунинг учун тасаввуф аҳли кашф ҳолатида қалбида кечган ҳолатларини, сирларини фақат хос аҳлига, яъни “ҳол” кишиларига айтади. Аҳмад Яссавий ҳам ўзининг “Ҳикматлар”ида “ҳол” илмини “қол” аҳлига айтиш мумкин-маслиги ҳақида ёзади [13].

Кашф бўйича бевосита асар ёзган ал-Хужвирий (“Кашф ал-махжуб”) кашф таълимотини ривожлантиради. Унинг фикрига кўра, солиқдан яширин нарсани, яъни ҳақиқий реалликни очиш “пардаларнинг секин-аста очилиши” натижасида пайдо бўлади. Бу дунёдаёқ “пардаларнинг очилиши” солиққа бир олам завқ-шавқ бағишлайди, солиқ хузур-ҳаловат топади. Бу ҳолатни айрим инсонларнинг жаннатда Аллоҳнинг содиқ дўстларига инъом қилинадиган мўъжизаси ҳисобланиб, бу мақомга етган кишилар ўз шогирдларининг фикрларини ўқиш ва келажакни башорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, билишнинг сўфиёна назариясига биноан билиш икки йўналишда

амалга оширилади ва уларнинг иккаласи ҳам сўфийнинг маънавий-руҳий тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Билимсиз тасаввуфга кириб бўлмайди. Жоҳилият йўли билан тасаввуф йўли ҳеч қачон тўқнаш келмайди, улар бир-бирига қарши тушунчалардир.

Шундай қилиб, биз юқорида тасаввуф таълимоти ва амалиётида муҳим ҳисобланган “маърифат” тушунчасини, унинг турларини, кашфни, унинг диний ва психологик томонларини таҳлил қилдик.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аҳмад Зиёуддин ал - Кумушхонавий. Жомеъ ул-мутун. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. – 313 б.
2. Ал-Газали. Имам Абу Хамид Муҳаммад бин Муҳаммад. Илм-и ладуни. В кн.: Хисматулин А.А. Суфизм. – СПб.: “Азбука - классика”; “Петербургское Востоковедение”, 2003. С. 175-216.
3. Большой психологический словарь. – СПб. Прайн – ЕВРОЗНАК, 2004. – С. 672-б.
4. Идрис Шах. Суфизм. – М.: “Клышников, Комаров и К”, 1994. – 445 с.
5. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. (Дин илмларининг жонлантириш) Илм китоби. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2003. – 231 б.
6. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: краткая история / А.Д. Кныш; пер. с англ. М.Г. Романов. – СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2004 – С. 46 4.
7. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К.1. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. – 272-б. -36-бет.
8. Лил Вилкоккс. Суфизм и психология. – М. – СПб.: “ДИЛЯ”, 2005. – С. 254.
9. Нақшбандия тариқатиға оид қўлғезмалар фирҳисти. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 1993. -115-б.
10. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиклол”, 1999. – 180 б.
11. Тримингем Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ., А.А. Ставиской, под редакцией и с предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. – С. 328.
12. Хисматулин А.А. Суфизм. – СПб.: “Азбука-классика”; Петербургское Востоковедение, 2003 –С.224.
13. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004. – 263-б.
14. Яссавий Аҳмад. Ҳикматлар.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. – 256 б.
15. Norqobilov, M. X. (2020). The importance of social environment of Temur and the temurians period and the period he lived in the scientific work of Sa'duddin Taftazani. Theoretical & Applied Science, (3), 319-322.
16. Norqobilov, Mirzoqul (2020) “Philosophical and logical analysis of sophistic thinking in the work “Sharh al-aqeed An Nasafi” by the great thinker Sadeddin Taftazani,” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 14.
17. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss3/14>

Gafkhar Siddikova FUZAILOVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, docent of the department of Islamic
History and Source Studies IRCICA, gayhar.
fuzailova@mail.ru

ЎҚИТУВЧИЛАРДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

РАЗВИТИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА У ПЕДАГОГОВ

DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL SKILLS IN TEACHERS

Аннотация: Ёшларни илмий билимлар билан қуроллантириш, уларнинг дунёқараши, жамият тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаоллиги кўп жиҳатдан олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари фаолияти билан боғлиқдир. Шундай экан, бу борада асосий вазифа ўқитувчилар зиммасига тушади. Ўқитувчининг самарали фаолияти унинг педагогик маҳорати ва қобилиятига боғлиқ. Ушбу мақолада педагогик қобилиятнинг асосий турлари санаб ўтилади.

Калит сузлар: педагогик қобилият, педагогик фаолият, истеъдод, тушунтира олиш қобилияти, билиш қобилияти, кўзатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти.

Аннотация: Вооружение молодежи научными знаниями, своим мировоззрением, ролью в развитии общества, общественно-политической деятельностью во многом связано с деятельностью высших и средних специальных учебных заведений. Поэтому основная задача в этом плане ложится на учителей. Эффективная деятельность педагога зависит от его педагогических навыков и умений. В этой статье перечислены основные виды педагогических способностей.

Ключевые слова: педагогические способности, педагогическая деятельность, талант, способность объяснять, способность

знать, способность наблюдать, способность говорить.

Abstract: Arming young people with scientific knowledge, their worldview, role in the development of society, social and political activity is largely associated with the activities of higher and secondary specialized educational institutions. Therefore, the main task in this regard falls on the teachers. The effective activity of a teacher depends on his pedagogical skills and abilities. This article lists the main types of teaching ability.

Key words: teaching ability, teaching activity, talent, ability to explain, ability to know, ability to observe, ability to speak.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва саркитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Дунёга янги кўз билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикаимиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Давлатимиз халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Ҳозирги кунда таълим - тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, эркин фикрли, онгли баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган.

Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади, ўқитувчининг ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади.

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг ижодий меросларида ўқитувчи тарбиячи маҳорати, устозлик-шогирдлик шартларига ҳам

алохида ўрин берилган. Машҳур файласуф ва мутафаккир, қомусий илмлар билимдони Абу Наср Форобий (873-930) устоз - ўқитувчига шундай талаб қўяди: «Устоз-шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари қўнғилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки ортиқча зулм шогирда устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади». У ўқитувчига болаларнинг феъл атворида қараб тарбия жараёнида «қаттиқ» ёки «юмшоқ» усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради [1:197].

XI асрда яшаб ўтган алломалардан бири Юсуф Хос Хожиб (XI аср) ҳам ўз ижодида илм аҳллари яъни устозларни улуғлайди. «Қутадғу билиг» асарида илм аҳли улуғланади [2].

Алишер Навоий (1441-1501) ижодида ҳам муаллимлар иши уларга муносабат масалаларига кенг ўрин берилади. У ёшларга чуқур билим бериш учун муаллимлар мударрислар ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради [3].

Педагогик касбини танлаган ҳар бир ўғил қиз шу касбни севиш ёки севмаслиги тўғрисида ўзига савол беради, кимларни ўқитаётган ва тарбиялаётганлиги учун ўзига жавобгарликни олади. Бундан ташқари у ўзининг касбий тайёргарлигига жавоб бериш билан бирга педагог, ўқитувчи, тарбиячи, муаллим бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши учун жуда кўплаб мажбуриятларни олиши зарур. Муаллимлик касбининг шарафлилиги, нафақат, унинг ўқитувчи, турли билимларни ўргатувчи ва мохир тарбиячи бўлганлиги учунгина эмас, балки унинг ўзи танлаган касб-хунар йўналишидаги барча мутахассисликлар бўйича махсус фанларни ва уларнинг пойдевори бўлган фундаментал фанларни ҳамда ўқитиш ва тарбия беришни, психология ва педагогика асосларини аъло даражада эгаллаган бўлиши шарт.

Шу билан бирга ҳақиқий муаллим турли даражадаги билимга, хоши ва иродага ҳамда тарбияга эга бўлган талабаларни ажойиб санъаткор каби ўзига эргаштира олиши зарур. Бундай касбий педагогик хусусиятга эга бўлган муаллим ўзига қуйидаги мажбуриятларни олиши керак:

- биринчидан, бўлажак ўқитувчи, тарбиячи бўлажак педагогик фаолияти учун ўзининг имкониятларини баҳолаши, ўзининг кучли ва кучсиз томонларини билиши, касбий педагогик тайёргарлик даврида қандай касбий зарурий сифатларни шакллантириш кераклигини ва қандайларини мустақил педагогик жараёнда шакллантириши;

– иккинчидан, бўлажак педагог интеллектуал фаолиятининг умумий томонлари (тафаккур, хотира, қабул қила олиши, кўз олдига келтира билиш) ни хулқ-атвор маданияти эгаллаган бўлиши шарт;

– учинчидан, педагог учун мажбурий дастлабки шарт-шароит муваффақиятли фаолият асоси бўлган ўқувчини ўзининг тенгқури деб қараши ва унинг хулқ-атвори ўзаро алоқасидаги қонун-қоидаларни билиши керак. Педагог, ўқувчи ва тарбияланувчини, унинг барча хусусиятларидан қатъи назар, билиши ва қабул қилиши шарт;

– тўртинчидан, педагог нафақат талабалар ўқиш фаолиятининг ташкилотчиси ва ўқиш жараёнини ташкил этувчиларнинг ўзаро алоқасини илҳомлантирувчи бўлиб хизмат қилиш билан бирга маълум маънода билим, тарбия бериш ва демак, умумий мақсадларга эришишда уларнинг тенгдоши сифатида қатнашиши зарур.

Зеро, масалани яна бир муҳим томони борки, бу бўлажак ўқитувчи педагогик қобилиятга эгами деган муаммо пайдо бўлади. Ваҳоланки ҳар бир касб қобилият орқали эгалланади ва мукамал ўрганилади. Бу эса талабалар олдига доимо ўзларининг педагогик-психологик билимларни ўзлаштириб, ривожлантириб боришларини ва улардан педагогикавий амалиётлардан самарали фойдаланишга интилишларини юзага келтиради.

Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилиятни ривожлантириш учун эса лаёқат, зехн, истеъдод яъни нерв тизимида анатом – физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур.

Педагогик қобилият фалсафий тушунча сифатида биринчи бўлиб XIX аср ўрталарида пайдо бўлди. Дистерверг биринчи бўлиб педагогик қобилият, перцептив қобилиятлар ҳақида гапириб бу масалага эътиборини қаратди

[4:374]. У педагогик қобилиятнинг кучига, педагогик тактга ва қатъий эркинликка эътибор берди. У ўқитувчининг билим орттиришлик қобилияти тушунчасини илгари сурди. Сўнгра XIX асрнинг иккинчи яримида П.Г.Редкин “ахлоқий қобилият” [5:372] тушунчасини илгари сурди. Бу фикрни К.Д.Ушинский давом эттирди. У “Одамни тарбиянинг энг асосий йўли ишонтиришдир, одамнинг эътиқодига эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин”, - дейди [6:528]. Л.Н.Толстой: “Тарбиялашнинг муваффақиятли бўлиши учун тарбияловчи кишилар сира тухтамай ўзларини тарбиялай билишлари керак”, - деганди [7:325]. А.С.Макаренко ўз тажрибасига асосланиб, “агар ҳар бир киши кунт билан меҳнат қилса, у ўзига нисбатан талабчан бўлса, у яхши педагог бўлиши мумкин”, - дейди [8:402].

Шу ўринда савол туғилади педагогик қобилият ўзи нима? Педагогик қобилият бу – қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятига яроқлигини ва шу фаолияти билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Ўқитувчининг баъзи психик процесслари унда шахсга хос сифатларнинг шундай комплексни ташкил қиладики, буни педагогик қобилият деб аташ мумкин. Бу қобилиятларни айрим психик хусусиятлардан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Таълим-тарбия ишларини муваффақиятли бўлиши педагог шахсига хос бўлган бир қанча сифатлар, шу жумладан унинг идораси, хусусиятлари, характериға хос бўлган бир неча хусусиятларни ҳам таъминлаб беради. К.Д.Ушинский: «Фақат шахсина шахснинг ривожланишига ва таркиб топишига таъсир қилиши мумкин, фақат характер таъсири билан характерни вужудга келтириш мумкин», - деб ёзган эди [3:528].

Ўқитувчининг касбий қобилияти фавқулотда умумий ва хусусий қобилиятларни талаб қилади. Касбий-педагогик фаолиятнинг муваффақияти хусусий педагогик қобилиятларга боғлиқ бўлади. Педагогик қобилиятлар қуйидагича гуруҳарга ажратилади:

Билиш қобилияти - фаннинг тегишли соҳаларига оид қобилиятдир. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча

кенг чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кўзатиб боради. Унга ниҳоятда қизиқишади, тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

Тушунтира олиш қобилияти - ўқитувчининг ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён этиши, материал ёки муаммони уларга аниқ ва тушунарли қилиб айтиб бериш, ўқувчиларда мустақил равишда фаол қизиқиш уйғотиш қобилиятидир. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиши, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши даркор.

Кўзатувчанлик қобилияти ўқувчининг тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кўзатувчанликдир. Қобилиятли ўқитувчи унча катта бўлмаган ташқи кўринишлар асосида ўқувчининг ички ҳолатидаги жуда арзимаган ўзгаришларини ҳам фахмлаб олади.

Нутқ қобилияти - нутқ ёрдамида шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилиятидир. Бу ўқитувчилик касби учун жуда муҳимдир. Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги мавзунини тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган, маъқуллаётган ёки қоралаётган бўлса ҳам унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсасида қизикаётганлиги билан ажралиб туради.

Ташкилотчилик қобилияти - биринчидан ўқувчилар жамоасини уюштириш муҳим вазифаларини ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан ўз ишини тўғри уюшганлигини назарда тутати. Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тўтилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни ўзига хос ҳис этиш ишланмасини вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгиланган муддатда улгуриш хусусияти ҳосил бўлади. Дарс давомида, қутилмаганда ортиқча вақт сарфлаш ҳоллари учраб туради. Аммо тажрибали ўқитувчи зарур ҳолларда дарснинг режасини ўзгартира олади.

Обру орттира олиш қобилияти - ўқувчиларга бевосита эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обру орттира олишдир. Обру фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлиги ва ҳақозолар асосида ҳам қозонилади. Авторитар қобилиятлар ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир иродавий сифатларига (дадиллиги, чидамлиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва ҳақозолар) шунингдек ўқувчиларга таълим - тарбия бериш масъулиятини ҳис этишга ўзини ҳақ эканлигига ишонишга, бу ишончни ўқувчиларга еткази олиш қобиларга ҳам боғлиқ. Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчини ҳурмат қиладилар.

Коммуникатив - тўғри муомала қила билиш қобилияти. Болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабат ўрната билиш педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

Келажакни кўра билиш қобилияти - ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан куришда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлиши ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ бўлган шахсни тарбиялаб етиштиришда, тарбияланувчининг қандай фазилатларини тараққий этишини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланадиган махсус қобилият. Бу қобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг қудратига, одамга ишониш билан боғлиқ бўлади.

Диққатни тақсимлаш қобилияти - ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари ҳажми, кучи, идора қилина олиши ҳам тараққий этган бўлиши муҳимдир.

Диққат айти бир вақтда фаолиятнинг бир қанча турлари ўртасида тақсимланиш қобилияти ўқитувчининг иши учун алоҳида аҳамият касб этади. Қобилият тажрибали ўқитувчи мавзунини баён қилиш мазмунини ва формасини ўз фикри ёки ўқувчи фикрини диққат билан кўзатади, айти вақтда барча ўқувчиларни ўз диққат эътиборида тутати, толиқиш, эътиборсизлик тушкунлик аломатларини хушёрлик билан кўзатиб боради, барча интизом бўзиш ҳолларини эътибордан қочирмади, ниҳоят шахсий ҳатти

ҳаракатларини кўзатиб боради. Тажрибасиз ўқитувчи кўпинча материални баён қилишга берилиб кетиб ўқувчиларни эътибордан четда қолдиради.

Ўқитувчи юқоридаги қобилиятлардан ташқари сабр - тоқатли, иродали бўлиши ва ибрат - намуна бўла олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. ўқитувчи ўқувчиларни ўзининг шахсий намунаси, ўз шахсий ҳулқ атори ва бутун шахси билан ҳам тарбиялайди. Болалар учун ўқитувчининг ҳар бир ҳатти ҳаракати намунадир. Бу ҳолат ўқитувчидан болаларга нисбатан жуда зийрак муносабатда бўлишни талаб этади. Шунинг учун ўқитувчи ўзи уқитадиган фанни мукамал билиш билан бирга юксак ахлоқий, маънавий пок, иродали, назокатли, сабр тоқатли, қатъиятли, меҳнатсевар, камтар бўлиши лозим.

Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга ўқитувчининг профессионал одоби бу хусусиятни ҳам ўз ичига олади. Маълумки, инсон олдида бир муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчилик касби ана шундай хусусиятга эга. Чунки, ўқитувчилик ишида ҳамма вақт ҳам қўллаш мумкин бўлган тайёр қоида, рецепт ёки шаблонлар йўқ. Педагог ўқувчи шахсини шакллантиради, қутилмаган вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилади, педагогик муаммоларни ечади, ўқув жараёнини мустақил бажаради. Буларнинг ҳаммасида ижодкорлик муҳим. Педагогик ижодкорликнинг туб маъноси ишнинг мақсади ва характери билан боғлиқ.

Ўз-ўзидан маълумки, қобилиятлар тенг эмас. Ана шунинг учун қобилиятлар ҳақида гап кетганда, бу фарқларни характерлаб ўтмоқ керак. Улар сифатли ва миқдорий бўлиши мумкин. Педагог учун ўқувчининг қобилиятлари нимага нисбатан намоён бўлишини ва бинобарин, ўқувчи шахсининг қандай индивидуал психологик хусусиятлари фаолият жараёнига муваффақиятнинг мажбурий шарти сифатида киритилишини ҳамда ўқувчи фаолият томонидан қўйиладиган талабларни қай даражада бажариш қобилиятига эгаллигини, бошқаларга нисбатан малака, кўникма ва билимларни қанчалик тез, осон ва мустаҳкам эгаллай олишини билиш ҳам муҳимдир.

Ҳозирги тушунчамиздаги касбий маҳорат шунчаки билимларни осонроқ ҳаммабон ва тушунарли қилиб ўқувчилар онгига етказиб бериш қобилиятигина эмас балки, шу билан ўқувчиларнинг мустақил ишлари, уларнинг билиш фаоллигини оқилона ва моҳирлик билан бошқариб, уларни керакли томонга йўналтириб туришдан иборат қобилиятни ҳам ўз ичига олади.

Мана шу қобилиятлар асосида талабалар психологиясига хос доимий установка ётади. Қобилиятли педагог талабаларни тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда уларни нимани билиш ва нимани билмаслигини, нималарни аллақачон эсдан чиқарилганликларини тасаввур қила олади.

Бундай педагогик қобилиятларнинг ҳаммаси инсонларда туғма ҳолатда бўлмайди балки, улар доимо изланишлар, тинимсиз меҳнат қилиш, ўз устида изланишлар орқали эгалланади ва ривожлантириб борилади. Бу масъулиятли вазифалар асосан маъруза машғулотларида, семинар ва лаборатория машғулотларида амалга оширилади. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик қобилиятларни ривожлантиришда аввало уларга таълим бераётган педагогларни ўзларида ҳам шундай қобилиятлар мужассам бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А.Н.Фаробий “Фозил Одамлар шаҳри”Тошкент А.Қодирий номидаги Халқлар мероси нашириёти1993-1976.
2. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу Билиг. – т., 1990.
3. А.Навоий “Маҳбубул-Қулуб”Асарлар 15-том-Т,Фан 2005
4. Дистервег А. Избранные педагогические сочинения. — М.: Учпедгиз, 1956. 374 с.
5. Редкин П. Г. На чем должна основываться наука воспитания. Как учителю вести себя с учениками. Содействие учеников учителю // Антология педагогической мысли России первой половины XIX в. М., 1987. С. 372-394.
6. Ушинский К. Д. Человек как предмет воспитания. Опыт педагогической антропологии // Ушинский К. Д. Педагогические сочинения: в 6-ти т. / сост. С. Ф. Егоров. М.: Педагогика, 1990. Т. 3. 528 с.
7. Толстой Л.Н. Педагогические сочинения / Сост. Н.В. Вейкшан (Кудрявая). М., 1989. 325 с.
8. Макренко А.С. Таълим - тарбия тажрибасидан баъзи бир хулосалар. – Т.: Ўқитувчи,1988. – 402 б.
9. Давлатшин М.Г. «Ўқувчиларда қобилиятни таркиб топтириш». Т., Ўқитувчи 1996 й.
10. Холиков А. Педагогик маҳорат. – Т.: “Икдисод - молия” нашриёти, 2011.

Timur Sobirovich SATTAROV,
lecturer of the faculty of the Uzbek – Kazan joint
program of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, p.sattarov1978@mail.ru

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ И МЕХАНИЗМЫ ДУХОВНО- НРАВСТВЕННОГО РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ СТУДЕНТОВ

ТАЛАБАЛАР ШАХСИНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

PSYCHOLOGICAL CONDITIONS AND MECHANISMS OF SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF STUDENTS 'PERSONALITY

Аннотация: Актуальность темы обусловлена остротой социальных проблем современного общества, коренящихся в низком уровне духовно-нравственной культуры значительной части людей. Вместе с тем, проблема духовности и нравственности, духовно-нравственного формирования личности в современной научной, в том числе педагогической психологии оказалось наименее изученной и изучаемой. В этой статье перечислены механизмы духовно-нравственного развития личности студентов и психологические факторы этого процесса.

Ключевые слова: духовность, духовно-нравственная сфера, личность, формирование, уровень, психологический механизм, личностный потенциал, психологическое сопровождение.

Аннотация: Мавзунинг долзарблиги одамларнинг асосий қисмининг маънавий-ахлоқий маданияти пастлигидан келиб чиққан замонавий жамиятнинг ижтимоий муаммоларининг оғирлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, хозиргача даврда илмий нуқтаи назардан, шу жумладан педагогик психологияда шахсининг маънавий-ахлоқий шаклланиши

муаммоси энг кам ўрганилган ва ўрганалаётган йўналиш бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақолада талабалар шахсининг маънавий-ахлоқий ривожланиш механизмлари ва ушбу жараённинг психологик омиллари келтирилган.

Калит сузлар: маънавият, маънавий-ахлоқий соҳа, шахсият, шаклланиш, даража, психологик механизм, шахсий салоҳият, психологик ёрдам.

Abstract: The relevance of the topic is due to the severity of the social problems of modern society, rooted in the low level of spiritual and moral culture of a significant part of people. At the same time, the problem of spirituality and morality, spiritual and moral formation of the personality in modern scientific, including pedagogical psychology, turned out to be the least studied and studied. This article lists the mechanisms of spiritual and moral development of the personality of students and the psychological factors of this process.

Key words: spirituality, spiritual and moral sphere, personality, formation, level, psychological mechanism, personal potential, psychological support.

В истории педагогики и образования учеными и практиками всегда признавалась значимость духовного, нравственного и духовно-нравственного воспитания личности. Актуальность этих направлений воспитания непреходяща, поскольку проблемы, связанные с развитием ценностно-смысловой сферы личности, трудно разрешимы, и во многом их решение зависит от мировоззренческих установок государства, общества, педагогов, родителей.

Современный период развития общества актуализирует необходимость духовно-нравственного воспитания, поскольку характеризуется процессом переоценки ценностей, разнотипностью мировоззрения; социальными, этническими, конфессиональными, культурными различиями. Само понятие «духовно-нравственное воспитание» то утверждалось, то не признавалось педагогическим сообществом. В настоящее время по-прежнему нет его однозначного толкования, существуют определенные риски

в процессе его осуществления, а педагоги считают себя некомпетентными в данной сфере.

Разработка понятия духовности личности представляет для современной педагогической психологии одну из важнейших теоретических и практических задач, поскольку без ясного понимания сущности этого феномена невозможно оптимальное духовно-нравственное воспитание и развитие личности.

Проблемы духовно-нравственных ценностей в истории общества не новы, однако каждая эпоха и быстро меняющийся социальный мир выдвигают в них всё новые и более сложные грани. Мыслители Востока и Запада (Аристотель, Авиценна, Демокрит, Платон, Сократ и др.) оставили нам богатое педагогическое наследие, посвященное духовно-нравственному воспитанию подрастающих поколений [1:286].

Теоретическая разработка проблемы духовно-нравственного воспитания современной молодёжи осложняется существованием многочисленных определений понятия «духовно-нравственное воспитание». Неоднозначность понимания духовно-нравственного воспитания привели на практике к недооценке данного процесса в образовании, к её неполному использованию в теории педагогики и в учебно-воспитательном процессе современных образовательных институтов.

Духовно-нравственное воспитание молодёжи сегодня затруднено как вследствие недостаточной разработанности данной проблемы с точки зрения современных реалий, так и в силу слабой ориентированности многих положений исследований на современную социальную и педагогическую действительность.

Состояние современного общества требует не только изменения подхода к образованию, как одного из важнейших компонентов формирования человеческой личности, но и глубокого переосмысления самого понимания жизни человека, развития у него способности делать осознанный выбор, ставить перед собой достойные жизненные цели. Это возможно, если человек будет способен не только удовлетворять свои физические и материальные потребности, но и стремиться к духовно-нравственной самореализации, позволяющей проникать в

свою собственную сущность и осознавать смысл своей жизни. При такой постановке вопроса на первый план образовательного процесса выходит не интеллектуально-когнитивная или операционально-профессиональная подготовка, а формирование человека, способного глубоко осмысливать происходящее, видеть позитивные пути решения жизненных проблем, находить силы воплощать их в собственной жизни и жизни окружающих.

Осмысление места и роли духовно-нравственного развития студентов в современном высшем профессиональном образовании должно быть направлено, прежде всего, на возвращение в образование и в жизнь молодежи вечных и неизменных общечеловеческих высших нравственно-духовных ценностей, на осуществление в образовании задач духовного наставничества молодежи.

Классики педагогики, как известно, выделяли приоритетность духовно-нравственного развития личности в любом образовательном процессе. Так, И.Ф. Герbart утверждал, «что достоинство человека не в знании, а в желании, последнее же лежит в добродетели. Но добродетель есть идеал, а приближение к нему есть нравственность [2]. К.Д. Ушинский отмечал, что влияние нравственное составляет главную задачу воспитания, гораздо более важную, чем развитие ума, наполнение головы разными познаниями и разъяснение каждому его личных интересов [3]. П.Ф. Лесгафт видел главную задачу в *образовании человека*, умеющего владеть собой и реализовать себя в обществе [4]. П.Ф. Каптерев был убежден, что прогресс в знаниях и умственном развитии без прогресса в добрых нравах, духовности и нравственности есть регресс [5]. И.А. Ильин отстаивал мысль о том, что образование в отрыве *от духа, совести, веры и характера* не формирует человека, а разнуздывает и портит его, ибо оно дает в его распоряжение жизненно выгодные возможности, технические умения, которыми он, бездуховный и бессовестный, безверный и бесхарактерный начинает злоупотреблять [6:271]. В. А. Сухомлинский считал нравственно-духовное развитие системообразующим фактором образования [7:192].

Имеющиеся в педагогической психологии, педагогике, философии образования немногочисленные исследования по проблемам духовности и духовно-нравственного воспитания касаются ряда важных сторон этого сложного вопроса. Наряду с общими вопросами понимания духовности в аспекте культуры и воспитания рассматриваются общепедагогические подходы к духовно-нравственному воспитанию и его осуществлению в обучении отдельным предметам.

При этом остается неразработанным само понятие и содержание духовнонравственного развития личности, его психологическая структура, основные направления этого развития. Но самое главное, остаются нерешенными вопросы, связанные с пониманием системы духовно-нравственного развития студентов, применительно к процессу профессиональной подготовки в системе высшего образования, вопросы организации психологического сопровождения этого развития. Таким образом, краткий анализ выявляет *основное противоречие* между острой необходимостью решения целого ряда духовно-нравственных проблем и отсутствием научно обоснованных путей и средств их решения.

Сегодня как никогда актуальны создание психологических основ духовно-нравственного развития и воспитания молодежи, выявление условий эффективности и разработка программ оптимального психологического сопровождения этого процесса.

Духовно-нравственное развитие личности студента будущего специалиста педагога обеспечивается комплексным развитием, взаимодействием и реализацией в профессиональной подготовке *личностного потенциала* студентов, и, прежде всего свойств, составляющих ценностный и духовный потенциалы личности. При этом *духовность*, как детерминирующий компонент духовно-нравственного развития личности представляет собой сущностную, интегральную и динамичную характеристику личности, выражающуюся в уровне свободы, ответственности, смысла, трансцендентности, любви, стойкости, влиятельности личности и основывающихся на этих качествах способностях:

- давать духовно-нравственную оценку всему происходящему *вне и внутри* себя;
- действовать в соответствии с собственной системой духовнонравственных ценностей;
- оказывать влияние на окружающий мир, и в первую очередь, на других людей, исходя из своих ценностно-смысловых и нравственных установок.

Оптимальные условия духовно-нравственного развития личности студентов может обеспечить специально организованная программа психологического сопровождения подготовки студентов, направленная на активизацию их духовного и ценностного потенциалов во взаимной связи с целостной структурой личности. Основными аспектами такой программы предполагаются интеллектуально-когнитивный, мотивационный, операциональный, рефлексивный и духовно-нравственный. Главными психологическими условиями оптимального духовно-нравственного становления и развития личности студентов предполагаются:

- формирование адекватного отношения к людям,
- формирование *здоровой* личностной самооценки,
- достижение необходимого уровня трансцендентности ориентации личности на высшие общечеловеческие духовно-нравственные ценности.

В качестве психологического механизма, определяющего динамику этих процессов предполагается *механизм нравственно-психологического дисэквилибриума* внешних и внутренних кризисов, моментов диссонанса, когда сформированное мировоззрение, стереотипы поведения и взаимоотношений личности не способны дать ответ на внешний или внутренний вызов; духовно-нравственное развитие рассматривается при этом как процесс чередования периодов относительной стабильности и периодов дисэквилибриума; моменты дисэквилибриума используются для развития духовно-нравственной сферы в рамках образовательного процесса.

В основе этих гипотез лежат следующие представления о *личностном потенциале, духовности и психологическом механизме* их развития.

Личностный потенциал специалиста определяется как *система* свойств личности, составляющих основу его личностного, в том числе профессионально-личностного развития, и обеспечивающих достижение соответствующих результатов в профессиональной подготовке, в последующей деятельности, в развитии качеств личности. Личностный потенциал складывается из следующих структурных компонентов, каждый из которых, в свою очередь, может быть системно рассмотрен как потенциал: *гносеологический, аксиологический, творческий, коммуникативный, духовный*.

Психологический механизм духовно-нравственного развития личности определяется как система взаимодействующих факторов и условий, обеспечивающих этот процесс [8]. Главными из них, согласно гипотезе нашего исследования, выступают формирование адекватного отношения к людям, развитие *здоровой* личностной самооценки, достижение необходимого уровня трансцендентности личности. Положительная динамика этих процессов достигается на основе использования в образовательном процессе *механизма нравственно-психологического дисэквилибрия*.

Духовность определяется в данной статье как сущностная, интегральная и динамичная характеристика личности, которая находит свое выражение в уровне свободы, ответственности, осознания смысла жизни, любви, стойкости, влияния и трансцендентности личности, а также основанных на этих качествах способностях: нравственно оценивать все происходящее внутри и вне себя, действовать в соответствии с собственной системой нравственных ценностей, оказывать нравственное влияние на окружающий мир, исходя из своих ценностных установок.

Определение понятия духовности является базой для рассмотрения содержания духовно-нравственного развития личности. Такой подход используется вследствие существования системной связи между такими психологическими характеристиками личности как духовность и нравственность. Духовность и нравственность — не тождественные категории. И нравственность, и духовность личности проявляются через ценностные установки и поведенческие стереотипы во взаимодействии

с другими личностями. И нравственность, и духовность формируются через взаимодействие с культурой семьи, общества, с культурным наследием современной цивилизации.

На основе теоретического анализа условий и психологического механизма выделены главные условия духовно-нравственного развития личности студентов, в качестве которых определены наиболее важные стороны личностного потенциала студентов: формирование адекватного отношения к людям, развитие *здоровой* личностной самооценки, достижение необходимого уровня трансцендентности личности.

Психологический механизм духовно-нравственного развития личности — это система взаимодействующих факторов и условий, обеспечивающих этот процесс. Здесь можно выделить библиопсихологический метод в качестве основного для создания нравственно-психологического дисэквилибрия и вовлечения участника библиотерапии в активный процесс духовнонравственного роста. *Библиопсихологический метод* предполагает индивидуальную и групповую работу студентов с ситуациями литературных героев и персонажей фильмов. Последовательность движения к высшему уровню развития личности в данном методе следующее: от *текста* как средства к *пониманию и интерпретации* текста к познанию и *пониманию личности* героя к переживанию и *сопереживанию* герою к *творческому самовыражению* к ценностно-смысловому и духовно-нравственному *отношению* личности. Этот метод стимулирует развитие ценностно-смыслового и нравственно-духовного потенциала студентов, опираясь на мощный ценностно-духовный потенциал мировой художественной литературы и кинематографии Библиотерапия осуществляется в форме организации условий для возникновения дисэквилибрия (эмоционального потрясения, конфликта, внутреннего сокрушения) во время и после восприятия студентом художественного произведения, осознания переживания, объективирования своих проблем и переживаний, последующей гармонизации внутреннего мира на более высоком духовно-нравственном уровне [9].

Реализация выделенных условий и обозначенных механизмов осуществляется в

программе психологического сопровождения. Психологическое сопровождение предполагает целенаправленное создание психологических условий духовно-нравственного развития студентов. Психологическое сопровождение носит обучающий, воспитывающий и формирующий характер. Такой характер психологическому сопровождению придает диалогически организованное взаимодействие студентов и педагогов, осуществляющих психологическое сопровождение. В качестве механизмов осуществления и присвоения совместно обретенных смыслов обозначаются *духовность и рефлексия*. Общим итогом работы по психологическому сопровождению духовно-нравственного развития является *личностная зрелость*.

Повышение статуса духовности и нравственности формирует духовность как фундаментального качества личности, определяющего её позицию, поведение, отношение к себе и окружающему миру. Основными направлениями духовно-нравственного воспитания мы считаем: формирование и развитие системы духовно-нравственных знаний и ценностей, реализацию знаний, связанных с нормами нравственности и профессиональной этики в учебной, производственной и общественной деятельности, формирование у студентов репродуктивного сознания и установок на создание семьи как основы возрождения традиционных национальных моральных ценностей, формирование качеств социально-активной личности, имеющей навыки самопрезентации, аргументации, принятия решений, организации общественно и лично значимых дел [10].

ЛИТЕРАТУРА:

1. Сажин А. В. Проблема духовно-нравственных ценностей современного общества с точки зрения нравственно-психологического подхода. Социально-экономические явления и процессы № 1 (035), 2012.
2. История педагогики и образования. От зарождения воспитания в первобытном обществе до конца XX в.: Учебное пособие для педагогических учебных заведений Под ред. А. И. Пискунова. – М., 2001.
3. Ушинский, К.Д. Переиздание. – М.: Издательский Дом Шалвы Амонашвили, 2001. – 224 с. (Антология гуманной педагогики).
4. Лесгафт, П.Ф. Переиздание. – М.: Издательский Дом Шалвы Амонашвили, 2002. – 224 с. (Антология гуманной педагогики).
5. Каптерев, П.Ф. Переиздание. – М.: Издательский Дом Шалвы Амонашвили, 2001. – 224 с. – (Антология гуманной педагогики).
6. Ильин, И.А. Пути духовного обновления / Н.И. Сиземская, Л.И. Новикова // Идеи воспитания в русской философии XIX – начало XX века. – М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2004. 271 с.
7. Сухомлинский, В.А. Методика воспитания коллектива / В.А. Сухомлинский. – М.: Просвещение, 1981. – 192 с.
8. Леонтьев, В.Г. Психологические механизмы мотивации деятельности / В.Г. Леонтьев – Новосибирск, 1992. – 287 с.
9. Рубакин Н.А. Библиологическая психология и литературоведение. Доклад обществу любителей российской словесности, читанный 11 мая 1927 г. в Москве.
10. Фомина О.Е. Духовно-нравственное воспитание личности студентов в системе высшего образования // Современные проблемы науки и образования. – 2012. – № 5.;

Дилнозахон КАТТАХОНОВА,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий
Кенгаши раиси ўринбосари

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ - МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ОСНОВНОЙ ФАКТОР СТАБИЛИЗАЦИИ СОЦИАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ ГОСУДАРСТВА ПОДДЕРЖКИ ЖЕНЩИН ГОСУДАРСТВЕННОМ В УПРАВЛЕНИИ

THE MAIN FACTOR OF STABILIZATION OF THE SOCIAL ECONOMY OF THE STATE SUPPORT FOR WOMEN IN PUBLIC ADMINISTRATION

Аннотация: Мақолада ёш хотин-қизларни раҳбар лавозимларда фаолият олиб боришини қўллаб-қувватлаш механизмлари, ёш хотин-қизларнинг лавозимда ўсишлари учун муҳим омиллардан бири бўлган таълим, фан борасидаги муаммолар, мамлакатимизда бу борадаги мавжуд ҳолат таҳлил қилинган ва амалий тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: Кадрлар, инсон капитали, гендер тенглик, социал лифт, инсон капитали бошқаруви, кадрлар алмашинуви, кадрлар қўнимсизлиги, кадрлар селекцияси.

Аннотация: В статье анализируются механизмы поддержки молодых женщин на руководящих должностях, нынешняя ситуация в образовании и науке, как основных факторов роста молодых женщин в должностях, даются практические рекомендации по решению данных проблем в условиях Узбекистана.

Ключевые слова: кадры, человеческий капитал, гендерное равенство, социальный лифт, управление человеческими ресурсами,

обмен кадрами, текучесть кадров, селекция кадров.

Abstract: There are the analysis the current situation of the mechanisms of support for young women in leadership positions, the problems of young women in education and science as a key factor for their growth in positions, the practical recommendations concerning the problems in Uzbekistan in this article.

Key words: personnel, human capital, gender equality, social lift, human resource management, staff turnover, staff exchange, staff selection.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги 3 йил давомида аёллар мавқеини мустаҳкамлаш, уларни давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, гендер тенглигини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун талаблари асосида Сенат қарори билан барча вазирлик, идора ва ташкилотларда раҳбар ўринбосари бошчилигида Гендер комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди.

Шунингдек, мазкур қонун барча соҳалар қаторида бошқарув кадрлар сиёсати юритилишида ҳам сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Жумладан, илк бор Ўзбекистонда бта туманга аёллар ҳоким этиб тайинланди (Андижон вилояти Бўстон тумани – Садбархон Мамитова [1], Бухоро вилояти Олот тумани – Наргиза Нематова [2], Қашқадарё вилояти Қарши тумани – Мақсуда Мустафаева [3], Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани – Зулайхо Маҳкамова [4], Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани – Гавхар Алимова [5], Сирдарё вилояти Боёвут тумани – Дилфуза Уралова [6]).

Раҳбар кадрларни тайёрлаш ва лавозимга тайинлашда ҳам гендер тенглик мезонига амал қилиш талаби долзарб бўлиб қолмоқда. Мустақиллик йилларида раҳбар кадрлар масаласига бағишланган илмий изланишлар олиб бораётган олимлар Қ.Абдурахмонов ва Д.Раҳимовалар ҳам кадрларни танлашнинг асосий тамойилларидан бири сифатида “фуқароларнинг ижтимоий, ирқий, миллий

ёки қайси динга мансублиги белгилари бўйича улар ҳуқуқларини чеклашнинг ҳар қандай шакллари таъқиқлаш тамойили; эркак ва аёллар учун ҳуқуқ ва эркинликлар тенглиги таъминланиши, уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун бир хил имкониятлар яратилиши” [7] муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашган.

Раҳбар кадрлар ҳақида гапирганда бу тоифа кадрлар бир қанча мезон ва талабларга жавоб бериши ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Кадрларнинг интеллектуал салоҳияти ҳамда маълумоти энг асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Бу борада буюк маърифатпарвар аждодларимизнинг асарларида ҳам аниқ мезон ва талабларни учратиш мумкин. Масалан, Абу Наср Форобийнинг асарига кўра, фозиллар шахрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қурилишининг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. Бу борада Форобий раҳбарнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритганда, ёши, жинсидан қатъий назар раҳбар “таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнидан сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур [8]”, деб таъкидлагани фикримизнинг тасдиғи сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистонда таълим тизими ўз ичига мактабгача таълим, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълим босқичларини қамраб олади.

Бугунги кунда республикада мактабгача таълим муассасалари билан болаларнинг қамрови 52%га етди [9]. МТМ тарбияланувчиларининг ярми - 532 691 нафари (47,7%)ни қиз болалар, 582 746 нафари (52,3%)ни ўғил болалар ташкил этади [10].

Республика ҳудудларидаги 10 090 та ўрта умумтаълим мактабларида 6 168 198 нафар болалар ва ёшлар таҳсил олади, шундан 48,4% (2 988 962 нафар)ни қиз болалар ва 51,6% (3 179 236 нафари)ни ўғил болалар ташкил этади [11].

Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 239 239 нафар ўқувчиларнинг 53,9% (129 024 нафари)ни қизлар, 46,1% (110 215 нафари)ни йигитлар ташкил этади [12]. Академик лицейларда эса 106 288 нафар ёшлар

таҳсил олса, улардан 40,7% (43 260 нафари)ни қизлар, қолган 59,3% (63 028 нафари)ни ўғил болалар ташкил этади [13]. Бундан кўриниб турибдики, ўрта-махсус таълимда жалб бўлган ёшларнинг 49,8%ни қизлар ташкил этади.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 440 991 нафар талабадан 202 537 нафари (45,9%)ни қизлар, 238 454 нафари (54%)ни ўғил болалар ташкил этади [14].

Таълим тизимининг биринчи уч босқичида гендер тенглиги кузатишмоқда. Бироқ олий таълимдан кейинги таълим босқичида кескин фарқ кўзга ташланади. Илмий изланишлар билан шуғулланаётган аёллар фан тармоқлари кесимида таҳлил қилинганда, хотин-қизлар ижтимоий-гуманитар ва тиббиёт фанларига кўпроқ қизиқиш қаратаётгани, аниқ фанлар ва техника фанлари соҳасида эса ёш хотин-қизлар ўтган 3 йил давомида фалсафа доктори ёки фан доктори илмий даражасини қўлга киритмагани аниқланди.

Шунингдек менежмент йўналишида ҳам ёш аёл-қизлар салмоғи кам эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Академияда сўнги 3 йил давомида жами 351 нафар тингловчи таҳсил олган бўлса, мазкур тингловчиларнинг 19 нафари, яъни 5% ини аёл жинсига мансуб тингловчилар ташкил этган.

Агар олинган натижалар йиллар кесимида таққосланадиган бўлса, 2017 йилда аёл тингловчиларнинг эркакларга нисбатан улуши 9%, 2018 йил 2%, 2019 йил 7% ва 2020 йилда эса 5% бўлганлигини кўриш мумкин. Энг паст кўрсаткич эса 2018 йилда (2%) қайд этилган.

Йиллар давомида аёлларнинг улуши базис даврига нисбатан пасайганлигига амин бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олган тингловчилар

Академияда таҳсил олган аёл тингловчиларнинг 4 нафари (21%) 30 ёшгача бўлган, қолган 15 нафари ёки 79% ини эса 30 ёшдан катта бўлган тингловчилар ташкил этган.

Айнан 30 ёшгача бўлган аёл тингловчиларнинг 21.1 фоизли улуши 2017 йилда қайд этилган. Қолган 2020 йилгача бўлган кейинги

йилларда эса 30 ёшгача бўлган бирорта ҳам аёл академияда таҳсил олмаган.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви
академиясини битириб чиққан, мансабида
ўсиш кузатилган аёллар**

Ушбу муаммони ҳал қилиш масаласи “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида ўз аксини топди [15]. Хусусан Давлат дастурининг 24 бандида “ҳар йили Академия магистратураси ва қайта тайёрлаш курсларига давлат грантлари бўйича умумий қабул квоталарининг камида 30 фоизи аёллар учун ажратилиши” белгиланди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг Марказий бошқарув аппаратида фаолият юритаётган ёшларнинг салмоғи (улуши) таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 20 та вазирликнинг марказий аппаратида фаолият юритаётган 849 нафар ёшлардан 121 нафари (14,3%) масъул (раҳбар) лавозимларни эгаллашган. Бунда энг юқори кўрсаткич Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида (47,3%) ва энг паст кўрсаткич Соғлиқни сақлаш вазирлигида (0%) ҳамда Ташқи ишлар вазирлигида (0%) кузатилмоқда.

Жами 849 нафар ёшлардан 210 нафарини (24,7%) ёш хотин-қизлар ташкил этади. Гендер тенглиги бўйича энг юқори кўрсаткич Сув хўжалиги вазирлигида (50,0%) ва энг паст кўрсаткич Иқтисодиёт ва саноат вазирлигида (4,3%), Ташқи ишлар вазирлигида (4,8%), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида (6,7%), Қишлоқ хўжалиги вазирлигида (6,9%) кузатилмоқда. (1-илова)

Давлат бошқаруви органларида ёш хотин-қизлар салмоғини ошириш, улар орасидан кадрлар захирасини яратиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан “Қизлар овози” клуби фаолияти йўлга қўйилди. Клубнинг дастурий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

– Ёш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янги босқичга кўтариш, жамиятда хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларга мотивация бериш;

– замонавий аёл образини яратиш, ёш хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш орқали улар билан ишлаш тизимини тубдан

модернизация қилиш, уларнинг мавжуд муаммоларини тизимли бартараф этиш бўйича таклиф тайёрлаш;

– мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир қизлар сафини кенгайтириш орқали жамиятда гендер тенглигини таъминлаш,

– ёш хотин-қизларнинг руҳий ва маънавий зўриқиши олдини олиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш,

– қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

– демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда қизлар фаоллигини ошириш ҳамда клуб аъзолари орасидан фидойи ёш кадрлар захирасини яратиш, уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Республиканинг барча ҳудудларида ўтказилган “Қизлар овози” форумларида ихтиёрий равишда номзодини илгари сурган қизлар орасидан клубнинг 14 нафар ҳудудий координаторлари очик овоз бериш йўли билан сайланди. Шунингдек, клубнинг Республика координатори ҳам очик овоз бериш йўли билан ҳудудий координаторлар томонидан сайланди.

“Қизлар овози” клубининг 7 ойлик фаолияти давомида клуб координаторларидан 1 нафари (андижонлик Нигорахон Абдумўминова) Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди, 1 нафари (наманганлик Муаззамхон Мухторова) Вазирлар Маҳкамасининг 914-сонли қарори асосида олий ўқув юртига давлат гранти асосида имтиёзли ўқишга қабул қилинди, 1 нафари (сурхондарёлик Нилуфар Киямова) раҳбарлик лавозимида кўтарилди (Ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари, “Камалак” болалар ташкилоти раиси этиб тайинланди).

Клубда фаолият юритаётган қизлар ёшлар ташкилотининг кадрлар захирасига киритилади. Ушбу платформа орқали қизлар жамиятда мавжуд ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари олдида олиб чиқишни

ўрганишади, лойиҳа бошқаруви, жамоани бошқариш, лидерлик, мулоқот кўникмаларини ривожлантириш имкониятига эга бўлишади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи эса, ўз ўрнида давлат бошқаруви учун кадрларни етиштириб берадиган энг йирик ташкилотлардан бири сифатида истиқболли ёш хотин-қизларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратура босқичида, шунингдек, қисқа муддатли ўқув курсларида тахсил олишига тавсия қилади, ўз соҳаси бўйича вазирлик ва идораларга кадрларни лавозимда ўсишларига кўмак беради.

Кадрлар заҳираси масаласи Қ.Қуранбоевнинг илмий ишида тадқиқ этилган. Жумладан, диссертацияда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги кадрлар етишмовчилиги муаммоси келиб чиқиши оқибатида, кадрлар заҳирасининг шакиллантирилгани, заҳирадаги мутахассисларни “танлаш, ўқитиш, улар билан ишлаш регламентини аниқлаш, уларни заҳирага қўйиш учун илгари суриладиган ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, мутахассислиги, гендер ва бошқа кўрсаткичларни белгилаш ишлари” ташкил этилгани “80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ана шу категориядаги ходимлар орасидан раҳбар лавозимларга тайинлаш [16]” кучайгани натижасида кўпгина муҳим тармоқларда ёш кадрлар пайдо бўла бошлагани ҳақида ёзилади. Бунинг билвосита таъсири билан мамлакат тез суръатлар билан ривожланишни бошлаганини кузатиш мумкин.

Бироқ ёш қизларни келажакда давлат бошқаруви тизимида фаолият олиб борадиган раҳбар кадрлар сифатида тайёрлаш, истиқболли ёш хотин-қизларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги салмоғини ошириш борасида камчилик ва муаммолар мавжуд. Хусусан:

– умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битираётган қизларнинг бор-йўғи 10% олий таълим муассаларига ўқишга кирмоқда, қолган 90% меҳнат бозорида ёки уй юмушлари билан шуғулланишига, мустақил, яқка тартибда таълим олишига тўғри келмоқда (2-илова);

– Бухоро ва Навоий вилоятларида ўқишга ҳужжат топширган қизлар сонига нисбатан

талабаликка тавсия этилган қизлар кўрсаткичи энг юқори (18%), Тошкент вилоятида эса энг паст (6%) (энг юқори кўрсаткичга эга ҳудудлардан 3 баробар кам) ташкил этади; (2-илова)

– айрим ҳудудларда (Фарғона вилоятининг Қўштепа ва Сўх туманлари, Навоий вилоятининг Томди тумани, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўноқ тумани, Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани, Андижон вилоятининг Қорасув тумани) олий таълим муассаларида тахсил олишга қизларнинг қизиқиши паст эканлиги, мактаб, коллеж ва лицей битирувчиларининг олий маълумот эгаллашларига кадрсизланганидан далолат беради; бу эса, ўз навбатидамазкур ҳудудларда ёш хотин-қизлар келажакда рақобатбардош кадрлар сифатида ўзларини намоён қилишлари мураккаб кечишини кўрсатиб турибди; (3-илова)

– олий таълимдан кейинги таълим соҳасида эса илмий изланишлар олиб боришда қизларимиз асосан ижтимоий-гуманитар соҳаларни танлашга мойиллик ҳам илм-фан соҳасида гендер тенгликни таъминлашда ҳали кўп вазифалар олдимизда турганидан дарак беради. (4-илова)

Юқоридаги муаммолар ечими, шунингдек мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ёш хотин-қизлар иштирокини кўллаб-қувватлаш, ушбу жараёнларга кенг жалб қилиш орқали, иқтиқболли лидер қизлар сафини кенгайтириш юзасидан қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, Тошкент вилояти, Андижон, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда таълим сифатини ошириш,

Иккинчидан, ушбу ҳудудларда ўқувчи қизлар учун махсус тайёрлов курсларини ташкил этиш, бунда халқ таълими бўлими ва маҳаллий ҳокимликларнинг имкониятларидан фойдаланиш, “Хан академияси”, “Масофавий таълим” каби онлайн таълим ресурслари тарғиботини кучайтириш, улардан фойдаланиш шароитини яратиш;

Учинчидан, олий таълим муассасаларига қўшимча квота асосида давлат гранти билан ўқишга қабул қилинадиган қизларни

саралашда муаммоли, таълимга қизиқиши паст бўлган ҳудудларга эътиборни кучайтириш;

Тўртинчидан, таълим олишга қизиқиши паст кўрсаткичга эга туман/шаҳарларда қизларнинг таълим олиши аҳамияти юзасидан ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, “Қизлар таълими учун” лойиҳасини амалга ошириш (лойиҳа доирасида битирувчи қизлар ўртасида ижтимоий сўровнома ташкил этиш, натижаларини таҳлил қилиш, аниқланган муаммоларнинг ечими юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириш;

Бешинчидан, ёш хотин-қизлар сони кам кузатилаётган фан тармоқлари (аниқ фанлар, техника фанлари ва бошқалар)да ёш хотин-қизлар учун махсус квота ажратиш, илмий изланишлар учун грант жорий қилиш орқали ёш хотин-қизларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

Олтинчидан, ижтимоий фаол, фан-таълимда ютуқларни қўлга киритиб келаётган ёш хотин-қизларни кадрлар заҳирасига киритиш, уларни “Президентнинг 1000та ёш кадрлари” лойиҳаси доирасида маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар тармоғидаги масъул раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш;

Еттинчидан, ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларида намунали меҳнат фаолиятини олиб бораётган салоҳиятли ёш аёл кадрлар учун махсус малака ошириш курсларини ташкил қилиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- <https://www.gazeta.uz/uz/2020/03/04/hokim/>
- http://olot.buxoro.uz/pages.php?dt=pages&menu_id=52
- <http://qashqadaryo.uz/oz/view/qarshi-tumani>
- <http://namangan.uz/uz/2016-05-01-11-01-24/to-rao-rg-on-tumani>
- https://samarkand.uz/towns_districts/kattakurgan
- <https://kun.uz/news/2020/02/18/sirdaryoda-ayol-kishi-tuman-hokimi-etib-tasdiqlandi>
- Давлат хизмати персоналини бошқариш. Ўқув қўлланма / Қ.Ҳ. Абдурахмонов, Д.Н. Раҳимова ва б. –Т.: Академия, 2002.—Б. 64.
- Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. -Т.: Халқ мероси нашриёти. 1993, Б-190.
- Мирзиёев Ш.М.. Мурожаатнома. Тошкент: Тасвир, 2020 – 8 бет.
- http://web.stat.uz/open_data/uz/3.3%20info_bogcha_uzb.xlsx
- http://web.stat.uz/open_data/uz/3.3%20info_maktab_uzb.xlsx
- http://web.stat.uz/open_data/uz/3.3%20info_kollej_uzb.xlsx
- http://web.stat.uz/open_data/uz/3.3%20info_litsey_uzb.xlsx
- http://web.stat.uz/open_data/uz/MTM%20uzb.xlsx
- <https://lex.uz/docs/4751561>
- Қуранбоев Қ.Қ. Давлат бошқарув кадрлари тизми: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари. – Т., Диссертация. – Б. 71.

Раъно Бахромбековна ДЖУРАЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Замонавий ахборот коммуникация
технологиялари кафедраси
катта ўқитувчиси
dzhuraeva.rano@mail.ru

ДАСТУРИЙ ВОСИТА АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ДИАГНОЗ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ С ПОМОЩЬЮ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

PSYCHOLOGICAL DIAGNOSIS OF STUDENTS KNOWLEDGE WITH THE HELP OF THE SOFTWARE

Аннотация: Ушбу мақолада талабаларнинг диний илмларга қарашларига мойиллигини психологик диагностика қилиш имкониятини берувчи тестлаш тизими ишлаб чиқилганлиги ва бу талабаларнинг турли хил нотўғри “оқим” лар зояларига эргашшига бўлган мойиллик даражасини аниқлаш ва психодиагностика қилиш жараёни учун қулай ва самарали дастурий тизимлиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: техника психологияси, психологик диагностика, психологик диагностик тестлаш, психологик тестлар, виртуал портрет, виртуал психолог, психологик профилактика, техника мантиги.

Аннотация: Данная статья посвящена разработке методов тестирования, позволяющих диагностировать психологическую предрасположенность студентов к религиозно-научным взглядам. Цель работы заключается в разработке удобного и эффективного программного инструмента, который позволяет определять и психодиагностировать предрасположенность молодежи, особенно студентов, к следованию за различными ошибочными религиозными течениями.

Ключевые слова: техническая психология, психологическая диагностика, психологическое

диагностическое тестирование, психологические тесты, виртуальный портрет, виртуальный психолог, психологическая профилактика, техническая логика.

Abstract: In the article, it has been developed that test methods that allow to diagnose students' psychological predisposition for religious scientific gospels. It was created that convenient and effective system program that allows to identify and psychologically diagnose predisposition of students for following various misleading religious flows.

Keywords: technical psychology, psychological diagnostics, psychological diagnostic testing, psychological tests, virtual portrait, virtual psychologist, psychological prevention, technical logic.

Талабалар билимини баҳолашнинг компьютер тизими ва ўзлаштириш мониторингини ташкил этиш учун аввало, замонавий таълим тизимида ўқитишнинг сифатини ташхис қилишга, яъни унинг ҳолатини аниқламай туриб, ундаги жараёнларни самарали бошқаришга, таълимда маълум бир мақсадга эришишнинг иложи йўқлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Талабаларнинг яқунловчи билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларга ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга мослиги ҳақиқийлигини назорат қилиш мумкин. Унда педагогик ташхис талабалар билим, малака ва кўникмаларини шаклланиш даражасини аниқлашни, назорат қилишни, баҳолашни, йиғиш ва статистик маълумотларнинг таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади. Методик адабиётларда талабалар ўзлаштиришларининг ташхиси, улар томонидан эришилган ўзлаштиришларнинг даражаси сифатида қайд этиш эканлигига эътиборни қаратсак, унда педагогик ташхиснинг мақсади, таълим жараёни боришини таҳлили ва уни баҳолашни ўз вақтида аниқланишидан иборат бўлади. Маълумки, таълим жараёнини бундай баҳолаш, фақат талабанинг ўзлаштириш даражасини белгилаш билан чегараланиб қолмай, ўқиш жараёнини рағбатлантиришда муҳим педагогик восита ва ижобий мотив уйғотиш билан талаба шахсига кучли таъсир

этади. Шу хилда талабани объектив баҳолаш асосида унда адекват равишда ўз-ўзини баҳолаш имкони туғилади ва ўз муваффақиятларига танқидий муносабат шаклланиш қайд этилади. Шу нуқтаи назардан талаба билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш, айниқса, билимларни назорат қилишнинг компьютерлаштирилган тизими, замонавий ахборот-педагогик тизимларида, уларда билимни назоратини ташхисий аҳамияти ва ҳаққонийлиги ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида тинимсиз изланишлар ва такомиллаштириш ишларини олиб боришни тақозо қилади [5:550]. Мазкур масаланинг ечими ўқитиш нинг мақсадига мувофиқ ва ҳаққоний бўлишида, иложи борица аниқ ва асосланган усул сифатида қайд қилинган.

Ўқитиш жараёнида ташхисий текширишлар учун маълум даражада самарали методикани танлашга ёрдам бериши билан муҳим саналади. Билимларни назорат қилишда, унинг башорат этувчи вазифаси, таълим-тарбиявий жараён ҳақида, унинг келажаги, яъни олдиндан кўра билиш мумкин бўлган ҳолати тўғрисидаги ахборотни олиш учун хизмат қилади. Ўқув жараёнининг маълум босқичида ўқув материалининг маълум бўлаги бўйича мўлжалланган аниқ билим, малака ва кўникмалар етарлича шакллангани ёхуд шаклланмаганлиги башоратини текшириш имконини беради. Маълум илмий башорат бўйича эришилган натижалар талабаларнинг келажакдаги фаолиятлари моделини яратиш учун қўлланилади. Бундай башорат, келажакда ўқитишни режалаштириш ва амалга ошириш учун аниқ хулосалар олишга катта кўмак беради [1:115].

Бу ишни амалга оширишда бизларга психологиянинг тестлаш ва шу асосида келиб-чикувчи таҳлил сифатида диагностика каби методлари самарали тарзда ёрдам беради.

Фаолият натижаларини таҳлил қилиш жараёнида натижанинг ўзи эмас, балки шу натижани ҳосил қилиш билан боғлиқ фаолият психологик жиҳатдан баҳоланади. Бу метод, айниқса, талабалар психологиясида кенг қўлланилади. Талабаларнинг фаолиятини ўрганиш орқали уларнинг психикаси ва тараққиёти ҳақида маълумотлар олинади.

Информатика ва ахборот технологиялари тобора тараққий этиб бораётган техника

тараққиёти асрида психологик тестлаш ва диагностика қилиш жараёнларининг ҳам самарадорлиги, тезкорлиги ва қулайлигини ошириш мақсадида ҳозирги кунда психология ва информатика каби бир қарашда бир-бирига мутлақо зиддек туюлган икки қарама-қарши соҳа бир-бири билан ўзаро мустаҳкам алоқада иш юритиб, бир-бирини тўлдириб келмоқда. Зеро, техника психологияси мавжуд бўлгани сингари психологиянинг ҳам ўз техникаси мавжуд. Аниқроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, ҳозирги кунда тараққий этган кўплаб техник қурилмалар, дастурий воситаларининг кенг миқёсдаги кўз илғамас даражада мукаммал имкониятлари ва ихтиёрий соҳага жорий қилиш имконияти мавжуд бўлган функциялари ёрдамида ҳозирда турли хилдаги психологик тестлаш, диагностика қилиш ва бошқа шу каби кўплаб психологик жараён ва ҳодисаларни таҳлил қилиш бўйича дастурлар ва техник аппарат қурилмалари яратилмоқда [2:287].

Юқоридаги мулоҳазаларга хулоса ўлароқ Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедрасида психологик диагностика қилиш бўйича «Талабаларнинг диний илмларга қаршларига мойиллигини психологик диагностика қилиш (психологик диагностика тестлаш дастури мисолида)» дастур яратилди. Бу дастур оддий диагностика дастурлардан фарқли ўлароқ талабаларнинг маънавий-маърифий ва диний мойиллигининг йўналишини белгилаб берувчи, унга ташхис қилиб, тўғри йўналтириш қобилиятига эга бўлган диагностика тизимдир.

Яратилган дастурга маълумотлар омбори сифатида психологик тестлар тўплами киритилган бўлиб, талаба тестлаш жараёнидан ўтганидан сўнг, натижа сифатида киритилган жавоблар хусусиятидан келиб чиқиб, ўша талабанинг онги нечоғлик ва қай йўсинда ривожланганлиги даражаси, билим савияси ва билимининг кўлами, унда мавжуд билимнинг қандай йўналишига эғалиги, яъни тўғри(онгли)ми ёки нотўғри(онгсиз) эканлиги, унинг феълидаги нотўғри оқимларга бўлган мойиллик, оғиш, руҳий ва ақлий оламида шаклланган экстремистик ва террористик хусусиятга эга бўлган гояларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги диагноз(ташхис) ҳосил бўлиб, ўша талабанинг жисмоний, руҳий

ва ақлий учликдан иборат виртуал портрети ҳосил бўлиши, сўнг, эришилган натижага мувофиқ талабага маслаҳат берувчи “виртуал психолог” тизимдир [3:123].

Дастурий тизимнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйдагилардан иборат:

а) Таълим жараёни субъектларининг шахсий (индивидуал) психологик хусусиятларини ўрганиш;

б) Талабаларнинг ижтимоий етуклик ва касбий аҳамиятга молик сифатларини ривожланишини кузатиш;

в) Талабаларни касбий таълимга психологик-педагогик тайёргарлигини аниқлаш;

г) Талабаларни интеллектуал ва шахс сифатида ривожланишидаги нуқсонларнинг психологик сабабларини аниқлаш;

д) Талабаларнинг касбий қобилияти, кўникма, малакалари ва танлаган касбига муносабатини аниқлаш;

е) Талабаларнинг ижтимоий роли ва гуруҳ ичида тутган ўрнини аниқлаш ва бошқа шу кабилардан иборат.

Психологик ташхис босқичидан сўнг, психологик профилактика жараёни амалга оширилади ва у қуйдагиларни ўз ичига олади:

✓ психологнинг гуруҳ раҳбари, тиббий ходим ва мутасадди мутахассислар билан ҳамкорликда талабанинг индивидуаллигини сақлаган ҳолда шахсий ривожланишини таъминлаш;

✓ талаба хулқига девиватсия (салбий оғишлар) вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш;

✓ стресс, депрессия, низо, салбий эмотсионал кечинмалар ҳолатлари юзага келишининг сабабини аниқлаш ва олдини олиш;

✓ соғлиги жиҳатидан имконияти чекланган талабаларни психологик қўллаб-қувватлаш кабиларни амалга оширади.

Дастурни тўғри структурали ва мантиқ асосида яратилиши дастур ҳам психология ҳам техника мантиги жиҳатидан мукамал боғланиши керак бўлади.

Тест-бу стандартлаштирилган, кўп ҳолатларда тажриба давомидида вақт кўрсаткичи билан чегараланган, миқдорий ва сифатий турдаги хос индивидуал психологик

тафовутларни аниқлаш учун мўлжалланган психо диагностик усулдир. Тест мақсади шахсларнинг психологик хусусиятларини баҳолаш вазифасини бажарувчи махсус хусусиятга эга бўлган қурол тушунилади. У маълум стандарт шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, хулқ-атворнинг турли қисмларининг тоифаларини юзага чиқариш учун мўлжалланган шартлар(вазифа) ёки саволлар жамланмасидан ташкил топган бўлади [6:13].

Бу психологик диагностикалаш тест дастури нафақат фойдаланувчининг ақлий ва рухий оламидаги индивидуал, ўзига хос хусусиятларининг ташхисини қўйиш, қўшимча қизиқарли тестлардан ўтказиш, унга психология соҳасида билимларини оширишга ёрдам бериш, ўзи учун фойдали бўлган адабиётларни етказиб беришга ҳам мўлжалланган тизим вазифасини ўтайди. Тизимнинг энг катта авзалликларидан бири шундан иборатки, унда бир пайтнинг ўзида ҳам тажрибадан ўтувчи учун тестлаш, ишчи режим, ҳам тажрибани кузатувчи учун ташхис режими ишлайди. Яъни бунда тестдан ўтувчи шунчаки ўзим ҳақимда маълумот олиш учун тестдан ўтаяпман деган фикрда тестни самимий жавоблар бериш орқали ишлайди, чунки унга диний мойиллигини текширилишини билдирадиган эслатмалар ҳам, тестлар ҳам берилмайди. Аммо кузатувчи ўзига натижалар асосида унинг ақлий ва рухий мойиллик даражасини аниқлаш учун етарли маълумотлар олади ва уларни дастур автоматик тарзда маълумотлар базасида қайд этади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда дастурнинг асосий бўлимлари қуйдаги менюлардан иборат:

1. “Дастур ҳақида” менюси;
2. “Бу қизик” менюси;
3. “Атамалар” менюси;
4. “Тавсия этилади” менюси;
5. “Қидириш ” менюси;
6. “Тестни бошлаш” менюси;

1. “Дастур ҳақида” менюсида: дастурни ўрнатиш ва ишга тушириш, унинг мақсади ва ундан фойдаланиш қоидалари бўйича ёрдам. Дастурнинг яратувчилари ҳақида маълумотлар мавжуд бўлади. (2-расм).



2-расм. Дастурни ўрнатиш ва ишга тушириш ойнаси.

2. “Бу қизик” менюсида: фойдаланувчилар ўз индивидуал хусусиятлари ва хулқ – авларларининг турли қирраларини аниқлаш имкониятига эга бўлувчи турли мавзулар доирасидаги қизикарли, ҳазиломус тестлар жамланмасига дуч келади. Масалан шундай тестлардан: темпераментни аниқлаш бўйича, турли расм ва шаклли тестлар. Улар тестлаш жараёнидан ўтиб, натижалари юзасида диагностика қилинади.

3. “Атамалар” менюсида бир нечта юздан ортиқ психология соҳасига доир бўлган термин ва атамаларнинг ўзбек тилидаги таржимаси ва изоҳи билан танишиш имконига эга бўлишингиз мумкин.

4. “Тавсия этилади” менюси – бу ўзида турли хилдаги талабаларнинг ақлий ва руҳий оламида бойитиш учун хизмат қилувчи миллий ва хорижий кўламдаги адабиётлар: маърузалар, асарлар, дарсликларнинг электрон кўринишдаги кичкинагина виртуал кутубхонасини қамраб олади. Унда: дин, психология, маънавият, маърифат ва бошқа соҳалар доирасидаги фойдали ва қизикарли адабиётлар мавжуд бўлади.

5. “Қидириш” менюси – бунда сайт кўринишидаги дастуридаги мавжуд барча маълумотлар базаларида жойланган барча маълумотларни қидириб топиш имконияти мавжуд. Булардан: психологик атамалар, фойдали адабиётлар, тест турларини, администратор пароли орқали фойдаланувчилар рўйхатини ва ҳқлар ўшандай маълумотлар жумласига мансубдир.



3-расм. Қидириш менюси ойнаси.

6. “Тестни бошлаш” менюси – бу дастурнинг энг асосий менюси бўлиб, унда талабанинг диний мойиллиги даражасининг диагностикаси жараёни амалга оширилади.

Бундан ташқари дастурий воситамиз доирасидаги очиб берилишга қаратилган мақсад ва вазифаларни ақс эттирувчи бошқа ўхшаш дастур ва электрон сайтлар рўйхати мавжуд бўлиб, уларга тўғридан – тўғри ссилка орқали муружаат қилиш каби қулайликлар мавжуд бўлади.

“Чиқиш” меню тугмасини босиш орқали фойдаланувчи дастурни тугатиши, уни тарк этиши мумкин.

Дастур кўриниши эса веб сайт кўринишида бўлиб, унинг бош ойнаси асосан тўрт қисм: юқори, паст, чап ва асосий қисмларидан иборат.

Дастурнинг бошқа психологик дастурлардан фарқли жиҳатлари саволлар бир йўналишли ва примитив шаклда танланмаган. Ундаги тестларнинг ўзи беш босқичга ажратилган бўлиб, улар қуйдагилардан иборат:

I. Вариантли тестлар – тестланувчининг ички психологик ҳолати ҳақида, унинг характери ва хулқида мавжуд нозик нуқталарни очиб бериш учун хизмат қилади. Бундай ҳолатлардан: унинг иродаси;

II. Маъқуллаш мотиватсияси (ҳа-йўқ жавобли) тестлар – тестланувчининг фикрида қатъийлик, оғувчанлик, ростгўй ёки ёлғончилик, кўрқоқлик каби хусусиятларининг қай даражада эканлиги кўрсаткичини аниқлайди;

III. Сурадли (агрессивлик) тестлари – тестланувчининг характери ва хулқ авларида азалдан мавжуд бўлган ва маълум бир вазиятларга дуч келганида юзага келувчи жаҳлдорлик, яъни агрессия хусусиятининг нечоғлик эканлиги даражасини аниқлаш учун ёрдам беради. Агрессивлиги кучли бўлган

шахсда мойиллик даражаси шунчалик юқори бўлади.

IV. Мантикий тестлар – тестланувчининг мантикий фикрлаш қобилиятининг қай даражада ривожланганлигини очиқ беради. Мустақил фикрга, ақлий савияга, яхши ривожланган ва шаклланган мантикий фикрлаш қобилиятини аиклайди.

V. Шакли ёки IQ тестлари – бунда IQ, яъни шахсларда ривожланган интеллектуал ақлий қобилиятлари, мантикий ва математик фикрлаш тезлиги даражаси ҳақида хабар берувчи антика ва жуда қизиқарли тестлар жамланган.

VI. Тестларни бундай гуруҳларга бўлишдан кўзланган асосий мақсад: тестланувчида қизиқиш ва шижоат руҳини ошириш учун.

Дастур веб технологиялар асосида тузилган бўлиб дизайн жиҳатдан фойдаланувчиларни жалб қилиши, интерфейсининг қулайлиги, бугунги кунда долзарб бўлган психологик диагностик маълумотларни таҳлиллашга мўлжалланган бўлиб JavaScript, JQuery кутубхонаси, HTML, CSS, PHP, PhotoShop дастурий воситалардан ва AJAX технологияларидан фойдаланилган[7:27].

Юқорида кўрсатилган метод тадқиқот мақсадида қўлланилади. Бундан ташқари баъзи психологик методлар синаш мақсадида ҳам қўлланилади. Бунда мақсад психология фанига, илмий билимларга бирор янгилик киритиш, Қонуният очиш эмас. Бу методларнинг ўрганилаётган шахсда бирор хусусиятнинг мавжудлиги, унинг тараққиёт даражаси, турли меъёрларга мос келиши даражасини аниқлашдир. Дастурий тизим ёрдамида кишининг бирор касбга лаёқатлилиги, ақлий ривожланиш даражаси, билим даражаси ва ихтиёрий мойилликлари ўрганилади[10:43]. Дастурнинг самарадорлиги уларни тузиш учун асосланган методология, тест тузилишининг кўплаб талабларга жавоб бериши, ўтказиш шароити ва талабларнинг адекватлиги билан аниқланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Анастаси А. Психологическое тестирование. Стандартизованные тоды психодиагностики (тесты). Т.1.–М, Т.2.–М: Педагогика, 1982.С.114-119;
2. Джураева Р.Б. Структура и содержание «положения об электронном учебно-методическом комплексе дисциплины» // Материалы II Международной научно-практической конференции, Кокшетауский государственный университет им. Ш. Уалиханова на тему «Формирование профессиональной компетентности будущих специалистов в условиях кредитной технологии обучения: опыт, проблемы и перспективы», 22-24 апреля 2010 года. Кокшетау: КГУ, 2010. – С. 285-289.
3. Djuraeva, R. (2019). THE USE OF MULTIMEDIA ELECTRONIC EDUCATIONAL SYSTEMS IN THE EDUCATION SYSTEM. Актуальные научные исследования в современном мире, (9-4), 122-125
4. Dadamuxamedov, A., Turdali, J., & Mavlyuda, X. (2020). Electronic religious programs on islamic subjects on the example of the sanctuary of Al-Hakim Al-Termizi. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(7), 316-330.
5. Dadamuxamedov, A., Mavlyuda, X., & Turdali, J. (2020). Cloud technologies in islamic education institutions. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(8), 542-557.
6. Sabirovna, K. M., Bozorov, A., & Dadamuxamedov, A. (2020). MOBILE APPS IN UZBEKISTAN MAKE A SIGNIFICANT CONTRIBUTION TO THE DEVELOPMENT OF TOURISM. International Engineering Journal For Research & Development, 5(Special Issue), 13-13.
7. Лутфуллаев М.Х. Олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларини интеграциялаш назарияси ва амалиёти (Информатика ва табиий фанлар мисолида): Пед. фан. доктори.... дис.афтореф. – Тошкент: ТДПУ, 2006. – 27 б.
8. Mavlyuda, X., Rustam, K., Rano, D., Dadamuxamedov, A., & Alisher, M. (2019). Personality-Oriented Learning Technologies. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN, 2277-3878.
9. Жумаев, Т. С., Мирзаев, Н. С., & Махкамов, А. С. (2015). Алгоритмы сегментации цветных изображений, основанные на выделение сильносвязанных элементов. Исследования технических наук, (4), 22-27
10. Xodjayeveva, M. (2018). Using moodle system in teaching “information technology and process modeling” for islamic and religions studies students. The light of islam, 2018(4), 45-50

Элмурод ХАИТОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети
эркин тадқиқотчиси
elmurodxaitov93@gmail.com

ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ – ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

ФОРМИРОВАНИЕ НОВОГО ОБЩЕСТВЕННОГО ОБЛИКА – ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В ИННОВАЦИОННОМ ПРОЦЕССЕ

FORMATION OF A NEW PUBLIC IMAGE IS A FACTOR OF EFFECTIVE GOVERNANCE IN THE INNOVATIVE PROCESS

Аннотация: Ушбу мақолада янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини шакллантиришда маънавий соҳадаги инновацион тамойиллар ва қадриятларнинг механизми, жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш каби масалалар ёритилган. Жамиятда янги маънавий қиёфани шакллантиришда жамоатчилик назоратини кучайтириш, Олий Мажлисда қонунчилик, Ижро ҳокимиятида бошқарув механизмини янада такомиллаштиришнинг самарали тизими ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: жамият, инновация, маънавият, механизм, тараққиёт, технология, қадрият, стратегия, концепция.

Аннотация: В статье рассматриваются такие вопросы, как механизм инновационных принципов и ценностей в духовной сфере, повсеместное использование достижений мировой науки и инноваций в формировании современного имиджа нового Узбекистана. Высказывались мнения об усилении общественного контроля над формированием нового духовного облика в обществе, законодательстве в Олий Мажлисе, эффективной системе дальнейшего

совершенствования механизма управления в исполнительной власти.

Ключевые слова: общество, инновации, духовность, механизм, развитие, технология, ценность, стратегия, концепция.

Abstract: The article discusses such issues as the mechanism of innovative principles and values in the spiritual sphere, the widespread use of the achievements of world science and innovations in the formation of the modern image of the new Uzbekistan. Opinions were expressed about strengthening public control over the formation of a new spiritual image in society, legislation in the Oliy Majlis, an effective system for further improving the management mechanism in the executive branch.

Key words: society, innovation, spirituality, mechanism, development, technology, value, strategy, concept.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистонни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар туфайли жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан маънавий жабҳадаги инновацион тамойилларни шакллантириш борасида ҳам кўплаб янгиликларга асос солинди ва бу ҳозирги кунлардаги барқарор тараққиёт учун кенг имкониятлар яратмоқда. Бугунги дунёнинг энг ривожланган давлатларининг ҳозирги замонга хос илғор тажрибалари ва бир неча минг йиллик ўзбек миллий анъаналари уйғунлашган янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфаси ва унга мос келадиган инновацион тамойиллар тизими самарали шаклланимоқда.

Айнан мамлакатимизнинг янги маънавий қиёфасини яратиш борасидаги ислохотлар туфайли юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгариш ва янгиланишларда, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда ижро ҳокимиятини кучайтириш, бағрикенглик ва инсонпарварлик намуналарини намоён қилишда аҳоли кенг қатламларининг масъулиги ортиб бормоқда. Мавжуд ҳокимиятнинг ваколатли ва ижроия соҳалари органларини шакллантиришда барча фуқаролар, нодавлат тузилмалари, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг фаол иштирок қилишлари учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар шакллантирилди. Бунда, айниқса, ҳокимиятнинг қонунчилик ва ваколатли органларидан ўрин олган сиёсий партиялар

ва депутатларнинг мустақил гуруҳлари марказда ҳамда жойларда ижроия органларини шакллантиришда бевосита иштирок қилишлари ва шулар орқали ўзларининг дастурий мақсадларини амалга оширишлари учун алоҳида аҳамият берилди. Ҳукумат тузилмаларининг, давлат ҳокимияти органларининг марказда ва жойларда мамлакат парламентидаги сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисобдорлигини ўрнатувчи ва таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Айни шу маънода, жамиятнинг ҳозирги замондаги маънавий ҳаётга хос ўзгаришлари билан боғлиқ инновацион ривожланишини таъминлашнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [1] Фармони ва у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси бугунги давр талабларини яққол ифодалайди.

Унда белгиланган вазифаларни бажариш, бу соҳадаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф қилишда Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси” тасдиқланган ушбу Фармон юртимизни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади ҳамда ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият қурилишида янги саҳифа очди.

Жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичига мос инновациялар тизимини шакллантириш борасидаги дастлабки муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилган мазкур Фармонда аввало таъкидланганки, замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Ўтган даврда фан ва технологияларни

ривожлантириш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди [2].

Шу билан бирга, Фармонда бу борада тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислохотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилаётгани алоҳида таъкидланган. Кузатишлар айнан ушбу муаммолар Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичига хос инновацион тамойиллар тизими шаклланишининг самарали амалга ошишига халақит бераётганидан далолат беради. Мазкур ҳолат инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилар эди, албатта.

Шунинг учун ҳам Президент фармонида илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари асосида барча тармоқлар ва соҳаларни жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, бу жабҳадаги ривожланишининг асосий йўналишлари ва ташкил этилаётган инновацион ривожланиш вазирлигини фаолият тамойиллари ва устивор вазифалари ҳам белгилаб берилган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда жамиятнинг қадриятлар тизимига доир инновациялар учун муҳим ўрин тутадиган ижтимоий институтлардан бири - жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар ушбу ислохотлар маънавий соҳасини янги босқичга кўтарадиган фаолият жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралаётгани асло бежиз эмас. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги тарихий нутқида алоҳида таъкидланган “Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат” [3] – деган фикри айни ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди.

Ушбу вазифани бажариш стратегиясида “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши

керак”[4] тамойилини самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бошқарув йўналишидаги кадриятлар тизими инновациялари учун муҳим асос тайёрлайди.

Бугунги кунда ана шу жараёнинг самарадорлигини таъминлаш ва мавжуд иш механизмини янада оптималлаштириш учун “давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади.”[5]

Буларнинг барчаси, кейинги йилларда мамлакатимизда инновацион тамойиллар шаклланиши билан боғлиқ жараёни бошқариш ва уни режали ташкил этиш механизмининг такомиллаштириш жараёнининг диалектикасини ва динамикасини яққол кўрсатади. Инновацион ривожланиш жараёнларини бевосита бошқариш соҳасидаги бундай янгиланишлар, махсус вазирлик ва муайян тузилмаларнинг вужудга келиши ушбу йўналишдаги янги тамойиллар тизими шаклланишининг бошқарув билан боғлиқ асосларини янада мустаҳкамлагани шубҳасиз, албатта.

Бунда аввало, мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат ва жамият қурилишига жорий этиш, шунингдек, жамият ва давлат тараққиётини таъминловчи илмий тадқиқотлар ва илғор технологияларнинг устувор ва истиқболли йўналишларини ривожлантириш стратегиясини белгилаш соҳасида бошқарув механизмини янада такомиллаштирилиши ва оптималлаштирилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда, бу борадаги инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамият бошқарувини ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат хизматлари сифатини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни ўтказишни самарали ташкил этиш баробарида давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш ҳам янги кадриятлар тизими шаклланишининг бошқарув билан боғлиқ асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги[6] қарори қабул қилингани ҳам инновацион тамойиллар амалиятини бошқариш самарасини оширишга хизмат қилмоқда. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкилий тузилмаси, ушбу вазирлик тўғрисидаги низом, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг таркиби ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Унда таъкидланганидек, жамоат назоратини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этиш, илмий тадқиқотлар натижаларини тарғиб қилиш ва амалий фойдаланиш механизмларини шакллантириш, илмий-техникавий лойиҳалар, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат экспертизасини амалга ошириш ишларини режали ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу борада махсус вазирлик ва зарур тузилмаларнинг ташкил этилгани давлат органлари ва ташкилотларида инновацион фаолиятни унинг самарадорлик индикаторлари асосида ўрганиш ва ҳолатини баҳолаш, олинган натижалар асосида илғор технологияларни биринчи даражада жорий этишни талаб қиладиган тегишли тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, инновацион жараёни амалга оширишнинг энг мақбул вариантини тизимлаштириш, аниқ вазиятлар учун оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш бўйича стратегик режалаштириш имкониятини янада оширади.

Шу билан бирга, инновацион ривожланиш соҳасини бошқариш борасидаги кейинги йилларда амалга оширилган ташкилий ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларининг, шу жумладан фавқулодда вазиятларда

барқарор фаолият кўрсатиши, иқтисодиётда инвестиция фаолиятини ҳисобга олган ҳолда чуқур таркибий ўзгартириш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқишга қулай шарт-шароитлар яратишни тезлаштиради. Бу жараёнда экспорт географиясини диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиёт тармоқлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда сафарбар қилиш, шунингдек, миллий брендларни тарғиб қилиш бўйича бугунги инновацион янгиланишлар давр талаб қилаётган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Жамиятнинг инновацион ривожланишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан бизнесни юритишга қулай шарт-шароитларни яратиш ва иқтисодиётни янада либераллаштириш орқали ривожлантиришга оид узоқ муддатли дастурларни тайёрлаш, миллий иқтисодиётни модернизация қила оладиган илмий, лойиҳа ва илмий-технологик ташкилотлари тизимини ривожлантириш, шунингдек, истикболда илмий-техник салоҳиятни шакллантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш каби долзарб вазифаларнинг бажарилиши ҳам янги маънавий қиёфа шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ҳудудлар инновацион фаолияти кўламини кенгайтириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш, қолоқ туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш ҳисобига ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасида табақалашувни қисқартириш ҳамда янги эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, саноат зоналари, логистика хабларини яратиш ва амалдагиларининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, шунингдек, республиканинг инновацион салоҳиятини оширишга қаратилган чора ва тадбирларнинг режали амалга оширилиши ҳам амалда, шу йўналишдаги ишлар сирасига киради.

Ушбу таъкидланганлар бутун мамлакатимизда давлатни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мамлакатдаги демократизация жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган жиддий ва дадил қадамларнинг бардавомлигидан далолат беради. Айни пайтда буларнинг барчаси республикамиз ҳаётида янги кадриятлар тизими шаклланишининг сиёсий омиллари ва унинг бошқарув тизимини шакллантириш, маъмурий

соҳадаги ислохотларни амалга ошириш самараси ҳамда ушбу жараённинг диалектикаси ва динамикаси билан белгиланишини яққол кўрстади.

Буларнинг барчаси сўнгги йилларда юртимизнинг янги маънавий қиёфасини яратишда замонавий инновацион тамойилларни шакллантириш учун муҳим асослар яратадиган демократик ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш борасида эришилган ютуқ ва натижаларга таянадиган амалий фаолият йўналишларидир. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил асосида ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга янада изчил татбиқ этишга ёрдам беради.

Ана шу мақсадда бу борада давом этаётган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини такомиллаштириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда жамоатчилик иштирокидаги назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, шунингдек бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги ваколатларнинг яна бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, парламентаризм ва кўппартиявийлик тамойилларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ омиллар ва мезонлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шаклланаётган янги маънавий қиёфа ва унда инновацион тамойиллар тизими мустаҳкамланиши учун яна мамлакатимизда кейинги йилларда эътибор янада кучайиб бораётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш ҳамда уни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги институтга айлантириш устувор вазифалардан бирига айлангани ҳам бежиз эмас. Шу билан бирга, ахборот соҳасини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш соҳасида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасини ҳамда унга доир умуминсоний тамойилларга оғишмай амал

килиш учун кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида 2019 йилда “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” [7] шиори остида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда сайлов ҳукуки эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш соҳасида мамлакатимизда самарали, демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган қонунчилик асосларини вужудга келтириш ва такомиллаштириб боришга аҳамият қаратилганлиги ҳам бу соҳадаги янги инновацион тизим шаклланишининг муҳим асосларини мустаҳкамлайди.

Жамият тараққиётининг бугунги янги босқичида инновацион кадриятлар тизими шаклланишининг бошқарувни такомиллаштириш билан боғлиқ йўналишида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш соҳасидаги ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга [8]. Бу борадаги тамойиллар инновацияси аҳоли барча қатламлари манфаатларини акс эттирадиган фуқаролик институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали фаолият юритиши учун институционал, ташкилий-ҳукукий базани мустаҳкамлаш, мазкур ташкилотларни давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан назоратини амалга оширишдаги ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳим ўрин тутди [9].

Хуллас, ҳозирги даврда инновацион ривожланишни бошқариш соҳасида қарор топаётган вазирлик ва тузилмалар фаолияти, сиёсий-институционал тушунчалар ҳамда уларнинг амалиёти жамият ҳаёти ва унинг инновацияларнинг амалга ошиши билан боғлиқ жараёнларда яққол кўзга ташланмоқда. Ушбу умуминновацион жараёнлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳамда фаолиятлар ва ҳатти-ҳаракатлар динамикасига кўра, амалга оширилаётган ислохотларнинг жамият тараққиётининг бугунги босқичига хос янги маънавий қиёфасига таъсири ва унинг натижалари шу соҳадаги жараёнларнинг хусусиятларни белгилаб беради ҳамда ҳар бир ҳодисанинг мазмун-моҳиятини яққол намоён қилади.

Мазкур соҳани бошқаришни самарали ташкил қилиш масалаларини сиёсий фанлар

нуктаи назаридан чуқур таҳлил қилиш эса, муқаррар равишда, жамият маънавий ҳаётида мавжуд бўлган инновацион тамойиллар тизимининг ислохотлар таъсирида ўзгариб ва янгиланиб бораётганини ҳамда бу жараённинг умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари қандай амалга ошаётганини кўрсатиш ҳамда ана шунга мос инновациялар шаклланаётганини исботлаш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
2. «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон Фармони. - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 01.12.2017 й., 06/17/5264/0339-сон
3. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 20 сентябрь, № 189 (6883).
4. Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи 2016 йил 14 декабрь)
5. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 9 – сентябрь, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>
6. «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2017 йил 30 – ноябрь, <https://lex.uz/docs/3431440>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
8. Husniddin A.Akhmedov Protecting Youth From The Influence Of Extremist Ideas and Social Rehabilitation Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems Vol. 12, Issue-02, June 07, 2020 2806
9. Отакулов Ш.М. (2020). Гендерное равенство и политическая жизнь. вопросы политологии • Выпуск 6(58) • 2020

Алимжон Иргашевич ДАДАМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Замонавий ахборот коммуникация
технологиялари” кафедраси
катта ўқитувчиси

АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ ВА МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР

ИНФОРМАЦИОННЫЕ АТАКИ И ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ УГРОЗЫ

INFORMATION ATTACKS AND IDEOLOGICAL THREATS

Аннотация: Дунёда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб компьютерлар ва интернет алоқаси оммалашуви инсон амалий фаолиятининг ҳар бир жабҳасига, хусусан, диний жараёнларга таъсири баробарида, XXI аср ибтидосида қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Инсоният тарихида маълумот узатилишининг тезлиги ва муҳимлик даражаси бугунги кундагидек жадал суръатларда оммалашушига кибермакон асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боисдан ҳам кибермакон билан боғлиқ диний-маънавий жараёнларни илмий концептуал ўрганиш долзарбдир.

Калит сўзлар: Кибермакон, интернет, дин, статистика, тармоқ, хавф-хатар, *lan, tas-ix*, ёшлар, ижтимоий тармоқлар, виртуал олам, кампьютер ўйинлари, рақамли технология.

Аннотация: Начиная со второй половины XX века в мире популяризация компьютеров и интернет-коммуникаций привела к возникновению ряда социально-экономических проблем в начале XXI века, наряду с воздействием на все аспекты практической деятельности человека, в частности на религиозные процессы. В истории человечества скорость и важность передачи данных были одним из главных инструментов для того, чтобы киберпространство стало таким же популярным, как сегодня. Поэтому изучение религиозных и духовных процессов, связанных с киберпространством, играет важную роль.

Ключевые слова: Киберпространство, интернет, религия, статистика, сеть, риск,

lan, tas-ix, молодежь, социальные сети, виртуальный мир, компьютерные игры, цифровые технологии.

Annotation: Since the second half of the twentieth century in the world, the popularization of computers and Internet communications has led to the emergence of a number of socio-economic problems at the beginning of the XXI century, along with the impact on all aspects of human practice, in particular on religious processes. Throughout human history, the speed and importance of data transfer have been one of the main tools for making cyberspace as popular as it is today. Therefore, the study of religious and spiritual processes related to cyberspace and plays an important role.

Keywords: Cyberspace, Internet, religion, statistics, is, risk, *lan, tas-ix*, youth, social networks, virtual world, computer games, digital technologies.

Инсон учун энг улуг дунёвий неъмат унинг озодлигидир. Озодлик неъмат экан, озод инсоннинг бахтсиз бўлмаслиги керак. Яшаётган ҳаётда бахтсиз инсонлар сони кун сайин ошмоқда. Қачонки уларга дуч келсангиз қайғу, ғам ва албатта ҳасратда ёнаётганига гувоҳ бўлишингиз табиийдир. У шубҳасиз ким ёки нима томонидан эзилгандир.

Рақамли технологиялар дунёдаги барча интернетлардан эркин фойдаланиш имконини яратиш, интернет дунёсидаги мавжуд турли хилдаги хатарлар ва кўз илғамас жараёнларни кўпайганини кўрсатади. Президент Ш.Мирзиёев чиқишларида шундай деган: Ўзбекистондаги ёшлар ва уларни маънавиятини юксалтириш, ҳамма соҳаларда юқори чўққиларга эришиш замон талаби. Барча ёшларни бўш вақтини қизиқарли ташкил этиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббусдан бири ўқувчи ёшларга интернет ва замонавий компьютер илмларини ҳамнафасликда ўрганиш муҳим масаладир [1:1]. Статистик маълумотларга кўра, Дунё бўйлаб аҳолисининг 1 миллиарди интернетдан фойдаланмоқда[2:1]. Уларнинг 830 миллионини ёшлар ташкил этади. Улар ўртача 15-24 ёшли фуқаролардир. Реал ҳаётдаги ёшларнинг ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда техник ва мафкуравий маданиятини

юксалтириш орқали ғоявий таҳдидларга хусусан диний терроризм, экстремизм, оммавий маданият каби бошқа ёмон ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш замон талабидир. Шу сабабли, кибермаконда диний-маънавий жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари илмий асосланган ҳолда таҳлил қилиш даврнинг долзарб вазифасига айланди [4:13].

Интернет маконида керакли маълумотни излаб топиш информатсион оқимиға боғлиқ бўлади. Имкон қадар керакли бўлган ихчам сақловчи қурилмаларда сақлаш мақсадға мувофиқ бўлади. Агар керакли манзилға юбориш режалаштирилса ахборот техникалари ёрдамида амалға оширилмоқда.

Ўтган асрнинг 1970 йиллари охирида модем (маълумот узатувчи қурилма) дастурининг яратилиши микрокомпьютерларнинг ўзаро телефон тармоғи орқали фойдаланиб боғланиш имкониятини яратиб берилган. Интернетни илк маротаба академик мақсадлардан бошқа йўналишда фойдаланиш имкониятини яратди. Ўша даврдаги маълумотлар асосида форумларда фикрлар қолдириб бориш ва турли ёзишмаларға жавоб бериш мумкин бўлган ҳолат, жараён аста секинлик билан ривожланди. Мавжуд форумларда замонавий мавзуларни ёритиш иконияти очилди. Дунёвий, диний-маънавий масалаларға ўз фикр мулоҳазаларни билдириш оммалашиб борди.

Жаҳонда 1990 йилларда компьютерлар сони кун сайин оша бошланди. Интернетға уланганлари миқдори кескин ошгани кузатилди. Шунини такидлаш жоизки фойдаланувчилар тизимға улансаларда, лекин уни ичидаги маълумотларни излаш ва топиш нисбатан қийин эди.

World Wide Web - (Бутундунё ўргимчак тўри) 1993 йилда дунё мамлакатлари учун бепул жорий этилиши бу масалаға тўлақонли йечим бўлди. Бутун дунё учун интернет тармоғидан ижобий фойдаланиш натижасида ва кидираётган турли хилдаги маълумотларни қийналмай топиш ҳолатлари мавжуд бўлди[6:12].

Кибер маконда бўлиб ўтаётган вазиятлар ёшларнинг реал ҳаётиға чуқур кириб бора олди. Оқибатда эса ёшларда турли яхши бўлмаган салбий ўзгаришларға олиб келди. Хулқдаги

тобеликнинг алоҳида хусусиятларини 9-11 синф ўқувчилари мисолида А.А.Антоненко томонидан ўрганилди[8:11]. А.А.Антоненко тадқиқотида ёш ўсмирлар ўзини тутишида намоён бўлган Интернет ва шу билан онлайн суҳбатлар ва компьютернинг турли қизиқарли ўйинларига тобеликнинг кузатишимиз мумкин. Ўзига хос кўринишлари ва салбий оқибатларини топиш мумкин. Унинг олдини олувчи турли психопрофилактик методни ишлаб чиққан.

Тобора шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунни илғор ва замонавий технология-техникаларсиз тасаввур этиш жуда қийин. Барчаси реал ҳаётимизнинг асосий шаклиға айланиб улгурди. Instagram, Twitter, YouTube, Facebook, Telegram ва бошқа ижтимоий сервислардан яхши ва кўплаб фойдаланиш инсоннинг реал дунёдан яққаланиб қолишиға олиб келди. American Journal of Preventive Medicine тиббий журналида чоп этилган таҳлил шу ҳолни кўрсатди.

Элизабет Миллер тиббиёт фанлари доктори ва педиатрия профессорининг таъкидлашича, мавжуд ижтимоий тармоқларнинг зарари ҳақида ўта узоқ вақтға мўлжалланган ҳулосалар чиқариш ҳали жуда эрта. Бунда нима пайдо бўлгани – яққаланиш ёки ёлғизлик ҳисси, ижтимоий тармоқларға қизиқиш - билишмайди. Балким дастлаб ўзларини ёлғиз ҳис қилган ёш авлод ижтимоий тармоқларға қизиқиш билдиришган. Ижтимоий тармоқлардан жуда кўп фойдаланиш реал ҳаётдан ажралиб қолишға олиб келган бўлиши мумкин. Иккита муҳим омил уйғунлиги ўз аксини топа олиши мумкин.

Илмий изланувчи ва турли тадқиқот ишларини олиб боровчи олимларни баёнотиға кўра ижтимоий тармоқлар инсонларнинг бўш вақтини ўғиллаб қўяди. Бу реал вақт давомида инсонлар бошқалар билан мулоқот қилишлари мумкин. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар ҳамкасблар ва дўстлар ҳаётини кузатиш имконини беради, бунинг натижасида одамларда ҳасад ёки ўз ҳаётдан қоникмаслик ҳисси пайдо бўлиши мумкин.

Дунёдаги глобаллашув жараёнида информатсион хуруж ва таҳдидлар инсон қалбига жуда катта таъсир кўрсатиб долзарб муаммоларға айланмоқда. Қизиқарли жараён ва ахборотлар оқими кириб келиши даражаси

кун сайин ошмоқда. Сухбат куриш жойлари кун сайин ривожланиб бориши инсон ҳаёти учун қулай имкониятлар очиб беради. Жаҳонда бўлаётган турли ўзгаришлар ва янгиликларга гувоҳ бўляпмиз. Замонавий ва илғор техни воситаларини онсонгина бошқара оламиз. Жараёндаги техникалар эса бизни бошқаришга интилоқда. Оламдаги бу глобаллашув ҳолати инфор­мацион жараёнлар ва ахборотлар алмашинув тезлиги, техника жиҳозларни янги маркаларини жадаллик билан яратилиши ёки кибер маконни ахлоқ меъёрларида чегара билмаслиги ифода­моқда. Ушбу ҳодисаларга яхши ёки ёмон мослашиш бу ҳар бир инсоннинг қалби ва иродасига боғлиқ бўлади[10:15].

Соғлом қалб ва руҳиятга эга бўлган инсонлар оилада тарбияланади. Фарзанд бу оламга келгандан сўнг авваламбор оила аъзолари ёнида бирламчи ҳаёт дарсини эгаллайди. Халқимизда ажойиб бир гап бор - Куш уясида кўрганини қилади.

Бу дунёда фарзандимизни яхши яшаши ва фаолият юритишига замин яратишимиз жоиз. Инсон танасидаги сезги органлари орқали қабул қилинган маълумот онгимиздаги тафаккур жараёнида анализ қилинади ва белгиланган тартибда бўлақларга бўлинади. Инсон онгидаги мавжуд ахборот билан солиштириш натижасида ҳулоса чиқарилиб ўз мустақил фикрини баён эта олади. Шакилланган шахсий фикр мустақил фикрлашни ўргатади. Онги ва дунёқарашни кенгайтиради, сўз бойлигини имкон қадар оширади[11:26].

Она ватанга, ота – онага, дўстларига, ўз яқинларига бўлган яхши ижобий сифатларни кўрсатади. Ўз тарихимизни чуқур билишга ёки ўз­лигимизни англашга ёрдам беради. Реал ҳаётдаги ахборотлар инсоннинг қалбига ва тинч ҳаётимизга жадаллик билан раҳна солмоқда. Буни биз “Инфор­мацион таҳдидлар” деб атаимиз. Ўзбекистонимиз дунё билан биргаликда, ҳар соҳада ўз ютуқларига самарали эришмоқда. Бир пайтда бундай таҳдидлар миқдори кўпайиб бормоқда.

Бундай инфор­мацион хуружларга алданиб қолмаслик ва уларни тасирига тушиб қолиш, кибер макондан нотўғри фойдаланиш натижасида ёшлар орасида кўпроқ учрайди.

Одамзод онгги ўзига тегишли бўлган ва тегишли бўлмаган ахборотларни бир ҳилда қабул қилади. Вақт ўтиши билан ўз фикрини билдиради[12:15].

Эндиликда душман қурол кўтариб ватанимизга қуч ва ҳамла қилиши шарт эмас. Бунда уруш полигонлари энди инфор­мацион, маълумотлар ва маънавиятда ўз аксини намоён қилмоқда. Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Исло­м Абдуғаниевич Каримов таъбири билан айтганда “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ қучга эга.” Исло­м Каримов бундан 16 йил аввал интернет орқали кириб келиши мумкин бўлган барча хавфларни кўра билиб, “Юксак маънавият – енгилмас қуч” аса­рида шундай ёзган эди: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан қуч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин” [14:15].

Россиядаги Интернет тараққиёти фонди фикрича 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар орасида ўтказган ижтимоий тадқиқотга кўра, ёшлар ва ўсмирлар учун биринчи инфор­мацион манбаи бу халқаро интернет ва ота-онаси экан. Дўстлар, телевизор, радио, ўқитувчилар, китоблар, ундан кейинги манбалар деб кўрсатилган. Юртимизда вазият бутунлай бошқача.

Ватанимиз фуқаролари доимо болаларини ўзидан ўзиши, ҳар томонлама соғлом бўлиб ҳаётга кириб бориши учун доимо ҳаёт билан курашиб яшаган. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш вазиятлар учраб туради. Маълумки ўзбек оиласида ёш ўсмирлар учун биринчи маълумот — бобо-буви, ота-она ва албатта ўқитувчилар бўлишган. Кибер дунёдан қандай фойдаланиш оилавий аҳволга, тарбияга боғлиқ. Тарихан бир неча минг асрлардан буён яшаб келаётган бундай яхши эзгу анъана ва қадриятларимиз ёш авлодни ҳар томонлама яхши инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилган[13:11].

Ёш авлод орасида интернет тармоқларга қизиқиб кетган, ижтимоий-психологик жараёнлар орасида қолмоқда. Соҳа

вакиллариинг фикрича, ҳозирла кибер макондаги фаоллик бизнинг ёшларни ахлоқи, ўзини тутиши, маданиятига ўзининг ёмон таъсирини кўрсата бошлади. Ота-оналар ўзларининг зурриёдларини замонавий компьютер ёки планшетлардан бошини кўтара олмаслиги, кечалари телефон билан ҳамнафас бўлишлари ҳақида кўп эшитамиз.

Оммавий ахборот воситалари хабарларида 2016 йилда Россияда 720 нафар, Қирғизистонда 95 нафар, Қозоғистонда 33 нафар ёшлар айнан интернет ва ижтимоий ўйинлар оқибатида ўзларининг ширин жонига қасд қилишган. Ажабланарлиси шундаки 2017 йил 10 февралда Ростове-на-Дону да завод-фабрика ҳудуди яъни машҳур Дон дарёси соҳили атрофида 16 ёшлар чамаси боланинг жасади аниқланган. Тергов жараёнда ўсмирнинг дўстларидан деярли барчаси ҳаммасига «Кўк кит» ўйини сабабчи эканлигини такидлашган.

Ижтимоий тармоқлардан бири бўлмиш Facebook ва Instagram АҚШ ҳудудида, «ВКонтакте» Россияда жойлашган. Қозоғистон ички ишлар вазирлиги томонидан уларни техник блокировка қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Маълум бўлишича Қозоғистон ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари бу каби жиноятлар учун 100 та жиноий иш қўзғатилган. Бу каби ўйинлар натижасида 30 нафар болакай нобут бўлган.

Евгений Касперский («Касперский лабораторияси») раҳбарининг фикрича, мавжуд ижтимоий тармоқларга қалбан ва фикран боғланиб қолиш натижасида инсоннинг бутун омма фикри билан иш кўриш қобилияти ошади. Бир тўда оламон ортидан қулдек эргашиш қобилияти кун сайин ошади. Балоғатга йетмаган ёшлар ўз дўстлари билан турли гуруҳларга қўшилиб кетиш ҳисси ошади.

Кибер макон оламида инсон ўз хоҳиш истагини ярата олади. Ўзи хоҳлаган виртуал жараёнга кириша олади. Шу сабабларга кўра ёш авлоднинг ижтимоий тармоқларга қизиқиши юқори. Бунинг натижасида қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Оқибатда эса дунёқараши ўзгаради. Сиёсий-ҳуқуқий маданияти тўлиқ шаклланмайди. Ҳаётни тўлиқ тушунмай қолган ўғил-қизлар турли ғаразли, нопок мақсадларда кенг тарқатилётган маълумот оқими гирдобига тушиб қолиши эҳтимоли ортади[7:2].

Питтсбург университетининг Тиббиёт мактаби мутахассислари ижтимоий тармоқлар фойдаланувчининг руҳий ҳолатига жуда салбий таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида фойдаланувчи қанчалик кўп вақтини онлайн ўтказса унинг тушкунликка тушиш имконияти кун ва соат сайин ортиб бораверади. Маълум бўлишича ўз тадқиқотларига 19-32 ёшдаги 1787 нафар америкалик кўнгиллини жалб қилишди. Тадқиқот якунида ижтимоий тармоқлардаги фаоллик даражаси депрессияга тушиш имконияти билан бевосита боғлиқ экани буткул аниқлашди. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, кўнгиллилар ижтимоий тармоқдаги саҳифасига бир ҳафтада ўртача 25-30 маротаба киришган экан. Ҳар куни ушбу машғулоти учун 61-90 дақиқа вақт ажратилган.

Аниқланишича тушкунликнинг жиддий аломатлари тадқиқотда қатнашган ҳар тўртинчи фойдаланувчида яққол намоён бўлган. Ижтимоий тармоқларнинг фаол фойдаланувчиларининг тушкунликка тушиш хавфи бошқаларга нисбатан 2,7 мартага кўп. Брайан Приман тадқиқот муаллифининг айтишича бугунги кунда Facebook-депрессия деб ном олган. Бу феноменнинг юзага келишига бир қатор сабаблар келтирилган. Ижтимоий тармоқларда фаол бўлганлар онлайн ва реал ҳаётдаги номутаносиб ҳолатларга жуда кўп дуч келишади. Улар бошқа инсонлар профилидаги идеал ҳаёт тасаввури уларни тушкунликка олиб келади. Ҳар қандай фойдаланувчи депрессиянинг айланма ҳаракати таъсирига тушиши кузатилади. Мавжуд руҳий ҳолатининг ёмонлигини тушунган даврда инсон ижтимоий тармоқдан нажот қидиради. Аммо эътиборсизлик ёки номутаносиблик оқибатида аҳволи ёмонлашади.

Интернетдаги ва кампьютердаги ўйинлар инсон онгидаги нейронларни дастурламайди. Инсон онгидаги ҳолатни буткул ўзгартира олади. Инсонни турли трансфармация жараёнини ўзгартира олади. Натижада инсоннинг реал модели қандайдир ўзгаришлар содир бўлади.

Ижтимоий тармоқларнинг ОК, Telegram, Twitter, Facebook ва бошқа ижтимоий тармоқлар Катта Яқин Шарқдаги воқеаларда ушбу манбаларнинг аҳамияти турлича баҳоламоқда.

Намойишларда мазкур тармоқлар энг асосий вазифани бажарди. Бу воқеаларнинг ортида катта сиёсий манфаатлар ётгани кўришимиз мумкин. Facebook, Twitter, OK, Telegram эса бунда кўримсиз қул вазифасини ўтаб берган.

Террорчиларнинг кибермакондан қуйидаги мақсадлардан фойдаланишларини урғулайди: янги аъзоларни жалб қилиш, хайрия жамғариш, тарғибот-ташвиқот, психологик кураш, ўзаро алоқани таъминлаш, ўқув-малака ошириш ва бошқалар.

Ўзбекларни йўлдан оздириб, улар ўртасида ўзаро низо туғдириб, жамиятимизнинг, давлатимизнинг, халқимизнинг бирлигига ҳамда тотувлигига раҳна солишни ният қилганлар ўзларининг бундай хатти-ҳаракатларини очик-ойдин амалга ошираётганликлари реал бир ҳақиқат. Масалан Telegram тармоғида бўлаётган жараёнларни кўришимиз мумкин. Интернет сайтларидаги бузғунчилик чиқишлари билан чегараланиб қолаётганлари йўқ[8:15].

Ўтиш даврида барча ўсмирда муаммолар бўлмайди дейсиз? Баъзан ота-оналари уларни тушунмаётгандек, мактаб эса фақат муаммолардан иборатдек, бутун дунё уларга қаршидек туюлади уларга.

Д.Н.Карпова фикрича, онлайн мулоқотда кузатилиши мумкин бўлган хавфларнинг очик турлари мавжуд. Бу очик турдаги хавфлар сирасига қуйидагиларни киритган:

- *коммуникацион хавфлар* – мазкур жараёни амалга ошироқчи бўлган шахс бошқа бир инсон билан дўстона муносабат майдонини ҳосил қилади ва унга психологик ёки жисмоний шикаст етказди.

- *киберхавфлар* молиявий маблағлар, шахсий маълумотларини манипуляция қилиш орқали қасддан бажарилган иш. Хавфга учраган инсонга сиёсий, маънавий, ғоявий, маданий ва бошқа турдаги зарарларни етказиш мақсад қилинади;

- *контент хавфлар* – зарarli интернет-контентлар. Хавфли контент деганда, инсоннинг психик, жисмоний саломатлигига дисфункционал таъсир этиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади;

Техник жиҳатдан нима ишларни амалга ошириш лозим. Аввало IP адресларини

аниқлаш, марказий база орқали филтёр ва блоклаш ёки маънавий ресурсларга қайта жўнатиш лозим. Фойдаланувчи ўз телефони ёки плпншети ва бошқа девайсларнинг GPRS функцияларини ёпиб қўйиш. Олий таълим муассасаларида Cerio Control дастури орқали ижтимоий тармоқлар “Facebook”, “Twitter”, “OK”, Telegram ва «Кўк кит» ресурсларни филтёрлаш. Махсус дастурлар орқали барча провайдерлар “Facebook”, “Twitter”, “OK”, Telegram ресурсларни филтёрдан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Лекин биз техник жихоз ва дастурларга ишониб қолишимиз яхши самара бермайди. Чунки техникани инсон яратган барибир инсон қандайдир дастур орқали филтёрдан ўта олади. Демокчимизки, ота-оналар, дўстлар, синифдош ва курсдошлар бўлаётган жараёнларга бефарқ бўлмаслиги керак. Керакли жойларга хабар беришлари лозим[4:11].

Хулоса. Интернет оламда тобора авж олиб бораётган экстремистик ва террористик руҳдаги ахборотларни кенг жамоатчилик орасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида, маънавий-маърифий мазмундаги ахборотлар кўлами ва жозибадорлигини муқобил равишда кўпайтириб бориш бугунги кун талабига айланган. Бунинг учун барча соҳа вакиллариининг кибермакондаги тартибли амалиётини сифат жиҳатдан кўпайтириб бориш лозим.

Интернетдаги маълумотлар оқими, унинг ошқор этилиши инсон фаолияти ва хавфсизлиги масалаларига жиддий зарба етказишини инобатга олган ҳолда, ўсиб келаётган ёшларни кибермаконга олиб кирувчи воситалардан фойдаланишнинг техник кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда, ғоявий иммунитетни ошириш ҳамда кибергигиена маданиятини ривожлантиш керак. Кибермаконда кечаётган жараёнлар мураккаб ва улар зиддиятларга бой. Улар мунтазам равишда ижтимоий таҳлил қилиб боришни тақозо этади.

Умумий хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, кибермаконда кечаётган жараёнларнинг назарий жиҳатларини ўрганишни чуқурлаштириш ва рақамли дунёда олиб борилаётган экстремизм ва терроризмга қарши кураш ҳамда диний

вазят барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалий ишлар самарадорлигининг муҳим шартлардан биридир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбарлари бошчилигида ўтказилган видеоселекторда илгари сурган ташаббуслари. <https://kun.uz/news/2019/03/20/prezident-beshta-muhim-tashabbusni-ilgari-surdi-ular-nima>
2. Халқаро мониторинг ташкилоти. <http://www.internetworldstats.com/stats.htm> (2019 йил 30 июнь ҳолатига) (мурожаат санаси: 25.11.2019 йил)
3. Халқаро электр алоқа иттифоқининг 2017 йил 31 июлдаги статистик ҳисоботидан. Қаранг: <http://www.itu.int/ru/mediacentre/Pages/2017-PR37.aspx>
4. Абдуллаева Моҳира Заҳиджановна, Кибермакон ва ислом билан боғлиқ диний-маънавий жараёнлар. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати.
5. Helland Ch. Religion on the internet: a sociological inquiry into participation and community online. University of Toronto. 2004. - P. 39.
6. Антоненко А. А. Интернет-зависимость подростков от компьютерных игры онлайн-общения: клинико-психологические особенности и профилактика. Дисс., автореф. к.псих.н., М., 2014. 19 с.
7. Dadamukhamedov Alimjon Irgashevich. (2019). Development of national network and corporate networks (in the case of Tas-IX network). International Journal of Human Computing Studies, 1(1), 1-5. <https://doi.org/10.31149/ijhcs.v1i1.347>
8. Dadamukhamedov Alimjon Irgashevich. (2019). Development of national network and corporate networks (in the case of Tas-IX network). International Journal of Human Computing Studies, 1(1), 1-5. <https://doi.org/10.31149/ijhcs.v1i1.347>
9. Irgashevich, A. D. (2020). CLOUD TECHNOLOGIES IN ISLAMIC EDUCATION INSTITUTIONS. The Light of Islam, 2020(2), 167-176.
10. Irgashevich, D. A. (2020). Development of national network (tas-ix). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 144-151.
11. Dadamuxamedov, A., Turdali, J., & Mavlyuda, X. (2020). Electronic religious programs on islamic subjects on the example of the sanctuary of Al-Hakim Al-Termizi. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(7), 316-330.
12. Dadamuxamedov, A. (2020). THE IMPACT OF ONLINE COMMUNICATION ON YOUTH EDUCATION. International Engineering Journal For Research & Development, 5(6), 10-10.
13. Карпова Д.Н. Риски непрерывной онлайн-коммуникации: теоретико-методологические подходы к изучению. Дисс., автореф. к.соц.н., М., 2016.–С. 14.
14. <http://e-adabiyot.uz/jahon/183-yuksak-manaviyat-engilmas-kuch.html>

Турдали Саминжонович ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Замонавий ахборот коммуникация
технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси,
PhD.
Turdali82@mail.ru

Anvarjon Abdujborovich МАНКАМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Замонавий ахборот коммуникация
технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси,
PhD.
Mahkamovanvar2020@gmail.com

ШАХСНИ ТАНИБ ОЛИШДА ТАСВИРДАГИ ОБЪЕКТ БЕЛГИЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

АЛГОРИТМЫ ВЫДЕЛЕНИЯ ПРИЗНАКОВ ОБЪЕКТОВ НА ИЗОБРАЖЕНИИ В ЗАДАЧАХ ИДЕНТИФИКАЦИИ ЛИЧНОСТИ IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF OBJECT MARKINGS IN THE IMAGE IN TERMS OF IDENTITY

Аннотация: Ушбу мақолада қулоқ чаноғи тасвири асосида шахсни таниб олиш масаласида тасвирдаги белгилар ажратишнинг самарадорлигини ошириш алгоритмлари таклиф этилган. Ушбу алгоритмларнинг биринчи босқичида берилган тасвирлар Габор фильтри ёрдамида фильтрлаш амалга оширилади. Иккинчи босқичида эса геометрик белгиларни ажратиш усули ёрдамида қулоқ чаноғи тасвирларидан характерловчи белгилар ажратиш олинади. Ишлаб чиқилган алгоритмлар тасвирлар кўринишида берилган объектларни таснифлаш масаласини ечишга йўналтирилган турли кўринишдаги дастурий мажмуаларни ташиқил этишда қўлланилиши мумкин.

Калит сўзлар: биометрия, рақамли тасвир, таниб олиш, қулоқ чаноғи тасвири, белгиларни ажратиш, фильтр, Габор фильтри, Гаусс функцияси, геометрик белгиларни ажратиш усули.

Аннотация: В этой статье предлагаются алгоритмы для повышения эффективности разделения символов на изображении с точки зрения идентификации на основе изображения улитки. Изображения, представленные на первом этапе этих алгоритмов, фильтруются с использованием фильтра Габора. На втором этапе характерные признаки извлекаются из изображений улитки с использованием метода геометрического разделения признаков. Разработанные алгоритмы могут быть использованы при организации пакетов программ различного типа, направленных на решение задачи классификации объектов, заданных в виде изображений.

Ключевые слова: биометрия, цифровые изображения, обработка изображений, распознавание, изображения ушных раковин, выделения признаков, фильтр, фильтр Габора, функция Гаусса, метод геометрического разделения символов.

Abstract: This article proposes algorithms to increase the efficiency of character separation in an image in terms of identification based on the image of the cochlea. The images given in the first step of these algorithms are filtered using a Gabor filter. In the second stage, the characteristic characters are extracted from the images of the cochlea using the geometric character separation method. The developed algorithms can be used in the organization of software packages of different types, aimed at solving the problem of classification of objects given in the form of images.

Keywords: biometrics, digital image, image processing, recognition, ear image, feature extraction, filter, Gabor filter, Gauss function, principal components analysis, geometric character separation method.

Сўнгги вақтларда кириш тизимларини бошқариш, ахборотларни химоялаш диний-маърифий соҳаларда ҳам қўлланилаётгани ҳамда ушбу соҳада янги замонавий ва истиқболли ютуқларга эришилаётгани тақсинга лойик. Айниқса, диний-маърифий соҳалардаги кириш тизимларини бошқаришда шахсни тасвири асосида ва шахсий ID рақамларидан фойдаланиб келинмоқда. Олиб борилган

тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кулоқ чаноғи тасвири асосида шахсни таниб олишга асосланган биометрик тизимлар бошқа шу каби айрим биометрик технологияларга нисбатан яхши истиқболларга эга ва бир қатор афзалликларни мавжудлигини кўрсатди [1:4].

Масалан, шахснинг рухий ҳолатларига, мимик ўзгаришларига ва хис-туйғу ҳамда пардоз эффектларига боғлиқ бўлмайди. Бундан ташқари кулоқ чаноғи бошқа турли биометрик технологияларнинг аниқлик даражаси ва қўллаш учун кетадиган сарф-ҳаражатларнинг нисбий муносабатларига нисбатан ҳам яхши истиқболларга эга [2:3].

Техник қурилмаларнинг маълумотларни қабул қилиш хусусияти ва суратга олиш мобайнидаги ёруғлик даражалари каби омиллар тасвир сифатига турлича таъсир қилиши мумкин. Агар тасвир сифати ёмон бўлса, уни яхшилаш зарур. Чунки, сифатли бўлмаган тасвирларда белгиларни ажратиш ва таниб олиш самарали амалга ошмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам шахсни таниб олиш масаласида тасвир сифатини яхшилаш зарур.

Сўнгги вақтларда Габор филтрларига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда, чунки ушбу филтрлар ҳам фазовий, ҳам частотавий соҳаларда ўзларининг оптимал локаллаштириш хусусиятларига эга эканликларини кўрсатмоқда [4:5:7]. Габор филтрларидан жуда кўп соҳаларда, жумладан, текстурани сегментация қилиш, тасвирлардаги объектларни ажратиш, хужжатлар таҳлили, тасвир чегараларини аниқлаш, кўз қорачиғи асосида идентификация қилиш, тасвирларни кодлаш ва ифодалаш каби соҳаларда кенг фойдаланиб келинмоқда [6:8:9:10].

Ишнинг мақсади. Габор филтри ёрдамида филтрланган кулоқ чаноғи тасвирини характерловчи геометрик усул ёрдамида белгиларини ажратиш ва улар асосида таниб олиш масаласини ечишдан иборат.

Масаланинг қўйилиши. Фараз қилайлик, $\{T_1, \dots, T_i, \dots, T_m\}$ m та кулоқ чаноғи тасвири берилган бўлсин. Бу ерда $T_i = \left\| t_{x,y}^i \right\|$ бўлиб, $t_{x,y}^i$ тасвирнинг (x, y) координатали нуқтанинг

ранг қиймати, x ва y мос равишда тасвирнинг эни ва бўйидаги нуқталар сони.

Масалани ечиш усули: Габор ва Гаусс филтрларининг модуляциясини маълум бир частота ва йўналишдаги синусоидал текислик сифатида қаралади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$h(x, y) = g(x, y)s(x, y)$$

бу ерда $s(x, y)$ - комплекс синусоида, $g(x, y)$ - эса икки ўлчамли Гаусс функцияси. Комплекс синусоида ва икки ўлчамли Гаусс функцияси қуйидагича ифодаланади [11:12:13]:

$$s(x, y) = e^{-j2\pi(u_0x+v_0y)}$$

$$g(x, y) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{1}{2}\left(\frac{x^2}{\sigma_x^2} + \frac{y^2}{\sigma_y^2}\right)}$$

Икки ўлчамли Габор филтрини қуйидаги кўринишга ёзиш мумкин:

$$h(x, y) = e^{-\frac{1}{2}\left(\frac{x^2}{\sigma_x^2} + \frac{y^2}{\sigma_y^2}\right)} e^{-j2\pi(u_0x+v_0y)}$$

Филтрнинг частотавий характеристикаси қуйидагича ҳисобланади:

$$H(u, v) = G(u - u_0, v - v_0)$$

$$H(u, v) = 2\pi \sigma_x \sigma_y [e^{-2\pi^2[(u-u_0)^2\sigma_x^2 + (v-v_0)^2\sigma_y^2]}] =$$

$$= \frac{1}{2\pi \sigma_x \sigma_y} e^{-\frac{1}{2}\left[\frac{(u-u_0)^2}{\sigma_x^2} + \frac{(v-v_0)^2}{\sigma_y^2}\right]}$$

$$\sigma_u = \frac{1}{2\pi \sigma_x}, \sigma_v = \frac{1}{2\pi \sigma_y}$$

бу ерда



Гаусс функцияси (u, v) частотавий соҳани (u_0, v_0) га силжитишни амалга оширади. Шундай қилиб Габор филтрини частотавий соҳада (u_0, v_0) га, яъни координаталар бошидан

$\sqrt{u_0^2 + v_0^2}$ масофага ва йўналиши $\tan^{-1} \frac{u_0}{v_0}$ га силжитилган Гаусс функцияси сифатида қараш мумкин. Юқоридаги иккита формуладаги (u_0, v_0) Габор филтрининг фазовий соҳадаги марказий частотаси деб аталади. σ_x, σ_y

параметрлар Гаусс қобиғининг X ва Y йўналишлар бўйича стандарт четланишларидир ва улар филтър частотавий чизиғи кенглигини белгилаб беради. 1-расмда бир хил частотадаги, бироқ турли бурчаклардаги чизиқлардан ташкил топган тасвирлар учун Габор филтърининг натижалари кўрсатилган. Шунини кўриш мумкинки, ўзгариш ҳам θ бурчак йўналишида бўлганда θ йўналишдаги филтърнинг соҳадаги жавоби ҳам кучли бўлади [14:16:17]. Бу ҳолда оддий текислашдан кейинги бўсағалаш амалини бажариш тасвирни тўртта йўналишдаги чизиқларга мос келувчи тўртта соҳага ажратиш учун етарлидир. Тасвирни $(u_0, v_0, \sigma_x, \sigma_y)$ параметрлар билан аниқланган Габор филтри орқали ўтказиб тасвирдаги энергияси (u_0, v_0) фазовий частота нуқтасига яқин жойга жамланган барча компоненталарни оламин.



а)



б)

1-расм. бир хил частотадаги, турли бурчаклардаги тасвирлар учун Габор филтърининг натижалари

а) Берилган тасвир; б) Габор филтърининг 0, 45, 90 ва 135 йўналишларга мос бўлган оддий чизиқлар учун қўллаш натижалари

Тасвирни характерловчи белгилар самадорлигини баҳолаш белгилар ажратишнинг геометрик усули билан биргаликда амалга оширилди. Белгилар ажратишнинг геометрик усули қуйидаги қадамларда амалга оширилади.

1-қадам. Контур чизиқлари ажратилган, ҳар хил халақитлардан тозаланган ва скелети олинган қулоқ чаноғи тасвири k бўлақларга бўлинади.

2-қадам. Ҳар бир бўлақларда бир неча эллипслар ҳосил қилинади ҳамда ҳар бир эллипслар билан олдинги эллипслар орасидаги масофа бир неча пикселга катта қилиб олинади.

3-қадам. Ҳар бир эллипслар контур чизиқлари билан кесишадиган нуқталари сони p_j ($j = \overline{1, m}$) ҳисобланади ва у қуйидаги тўплам кўринишида ифодаланади.

$$P_i = \{p_1, p_2, \dots, p_m\}, (i = \overline{1, k}),$$

бу ерда m - шакллар сони.

4-қадам. Ҳар бир эллипснинг контур чизиқлари билан кесишадиган нуқталари

орасидаги d_j масофалар ҳисобланади.

5-қадам. Ҳар бир шаклдан

олинган d_j масофалар йиғиндисидан $D_t = \sum d_j$ ($t = \overline{1, m}$) компоненти Q_i тўплами шакллантирилади:

$$Q_i = \{D_1, D_2, \dots, D_m\}, (i = \overline{1, k}).$$


Q_i тўплам элементларидан идентификацион белгилар сифатида фойдаланилади.

Юқоридаги P_i ва Q_i тўпламлар асосида S_i белгилар тўплами қуйидагича шакллантирилади [3:15:18].

$$S_i = P_i \cup Q_i = \{p_1, p_2, \dots, p_m, D_1, D_2, \dots, D_m\} = \{s_1, s_2, \dots, s_{2m}\} (i = \overline{1, k})$$


$S_i (i=\overline{1,k})$ белгилар тўплами асосида идентификацион белгилар вектори, яъни $X = S_1 \cup S_2 \cup \dots \cup S_k = (x_1, x_2, \dots, x_{2kn})$ $x_i = s_i, i = \overline{1, 2kn}$.

Идентификацион белгиларни ажратиш учун кулоқ чаноғи тасвирини бир нечта бўлақларга бўлинган ва ҳар бир бўлақларда бир нечтадан эллипслар ҳосил қилинган намуналари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Кулоқ чаноғи тасвирини бир нечта бўлақларга бўлинган ва ҳар бир бўлақларда бир нечтадан эллипслар ҳосил қилинган намунаси

Тасвирни характерловчи белгилар самадорлигини баҳолаш белгилар ажратишнинг юқорида келтирилган кулоқ чаноғи тасвирини характерловчи белгиларини геометрик усулда ажратиш алгоритмлари билан биргаликда Габор филтрини қўллаш орқали амалга оширилган ва олинган натижалар 3-расмда келтирилган. Бунда таниб олиш k -яқин қўшнилар усулида амалга оширилди.



3-расм. Таниб олиш геометрик усулда ва Габор филтри билан биргаликда амалга оширилган натижаси

Усулни тажрибавий тадқиқоти.

Таклиф этилган алгоритмлардан фойдаланиб амалий масала ечиш учун Delphi дастурлаш тилида кулоқ чаноғи тасвирини характерловчи белгиларини ажратиш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурнинг функционал имкониятларини текшириш мақсадида 30 та шахснинг ҳар хил кўринишидаги кулоқ чаноғи тасвирларини характерловчи белгилари ажратиб олинди. Бунда ҳар бир синф (шахс) учун 15 та кулоқ чаноғи тасвири олинди.

Хулоса. Кулоқ чаноғи тасвири асосида шахсни таниб олиш масаласида белгиларни ажратиш алгоритмлари таклиф этилган. Мазкур белгиларни ажратиш алгоритмлари модели бошланғич тасвирларнинг Габор филтрига асосланган тасвирдаги объектни характерловчи белгиларини геометрик белгилар асосида кулоқ чаноғи тасвирини характерловчи белгиларини ажратишга асосланади. Ишлаб чиқилган алгоритмлар тасвирлар кўринишида берилган объектларни таснифлаш масаласини ечишга йўналтирилган турли кўринишдаги дастурий мажмуаларни ташкил этишда қўлланилиши мумкин.

Ушбу алгоритмлар натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, белгилар сони кам бўлганда Габор филтрини қўллашдан олинган натижа Габор филтрини қўлламасдан олинган натижадан самаралироқ бўлди. Белгилар сони кўп бўлганда аниқлик даражаси бир мунча юқори, бироқ ушбу белгиларни ҳисоблаш мураккаб бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Кухарев Г.А. Биометрические системы: Методы и средства идентификации личности человека. – СПб.: Политехника, 2001. – 240 с.
2. Jain A., Bhattacharjee S., “Address block location on envelopes using gabor filters,” vol. 25, no. 12, 1992.
3. Jain A., Ratha N., Lakshmanan S., “Object detection using gabor filters”, Pattern Recognition, vol. 30, pp. 295-309, 1997.
4. Weldon T. P., W. E. Higgins, and D. F. Dunn, “Gabor filter design for multiple texture segmentation,” Optical Engineering, vol. 35, no. 10, pp. 2852-2863, Oct. 1996.
5. Fazilov, S. X., Mahkamov, A. A., & Jumayev, T. S. (2018). Algorithm for extraction of identification features in ear recognition. In Информатика: проблемы, методология, технологии (pp. 3-7).
6. Фазылов, Ш. Х., Мирзаев, Н. М., & Мирзаев, О. Н. (2009). Об одной модели модифицированных алгоритмов распознавания типа потенциальных функций. Математические методы распознавания образов, 14(1), 200-203.
7. Jumayev, T. S., Mirzayev, N. S., & Makhkamov, A. S. (2015). Algorithms for segmentation of color images based on the allocation of strongly coupled elements. Studies of technical sciences, (4), 22-27.
8. Жумаев Т.С. Биометрик тизимларда тасвирни характерловчи белгиларини ажратиш алгоритми//“Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари” ёш олимлар, тадқиқотчилар, магистрант ва талабаларнинг Республика илмий-техник анжумани – Тошкент, 2013. I-қисм. 108-110 б.
9. Жумаев, Т. С., Мирзаев, Н. С., & Махкамов, А. С. (2015). Алгоритмы сегментации цветных изображений, основанные на выделение сильносвязанных элементов. Исследования технических наук, (4), 22-27.
10. Жумаев Т.С. Биометрик технологияларда кулок чаноғи тасвирига қўйилган талаблар ва уни таҳлили // Доклады Республиканской научно-технической конференции «Современное состояние и перспективы применения информационных технологий в управлении», Джизак, 5-6 сентября 2016 г., с.396-400.
11. Маҳкамов А.А. *К* яқин қўшнилар усули асосида кулок чаноғи тасвирининг геометрик белгилари бўйича шахсни таниб олиш алгоритмлари // ТАТУ хабарлари: – Тошкент, Ўзб.журнали, 2011.– № 2. 65-68 б.
12. Махкамов А.А. Алгоритмы идентификации личности человека по изображению ушных раковин // Электронный научный журнал «Исследования технических наук». Выпуск 4(18) Октябрь-Декабрь 2015. С. 28-32.
13. Маҳкамов А.А., Мадолимова Д.Ж. Кулок чаноғи тасвирини характерловчи белгилар ёрдамида шахсни таниб олиш алгоритмлари // «Информатики ва энергетика муаммолари», Ўзб.журнали, №1 2018.-49-55 б.

Alijon RAVSHANOV,

*International Islamic Academy of Uzbekistan
Teacher, Department of Islamic Economics and
Finance, Ziyarah Tourism
alijon.ravshanov@gmail.com*

ИСЛОМ МОЛИЯСИДА САЛАМ ТИЖОРАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

ПРИМЕНЕНИЕ ТОРГОВОГО КОНТРАКТА САЛАМ В ИСЛАМСКОЙ ФИНАНСОВОЙ СФЕРЕ

THE APPLICATION OF SALAM CONTRACTS IN ISLAMIC FINANCE

Аннотация: Ушбу мақола ислом фикҳида қабул қилинган салам савдосининг шартлари, ўзига хос хусусиятлари ва бошқа тижоратлардан фарқли жиҳатларини ёритишга қаратилган. Шунингдек, салам битимини ислом молияси муассасалари томонидан молиявий инструмент сифатида қўлланилишига доир масалаларни ҳам қамраб олган.

Калит сўзлар: фикҳ, ислом молияси, салам, бай, рабб ус-салам, муслам илайҳ, раъс ул-мол, муслам фих, ислом молияси муассасалари, ислом молиявий инструменти

Аннотация: Данная статья посвящена изучению условий и особенностей торговой сделки салам, принятой в исламской юриспруденции, и ее аспектов отличающих от других сделок. Также, в статье рассматриваются вопросы применения исламскими финансовыми институтами контракта салам в качестве финансового инструмента.

Ключевые слова: исламская юриспруденция, исламские финансы, салам, бай, рабб ус-салам, муслам илайх, раъс ул-мал, муслам фих, исламские финансовые институты, исламский финансовый инструмент

Abstract: This article is devoted to the study of the conditions and features of Salam sale contracts,

adopted in Islamic jurisprudence, and its aspects distinguishing it from other Islamic contracts. Also, the article discusses the application of Salam contract by Islamic financial institutions as a financial instrument.

Key words: *Islamic jurisprudence, Islamic finance, Salam, bai, rabb us-salam, muslam ilayh, ra's ul-mal, muslam fih, Islamic financial institutions, Islamic financial instrument.*

Ислом молиясида мушорака, музораба, муробаха, ижара сингари молиявий инструментлар қаторида салам савдоси тамойилларига асосланган молиялаштириш воситаси ҳам кенг қўлланилади. [2:65] Ушбу мақола салам савдосининг шартлари, ўзига хос хусусиятлари ва бошқа тижоратлардан фарқли жиҳатларини ёритишга ҳамда унинг ислом молиясида қўлланилиш масалаларининг муҳокамасига қаратилган.

Салам шундай савдоки, унда сотувчи муайян бир маҳсулотни харидорга келишув вақтида тўланадиган нарх эвазига келажакдаги маълум бир санада етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Ушбу савдода нарх нақд тўланади, сотилган маҳсулот эса кейинроқ етказиб берилади. Харидор “рабб ус-салам”, сотувчи “муслам илайҳ”, нақд тўланган нарх “раъс ул-мол” ва сотиб олинган маҳсулот “муслам фих” дейилади.

Салам савдосига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айрим шартлар билан рухсат берганлар. [11:147] Бу савдонинг асосий максоди зироатларини ўстириш ва экин ҳосилга киргунча оилаларини боқиш учун пулга муҳтож бўлган кичик деҳқонларнинг эҳтиёжларини қондириш эди. Рибо ҳақидаги ҳукмлар нозил бўлгандан сўнг бу деҳқонлар фоизли қарз ололмай қолдилар. Шунинг учун уларга ўзларининг зироат маҳсулотларини олдиндан сотишга рухсат берилди.

Араб тижоратчилари айрим маҳсулотларни экспорт қилиш ва айрим маҳсулотларни четдан ўз юртларига импорт қилиш билан ҳам шуғулланардилар. Уларга бу тижорат ишларини юргизиш учун доимо сармоя керак бўларди. Рибо ман этилган сўнг улар судхўрлардан қарз олишолмасди. Шунинг учун ҳам уларга маҳсулотларни олдиндан сотишга рухсат

берилди. Нақд тўланган баҳони олгандан сўнг улар тижорат ишларини осонликча давом эттирардилар.

Салам савдоси сотувчи учун жуда қулай, чунки у нархни олдиндан олади, харидор учун ҳам қулай, чунки салам олди-бердиларида нарх одатдаги нақд савдодан арзонроқ бўлади.

Салам савдосига келажак санага боғланган олди-сотдиларни тақиқловчи қонунларга истисно равишда рухсат берилган. Шунинг учун ҳам салам савдосини тартибга солувчи шартлар анча қаттиқ. Қуйида улар билан танишамиз.

Саламнинг шартлари:

а) Биринчидан, салам дуруст бўлиши учун харидор олди-сотди битимини имзолаётганда сотувчига нархни тўлиқ тўлаши керак. Бу нарсаси шарт, чунки харидор нархни тўлиқ тўламаса, қарз нарсани қарзга савдо қилгандек бўлиб қолади. Бундай савдо эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан қайтарилган.

Бундан ташқари, саламга рухсат берилишининг асосий ҳикмати сотувчининг савдо вақтидаги пулга бўлган эҳтиёжларини қондиришдир. Агар нарх унга тўлиқ тўланмаса, олди-сотди ўз моҳиятини йўқотади.

Шунинг учун ҳам фақиҳлар нархнинг тўлиқ тўланиши саламнинг шартларидан деб иттифоқ қилишган. Фақат Имом Молик: “Сотувчи харидорларга икки ёки уч кун муҳлат бериши мумкин, аммо муҳлатнинг берилиши битим шартидан бўлмаслиги керак”, – деган; [3:325]

б) Салам савдосини фақат сифати ва сони аниқ ўлчанадиган маҳсулотларга нисбатан қўллаш мумкин. Сифати ва сонини аниқ ўлчаб бўлмайдиган нарсаларни салам шартномаси орқали сотиб бўлмайди. Масалан, қимматбаҳо тошларни салам орқали сотиб бўлмайди, чунки ҳар бир қимматбаҳо тош бошқа қимматбаҳо тошдан сифати, ҳажми ёки оғирлиги жиҳатидан фарқланади, уларнинг аниқ характеристикасини белгилаш, одатда, имконсиз;

в) Салам савдосини муайян бир мол, махсус бир дала ёки деҳқон хўжалигининг маҳсулотига қўллаб бўлмайди. Масалан, агар сотувчи махсус бир даланинг буғдойини ёки

махсус бир дарахтнинг мевасини салам орқали етказиб бераман деса, бундай салам савдоси дуруст бўлмайди. Чунки ўша махсус даланинг буғдойи ёки махсус дарахтнинг меваси етказиб берилишдан олдин нобуд бўлиши мумкин. Демак, шундай эҳтимол бор экан, етказиб бериш масаласи ноаниқлигича қолади. Ушбу қоида етказиб берилиши ноаниқ бўлган ҳар бир маҳсулотга нисбатан қўлланилади; [3:325]

г) Салам орқали сотилиши мўлжалланган маҳсулотнинг сифати тўлиқ ёритилиши шарт; низога сабаб бўлувчи биронта тушунарсиз ҳолат қолмаслиги керак. Маҳсулот бўйича батафсил маълумотлар очик-ойдин баён қилинган бўлиши зарур;

д) Маҳсулотнинг миқдори ҳам умумий ўлчам бирликларида келишилган бўлиши керак. Агар маҳсулот унинг тижоратчилари ишлатадиган вазнлар билан ўлчанса, маҳсулот вазни ўшалар билан аниқлансин, агар маҳсулот ўлчамлар орқали белгиланса, маҳсулотнинг аниқ ўлчамлари ишлаб чиқилсин. Вазни тортиладиган нарсаси ўлчамлар билан аниқланмайди ва аксинча;

е) Шартномада етказиб беришнинг аниқ вақти ва жойи келишилган бўлиши керак;

ж) Салам олди-сотдиси битим имзоланиши билан дарҳол етказиб берилиши шарт бўлган нарсаларга нисбатан қўлланилмайди. Масалан, агар кумуш эвазига олтин сотиб олинаётган бўлса, шариат талабига биноан, иккаласи ҳам бир пайтнинг ўзида етказиб берилиши керак. Бунда салам савдоси ишламайди. Шунингдек, агар буғдой арпага айирбошланаётган бўлса, савдо дуруст бўлиши учун иккала маҳсулот ҳам бир пайтнинг ўзида етказиб берилиши лозим. Бунда ҳам салам савдосига рухсат йўқ.

Барча фақиҳлар юқоридаги барча шартлар тўлиқ бажарилмагунча салам савдоси дуруст бўлмаслигига иттифоқ қилишган. Бу шартларнинг ҳаммаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларига асосланган. Шундай ҳадисларнинг энг машҳури:

“Ким хурмони (бошқа бир ривоятда “бир нарсани”) салаф савдо қилса, маълум ўлчов, маълум вазн билан маълум муддатга салаф қилсин”. [11:149]

Бироқ ислом фикҳи мактаблари салам савдосининг шартлари бўйича бошқача фикрларни ҳам билдиришган. Шулардан айримларини келтириб ўтаемиз:

1. Ҳанафий мазҳаби вакиллари таъкидлашчи, салам савдосида сотиладиган маҳсулот шартнома кунидан то етказиб бериш кунигача бозорда топса бўладиган маҳсулот бўлиши керак. Шунинг учун ҳам агар маҳсулот шартнома имзоланиш пайтида бозорда мавжуд бўлмаса, бундай маҳсулотга нисбатан салам савдосини қўллаб бўлмайди. Етказиш кунидан бозорда мавжуд бўлиши кутилса ҳам, ундай маҳсулотнинг салам савдоси жоиз эмас. [4:189]

Лекин, қолган учта фикҳий мазҳаб вакиллари (Шофеъий, Моликий, Ханбалӣ)нинг фикрига кўра, шартнома имзоланиш пайтида маҳсулотнинг бозорда мавжуд бўлиши салам савдоси учун шарт эмас. Уларнинг наздида, салам савдоси жоиз бўлиши учун маҳсулот етказиш кунидан бозорда мавжуд бўлиши керак. [3:326] Бу фикр ҳозирги шароит учун мақбул тақлиф ҳисобланади.

2. Ҳанафий ва ханбалӣ мазҳабларига кўра, маҳсулотни етказиб бериш муддати шартнома санасидан бошлаб камида бир ой бўлиши шарт. Агар етказиб бериш муддати бир ойдан кам қилиб белгиланса, салам савдоси жоиз бўлмайди. Уларнинг айтишича, салам кичик деҳқонлар ва тижоратчиларнинг эҳтиёжлари учун рухсат берилган, шу боис маҳсулотни тайёрлаш учун уларда етарли вақт бўлиши керак. Улар бир ойнинг ичида маҳсулотни тайёрлашга улгурмасликлари мумкин. Салам савдосида нарх, одатда, нақд савдодан арзонроқ бўлади. Нархдаги ушбу тафовут маҳсулот етказиб бериш муддати маълум муддатга узайтирилгандагина етарли асосга эга бўлиши мумкин. Бир ойдан камроқ муддат ҳамиша ҳам нархга таъсир қилавермайди. Шунинг учун ҳам етказиб беришнинг энг кам муддати бир ой қилиб ўрнатилиши лозим. [3:323]

Имом Молик ҳам салам шартномасида етказиб беришнинг энг кам муддати кўрсатилиши керак дейди. Аммо, унинг фикрича, бу муддат ўн беш кундан кам бўлмаслиги лозим, чунки бозордаги нархлар ҳар икки ҳафтада ўзгариб туради. [4:190]

Бу назар Имом Шофеъий ва айрим ханафий фақиҳлар томонидан танқидга учраган. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саламнинг жоизлиги учун муддатнинг энг кам муддатини белгилаб бермадилар деб таъкидлашади. Ҳадисдаги ягона шарт шуки, етказиб бериш муддати аниқ айтилган бўлиши керак. Шунинг учун энг кам муддат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Томонлар хоҳлаган муддатни келишиб, белгилашлари мумкин.

Бу фикр ҳозирги шароит учун мақбул ҳисобланади, чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг кам муддатни белгилаб бермадилар. Фақиҳлар бир кун ва бир ой орасидаги турли муддатларни тавсия қилишган. Улар ўзларининг тажрибасидан ва молиявий муҳтож тижоратчиларнинг манфаатидан келиб чиқиб шундай тўхтамга келишгани ойдек равшан. Бироқ маҳсулот тайёрлаш ва етказиб бериш муддати – замондан замонга, макондан маконга ўзгариб турадиган нарсас. Бунинг акси ўларок, айрим пайтларда етказиб беришнинг эртароқ муддатини белгилаш тижоратчиларнинг манфаатида бўлиши ҳам мумкин. Нарх масаласига келсак, саламдаги нархнинг ўша кундаги бозор нархидан арзонроқ бўлиши вожиб бўлган шартлардан эмас. Сотувчи ўз манфаатларини ҳаммадан кўра ўзи яхши билгани боис, агар у ўз хоҳиши ва ихтиёри ила қабул қилаётган бўлса, эртароқ муддатни белгилашда ва қабул қилишда унга ҳеч ким қаршилиқ қилмаслиги лозим. Бугунги куннинг айрим уламолари ушбу назарни ҳозирги шароит учун энг қулай ечим дейишган. [4:191]

Салам – молиялаштириш воситаси

Салам савдоси замонавий ислом банклари ва молиявий муассасалари томонидан тадбиркорларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда ишлатилиши мумкин. [2:66] Муқаддам эслатилганидек, салам савдосидаги нарх маҳсулотлари дарҳол етказиб бериладиган савдодаги нархга қараганда пастроқ белгиланиши мумкин. Мана шу нархлардаги тафовут банклар ва молиявий муассасаларга етарли фойда қолдириши мумкин. Сотувчининг маҳсулотни келишилган санада етказиб беришини таъминлаш мақсадида ундан кафолат хати, кўчмас мулк ёки гаров

кўринишида таъминот талаб қилишлари мумкин. Агар вақтида етказиб беролмаса, банк кафолат берувчидан айна маҳсулотни етказиб беришни талаб қилиши мумкин; агар кўчмас мулк бўлса, мулкни соттириб, тушган пулга керакли маҳсулотни бозордан харид қилиши ёки қилган харажатларини қоплаши мумкин.

Салам савдосидаги замонавий банклар ва молиявий муассасаларни ташвишга соладиган ягона муаммо муассасаларнинг мижозлардан пул эмас, балки қандайдир маҳсулотлар олишидир. Фақат пул маблағлари билан муомала қилишга ўрганиб қолган муассаса учун ҳар хил мижоздан турли хил маҳсулот олиб, уларни бозорда сотиш осон эмас, албатта. Улар у маҳсулотларни етказиб берилишидан олдин сотишлари ҳам мумкин эмас, чунки бунга шариат рухсат бермайди.

Қачонки ислом молияси ҳақида сўзлайдиган бўлсак, ундаги энг муҳим нуқтани унутмаслигимиз зарур. Молиявий муассасалар фақат пул билан ишлаши керак деган ғоя ислом фикҳи таълимотига тўғри келмайди. Агар бу муассасалар ҳалол даромад олишни исташса, маълум даражада маҳсулотлар билан ишлашлари шарт, чунки шариатда фақат пулнинг ўзини қарзга бериб даромад олиш тақиқланган. Ислам иқтисодиётини жорий қилиш молиявий муассасаларнинг энг асосий тамойиллари ва фаолият йўналишларини ўзгартиришни талаб этади. Улар маҳсулотлар билан ишлайдиган махсус бўлинма ташкил қилишлари лозим бўлади. Бундай бўлинма салам шартномаси орқали маҳсулотларни сотиб олиб, оддий бозорда сотиш фаолияти билан шуғулланади.

Салам шартномасидан яна икки хил тарзда фойда кўриш мумкин.

Биринчидан, маҳсулотни салам орқали сотиб олгандан сўнг молиявий муассаса бу маҳсулотни параллел салам шартномаси бўйича бир хил санада етказиб бериш орқали сотиши мумкин. Саламнинг муддати иккинчи (параллел) олди-сотдида қисқароқ, нархи эса биринчи олди-сотдидагидан кўпроқ бўлиши мумкин, икки нарх ўртасидаги фарқ эса муассасанинг фойдасини ташкил этади. Саламнинг муддати қисқароқ бўлса, нархи баландроқ бўлади,

фойда ҳам кўп бўлади. Молиявий муассасалар шу тариқа қисқа муддатли молиялаштириш портфелларини шакллантиришлари мумкин.

Иккинчидан, иккинчи (параллел) салам шартномаси маълум сабабга кўра фойдали бўлмаса, муассаса учинчи шахсдан маҳсулотни сотиб олиш ваъдасини олиши мумкин. Бу ваъда кутилаётган харидор томонидан бериладиган бир томонлама ваъда бўлиши керак. Бу берилган ваъда савдо шартномаси кучига эга бўлмагани учун нархни олдиндан олишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам муассаса маҳсулотни қабул қилиб олиши билан ваъда ҳужжатида олдиндан белгиланган шартлар асосида каттароқ нарх эвазига учинчи шахсга сотади.

Учинчи вариантни ҳам гоҳида таклиф қилишади: етказиб бериш куни маҳсулот сотувчининг ўзига каттароқ нархга қайта сотилади. Аммо бу таклиф шариат тамойилларига тўғри келмайди. Харидорнинг сотиб олинган маҳсулотни сотувчига маҳсулот етказиб берилишидан олдин қайтариб сотиши умуман жоиз эмас. Агар бу олди-сотди каттароқ нарх эвазига амалга оширилса, унинг ҳукми рибо билан бир хилдир. Маҳсулот етказиб берилгандан сўнг сотувчига қайтариб сотилган тақдирда ҳам бу олди-сотди аввалги олди-сотди вақтида келишилмаган бўлиши керак. Шу сабабли бу таклиф умуман мақбул эмас. [4:194]

Параллел саламнинг айрим қонун-қоидалари

Ислам молиявий муассасалари параллел салам инструментида фойдаланаётганларида қуйидаги қонун-қоидаларга риоя қилишлари лозим:

1. Параллел салам битимида банк иккита ҳар хил шартномага киради. Бирида банк харидор, иккинчисида сотувчи ролида иштирок этади. Шартномалар алоҳида, бир-биридан мустақил, яъни бир-бирига боғланмаган бўлиши керак. Ҳар бир шартнома ўз кучига эга бўлсин, бирининг ижроси иккинчи шартноманинг ижросига тааллуқли бўлмасин. [4:194]

Масалан, агар А томон Б томондан 31 декабрда етказиб бериш шarti билан салам шартномасини тузиб, 1000 коп буғдой сотиб олса, А томон параллел салам шартномасини С томон билан тузиб, 31 декабрда етказиб

бериш шarti билан 1000 қоп буғдой сотиши мумкин. Аммо С томон билан параллел салам шартномасини тузаётганда буғдойнинг етказиб берилишини Б томондан олиш шартига боғламаслиги керак. Б томон буғдойни 31 декабрда етказиб беролмаса ҳам, А томон 1000 қоп буғдойни С томонга етказиб беришга мажбур бўлиб қолаверади. У келишилган маҳсулотни Б томондан ундиришга ҳар қандай чора кўрмасин, буғдойларни С томонга етказиб бериш мажбуриятини ўзидан соқит қилолмайди.

2. Параллел салам битимини фақат учинчи шахс билан тузишга рухсат берилган. Биринчи салам битимида сотувчи бўлган шахс параллел битимда харидор бўлиб иштирок этиши жоиз эмас, чунки бундай муомала шариатда тақиқланган “сотди – қайта сотиб олди” шартномасига айланиб қолади. Иккинчи шартномада харидор бошқа юридик шахс бўлса-ю, аммо биринчи шартномадаги сотувчининг мулкида бўлса, бундай параллел салам битими ҳам жоиз бўлмайди, чунки бундай савдо битимининг асли “сотди – қайта сотиб олди” шартномаси билан бир хил ҳукмда бўляпти. [4:195]

Масалан, А томон 1000 қоп буғдойни Б акционерлик жамиятидан салам орқали сотиб олди. Б акционерлик жамиятининг С номли шуъба корхонаси бор. Бу шуъба корхона алоҳида юридик шахс бўлиб, унинг эгалик ҳуқуқи тўлиқ Б жамиятига тегишлидир. А томон параллел салам савдосини С шуъба корхонаси билан бирга тузолмайди. Бироқ С шуъба корхонасининг эгалик ҳуқуқи тўлиқ Б жамиятига тегишли бўлмаганида, А томон у билан параллел саламни имзолаши мумкин бўларди. Айтайлик, Б акционерлик жамияти ва С шуъба корхонаси айрим умумий таъсисчиларга эга бўлса, А томоннинг С шуъба корхонаси билан параллел салам битимга кириши жоиз бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. AAOIFI (2015) “Full text of Shari’ah Standards for Islamic Financial Institutions as at December 2015”, King Fahd National Library, Manama, Kingdom of Bahrain, 2015.
2. Al-Fijawi, Mohammed Farid (2016) “Salam (forward sale) and Istisna’ (manufacture contract) in Modern Applications: A Maqosid al-Shari’ah Perspective”, International Journal of Business, Economics and Law, Vol. 9: Issue 5 (Apr), 2016.
3. Al-Maqdisi, Abdullah bin Ahmad (1981) “Al-Mughni: Ibn Qudamah”, Vol. 4, Riyadh, KSA, 1981.
4. Usmani, Muhammad Taqi (1998) “An Introduction to Islamic Finance”, Jamia Darul Uloom Karachi, Karachi, Pakistan, 1998.
5. Аминов Х., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2017.
6. Байдаулет Е. Исломий молия асослари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
7. Батирова Н., Абдурасулов Б. Ислом иқтисодиётида акциялар савдоси. Ислом тафаккури. – Тошкент, 2020, № 3. – Б. 114-116.
8. Зоҳид Р., Деҳқон А. Мухтасар – Шариат қонунларига қисқача шарҳ. – Т.: “Чўлпон”, 1994.
9. Равшанов А. Ислом молиясида ижара ва лизинг шартномалари. Ислом тафаккури. – Тошкент, 2020, № 2. – Б. 121-128.
10. Равшанов А. Ислом молиясида кафолат хизмати учун ҳақ олиш масаласи. Ислом тафаккури. – Тошкент, 2020, маҳсул сон. – Б. 102-104.
11. Шайх Муҳаммад Юсуф М. Кифоя – Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорийнинг “Мухтасар ул-Викоя” китобига шарҳ. Т.: “Ҳилол-нашр”, 3-жуз, 2015.

РЕЦЕНЗИЯ НА КНИГУ:

Зиёдов, Шовосил. Материалы по среднеазиатской сфрагистике (Ташкент. XIX – начало XX вв.). Каталог оттисков печатей. Самарканд: Международный институт центральноазиатских исследований; Международный научно-исследовательский центр Имама Бухари; Институт востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан; Иранские и Индийские миры (CNRS), 2020. – 176 с.

Выход рецензируемой книги означает активизацию исследований в области исламской сфрагистики, которая гораздо слабее разработана по сравнению с западноевропейской наукой. Одной из причин отсталости данного направления называется неполнота опубликованных каталогов рукописных собраний в части описаний печатей. По мнению специалистов, около четверти или большей части существующих рукописей содержат в себе оттиски печатей бывших их владельцев. Однако в изданных каталогах рукописей очень часто ничего не говорится об оттисках печатей. Даже если они упоминаются, то называются лишь имена владельцев и даты их изготовления (если таковые выгравированы на легендах печатей). Таким образом, богатый исторический и культурный материал выводится за черты ведущихся исследований. Такая негативная практика в описании рукописей оказала свое отрицательное влияние на развитие исламской сфрагистики.

В этой связи следует обратиться к одному случаю из нашей практики. Известно, что «Собрание восточных рукописей» (СВР)¹ заслуженно признается в качестве авторитетного пособия для специалистов-манускриптологов. В

нем описано около 7 тысяч списков сочинений, что составляет примерно 30% рукописного фонда Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни. В частном письме в 1999 г. наш покойный учитель, прославленный арабист А.Б. Халидов (1929–2001) сообщал о том, что в конце 1980-х гг. он приехал в командировку в Институт востоковедения имени Абу Райхана Беруни для работы с рукописями, отмеченными оттисками печатей вакфа Ходжа Мухаммада Парса (1345–1420). Однако он не был допущен в фонд рукописей с заявлением, что, дескать, все рукописи с оттисками искомых печатей описаны и опубликованы в СВР. А.Б. Халидов поработал с томами СВР в читальном зале институтской библиотеки и опубликовал свою знаменитую статью.² В статье были проанализированы 57 томов рукописей, 34 из которых происходят из фонда Института имени Абу Райхана Беруни.

Случайное обнаружение нами нескольких рукописей с оттисками печатей вакфа Ходжа Мухаммада Парса, не охваченных СВР, побудило нас с автором настоящей книги доктором Шовосилом Юнусовичем Зиёдовым провести новые поиски рукописных книг из коллекции Парса в фондах Института имени Беруни. В результате наших исследований были обнаружена 81 рукопись, по каким-то причинам не попавшая в поле зрения проф. А.Б. Халидова. Результаты исследований были опубликованы в форме нескольких статей.³ Цифры 34 и 81 имеют символическое значение для будущих исследователей исламской сфрагистики.

² Халидов А.Б. Рукописи из библиотеки Мухаммада Парса // Петербургское востоковедение, выпуск 6. Санкт-Петербург, 1994, с. 506-519.

³ Muminov A., Ziyodov Sh. “L’horizon intellectuel d’un érudit du XVe siècle: nouvelles découvertes sur la bibliothèque de Muhammad Pârsâ”, in: Cahiers d’Asie centrale, vol. 7 (1999), p. 77-98; Muminov A., Ziyodov Sh. et Nekrasova E. “La “Bibliothèque de Khwâja Muhammad Pârsâ” revisitée”, in: Écrit et culture en Asie centrale et dans le monde turco-iranien, Xe-XIXe siècles, Francis Richard et Maria Szuppe (eds.), [Studia Iranica. Cahier 40]. Paris: Association pour l’Avancement des études iraniennes, 2009, p. 17-41.

¹ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Томы I–XI. Ташкент, 1952-1987.

Рецензируемая книга опирается на результаты проведенных исследований 13526 единиц рукописей из «Основного фонда» Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни. В ходе работы были просмотрены все существующие рукописи с целью выявления оттисков печатей. Каждая печать была зарегистрирована и зафиксирована на фото.

В итоге этих исследований были сняты 187 оттисков печатей из всех 471 оттиска в рукописи № 7633: они были описаны и подготовлены для опубликования.

В эту книгу вошли 187 оттисков печатей, имеющие отношение к Ташкентскому региону. Мы надеемся, что выход этой книги даст серьезный импульс будущим исследованиям в области арабиграфической сфрагистики в Центральной Азии. До сих пор публикации в данной области носили случайный и фрагментарный характер. Среди них особо следует отметить профессионально исполненные монографии Голиба Негматовича Курбанова (1956–2020), ученика выдающегося нумизмата и сфрагиста Е.А. Давидович (1922–2013). Первая из них была посвящена публикации бухарской коллекции печатей (67 печатей и оттиски 175 печатей).⁴ Во второй были представлены материалы по среднеазиатской сфрагистике XIX – начала XX веков.⁵

Для расширения рамок и дальнейшей активизации исследований в области исламской сфрагистики требуются согласованные действия специалистов. Например, Валерий Вячеславович Полосин (1939–2014) и Ефим Анатольевич Резван предлагали заполнить следующие пункты для создания базы данных оттисков печатей: 1. Форма оттиска (круглая, овальная, прямоугольная, квадратная, восьмиугольная, ромбовидная, в виде раскрывающегося бутона, миндалевидная и т.д.). 2. Размеры (в миллиметрах).

⁴ Курбанов Г. Бухарские печати XVII – начала XX веков (каталоги). Ташкент, 1987.

⁵ Курбанов Г. Материалы по среднеазиатской сфрагистике. Бухара. XIX – начало XX вв. Ташкент, 2006.

3. Типы печати: а) текст в белом; б) текст в черном; в) комбинированный (текст в белом и черном). 4. Легенда печати (полный текст на языке оригинала). 5. Гребешки печати. 6. Имя владельца печати. 7. Девиз (эпиграф) печати. 8. Дата печати. 9. Форма картуша с текстом. 10. Принадлежность вакфу. 11. Дополнительные заметки (библиография о публикациях; сведения о других рукописях с данной печатью; биографические данные о владельце печати).⁶

Другая отличительная черта рецензируемой книги состоит в обеспечении издания высококачественными снимками каждой из печатей. Это позволит использовать данные книги с легкостью в будущих исследованиях.

Умножение количества исследований по исламской сфрагистике имеет большое значение для углубления разработок по терминологии для обозначения типов орнаментов, используемых для оформления печатей. На таких лучших образцах работ можно воспитать новые поколения исследователей и специалистов в данной области знания.

⁶ Polosin, Val.V. and Rezvan, Efim A. The Asiatic Museum Project: 1. Data-Base on Muslim Seals, in: Manuscripta Orientalia. Vol. 1. No. 1, July 1995, p. 53-55.